

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ  
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

АЗИМ ҲОЖИЕВ

# ТЎЛИҚСИЗ ФЕЪЛ



ЎЗБЕКИСТОН ССР „ФАН“ НАШРИЁТИ  
Тошкент — 1970

Монография ўзбек тилшунослигидагина эмас, умуман туркологияда жуда кам ўрганилган масалалардан бирига — тўлиқсиз феъл формалари ва улар ёрдамида ясалувчи феъл формаларининг маънолари, вазифалари ва қўлланишдаги хусусиятларини ўрганишга бағишланган. Ишда эди, экан, эмиш тўлиқсиз феълларининг отлар билан қўллангандаги хусусиятлари ва улар ёрдамида ясалувчи феъл формаларининг хусусиятлари ҳозирги ўзбек тили фактлари асосида ёритиб берилди.

Китоб тилшунос — туркологлар, олий ўқув юр்தларининг ўқитувчилари, аспирантлари ва студенлари учун мўлжалланган.

Масъул муҳаррир  
филология фанлари доктори  
Ф. АБДУЛЛАЕВ

## СЎЗ БОШИ

Аслида, *э-* < *эр-* ўзагидан ясалган ва кўпчилик адабиётларда «тўлиқсиз феъл» («недостаточный глагол») номи билан юритилувчи *эди, экан, эмиш* каби формалар ўзбек тилшунослигидагина эмас, умуман, туркологияда махсус текшириш объекти бўлган эмас. Бу формалар ўзбек тили грамматикасига оид дарслик ва қўлланмаларнинг айримларида махсус сарлавҳа остида («тўлиқсиз феъл» сарлавҳаси остида) берилиб, ҳар бирининг маъноси ҳақида алоҳида-алоҳида гапирилса, баъзи ишларда феълнинг маълум бир грамматик категорияси доирасида (масалан, замон категорияси доирасида) берилади.

Тўлиқсиз феъл формаларининг маъно ва вазифалари бирорта ишда ҳам ҳали тўла ҳал этилган эмас. Уларнинг кўпгина маъно ва вазифалари ҳали очилмаган. Шунингдек, улар ҳақида айтилган фикрлар ҳам кўп ҳолларда бир-бирига мос келмайди.

Тўлиқсиз феъл формаларининг маъно ва вазифаларини ҳар тарафлама тўла ўрганиш ҳозирги вақтда мунозарали айрим масалаларнинг тўғри ҳал этилишига ёрдам беради. Бундай масалалар эса анчагина. Масалан, биргина *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида феълнинг бир неча формаси ясалади: *ишлаган эди, ишлар эди, ишласа эди, ишламоқчи эди* ва ҳ. Лекин шу формаларнинг бирортасининг маъно ва вазифаси ҳақида тилшуносларнинг фикри бир хил эмас. Бунинг сабаби *эди* тўлиқсиз феълига хос хусусиятларнинг тўла ўрганилмаганлигидадир.

Хуллас, тўлиқсиз феъл формалари ва улар ёрдамида ҳосил бўлувчи феъл формаларининг маъно ва вазифаларини ҳар томонлама тўла ўрганиш ўзбек тилшунослигининг ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлган масалаларидан ҳисобланади.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида тўлиқсиз феъл ўзагидан ясалган қуйидаги формалар қўлланади: *эди, экан, эмиш, эса, эмас*. Булардан *эмас* фақат бўлишсизликни ифодаловчи формангга, *эса* формаси боғловчи вазифасини бажарувчи, воситага айланган. *Эмас* ва *эса* тўлиқсиз феълнинг *эди, экан* формалари каби турли-туман маъно ифодаловчи ва феълнинг турли шаклларини ясовчи воситалар сифатида қўлланмайди. Шунга кўра, *эмас* ва *эса* формасини *эди, экан, эмиш* формалари билан бирга текшириш объекти қилиб олишнинг бирор муҳим аҳамияти йўқ. Бинобарин, биз ҳам маъно ва вазифаси рағбатбаранг бўлган, феълнинг турли формаларини ҳосил қилишда иштирок этадиган ва ўзаро қандайдир муносабати бўлган *эди, экан, эмиш* формаларинигина текшириш объекти қилиб олдик. Мақсад — шу формалар ва уларнинг ёрдамида ясалувчи бошқа феъл формаларининг ҳозирги ўзбек адабий тилидаги маъно хусусиятларини, иложи борида (қўлимиздан келганича), тўла ёритиш. Ҳодисаларнинг моҳиятини очишда (керак бўлган ўринларда) тил тарихига оид фактларга ҳам мурожаат этилди.

Иш «Кириш» ва «Асосий бўлим»дан иборат. Кириш қисмда термин ва масаланинг ўрганилиши ҳақида қисқача тўхтаб ўтилди. Асосий қисмда *эса эди, экан, эмиш* формалари учун умумий бўлган хусусиятлар ҳақида гапирилгандан сўнг, ҳар бир форма алоҳида-алоҳида текширилди.

Бу иш шеърый тўпламлар, таржима ва фольклор асарлари, Тошкентда нашр этиладиган турли газета ва журналлар, оғзаки нутқ ва тил тарихига оид манбалардан тўпланган материаллардан ташқари, ўзбек совет адабиётига оид қирққа яқин роман, қирққа яқин повест, ўттиздан ортиқ драма асарлари ва икки юзга яқин ҳикоялардан тўпланган материаллар асосида ёзилди.

## 1. ТЕРМИН ҲАҚИДА

Асли ўзаги э- < эр- бўлган, ҳозирда мустақил маънога эга бўлмаган бу феълга нисбатан туркологик адабиётларда турлича терминлар қўлланиб келмоқда. Бу ўринда барча туркий тилларда қўлланган ва қўлланаётган терминлар ҳақида эмас, фақат рус ва ўзбек тилида ёзилган ишларда қўлланган терминлар тўғрисида қисқача тўхтаб, улардан қайси бири мақбул экани ҳақида ўз мулоҳазамизни айтмоқчимиз.

Рус тилида ёзилган ишларда «вспомогательный глагол», «недостаточный глагол», «неправильный глагол» «служебный глагол» терминлари, ўзбек тилида ёзилган ишларда «кўмакчи феъл»<sup>1</sup>, «ёрдамчи феъл»<sup>2</sup>, «тўлиқсиз феъл»<sup>3</sup> терминлари қўлланган. Булардан «кўмакчи феъл» ва «ёрдамчи феъл» терминлари русча «вспомогательный глагол» термини билдирган маънода, «тўлиқсиз феъл» термини эса рус тилидаги «недостаточный глагол» термини билдирган маънода қўлланган. Демак, ўзбек тилида ёзилган ишларда рус тилидаги «неправильный глагол» терминига мос келувчи термин қўлланмаган.

Рус тилида ёзилган ишларда ҳам, биринчидан, «неправильный глагол» термини махсус сарлавҳа сифатида ишлатилмайди, балки «вспомогательный глагол» сарлавҳаси остида шу термин ҳам қўлланади<sup>4</sup>. Иккинчидан, бу термин жуда кам ишларда қўлланган. Кейинги даврда яратилган ишларда бу термин деярли қўлланмайди. Фақат Б. О. Орузбаева 1955

<sup>1</sup> Қ. Рамазон, Х. Қайюми, Грамматика, сарф, ўрта мактаблар учун дарслик, 1-қисм (лотин алифбосида), Тошкент, 1937, 137-бет.

<sup>2</sup> О. Усмон, Б. Авезов, Ўзбек тили грамматикаси, 1-бўлим, Фонетика ва морфология (лотин алифбосида), Тошкент, 1940, 178-бет.

<sup>3</sup> А. Ф. Фуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 83-бет.

<sup>4</sup> М. А. Казем-Бек, Общая грамматика турецко-татарского языка, изд. II, Казань, 1846, стр. 180; Н. С. Будзинский, Краткая грамматика сартовского языка, Ташкент, 1910, стр. 61.

ийлда нашр этилган ишида э- феълининг «неправильный глагол»га хос хусусиятга эгалиги ҳақида гапиради<sup>5</sup>. Учинчидан, «неправильный глагол» термини қўлланган ишларда ҳам бу терминнинг изоҳи бир хил эмас. Масалан, акад. В. А. Гордлевский э- феълини «неправильный глагол» деб аташда унинг ҳозирги замони махсус кўрсаткичга эга эмаслигини ва бошқа хусусиятларини назарда тутса<sup>6</sup> (лекин бу хусусиятлар э- феълига хос хусусиятлар эмас), Б. О. Орузбаева бундай деб аташда сўроқ юкламасининг сўзга э- феълидан олдин қўшилишини асос қилиб олади<sup>7</sup>.

«Неправильный глагол» термини остида «продуктив бўлмаган тип асосида ўзгарувчи феъл»<sup>8</sup> тушунилар экан, э- тўликсиз феълига нисбатан бу терминни қўллаш тўғри бўлмайди. Умуман, э- феъли туркий системага кирмайдиган айрим тиллардаги (масалан, форс тилидаги) «неправильный глагол»ларга хос хусусиятларга эга эмас.

«Кўмакчи феъл», «ёрдамчи феъл» (русча «вспомогательный глагол», «служебный глагол») терминлари, умуман олганда, э- феълининг хусусиятига ҳам маълум даражада мос келади. Бу терминни қўллашда мазкур феълнинг муस्ताқил маънога эга эмаслиги, маълум грамматик маъноларни ифодалаш учун хизмат қилиши (ёрдам бериши) назарда тутилди<sup>9</sup>. Лекин «ёрдамчи феъл», «кўмакчи феъл» терминлари, шунингдек рус тилидаги «вспомогательный глагол», «служебный глагол» терминлари бирмунча кенг маънода бир-бирига алоқаси бўлмаган тил ҳодисаларига нисбатан умумий тарзда қўлланиб келяпти. Бу терминлар отларга бирикиб қўшма феъл ҳосил қилувчи қилмоқ, бўлмоқ (маъқул қилмоқ, маъқул бўлмоқ) феълларига нисбатан ҳам, феълларга бирикиб турли грамматик маъноларни ифодаловчи бошла, тур, чиқ, ёз (ишлай бошлади, ёзиб тур, ўқиб чиқди, йиқила ёзди) каби феълларга нисбатан ҳам, шунингдек, боғлама вазифасида қўлланувчи феълларга нисбатан ҳам ишлатилиб келмоқда.

<sup>5</sup> Б. О. Орузбаева, *Формы прошедшего времени в киргизском языке*, Фрунзе, 1955, стр. 50.

<sup>6</sup> Акад. В. А. Гордлевский, *Избранные сочинения*, II, М., 1961, стр. 31.

<sup>7</sup> Уша асар, 50—51-бетлар.

<sup>8</sup> Қаранг: О. С. Ахманова, *Словарь лингвистических терминов*, М., 1966, стр. 104.

<sup>9</sup> Қаранг: П. М. Мелиоранский, *Краткая грамматика казак-киргизского языка*, ч. I, Фонетика и этимология, СПб., 1894, стр. 46; Қ. Рамазон, Х. Қайюмий, Юқорида кўрсатилган асар, 37—40-бетлар; О. Усмон, Б. Аvezов, Юқорида кўрсатилган асар, ўша бет; «Современный казахский язык» *Фонетика и морфология (коллектив)*, Алма-ата, 1962, стр. 343—352.

Бу ижобий ҳол эмас, албатта. Ҳар бир тил ҳодисасининг ўзига мувофиқ (уни бошқа ҳодисалардан фарқлаб турадиган) номи бўлгани маъқул.

«Кўмакчи феъл», «ёрдамчи феъл» (русча «вспомогательный глагол») терминлари ҳозирги вақтда, кўпгина адабиётларда, феълларга бирикиб турли грамматик маъноларни ифодалаш учун хизмат қиладиган ва мустақил ҳолда ҳам қўлланиладиган *бошла, ёт, юр, кет, ол (ёза бошла, ишлаб ётибди, ковлаб кетди, ўқий олади)* каби феълларга нисбатан қўлланяпти. Биз ҳам «кўмакчи феъл» («вспомогательный глагол») терминини фақат шу турдаги феълларга нисбатан қўллаш тарафдоримиз.

Кейинги ўн беш-йигирма йил давомида ўзбек тилида нашр этилган ишларнинг деярли ҳаммасида э- феъли «тўлиқсиз феъл» номи билан юритилмоқда. Ўзбек тили ҳақида рус тилида ёзилган ишларда ҳам мазкур феълга нисбатан «недостаточный глагол» термини қўлланяпти.

«Тўлиқсиз феъл» термини ўзбек тилида рус тилидаги «недостаточный глагол» терминининг айнан таржимаси сифатида юзага келди<sup>10</sup>. «Тўлиқсиз феъл» термини биринчи марта А. Қ. Боровков, А. Ғ. Ғуломов, З. Маъруфов ва Т. Шермухамедовларнинг китобида қўлланган<sup>11</sup>. Ўзбек тили ҳақида рус тилида ёзилган ишларда эса «недостаточный глагол» термини анча илгарироқ қўллана бошлаган<sup>12</sup>.

Туркий тиллар ҳақида рус тилида ёзилган ишларда ҳам «недостаточный глагол» термини э- феълига нисбатан бирданга қўллана бошлаган эмас. Бу термин «вспомогательный глагол» терминига нисбатан кейин юзага келди<sup>13</sup>. Дастлаб э-тўлиқсиз феъли ҳам «вспомогательный глагол» («ёрдамчи феъл») сарлавҳаси остида берилиб, шу ўринда (шу сарлавҳа остида) унинг «недостаточный глагол»га хос хусусиятга эгаллиги айтилган<sup>14</sup>. Кейинчалик эса, бошқа ёрдамчи феъллардан

<sup>10</sup> Феълларга (-и)қ аффиксини қўшиш орқали ясалган сифатлардан -сиз аффикси ёрдамида сифат ясалиши (*тўл+иқ+сиз* каби) ўзбек тили учун норма эмас. Бундай структурали сўзлар калькаларда учраб қолади ва ундаги -сиз аффикси русча «неполный», «недостаточный» каби сўзлардаги не- маъносида қўлланади. Қиёсланг: *неполная средняя школа — тўлиқсиз ўрта мактаб, недостаточный глагол — тўлиқсиз феъл.*

<sup>11</sup> Қаранг: А. Қ. Боровков, А. Ғ. Ғуломов, З. Маъруфов, Т. Шермухамедов, Ўзбек тили грамматикаси, I-қисм, Тошкент, 1943, 185-бет.

<sup>12</sup> Қаранг: И. А. Киссен, И. П. Бибиқов, Ўзбекский язык, ч. I, Ташкент, 1938, стр. 142.

<sup>13</sup> М. А. Қазем-Бекнинг юқоридаги асарига кўрсатилишича (192-бет), Давидс 1832 йилда нашр этилган ишида бу феълни бошқа феъллардан ажратиб, тўлиқсиз феъл деб атаган.

<sup>14</sup> Қаранг: Акад. В. А. Гордлевский, Юқорида кўрсатилган асар ўша бет.

фарқланган ҳолда, ўзига хос хусусияти асосида атала бошлаган (яъни «недостаточный глагол» деб атала бошлаган). Демак, «недостаточный глагол» («тўлиқсиз феъл») терминининг юзага келиши маълум сабаб ва асосга эга.

«Тўлиқсиз феъл» («недостаточный глагол») термини тилшуносликда тусланишнинг тўла парадигмасига эга бўлмаган феълларга nisbatan қўлланади<sup>15</sup>. Бунда феълнинг мустақил маънога эгаллиги инкор этилмайди. Шу жиҳатдан айрим ўртоқлар э- феълга nisbatan «тўлиқсиз феъл терминини қўллаш унчалик асосли эмас» деганларида маълум даражада ҳақлидирлар<sup>16</sup>. Лекин э- феълни тўлиқсиз феъл деб атовчилар ҳам унинг мустақил маънога эга эмаслигини эътироф этадилар ва бундай деб аташда биринчи сабаб қилиб ҳам мазкур феълнинг мустақил маънога эга эмаслигини кўрсатадилар ва, шунинг билан бирга, феълларга хос барча формаларга эга бўла олмаслигини асосга оладилар<sup>17</sup>. Шу жиҳатдан э- феълга nisbatan (маълум даражада шартли равишда) «тўлиқсиз феъл» («недостаточный глагол») терминини қўллаш мақсадга мувофиқдир. Бу термин э- феълнинг хусусиятига маълум даражада мос келиши билан бирга уни кўмакчи феъл вазифасида қўлланувчи феъллардан аниқ фарқлайди. Бу феъл учун «тўлиқсиз феъл» терминидан кўра мувофиқроқ термин топиш мумкин эмас ва бундай терминни қидириб ўтиришга эҳтиёж ҳам йўқ. Биз учун энг муҳими шундаки, «тўлиқсиз феъл» термини э- феълни турли грамматик маъно ифодаловчи ёки бошқа ёрдамчи вазифаларни бажарувчи барча феъллардан фарқлайди (ажратади). Талаб нуқтаи назаридан бир термин учун ана шунинг ўзи етарли. Э- феълга хос бошқа хусусиятлар эса таҳлил давомида айтилаверади.

## 2. МАСАЛАНИНГ ЎРГАНИЛИШИ

Э- тўлиқсиз феъли ўзагидан ясалган формалар туркий тилларнинг жуда кўпчилигида қўлланади. Лекин бу формаларнинг миқдори, маъноси, қўлланишдаги хусусиятлари туркий тилларнинг барчасида бир хил эмас. Айрим тилларда бу феълдан ясалувчи формаларнинг ҳозирги вақтда қўлланади-

<sup>15</sup> Қаранг: О. С. Ахманова, Юқорида кўрсатилган асар, 103-бет.

<sup>16</sup> Қаранг: В. Эгамбердиев, Ҳозирги замон ўзбек тилида «эмоқ» феъли, «Қарши Давлат педагогика институти илмий асарлари», 17-китоб, Қарши — Тошкент, 1965, 161-бет.

<sup>17</sup> Қаранг: Н. К. Дмитриев, Строй турецкого языка, Л., 1939, стр. 36; Виктор Решетов, Современный узбекский язык, ч. I, Ташкент, 1946, стр. 62.



ганлари беш-олтига етса (масалан, ўзбек тили), бошқаларида бир-иккитаси қўлланади (масалан, уйғур тили)<sup>18</sup>. Шунингдек, айрим туркий тилларда тўлиқсиз феъл формаларининг айримлари аффикс ҳолига келган бўлса<sup>19</sup>, баъзи тилларда тўлиқсиз феъл ҳозирда модал юкламага айланган<sup>20</sup>. Хуллас, тўлиқсиз феъл формаларининг туркий тиллардаги ҳозирги ҳолати бир хил эмас.

Туркий тиллар морфологиясига оид ишларнинг энг қадимгиларидан тортиб яқин кунларда яратилган ишларда ҳам тўлиқсиз феъл формаларининг маъноси ва бошқа хусусиятлари ҳақида озми-кўпми фикр баён этилган. Лекин тўлиқсиз феълнинг қайси формаси ҳақида ким нима деганини хронологик тарзда баён қилиб ўтирмаймиз. Ҳар бир форма ҳақида туркологик адабиётларда баён қилинган фикрларни шу форма таҳлил этилган бўлимда келтирамиз. Бу ўринда ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда тўлиқсиз феъл формаларининг берилиш (ўрганилиш) ўрни ва таҳлили масаласига қисқача тўхтаб ўтамиз.

Тўлиқсиз феъл формалари морфологиянинг «Феъл» бобида, шунингдек синтаксиснинг «кесим» бўлимида ҳам берилди. Лекин «Феъл» бобида ҳам, синтаксиснинг кесим ҳақидаги бўлимида ҳам тўлиқсиз феъл формаларининг берилиши ва улар ҳақида айтилган фикрлар бир хил эмас. Масалан, айрим ишларда *эди, экан, эмиш* формалари *боғламалар* қаторида келтирилса<sup>21</sup>, айримларида фақат *эди* формасигина келтирилади<sup>22</sup>.

Морфология бўлимида ҳам тўлиқсиз феъл формаларининг берилиши ва таҳлили ҳар хил. Айрим ишларда улар махсус сарлавҳа остида берилса<sup>23</sup>, баъзиларида феълнинг бирор фор-

<sup>18</sup> Қаранг: Ҳазирқи замон уйғур тили (коллектив), Алмута, 1966, 195—196-бетлар.

<sup>19</sup> Қаранг: Л. А. Покровская, Грамматика гагаузского языка, Фонетика и морфология, М., 1964, стр. 224.

<sup>20</sup> Қаранг: Ф. Г. Исхаков, А. А. Пальмбах, Грамматика тувинского языка, Фонетика и морфология, М., 1961, стр. 412.

<sup>21</sup> А. Ф. Фуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили, Синтаксис, Ташкент, 1961, 90-бет.

<sup>22</sup> А. Н. Кононов, Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960, стр. 371; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тошкент, 1962, 180—181-бетлар; проф. В. В. Решетов, Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент, 1961, стр. 213.

<sup>23</sup> А. Ф. Фуломов, Феъл, Ташкент, 1954, 83—86-бетлар; Проф. В. В. Решетов, Юқорида кўрсатилган асар, 129—131-бетлар; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқорида кўрсатилган асар, 143-бет.

масини ясовчи сифатида феълнинг айрим бўлимлари ичиди (масалан, феъл замонлари баҳсида) берилади<sup>24</sup>.

Бундан ташқари, айрим ишларда ўтган замон феъли ясовчилар қаторида фақат *эди* тўлиқсиз феъли келтирилса<sup>25</sup>, баъзиларида *экан*, *эмши*, тўлиқсиз феъли билан ясалган формалар ҳам ўтган замон формалари деб қаралади (яъни *экан*, *эмши* тўлиқсиз феъллари ҳам замон формасини ясовчилар қаторида келтирилади)<sup>26</sup>. Проф. А. Н. Кононов фақат *экан* ва *эмши* тўлиқсиз феъллари билан ясалган формаларни модал формалар қаторига киритса<sup>27</sup>, С. Усмонов *эди* тўлиқсиз феълни ҳам модал форма ясовчилар қаторига киритади<sup>28</sup>. С. А. Фердаус эса тўлиқсиз феълларнинг феълларга бирикиб қўшма феъл ҳосил қилиши ҳақида гапиради<sup>29</sup>.

Бу келтирилган фактлар ҳар бир тўлиқсиз феълнинг ўзига хос хусусияти ҳақидагина эмас, балки уларнинг барчаси учун умумий бўлган хусусиятлар ҳақида ҳам шу вақтга қадар бир фикрга келинмаганликни кўрсатади.

Тўлиқсиз феълларни махсус сарлавҳа остида текширмай, феълнинг қандайдир формасини ясовчилар сифатидагина текшириш тўғри бўлмайди. Чунки ҳозирги ўзбек тилида тўлиқсиз феъллар феълнинг қандайдир формасини яшаш билангина чегараланмайди. Улар отлар<sup>30</sup> билан ҳам бирикади ва феълларга бирикканда ифодаладиган маъноларининг кўпини отларга бирикканда ҳам ифодалайди. Шунга кўра, биринчидан, тўлиқсиз феълларнинг маъноси ва бошқа хусусиятлари ҳақида фақат феъллар доирасида гапириш улар фақат феъллар билан бирикади деган маънони келтириб чиқаради. Бу эса объектив ҳолатга мос келмайди. Иккинчидан, тўлиқсиз феълларни феълнинг бирор грамматик маънони ифодаловчи формасини ясовчилар сифатида (масалан, *эди* тўлиқсиз феълни ўтган замон феъли ясовчи, *экан*, *эмши* тўлиқсиз феълларини модал форма ясовчилар сифатида) бериш билан уларнинг

<sup>24</sup> У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1965, 78—80-бетлар; А. Н. Кононов, Юқорида кўрсатилган асар, 222—228-бетлар.

<sup>25</sup> А. Ғ. Фуломов, Юқорида кўрсатилган асар, 26—30-бетлар; Проф. В. В. Решетов, Юқорида кўрсатилган асар, 147—152-бетлар.

<sup>26</sup> У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Юқорида кўрсатилган асар, ўша бетлар.

<sup>27</sup> Уша асар, 272—276-бетлар.

<sup>28</sup> М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқорида кўрсатилган асар, 144—145-бетлар.

<sup>29</sup> Қаранг: «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (коллектив), I, Тошкент, 1966, 320-бет.

<sup>30</sup> «Отлар» термини умуман феъл бўлмаган сўзлар маъносида қўлланди, бундан кейин ҳам шу маънода қўллаймиз.

маъноси ва бошқа хусусиятлари тўла очилмайди. Масалан, *экан* тўлиқсиз феъли ҳозирги ўзбек тилида бир неча маъно ва вазифага эгаки, уни фақат бирор грамматик маънони ифодаловчи форма сифатидагина бериш ҳақиқий ҳолатга мос келмай қолади.

Хуллас, тўлиқсиз феълларни феълнинг бирор грамматик маънони билдирувчи формасини ясовчи воситалар сифатида текширмай, уларни махсус сарлавҳа остида бериб, ҳар бирининг маъно ва бошқа хусусиятларини алоҳида-алоҳида текшириш мақсадга мувофиқ бўлади ва шундай қилинганда, тўлиқсиз феъл формаларининг маъноси, вазифаси ва қўлланишдаги хусусиятлари тўла, яхлитлигича намоён бўлади.

## ТЎЛИҚСИЗ ФЕЪЛ ФОРМАЛАРИНИНГ МАЪНО ВА ВАЗИФАЛАРИ

Ортиқча такрорлар юз бермаслиги учун ҳар бир тўлиқсиз феълнинг маъноси ва бошқа хусусиятларига ўтишдан олдин улар учун умумий бўлган ҳодисаларга тўхтаб ўтайлик.

1. Э- феъли ҳозирги вақтда туркий тилларнинг бирортасида ҳам мустақил маънога эга эмас. Лекин унинг аслида мустақил маънога эга бўлганлиги қонуний ва бу нарса туркологик адабиётларда ҳам қайд этилган. Тил тарихига оид манбаларда мазкур феълнинг бўлишсизлик аффикси (-ма), шунингдек, -кан, -миш, -ди аффиксларидан бошқа форма ясовчиларни қабул қилганлиги ҳам унинг аслида мустақил маънога эга бўлганлигидан далolat беради:

ермөди сөнің атаң јазуз кіші нө ма ермөзді сөнің анан јазуз ішліг аврат. ол әждәрһа сүкәнгә јатіб әрдүкі тәг тајақ болді. тіріг бар әркінчә..<sup>1</sup>

Тил тарихига оид фактлар, шунингдек, э- ўзагидан ясалган *эди, экан* каби формаларнинг ҳозирги тилдаги маънолари тўлиқсиз феълнинг аслида фақат русча «быть» деган маънони эмас, балки «являться», «существовать» каби маъноларни ҳам ифодалаганини кўрсатади<sup>2</sup>. *Эди, экан, эмиш* формалари билдирадиган маъноларнинг келиб чиқиш асосини белгилашда тўлиқсиз феълнинг ана шу маънолари ва унга қўшилган аффикснинг маъно хусусиятидан келиб чиқиш керак бўлади.

2. Туркий тилларга оид адабиётларида, жумладан, ўзбек тилига оид айрим адабиётларда тўлиқсиз феъл формаларининг тусланиши ҳақида гапирилади ва, ҳатто, уларнинг шахс-сон билан тусланиш парадигмаси ҳам берилади. Лекин

<sup>1</sup> Қаранг: А. К. Боровков, Лексика среднеазиатского тюркского языка XII—XIII вв., М., 1963, стр. 79—81.

<sup>2</sup> Қаранг: А. М. Щербак, Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, М.—Л., 1961, стр. 162.

тўлиқсиз феълга нисбатан тусланиш ҳақида гапириш мумкин эмас. Чунки шахс-сон қўшимчалари ҳаракат бажарувчисини кўрсатади. Тўлиқсиз феълда эса бажариладиган нарса (ҳаракат) йўқ. Шахс-сон қўшимчалари гарчи тўлиқсиз феълга қўшилса-да (бу ҳам ҳамма вақт эмас), лекин бу қўшимчалар билдирган шахс тўлиқсиз феълга эмас, балки кесим вазифасида келган асосий феълга (ёки умуман кесимга) оид бўлади. Шунга кўра, мустақил маънога эга бўлмаган ва гапнинг мустақил бўлаги (кесими) вазифасида кела олмайдиган тўлиқсиз феълнинг тусланиши ҳақида гапириш ҳақиқатга тўғри келмайди.

3. Тўлиқсиз феъл формаларида ўзак билан унга қўшилган аффикс ҳозирги ўзбек тилида ҳам ташқи томондан аниқ кўриниб (ажралиб) туради: *эди* (<э+ди), *экан* (<э+кан//ган), *эмиш* (<э+миш). Лекин ҳозирги ўзбек тилида э- тўлиқсиз феъли мустақил-маъносини сақламагани каби, унга қўшилган аффикслар ҳам шу форма доирасида ўз хусусиятини тўла сақламаган ёки бутунлай йўқотган. Ҳатто, ўтган замон феълнинг бир неча турини ҳосил қилишда қатнашадиган *эди* тўлиқсиз феъли таркибидаги *-ди* аффикси ҳам ўз хусусиятини тўла сақламаган. Чунки *эди* тўлиқсиз феъли бор-жойда ҳамма вақт ҳам ўтган замон ифодаланавермайди. (Бу ҳақда ўз ўрнида гапирилади.)

4. Тўлиқсиз феъллар феъл формаларига бирикканда асосий феъл формасига хос маъно маълум даражада сақланиши мумкин. Лекин умумий маъно асосий феъл формаси билан тўлиқсиз феъл формаси маъносининг оддий арифметик йиғиндисидан иборат бўлмайди. Шунинг учун ҳам маълум формалар доирасида тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди ёки тушириш мумкин бўлган ҳолларда ҳам маъно бутунлай ўзгариб кетади. Масалан, *шлаётган экан*, *шлагувчи эди* формаларидан *экан*, *эди* тўлиқсиз феълларини тушириб қолдириш мумкин эмас (*шлаётган*, *шлагувчи* формалари кесим бўлиб кела олмайди). *Ишлар эди*, *билар экан* феълларидан *эди*, *экан* тўлиқсиз феъли туширилса, аниқлик маъноси гумон маъноси билан алмашади ва ҳ.

Демак, тўлиқсиз феъл билан шаклланган феълларда маъно бутунлиги билан бирга форма бутунлиги ҳам бўлади.

5. Тўлиқсиз феъл билдирган маъно фақат бирор сўзга эмас, бутун бирикмага ёки гапга тегишли бўлиши мумкин:

«Узунни қўй, қисқани кес» *экан-да дунёнинг иши* (С. Айний, «Дохунда»). *Амали бўлгандан кейин эчкини тоғам деркансан-да* (Мирмуҳсин, «Югурдак»). *Давранинг тўрида ўтириб келган Комилжон эди* (Саид Аҳмад, «Орият»),

6. Тўлиқсиз феъл формаларидаги биринчи товуш (э) нотурғун. У маълум фонетик шароитларда тушиб қолиши ёки бошқа товушга ўзгариши мумкин. Бу ҳодиса, айниқса, оғзаки нутқда кўп учрайди: *ишларди; ишларкан, ишлармиш; ишлаганакан, ишласайди, ишлаётганимиш* ва ҳ<sup>3</sup>.

7. Тўлиқсиз феъл формалари отларга ҳам, феълларга ҳам бирика олади. Уларнинг шахсли феълларга<sup>4</sup> бирикишига нисбатан сифатдош ва равишдош формасига бирикиши кўп учрайди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки икки феълнинг ўзаро бирикишида равишдош ёки сифатдош формалари восита бўлади. Тўлиқсиз феълнинг шахсли феъл формасига бирикиши нисбатан анча кейинги даврларда юз берган ва бунинг маълум сабаблари бор. (Бу ҳақда ўз ўрнида гапирамиз.)

8. Бир кесим таркибида *эди, экан, эмиш* тўлиқсиз феълларидан биттасининг қўлланиши ҳозирги ўзбек тилида асосий ҳолат ҳисобланади. Лекин, кам даражада бўлса-да, бир кесим таркибида икки тўлиқсиз феълнинг қўлланиш ҳоллари учрайди:

*... бу сукунат яна қанча давом этар эди экан?* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»)

Бундай ҳолларда, одатда, тўлиқсиз феълларнинг бири ёки ҳар иккиси қисқарган ҳолда қўлланади: *айтармидийкин каби:*

*Ана холос, бу одам мени танирмиди э кан?... шарманда бўлдим!* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча») *Ёки булар кеча ҳар жой-ҳар жойда сочилиб, бурчак-бурчакда ётгани учун кўзга кўринмас эдим икин?* (И. Раҳим, «Ихлос»)

Бир кесим таркибида икки тўлиқсиз феълнинг қўлланиши ҳам анча янги ҳодиса бўлиб, у *экан, эмиш* формалари маъно тараққиётининг кейинги босқичларида юз берган. (Бу ҳақда *экан* ва *эмиш* тўлиқсиз феъллари бобида гапирамиз.)

9. Тўлиқсиз феъл формалари бир неча кесим учун бир ўринда (охирги кесим таркибида) қўлланиши мумкин. Бу кесимлар турли формадаги феъллар, шунингдек, отлардан ифодаланган бўлиши мумкин:

*У Барно ҳақида ҳам, Гулчеҳра тўғрисида ҳам анча гаплар эшитган, Акмалнинг изтироб чекиб юрганини ҳам билар, лекин Гулсум опа бунчалик фиғони чиқиб гапиришини биринчи кўриши эди* (О. Ғубов, «Эр бошига иш тушса...»).

10. Тўлиқсиз феъллар билан ҳосил бўладиган феъл форма-

<sup>3</sup> Фикрнинг тасдиқи учун келтирилдиган мисолларда ана шундай қисқарган формалар ҳам аралаш бўлавериши мумкин.

<sup>4</sup> «Шахсли феъл» термини феълнинг шахс-сон билан тусланган формаси маъносида қўлланди.

ларининг юзага келиши (шаклланиши) анча қадимдан бошланган. Шунинг учун ҳам бу формалар ҳозирги ўзбек адабий тилига асос бўладиган шева вакилларининг ҳаммасига маълум ва улар оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам баб-баравар қўлланаверади: *ишлаган эди, ишлаган экан, ишлаган эмиш; ишламоқчи эди, ишламоқчи экан, ишламоқчи эмиш; ишлаётган эди, ишлаётган экан, ишлаётган эмиш* ва ҳ.

Лекин шундай форма ясовчи аффикслар ҳам борки, улар ўзбек тили қонуниятларига асосланмаган ҳолда (ҳар бир шевадан адабий тил учун бирор форма қабул қилиниши керак деган қараш билан) адабий форма сифатида қонулаштирилган. Бу формалар ёзувда, кам даражада бўлса ҳам, учраб туради. *-ётир, -жак* аффикслари шулар жумласидандир<sup>5</sup>. Бироқ шуниси характерлики, тўлиқсиз феъл формалари шундай аффикслар ёрдамида ясалган феъл формалари билан деярли қўлланмайди. Масалан, биз материал тўплаган манбаларда *бораётир эмиш, боражак экан, боражак эди* типдаги форма бирор марта ҳам учрамади. Демак, тўлиқсиз феъл формалари *-ётир, -жак* аффикслари билан ясалувчи формани ҳозирги ўзбек адабий тили учун норма сифатида қабул қилиш қонуний эмаслигини аниқ кўрсатиб беради.

Тўлиқсиз феъл формаларининг умумий хусусиятлари шулардан иборат. Масаланинг энг муҳим ва мураккаб томони ҳар бир тўлиқсиз феъл формасининг маъноси, вазифаси ва қўлланишидаги хусусиятларини аниқ белгилашдир.

## ЭДИ

Бу форма аслида тўлиқсиз феъл ўзагига аниқ ўтган замон феъли ясовчи *-ди* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган: *эди < эрди//эрти*. Тўлиқсиз феълнинг бу формаси туркий тилларнинг деярли ҳаммасида (айрим фонетик фарқлар билан) қўлланади.

Туркий тиллар морфологиясига оид дарслик ва қўлланмаларнинг, шунингдек, ўтган замон феъл формаларига оид ишларнинг деярли ҳаммасида *эди* формаси ҳақида фикр баён қилинган. Бир оғиз сўз билан айтганда, туркологияда *экан, эмиш* каби формаларга нисбатан *эди* формаси ҳақида жуда кўп фикрлар баён этилган. Бироқ бу форманинг ўзига хос хусусияти ҳақида ҳозирга қадар ҳам аниқ бир фикрга келинган эмас. Яқин даврда яратилган ва яратилаётган ишларда ҳам *эди* формасининг моҳияти ҳақида бир-бирдан фарқли фикрларни учратиш мумкин.

<sup>5</sup> Қаранг: Проф. Е. Д. Поливанов, Узбекская диалектология и узбекский литературный язык, Ташкент, 1933, стр. 41.

Тўлиқсиз феъл формалари бир бутун ҳолда, бир ўринда (бир сардавҳа остида) текширилмаган ишларнинг жуда кўпчилигида *эди* тўлиқсиз феъли ўтган замон феъл формасини ясовчилар қаторидагина текширилади. Бу билан, бир томондан, *эди* формасининг маъно ва вазифаси сунъий равишда чегаралаб қўйилса, иккинчи томондан, *эди* формасини фақат ўтган замон феъллари доирасида текшириш унинг ўзига хос хусусиятларини тўла ва тўғри тушунишга имкон бермайди. *Эди* тўлиқсиз феъли феълнинг сифатдош ёки равишдош формаларига бирикканда шу феъл формаларининг ўзига хос хусусияти маълум даражада сақланади. Бу ҳодиса *эди* феълнинг ўзига хос хусусиятини аниқ ва осонроқ сезиб олишга маълум даражада тўсқинлик қилади. (Мавжуд адабиётларда *эди* тўлиқсиз феъли ҳақида айтилган фикрларнинг бир-бирига мос келмаслигининг асосий сабабларидан бири ҳам ана шунда.) Жуда кўп ишларда *эди* тўлиқсиз феълга хос деб кўрсатилган хусусиятлар, аслида, бу тўлиқсиз феълга эмас, балки феълнинг бирор формаси, бошқа сўз ёки контекстнинг умумий мазмунидан келиб чиқадиган маъно ёки хусусият ҳисобланади. Натижада қарчи келтирилган мисоллар, айтилган фикрга мос бўлса ҳам, лекин *эди* формасининг моҳияти очилмай қолверади. (Буларнинг ҳар бирига кейинроқ; ўз ўрнида, алоҳида-алоҳида тўхтаб ўтамиз). Ана шу айтилганларни ҳисобга олиб, *эди* тўлиқсиз феълнинг ўзига хос хусусиятларини аввал отлар доирасида очишга ҳаракат қиламиз. Сўнгра феълларга бирикканда ифодаланадиган маъноларга тўхтаймиз.

Тўлиқсиз феъл формалари ичида фақат шу формагина (*эди*) замон маъносига эга. Лекин унн фақат замон кўрсаткичи дея олмаймиз. *Эди* формаси отларга бирикканда, қуйидаги маъно ва хусусиятларга эга бўлади.

1. Нарса, ҳодиса, белги ва шу кабиларнинг умуман ўтган замонга оидлиги маъносини билдиради:

*Буларнинг кийимлари тоза ва янги эди. Мошранг дубоха дўппили, тўққиз-ўн яшар чиройликкина бола — болаларнинг энг каттаси эди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

— *Мажид тўғри гапирди, — деди қонли чуқур ёнида ўтирганлардан яна бири, — орамизда энг доворак шу киши эди,...* (С. Айний, «Дохунда»). *Бу шаддод қизнинг билмаган ҳунари, қилмаган иши йўқ эди* (Саид Аҳмад, «Уфқ»).

Бундай ҳолларда нарса, ҳодиса, белги кабиларнинг ўтмишда бирор вақтда мавжуд бўлгани ҳикоя қилинади, лекин ҳозир қандайлиги (борми-йўқми, ўшандайми ёки ўшандай эмасми ва ҳ.) ифодаланмайди. Масалан, юқорида келтирилган иккинчи мисолда кўрсатилган кишининг улар орасида



довюрак бўлгани айтиляпти. Лекин бу кишининг ҳозир ҳам довиюрак ёки довиюрак эмаслигига муносабат билдирилмайди.

*Эди* тўлиқсиз феълининг отларга бирикканда ифодалайдиган бу маъноси компонентлари маъно хусусиятидан келиб чиқади, яъни «являются», «быть» маъносини билдирувчи э- (<эр-) тўлиқсиз феълига *-ди* аффиксининг қўшилишидан ўтган замон маъноси («являлся», «был») ифодаланган: *Яхши киши — Хороший человек. Яхши киши эди* — Был хорошим человеком.

Тўлиқсиз феълнинг *эди* формаси орқали ифодаланадиган ўтган замон маъноси билан ўтган замон феъл формалари орқали ифодаланадиган ўтган замон маъноси бир хил эмас. Масалан, нутқ моментигача бажарилган ҳаракатни билдирувчи ҳар қандай феъл ўтган замон феъли деб қаралади. Бу феъллар билдирган ҳаракат-ҳолатлар сўзловчининг кўз ўнгиде юз берган бўлиши мумкин: *Хатни тугатдим* (ҳозиргина). *Эди* формасида эса бошқачароқ ҳолатни кўраимиз.

*Эди* тўлиқсиз феъли отларга бирикиб келганда, нарса-ҳодиса ёки белгининг мавжуд бўлиши нутқ моментига эмас, ҳозирга нисбатан олинади. Шу сабабли «қачон?» сўроғига бўладиган жавоб ҳам *эди* формасида ўтган замон феълларидагидан бошқача бўлади. Масалан: «*Хатни тугатдим*» гапига нисбатан қўйиладиган «*қачон?*» сўроғига «*ҳозир*», «*эндигина*» сўзлари жавоб бўлиши мумкин. Лекин «*ҳақиқий эди*» формасига нисбатан қўйиладиган сўроққа бу сўзлар («*ҳозир*», «*эндигина*») жавоб бўла олмайди. Демак, ўтган замон феъл формаларида ҳаракат-ҳолатнинг нутқ моментига эмас, балки нутқ моментидан олдин (нутқ моментигача) бажарилиши ифодаланса, *эди* формасида нарса-ҳодиса ёки белгининг ҳозир эмас, балки аввал, илгари (ҳозиргача) мавжуд эканлиги ифодаланadi<sup>6</sup>. Шу сабабли нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг аввалги ва ҳозирги ҳолатлари қиёс қилинганда, биринчи гапнинг кесими (аввалги ҳолатини билдирувчи кесим) *эди* формасида, ҳозирги ҳолатни билдирувчи гапнинг кесими ўтган замон феъл формасида бўлади. Лекин ҳозирги ҳолатни билдирган гапнинг кесими ҳеч вақт *эди* формасида келмайди.

Ким эдим? *Энди* ким бўлдим? (Саид Аҳмад, «Хукм»).

Кейинги гапнинг кесими ўтган замон формасида бўлишидан қатъий назар, ундаги *бўлди* феъли ўрнида *эди* тўлиқсиз феълни қўллаб бўлмайди.

*Эди* тўлиқсиз феъли нарса, ҳодиса, белги кабиларнинг мавжуд бўлишини нутқ моментига нисбатан эмас, балки ҳо-

<sup>6</sup> Олтой тили грамматикаси авторлари *эди* тўлиқсиз феълнинг ана шу хусусиятини тўғри пайқаганлар. Қаранг: «Грамматика алтайского языка» (составлена членами Алтайской миссии), Казань, 1869, стр. 265.

зирга нисбатан кўрсатишидан (ҳозир эмас, аввал, илгари маъносидан) бундай ҳолларда узоқ ўтган замон маъноси келиб чиқади. Лекин *эди* формаси фақат узоқ ўтган замонни ифодаловчи форма дея олмаймиз.

Бу айтилганлардан «нутқ моментига муносабат ифодаламайдиган замон формаси ҳам бўладими» деган савол туғилиши мумкин.

Аввало айтиш керакки, нутқ моментига муносабат мустақил феълларда (шахсли феълларда) бўлади. Бундай феълларда бажарилган, бажарилаётган ёки энди бажариладиган ҳаракат ифодаланади: *келди, келяпти, келади*. Демак, феълларда юзага келган, юзага келаётган ёки энди юзага келади-ган нарса (ҳаракат) бўлади.

Мустақил маънога эга бўлган феъл отлар билан бирикиб, боғлама вазифасига қўлланганда ҳам от орқали ифодаланган нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг юзага келганлиги, юзага келаётганлиги ёки энди юзага келиши ифодаланади: *гўзал бўлди, гўзал бўляпти, гўзал бўлади*. Демак, буларда ҳам нутқ моментига муносабат бор. Шунга кўра, *гўзал бўлган* — ўтган замон, *гўзал бўляпти* — ҳозирги замон, *гўзал бўлади* — келаси замон ҳисобланади.

Тўлиқсиз феълларда бутунлай бошқача ҳолни кўрамиз. Тўлиқсиз феълнинг ҳаракат тушунчасига эга эмаслигидан, унда бажариладиган ҳаракат ҳам йўқ. Бажариладиган ҳаракат йўқ бўлгач, ўз-ўзидан, унда нутқ моментига муносабат ифодаловчи формаларнинг бўлиши ҳақида гапириш ҳам мумкин эмас. Тўлиқсиз феълнинг ҳозирги ва келаси замон формаларига эга эмаслиги ҳам унинг ана шу хусусиятлари билан изоҳланади.

*Эди* формасидаги *-ди* аслида ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини кўрсатувчи аффикс (ўтган замон феъли ясовчи аффикс) бўлса-да, лекин тўлиқсиз феълнинг хусусияти таъсирида унинг (*-ди* аффиксининг) ана шу хусусияти ҳам ўзгарган. Бу аффикс *эди* формаси таркибида ҳам ўтган замонни ифодалаш хусусиятини сақлаган, лекин тўлиқсиз феълда бажариладиган нарса бўлмаганидан *эди* формасида нутқ моментига муносабат ифодаланмайди, балки нарса-ҳодиса ёки белгининг ҳозир эмас, балки умуман аввал мавжуд бўлганлиги маъноси ифодаланади.

Демак, *эди* формаси нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ҳозирга эмас, ўтмишга (илгарига) оидлигини ифодаловчи формага айланган. Нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ўтмишга оидлигини (илгари бўлганлигини) ифодалашда (нутқ моментига муносабатсиз) боғлама вазифасини бажариши мумкин бўлган феълларнинг бирор ўтган замон формаси эмас, балки

фақат *эди* тўлиқсиз феъли қўлланади. (*Эди* тўлиқсиз феъли ана шу вазифани бажарувчи ягона формага айланган.) Бадиий асарларда *эди* формасининг жуда кўп қўлланишининг сабаби ҳам ана шунда. Чунки бадиий асарларда ёзувчининг ҳозир кўраётган, билаётган нарсалари эмас, балки аввал кўрган (аввал билган) нарсалари баён этилади (кўрган, билган нарсалари сўзланади).

Кўринадики, *эди* тўлиқсиз феъли орқали ифодаланадиган ўтган замон маъноси феъл формалари орқали ифодаланадиган ўтган замон маъносидан тамомила фарқ қилади. Ўтган замон феъл формаларида ҳаракатнинг нутқ моментигача бажарилганлиги ифодаланади. Лекин бунда юзага келган ҳолатнинг ҳозир (нутқ momentiда) мавжудлиги инкор этилмайди, балки бажарилишнинг ҳозир мавжудлиги инкор этилади (бажарилиш нутқ momentiга қадар амалга ошиб бўлганлиги ифодаланади). Масалан, *гўзал эди* формасида гўзалликнинг аввал мавжуд эканлиги, *гўзал бўлди* формасида эса гўзалликнинг аввал бўлмаганлиги, энди юзага келганлиги ифодаланади. Гўзаллик ҳолати эса ҳозир (нутқ momentiда) ҳам мавжуд бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, мустақил маънога эга бўлган феъллар ўтган замон формасида боғлама вазифасида келганда, нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг нутқ momentiдан олдин (нутқ momentiгача) юз берганлигини ифодалайди. От кесимлар *эди* тўлиқсиз феъл формасида бўлганда эса нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг нутқ momentiдан олдин, аввал юз бериши эмас, балки ҳозиргача (аввал, илгари) мавжуд бўлганлиги ифодаланади. Демак, нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг нутқ momentiга муносабати бевосита эмас, балки бавосита — «ҳозир» орқали ифодаланади.

*Эди* формасининг биринчи маъноси ва бу маънода унинг ўтган замон феъл формасини ясовчи аффикслардан фарқли хусусияти ана шундан иборат.

Кесими *эди* формасидаги гапларда «ҳозир», «энди», «шу топда» каби сўз ёки сўзлар бирикмаси ҳам қўлланиши мумкин. Лекин бундай сўз ёки сўзлар бирикмаси нутқ сўзланиб турган вақт маъносида қўлланмайди, балки гап орқали ифодаланаётган нарса мавжуд бўлган вақт маъносида келади:

Ҳозир Қаландаров учун Зулфиқоровни колхоздан ҳайдашдан каттароқ, муҳимроқ иш йўқ *эди* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). Бироқ бу ожиз учқун жиноят, хиёнат доғлари билан карахт бўлган вужудини ёритишга энди қодир эмас *эди* (Саид Аҳмад, «Хукм»). Саидахон шу топдагина бўлиб ўтган воқеадан карахт *эди* (Ш. Тошматов, «Тонгдаги кўланка»). Бу «ўрисча кийинган» йиғитнинг афти-анғори,

*Ўзи билган илгариги Қўчқор дўстига ўхшагани билан ҳозир бутунлай бошқа, етти ёт эди (С. Анорбоев, «Оқсой»). Бу сафар унинг гап-сўзлари ҳам, муомаласи ҳам бошқача эди (О. Ёқубов, «Ота изидан»).*

Бадий адабиётда, ёзувчи (ёки асар қаҳрамони) бирор нарса, ҳодисани бевосита ўзи кузатганлигидан қатъий назар, уни ўтмишга оид факт сифатида ифодалаш ҳам ёки ўзи кузатиб турган (ҳозирги) факт сифатида ифодалаш ҳам мумкин (албатта ҳамма вақт эмас). Шу сабабли баъзи контекстларда эди тўлиқсиз феълени қўллаш ҳам, қўлламаслик ҳам мумкин. Агар эди феъли қўлланса, нарса, ҳодисанинг ўтмишга оидлиги таъкидланади, қўлланмаса, ёзувчи ёки сўзловчи ўзини нарса-ҳодисанинг бевосита кузатувчиси сифатида кўрсатади. Бунда сўзловчи ёки ёзувчи ўзини ўтмишга олади, шу нарса-ҳодиса мавжуд бўлган вақтнинг вакили сифатида сўзлайди:

*Бунинг устига, Капсанчилардан улов олиш шу қадар қийин эдики, Самандаров усталар келгунча бу иш битмай қолишидан хавфсираб, ҳар кимга алоҳида-алоҳида уқдиришига, ҳатто, ялинишга мажбур бўлди (А. Қаҳқор, «Қўшчинор чироғлари»). Хуллас, ҳамма нарса саришта, саранжом қилинган, ҳамма нарса ўз жойида, шинам эди. Уртадаги катта столга шу қадар ноз-неъматлар қўйилганки, бу таомлар билан эллик меҳмонни хурсанд қилиб, кузатиш мумкин эди. (Т. Жалолов, «Олтин қафас»). Унинг қўллари ишда, кўзи шуджорда, аммо хаёли Зебиҳонда эди (Саид Аҳмад, «Уфқ»).*

Бу мисоллардаги эди тўлиқсиз феълени тушириб қолдириш мумкин. Бу билан шу тўлиқсиз феълга хос бўлган маъно йўқолади, холос. Айтилаётган нарса-ҳодисанинг умуман ўтган замонга оидлиги эса ўқувчига шундоқ ҳам маълум бўлаверади. [Чунки бадий асарларда ҳозир (бевосита) кўриб, кузатиб турилган нарсалар эмас, балки кўрилган, билинган нарсалар ёзилади].

Узаро бир-бири билан муносабатда (алоқада) бўлган нарса-ҳодисанинг ўтмишга оидлигини ифодалашда шу нарса-ҳодисаларни билдирувчи ҳар бир сўзни эди тўлиқсиз феъли билан қўллавериш шарт эмас. Бундай қилиш, ҳатто, услубга жуда салбий таъсир этиши мумкин (айниқса, уюшиқ кесимларда). Ортиқча такрорлар ҳамма вақт нутқни бузади. Шу сабабли эди тўлиқсиз феъленинг қўлланиши практик жиҳатдан мумкин бўлган ҳолларнинг ҳаммасида ҳам бу формани такрор ишлатавермасдан маълум ўринлардагина қўллаш ҳодисаси ҳозирги ўзбек тилида ҳар қандай адабиётда ҳам, оғзаки нутқда ҳам (умуман, фикр баёнида) жуда кўп учрайдиган ҳодиса.

Ўтмишга оид нарса, воқеаларни баён этишда фақат биринчи ёки охириги гап кесимини, ёки контекст ўртасидаги бирор гап кесимини *эди* формаси билан қўллаш орқали баён қилинаётган ҳодисаларнинг ҳаммасининг ўтмишга оидлигини ифодалаш мумкин:

*Май ойининг охири эди. Ғўзаларнинг бўйи бир қаричга етиб, олти-етти барг чиқарган. Эртаги мевалар биринкетин пишиб, олча қизармоқда. Жовпазак ўрик сарғайиб, болалар ҳавасини уйғотган. Ўқишдан бўшаб, ёзги каникулга чиққан шўх болалар, эгаларининг ҳай-ҳайлашига қулоқ солмай, дарахт шохларига кесак отадилар, дувиллаб тушиган ўрикларни ердан тупроқ аралаш олиб қочадилар. Пилла қурти учун хотинлар ва чоллар, далалардан тут барги қирқиб араваларда қишлоққа ташимоқдалар (Х. Нуъмон, «Фасллар»). Столга тирсагини, кафтига иягини босиб... Қодир Азизов ўтирибди. У раиснинг ҳар бир сўзини чертиб, салмоқ билан, баъзан зарда билан гапиришига қулоқ соляпти. Раис Эргаш ака бўлса ҳориган, секин қимирлар, лекин гаплари бийрон эди... (Ш. Тошматов, «Тонгдаги кўланка»). Иккови [Норқўзи билан Шерали] зовур дўнги тепасида ёқалашди. Агар қоронғидан аллаким чиқиб келиб, «дод» деб ўзини булар орасига отмаса, бу муштлашиш ҳали-бери тугамасди.*

*Бу фарёдни эшитган йигитлар бир-бирларининг ёқаларини қўйиб юборишди.*

— *Дод! Ким бор! Войдод!*

*Вақтида етиб келиб дод солган халаскор Асалхон эди...*

*Орадан яна бир ҳафта ўтди. Асалхон Норқўзи билан Шерали ўртасидаги можарани Зумрадбибига бориб айтган бўлса керак, у кеча келиб кетди (Х. Гулом, «Сенга интиламан»).*

Ўтмишга оид ҳодисаларни баён қилишда *эди* тўлиқсиз феълининг қўлланиши ёки қўлланмаслиги шу ҳодисаларни баён қилиш усулига ҳам маълум даражада боғлиқ.

Бадий асарда ёзувчи ўтмишга оид нарса-ҳодисаларни ўзи баён қилишда *эди* тўлиқсиз феълини қўллаши керак бўлгани ҳолда, шу нарса-ҳодисани асар қаҳрамони тилидан айтса, *эди* формасини қўлламаслик мумкин:

*Бу орада ташқаридан товушлар эшитила бошлади:*

— *Ушла!*

— *Оқилхонтўра!*

— *Тўхта, отиласан!*

*Сўнги товуш Самандаровнинг товуши эди (А. Қаҳор).*

Агар шу ўринда сўнги товуш Самандаровнинг товуши эканлигини ёзувчи баён қилмай, бирор кишига асар қаҳрамонларидан бири айтса, *эди* формасини қўлламаслик мумкин.

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, ёзувчи бирор нарса-ҳодисани асар қахрамони тилидан баён қилмайди, лекин нарса-ҳодисани бевосита асар қахрамони билан кузатаётгандек баён этади. Ана шундай ҳолларда ҳам у эди тўлиқсиз феълيني қўлламаслиги мумкин:

*Улар [Мирза билан Нафиса] иккинчи қаватнинг чап томонидаги йўлакка бурилдилар-да, учинчими, тўртинчими эшикни очдилар. Бу — чор бурчаккина гумбазсимон шифтли жуда баланд ва кўркам бир зал эди..*

*Залда битта ҳам бўш жой йўқ. Мирза билан Нафиса, эшикнинг ёнгинасида деворга суняиб типпа-тик туришга мажбур бўлдилар (О. Ёқубов, «Мирза терак»).*

Иккинчи абзацдаги биринчи гапнинг кесими эди тўлиқсиз феълисиз қўлланган эса-да ҳодисанинг ўтмишга оидлиги англашилаверади. Лекин гап шундаки, эди формаси қўлланса, биринчидан, ҳодисанинг ўтмишга оидлиги таъкидланади. Бундан ташқари, ёзувчи бу ўринда эди тўлиқсиз феълيني қўлламаслик билан эшикни очиб залда битта ҳам бўш ўрин йўқлигини Нафиса билан Мирза қатори кузатаётган каби ифодалайди. Агар эди феъли қўлланса, бўш жой йўқлигидан ёзувчининг Мирза ва Нафисадан олдин хабардор эканлиги ифодаланиб қолади.

Лекин бадиий асарларда ҳамма вақт ҳам нарса-ҳодисани бевосита кузатувчи сифатида ифодалаш мумкин бўлмайди. Шунингдек, эди тўлиқсиз феълيني тушириб қўллаш ҳам мумкин бўлавермайди. Бундай қилишга гапнинг умумий мазмуни ёки бошқа сабаблар йўл бермайди.

Қуйидаги ҳолларда эди тўлиқсиз феълيني тушириб қолдириш мумкин эмас.

1) Контекстда, гап ичида нарса-ҳодисанинг ўтмишга оидлигини кўрсатиб турувчи сўз ёки бошқа воситалар бўлганида: *Тоғдек йигит бўлипти. Ёшлигида ҳам бўлалди бола эди, кўзимга таниш кўриниб турибди (Ойбек, «Қутлуғ қон»). Мана шу канални айтинг, шу ота-боболаримиз қиладиган иш эди, (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). Сен тўғри бўлганингда бу тағналар нима эди менга! (Н. Сафаров, «Ҳаёт мактаби»). Ҳозир шундоқ деймиз-да,.. бу одамнинг шундоқ деб чиқиши у кунларда к а т т а г а п э д и (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). Бундан беш йил олдин Каримжон Мухторов биринчи марта экскурсияга чиққанда, сойлик кимсасиз ўтлоқ эди. Энди бу ерда учта ёғоч уй турарди (О. Ёқубов, «Тенгдошлар»).*

Нарса-ҳодисанинг ўтмишга (ўтган замонга) оидлигини ифодаловчи сўз ёки бошқа воситалар бўлмаган ҳолда бу маъ-

но контекстнинг гапнинг умумий мазмунидан англашиб туриши мумкин. Шундай ҳолларда ҳам *эди* тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди:

— *Бугун ҳам ўшоқда қолиб кетдингми деб хавотирда эдим, — деди Умурзоқ ака ва юз-қўлини дастрўмоли билан артди* (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»), *Ҳа айтгандай, ўртоқ Самандаровнинг гапларида йўқ эдингиз*. Цемент келибди (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). *Бугун кеч пешин чоғи бор эди, бу хабарни менга Розик айтди* (Ҳ. Шамс, «Душман»). *Рамазон ака йўқ эди-ку, қаёқдан пайдо бўлиб қолди* (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).

Бу мисоллардаги биринчи гапда хавотир қилинаётган шахснинг энди сўзловчи олдидалиги, демак, хавотир олишнинг энди йўқлиги (туғалланганлиги) англашиб турибди. Шу сабабли *эди* тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди.

2) Ҳозирги ўзбек адабий тилида *-(а)р (-мас)* аффикси билан ясалган сифатдошнинг шахс-сон билан тусланган формаси аниқ ҳозирги -келаси замон феъли вазифасида қўлланмайди. Шу сабабли *эди* тўлиқсиз феъли *-(а)р (-мас)* аффикси билан ясалган феъл формасидаги кесим ва отлардан бўлган кесим учун умумий бўлган ҳолларда уни (*эди* тўлиқсиз феълни) тушириб бўлмайди:

*У бу шубҳанинг асоссиз ва қандайдир аянчли эканини ҳис этар, ўзидан нафратланар, лекин ундан қутилишга ожиз эди* (О. Ёқубов, «Ота изидан»). *У [Норқўзи] президиумда, Чўлбобонинг ёнида ўтириб, кучи борича қарсақ урар, юрак зарби ўзига эшитгулик даражада эди* (Ҳ. Гулом, «Сенга интиламан»). *Каримов Жобирнинг сўзларига унча диққат қилмас, чуқур хаёлда эди* (Ҳ. Шамс, «Душман»).

3) Езувчи (ёки сўзловчи) ўтмишга оид нарса-ҳодисаларни баён қилаётганида ҳар бир гапнинг кесимини *эди* формасида қўллай бериши шарт эмаслигини кўрдик. Бирор гапнинг кесимини *эди* формасида қўллаш билан шу гапдан олдинги ёки кейинги бир неча гап орқали ифодаланган нарса-ҳодисаларнинг ҳаммасининг ўтмишга оидлиги ифодаланган. Бундай позицияда қўлланган *эди* тўлиқсиз феъли баён қилинган нарса-ҳодисаларни бошқаларидан маълум даражада ажратади. Ана шундай позициядаги *эди* тўлиқсиз феълни ҳам тушириб бўлмайди. Буни аниқроқ кўриш учун каттароқ бир жумла келтирамиз:

*Бўтабой ака ерда ётган қўш тиг милтиқни олиб, қўндоғи билан унинг калласига солмоқчи бўлган эди, Сафаров тўсиб қолди.*

— *Урманг!*

*Бу орада ташқаридан товушлар эшитила бошлади.*

*— Ушла!*

*— Оқилхонтўра!*

*— Тўхта, отиласан!*

*Сўнги товуш Самандаровнинг товуши эди.*

*Сафаров супадаги кигизни тортиб аланганинг устини қоплади-да, югуриб ташқарига чиқди. Оппоқ қорда одамларнинг қораси елиб-югурар эди. Самандаров тўппончасидан осмонга ўқ узди (А. Қажҳор, «Қўшчинор чироғлари»).*

Бу жумлада эди тўлиқсиз феълени қўллаш билан, биринчидан, баён қилинаётган нарсанинг ўтмишга оидлиги ифодаланadi. Иккинчидан, ёзувчи «ушла»; «Оқилхон тўра», «тўхта, отиласан» каби товушлар ҳақидаги баёнини якунлайди ва уни кейинги нарсалар ҳақидаги баёнидан ажратади. Агар эди тўлиқсиз феъли қўлланмаса («сўнги товуш Самандаровнинг товуши» дейилса), айтилаётган нарса ҳақида ёзувчининг гапи ҳали тугамагандай, у ҳақда яна нималардир дейдигандай туюлади. Шу сабабли юқорида келтирилган жумладаги эди тўлиқсиз феълени тушириб бўлмайди.

4) Эди тўлиқсиз феълени тушириб қолдириш мумкин ёки мумкин эмаслиги маълум ҳолларда гапнинг қандай формада тузилишига ҳам боғлиқ:

*Салим ота Рамазон акага қараб жилмайди. У: «Кўрдингизми, буниси ҳам амалга ошади» дегандек эди (Х. Нуъмон, «Фасллар»).* Бу мисолдаги эди тўлиқсиз феълени тушириб бўлмайди. Агар фикр бошқа формада ифодаланса, эди тўлиқсиз феълени тушириб қолдириш мумкин:

*Салим ота «Кўрдингизми буниси ҳам амалга ошади» дегандек Рамазон акага қараб жилмайди.*

2. Эди тўлиқсиз феъленинг биринчи маъноси ҳақида гапирганда айтдикки, бунда нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ҳозир эмас, балки илгари, аввал мавжуд бўлганлиги ифодаланadi. Бундай ҳолларда нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ҳозир мавжуд ёки мавжуд эмаслиги назарда тутилмайди, яъни ҳозирги вақтга муносабати ифодаланмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида эди формаси нарса-ҳодиса, белги ва шу кабиларнинг бошқа бирор нарса-ҳодиса юз бергунгача ёки ҳозиргача мавжуд бўлганлиги маъносини ҳам ифодалайди. Бу ҳолда нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг мавжуд бўлганлиги бошқа бирор ҳодиса, белги кабиларнинг юз бериш вақтига нисбатан ёки айтилаётган вақтга нисбатан олинади:

*Элдан бурун отланган сиз эдингиз-ку, мана энди кун ёниб кетди (Ойбек, «Қутлуг қон»). Кечиринг, узоқ вақт кутдириб қўйдим. Нетайки, жавобим тайёр эмас эди*



(Ҳ. Ғулом, «Сенга интиламан»). *Ойкул илгари алоҳида* к о л х о з э д и - ю , к а т т а г и н а и д о р а с и б о р э д и . К е й и н қ и ш л о қ ч о р в и д о р с о в х о з и н и н г б и р б р и г а д а с и г а а й л а н и б , и д о р а к е р а к б ў л м а й қ о л д и ( П . Қ о д и р о в , « Қ о р а к ў з л а р » ) .

Бундай ҳолларда ҳам *эди* формаси орқали ўтган замон ифодаланиши мумкин. Бунда нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг мавжудлиги илгари, аввал эмас, балки нутқ моментидан бир неча дақиқа олдинга тўғри келиши мумкин (Нутқ моментидан бир-икки дақиқа илгари ҳам мавжуд бўлган бўлиши мумкин). Масалан, бирор нафис чинни идиш ерга тушиб синса, шу синган оннинг ўзидаёқ «*яхши эди*», «*чиройли эди*» ёки «*топилмас нарса эди*» дейиш мумкин. Бунда шу нарсанинг «*яхши*», «*чиройли*» ёки «*топилмас нарса*» эканлиги синиши юз бергунга қадар (синиш юз берган вақтга нисбатан) олипади. Демак, *эди* тўлиқсиз феъли бу маънода ҳам нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг нутқ моментигача мавжуд бўлганлигини билдирмайди (нутқ моментига муносабат ифодаламайди).

Лекин бундан, *эди* тўлиқсиз феълининг бу маъноси ҳам биринчи маъносининг ўзи экан, деган хулоса чиқмайди. Биринчи маъносида нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг умуман ўтган вақтларда (илгари, аввал) мавжуд бўлганлиги ифодаланса (ҳикоя қилинса), иккинчи маъносида эса нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг мавжуд бўлганлиги бошқа бирор ҳодисага ёки «ҳозир»га нисбатан олипади. Шу сабабли *эди* тўлиқсиз феъли бу маънода қўлланганда (бошқа гап ёки контекст бўлмаган ҳолларда ҳам), айтилаётган нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг энди йўқлиги, бор-йўқлиги маълум эмаслиги ёки уларда бирор ҳодиса юз берганлиги ва шунинг қаби маънолар англашиб туради ва айтиладиган фикр фақат кесими *эди* формасидаги гап билан тугамаганлиги, балки унга қандайдир муносабатни ифодаловчи яна бошқа гап ёки гаплар борлиги сезилиб туради:

*Алиохун, ҳаммамизга бир кампир керак эди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Дам олиш кунлари тўйиброқ ухлаб олиш одатингиз бор эди* (И. Султон, «Имон»). *Қилиғи совуқнинг қилган ишини қаранг, яппа-янги кўйлак эди-я*. (Саид Аҳмад, «Қадрдон далалар»).

Келтирилган мисолларда *эди* тўлиқсиз феъли қўлланмаса, айтилаётган нарсанинг ҳозирги вақтга оидлиги ифодаланпади. Лекин буларда *эди* тўлиқсиз феълининг қўлланиши ўтган замон маъносини ифодалаш учун эмас, балки нарса-ҳодисанинг юз берган бошқа нарса-ҳодисага нисбатан ёки ҳозирга муносабатини ифодалаш учундир. Ана шундай муносабат борлигидан (буни *эди* тўлиқсиз феъли ифодалайди) ҳали

айтиладиган нарсанинг тугамаганлиги, кесими эди формасидаги гап билдирган фикрга бирор муносабатни ифодаловчи бошқа гап ёки гаплар борлиги сезилиб туради. Ҳақиқатда ҳам шундай гап (гаплар) бор:

*Алиохун, ҳаммамизга бир кампир керак эди, яхши бўлибди, ўз ичимиздан чиқди (Ойбек, «Кутлуг қон»). Келинони, бугун жуда эрта турибсиз? Дам олиш кунлари тўйиброқ ухлаб олиш/одатингиз бор эди (И. Султон, «Имон»). Ҳожимат ўлгур томдан келиб устимиздан бир челақ сув қуйиб юборса бўладими... Қилиги совуқнинг қилган ишини қаранг, яппа-янги кўйлак эди-я... (Саид Аҳмад, «Қадрдон далалар»).*

Кўринадики, эди тўлиқсиз феъли бу маънода қўлланганда, яна қандайдир бирор нарса, бирор гап борлиги сезилиб туради. Эди тўлиқсиз феъли худди шу маънони ифодалайди. Кесими эди тўлиқсиз феъл формасида бўлган гап орқали ифодаланган нарса-ҳодиса, белги кабилар эса контекстда реаллашади. Масалан, *Отанг жуда хушчақчақ одам эди* гапидан умуман отасининг илгари (аввал) хушчақчақ бўлганлиги эмас, балки унинг ҳозирги вақтга муносабати ифодаланади, яъни бу формада ота ҳақидаги гап ҳозирги ҳолат нуқтаи назаридан (ҳозирги ҳолатни назарда тутиб) айтилади. Шу сабабли отанинг ҳаётида ёки унинг табиатида бирор ўзгариш (янгилик) юз берганлиги (ҳозирда бошқа бирор ҳодиса юз берганлиги) сезилиб туради. Юз берган ҳодиса (ўзгариш) эса турлича бўлиши мумкин. Бу нарса контекстдан ёки умумий ҳолатдан англашилади. Масалан, *Отанг хушчақчақ одам эди* дейилган вақтда ота вафот этган бўлиши мумкин. Демак, бунда эди тўлиқсиз феълни қўллаш билан отанинг энди йўқлиги назарда тутилади. Ёки ота ҳозир дом-дараксиз йўқолган бўлиши мумкин. Ёки отанинг табиатида ўзгариш юз берган, у жуда индамас бўлиб қолган бўлиши мумкин. Ёки сўзловчи отанинг ҳаёт ёки ҳаёт эмаслигини, унинг ҳозирги ҳолатини билмаслиги мумкин (*ундан хабарсиз бўлиши мумкин*) ва ҳ.

Эди тўлиқсиз феъли бу маънода қўлланганда, нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг фақат ҳозирга муносабатини эмас, балки келгусига муносабатини ифодалаши ҳам мумкин. Бунда аввал ёки ҳозир, мавжуд бўлган нарса, белги кабиларда келасида, энди бирор ҳодиса юз бериши маълум бўлади:

— ... Бордию оқ подшо қулатилса... уезд ҳокими лавозимига олмонлар келиб ўлурса, унда на ўлур?!

— Нима бўларди, Хўжа али эди, Алихўжа бўлади-да! (Н. Сафаров, «Уйғониш»)

Бундай ҳолларда нарса, белги кабиларнинг ҳозир мавжудлиги инкор этилмайди, яъни эди тўлиқсиз феъли ўтган замон

маъносини билдирмайди. Масалан, қўлдан кетадиган, энди йўқ бўладиган нарсага нисбатан «яхши эди» дейилганда унинг ҳозир ҳам яхшилиги инкор этилмайди:

*Турғун Муҳаббатнинг бошини айлантириб қўйганга ўхшайди... Муҳаббатнинг ақли бўлса, Сидиқжон дуруст эди* (Н. Сафаров, «Ҳаёт мактаби»).

Айтилганлар ва келтирилган фактлар эди тўлиқсиз феъли бу маънода замон ифодаловчи форма сифатида эмас, балки муносабат ифодаловчи форма сифатида қўлланишини кўрсатади.

*Эди* тўлиқсиз феълининг бу маъноси унинг биринчи маъноси асосида келиб чиққан. Бу маънонинг келиб чиқишида контекст, умумий ҳолат, гап мазмуни ҳам роль ўйнаган, албатта. Масалан, *Отанг хушчақчақ одам эди* гапида умуман отада шундай хусусиятнинг бўлганлиги ифодаланади. Бунда *эди* тўлиқсиз феълини қўллаш орқали ҳозир эмас, аввал (илгари) назарда тутилади. «Ҳозир эмас, аввал (илгари)» деган сўз, ўз-ўзидан, отада ёки унинг табиатида ҳозир бирор ўзгариш юз берганлиги, ёки сўзловчининг у ҳақдаги билимида қандайдир ўзгариш юз берганлиги маъносини келтириб чиқаради. Бу маъно бевосита *эди* тўлиқсиз феълининг қўлланишидан келиб чиқиши сабабли *эди* тўлиқсиз феъли худди шу маънони ифодаловчи восита сифатида қаралади ва, натижада, шу маънони ифодаловчи формага айланади. Кейинчалик эса, аввал мавжуд бўлган бирор нарса, белги кабиларнинг ҳозирга муносабатини ифодалаш учунгина эмас, балки аввал ёки ҳозир мавжуд бўлган нарса, белги кабиларнинг келгусига муносабатини ифодалаш учун ҳам қўлланидиган бўлган.

*Эди* тўлиқсиз феъли шу маънода бирор шахсга мурожаат сифатида (бирор шахсга қарата) айтилган гапларда қўлланилганда, хушмуомалалик, «Сиз нима дейсиз», «Сизга маъқул бўладими, йўқми» ёки умуман «бўлармикан, йўқми», «буёғи қандай бўлади» каби маънолар ҳам ифодаланади. Қиёс қилинг: *Айтадиган гапим бор — Айтадиган гапим бор эди:*

— *Биздан иш, сиздан ҳисоб,*— деди Қурбонбой чарм сумкадан қоғоз чиқариб узатаркан.— *Имзолари керак эди* (Ш. Тошматов, «Тонгдаги кўланка»), *Малика йўқ эди-ку, кенгашдан бирор ҳафтада келиб қолар* (Саид Аҳмад).

*Саттор. Шу ерда жиндак иш имиз бор эди.*

*Бахтиёр. Жуда яхши.*

*Саттор. Сен нима қилиб юрибсан?*

*Бахтиёр. Жиндек иш бор эди* (Б. Раҳмонов).

*Эди* тўлиқсиз феъли муносабат билдириш хусусиятига эгаллиги туфайли бирор сўроқ гапни айтишдан (бирор нарсани

сўрашдан) мақсад нима эканини сўраш (билиш) учун мурожат қилишда ҳамма вақт «нима» олмоши билан *эди* тўлиқсиз феъли (*нима эди* формасида) қўлланади:

*Меҳриой Шарофат холанинг нима учун бунчалик куюниб суриштираётганини билса ҳам атайин:*

— Нима эди?— *деб сўради* (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).

— *Мен биламан,— деди Зарифа ихтиёрсиз илжайиб.*—  
Нима эди? (О. Еқубов, «Тенгдошлар»).

— *Кетай деб турганмидингиз, ўртоқ Аҳмедов?*

— Нима эди? (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»)

*Эди* тўлиқсиз феълининг муносабат маъносига эгалиги унинг қўлланишда ўзига хос яна бир хусусиятини келтириб чиқаради. Масалан, *Қилмаган ишинг шу* гапида муносабат маъноси йўқ. *Қилмаган ишинг шу эди* формасида эса муносабат ифодаланади. Муносабат борлигидан «энди бу ишни ҳам қилибсан» ёки «энди бунисини ҳам қил» каби маънолар ва шу билан бирга, маълум ҳолларда, норозилик ҳам ифодаланади.

Жонли тилда бирор норозиликни (шу нарсанинг керак эмаслиги, ориқчалигини) ифодалашда, кўпинча, *Бир каму шу эди* ибораси қўлланади. Бу гап ҳеч вақт *эди* тўлиқсиз феълисиз қўлланмайди.

Демак, муносабат ифодалаш ҳозирги ўзбек тилида *эди* тўлиқсиз феълининг асосий хусусиятларидан бири ҳисобланади.

3. *Эди* тўлиқсиз феълининг пайт маъносига ва муносабат (алоқадорлик) кўрсатиш хусусиятига эгалиги таъсирида ҳозирги ўзбек тилида унинг (*эди* тўлиқсиз феълининг) яна бир янги вазифаси юзага келган. *Эди* тўлиқсиз феъли от кесимлар таркибида пайт маъносини ифодалаш ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун ҳам хизмат қилади:

*Йўл анжомларини тайёрлаш билан машғул эди, акаси кириб келди.*

*Эди* тўлиқсиз феъли пайт ифодалаб, пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилган ҳолларда икки гап орасидаги пауза қисқа бўлади ва икки гапнинг мазмун жиҳатдан ўзаро боғланганлиги ҳам аниқ сезилиб туради. Шу сабабли икки гап ўртасига вергул қўйиш керак бўлади. Агар нуқта қўйилса, икки гапнинг орасидаги пауза узоқ бўлиб, ҳар бир гап ўзича мустақилдек бўлиб қолади. Лекин *эди* тўлиқсиз феълининг қўлланиши икки гапнинг мазмун жиҳатдан алоқадорлигини, улар ўртасидаги паузанинг қисқалигини ва улар орасида вергул ўрнига нуқтанинг нотўғри қўлланганлигини кўрсатиб туради:

*Алижон Латофатнинг шу илтимосига жавобан «бугун ҳам таклиф қилса нима деб жавоб бераман», деган мулоҳаза а-*

да эди. Коридорда эшитилган оёқ товуши билан хаёли бўлиниб кетди (Х. Нуъмон, «Фасллар»).

Кўриниб турибдики, бу мисолда эди тўлиқсиз феъли кейинги гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши биринчи гап билдирган ҳолатнинг бажарилаётган вақтига тўғри келишини ифодалайди. Демак, иккала гап мазмун жиҳатдан ўзаро боғланган, яъни қўшма гап ҳисобланади. Шунга кўра, мулоҳазада эди кесимидан сўнг вергул қўйилиши тўғри бўлади.

Эди тўлиқсиз феълининг от кесимлар таркибида эргаш гапни бош гапга боғлаш учун қўлланиши жуда кам учрайди. Бу ҳодиса, асосан, эргаш гапнинг кесими *овора*, *машғул* каби ҳолат билдирувчи сўзлардан ва ўрин-пайт келишиги формасидаги сўзлардан бўлган ҳолларда учрайди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки пайт эргаш гаплар кесими билдирган ҳолат, белгилар субъектнинг маълум конкрет вақтдаги ҳолати, белгиси бўлади. От, сифат, равиш каби туркумга оид сўзлар орқали ифодаланган белги эса турғун белги бўлади. Шунга кўра бу туркумга оид сўзларнинг пайт эргаш гап кесими вазифасида келиши ҳам жуда кам учрайди.

Бундан ташқари, от кесимли пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида ҳозирги ўзбек адабий тилида *экан* формасининг кенг қўлланиши ҳам бу вазифада эди тўлиқсиз феълининг қўлланиш доирасини чегаралаб қўяди.

Хулоса қилиб айтганда, эди тўлиқсиз феъли от кесимлар таркибида: 1) нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ўтмишга (ўтган замонга) оидлигини билдиради; 2) муносабат ифодалайди; 3) пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади.

Эди тўлиқсиз феъли феълларга бирикканда ҳам, асосан, унинг отларга бирикканда ифодаланадиган маъно ва хусусиятлари сақланади. Шу билан бирга маълум бир феъл формасининг маъно ёки бошқа хусусияти таъсирида эди тўлиқсиз феъли ҳам яна қандайдир қўшимча маъно ва хусусиятларга эга бўлиши мумкин.

Эди тўлиқсиз феъли ҳар қандай феъл формаси билан бирикавермайди, балки сифатдош формаларига, равишдошнинг *-(и)б*, *-гунча* аффикслари билан ясалган формаларига, *-моқчи* аффикси билан ясалган феъл формасига, шарт ва буйруқ-истак майли формаларига, ҳаракат номи формасига бирикади.

Эди тўлиқсиз феълининг феъл формаларидан қайси бирига бирика олиши ёки бирика олмаслиги шу формаларнинг хусусиятларига ҳам боғлиқ.

Юқорида кўрдикки, *эди* формаси замон маъносига эга бўлса-да, бироқ у нутқ моментига муносабат билдирмайди. Шу хусусиятига кўра, *эди* тўлиқсиз феъли феълларнинг шахс-сон билан тусланган ва ҳаракатнинг нутқ моментига муносабатини кўрсатувчи формаларига бирикмайди. Чунки бир форма доирасида ҳам нутқ моментига муносабат билдирувчи, ҳам нутқ моментига муносабат кўрсатмайдиган воқиталарнинг бўлиши мумкин эмас. Шу сабабли *эди* формаси ўтган замон феълнинг *келди*, *ишлади*, *келибди*, *ишлабди* формаларига, ҳозирги замон феълнинг *ишляпти*, *келяпти* формасига, ҳозирги-келаси замон феълнинг *келади*, *ишлайди* формасига бирика олмайди.

*Эди* тўлиқсиз феъли равишдошнинг *-а*, *-й* ва *-гач* аффикслари билан ясалган формасига ҳам бирика олмайди. Бунинг сабаби ҳам шу формаларнинг хусусиятидан келиб чиқади.

*Эди* тўлиқсиз феълнинг *-а*, *-й* аффикслари билан ясалган равишдошга бирикмаслигини, бизнингча, *-а*, *-й* аффиксларининг ўзбек тилида равишдош ясовчи сифатида жуда қадимдан пассивлашгани, ҳозирги ўзбек тилида бу аффикс билан ясалган равишдошнинг якка сўз ҳолида қўлланиши йўқ даражага яқинлашганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида *-гач* аффикси билан ясалган равишдошнинг мустақил гап кесими вазифасида қўлланиши учрамайди. Бу нарса *эди* тўлиқсиз феълнинг *-гач* аффикси билан ясалган равишдошга бирикмаслигининг сабабларидан бири бўлиши керак. Бундан ташқари, *-гач* аффикси билан ясалган равишдош формаси қўлланган ўринларда шу формадаги феъл билдирган ҳаракатдан сўнг яна қандайдир ҳаракат-ҳодиса борлиги сезилиб туради (Кейинида нимадир борлиги англашилади). *Эди* тўлиқсиз феъли ҳам худди шу хусусиятга эга:


*Капсанчилардан сўз очган эдим, дарров илиб кетди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»).

Бў мисолда *эди* тўлиқсиз феълни қўллаш билан айтилаётган гапдан кейин нимадир борлиги сезилади. Агар *эди* феъли тушиб қолса, шу маъно ифодаланмайди. Демак, *эди* формаси маълум даражада *-гач* аффиксига хос хусусиятга эга. Ана шу ҳолат ҳам унинг *-гач* аффикси билан ясалган равишдошга бирикишига имкон бермайди.


*Эди* тўлиқсиз феъли ёрдами билан ўтган замон феълнинг кўпгина формалари ясалади. Сифатдош ёки равишдошнинг қандай формасидан ясалишига қараб, уларнинг ҳар бири ўзига хос фарқли хусусиятларга эга. Лекин тўлиқсиз феълнинг қатнашувидан ҳосил бўлиши сабабли улар фарқли хусусиятлар билан бирга умумий хусусиятларга ҳам эга. Бу



ҳаракатнинг бажарилиш вақти нутқ моментига нисбатан олинмайди, балки «ҳозир»га нисбатан олинади. Агар объектив ўтувчи замонни (вақтни) шартли равишда қуйидаги қисмларга ажратсак,



у ҳолда *эди* тўлиқсиз феълисиз ясалган ўтган замон феъллари билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти шаклнинг «ҳозир» қисмига тўғри келиши («ҳозир» қисмига қириши) мумкин. Лекин *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган феъл формалари билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти шаклнинг «ўтмиш» («аввал») қисмига тўғри келади (шу қисм ичида бўлади).



Шаклдан ҳам кўриниб турибдики, *келди*, *келибди* феъл формалари билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан бериладиган «қачон?» сўроғига «ҳозир» сўзи жавоб бўла олади. Лекин *келган эди*, *келар эди* феъл формалари билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан бериладиган сўроққа бу сўз эмас, балки «аввал», «илгари», «бир вақтлар» каби сўз ёки сўз бирикмалари жавоб бўлади. Демак, *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган феъл формаларида ҳаракатнинг бошланиши ҳам, унинг натижаси сифатида юзага келган ҳолат ҳам ўтиб кетган вақтга (ўтмишга, аввалга) оид бўлади. Бу ҳаракатнинг бажарилиш вақти нутқ моментига нисбатан эмас, «ҳозир»га нисбатан белгиланади. Бинобарин, нутқ моментига муносабат бевосита эмас, балки бавосита бўлади. (Нутқ моментини ҳам ўз ичига олган «ҳозир» орқали бўлади.)

*Эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган ўтган замон феъл формаларининг шу турдаги бошқа формалардан (*эди* тўлиқсиз феълисиз ясалган ўтган замон формаларидан) асосий фарқли хусусиятларидан бири ана шундан иборат. Лекин бундан, *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган феъл формалари ҳамма вақт ҳам ҳаракатнинг ўтмишга оидлигини ифодалайди, деган хулоса келиб чиқмайди.


*Эди* тўлиқсиз феъли феълларга қўшилганда ҳам худди отлар билан қўлланганидаги каби, муносабат ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолларда *эди* формасидаги феъл билдирган ҳара-



катнинг бажарилиш вақти объектив ўтувчи вақтнинг «ҳозир» қисмида бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда *эди* тўлиқсиз феъл билан ясалган феъл формаси билдирган ҳаракатга алоқадор қандайдир ҳаракат, ҳодиса борлиги ифодаланadi:

*Сиз билан хайрлашай деб келган эдим, бундақа можаранинг устидан чиқиб қолибман* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).

Бу мисолдаги *келган эдим* ва *чиқиб қолибман* формаларининг ҳозирга ва нутқ моментига муносабатини шакл орқали кўрсатсак, қуйидагича бўлади.



Юқоридаги шаклдан кўриниб турибдики, *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган феъл формаси билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти объектив ўтувчи вақтнинг «ҳозир» қисмида бўлганда ҳам бу форма бевосита нутқ моментига муносабат билдирмайди. Бу форма билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти бошқа ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан белгиланади ва *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган феъл формаси билдирган ҳаракатнинг нутқ моментига муносабати бошқа феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти орқали белгиланади.

Демак, *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган ўтган замон феъл формалари билдирган ҳаракатнинг нутқ моментига муносабати ҳамма вақт бавосита бўлади. Бу форманинг ўтган замон феъли бошқа формаларидан фарқли асосий хусусияти ана шундан иборат. Шу хусусиятига кўра, *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган феъл формаларининг ҳаммасини (ўтган замон феълининг бошқа формаларидан фарқлаган ҳолда) «нисбий замон формалари» ёки «ўтган замон феълининг нисбий формалари» деб аташ мумкин.

#### -ГАН ЭДИ

Феълнинг бу формаси туркий тилларнинг жуда кўпчилигида бор. Мактаб дарсликларидан тортиб ўтган замон феъллари ҳақида ёзилган ишларнинг ҳаммасида ҳам *-ган эди* формаси <sup>7</sup> ҳақида фикр баён қилинган. Бироқ шунга қарамай, бу

<sup>7</sup> «-ган формаси», «-ган эди формаси», «-б эди формаси» ... деганда шу аффикслар ёки тўлиқсиз феълнинг ўзи эмас, балки улар орқали ясалган феъл формаси назарда тутилади. Ифодада ихчамлик бўлсин учун шундай қўлладик.

форманинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида ҳозиргача аниқ бир фикрга келинмаган. Туркологияда, шунингдек, ўзбек тилшунослигида, *-ган эди* формасининг хусусияти ҳақида бир-биридан фарқли фикрларни учратиш мумкин. Лекин қизиги шундаки, мавжуд адабиётларда *-ган эди* формасининг хусусияти ҳақида қандай фикр айтилмасин, текширилаётган тилдан шу фикрни тасдиқловчи мисоллар келтирилади. Шу жиҳатдан бу фикрларнинг ҳаммаси ҳам (гарчи бир-бирини инкор этувчи фикрлар бўлса-да) асосли, тўғри фикрлар бўлиб кўринади.

*-ган эди* формаси ҳақида бир-биридан фарқли фикрлар айтилган экан ва бу фикрларнинг тасдиқи учун фактлар келтирилган экан, бу ҳодиса мазкур форманинг бир маъно ва хусусиятгагина эга эмаслигини кўрсатади. Демак, масаланинг асосий томони *-ган эди* формасининг қандай маъно, хусусиятларга эғалигини аниқ белгилашдан иборатдир.

*-ган эди* формаси ўтган замон феъл формаларидан ҳисобланиши сабабли биринчи навбатда, унинг шу формалардан фарқли хусусиятини белгилаш керак бўлади.

*-ган эди* формасининг *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдош формасини шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинган ўтган замон феълдан фарқли хусусияти жуда аниқ. *Айтибман, айтибсан, айтибди* формасидаги ўтган замон феъли эшитган ёки ўзи кўрмай кейин билган ҳаракатни ифодалайди. *-ган эди* формаси бундай хусусиятга эга эмас. Демак, *-ган эди* формасини *-ди*, *-ган* аффикслари билан ясалган ўтган замон феъл формаларидан фарқлаш асосий масаладир.

Мактаблар учун чиқарилган ўзбек тили дарслигидан тортиб, олий ўқув юртлари учун нашр этилган ўзбек тили грамматикасидан қўлланма ва ўзбек тили грамматикаларининг ҳаммасида бу форма «Узоқ ўтган замон феъли» номи билан юритилади. Келтирилган мисоллар ҳам автор фикрини қувватлайди.

Кейинги вақтларда яратилган айрим ишларда *-ган эди* формасига нисбатан «узоқ ўтган замон» терминини қўллаш тўғри эмаслиги айтилди. Масалан, А. А. Коклянова ва А. А. Юлдашев *-ган эди* формасининг ўзи ҳаракатнинг узоқ ўтган замонда бажарилишини ифодаламайди, унинг қанчалик узоқ ёки яқинда бажарилиши бошқа воситалар ёрдамида ифодаланади деб кўрсатади<sup>8</sup>.

Ҳақиқатан ҳам, ўтган замон формалари агар ҳаракатнинг узоқ ўтмишда ёки яқинда бажарилишини ифодалашига кўра

<sup>8</sup> А. А. Коклянова, Категория времени в современном узбекском языке, М., 1963, стр. 86; А. А. Юлдашев, Аналитические формы глагола в тюркских языках, М., 1965, стр. 168.

номланадиган бўлса, ўзбек тилида (шунингдек, бошқа туркий тилларда ҳам) ҳаракатнинг фақат узоқ ўтган замонда бажарилишини билдирувчи бирорта ҳам форма йўқ. Бу жиҳатдан қараганда, А. А. Қоклянованинг ҳам, А. А. Юлдашевнинг ҳам *-ган эди* формаси ҳақида айтган юқоридаги фикрлари асосли. Лекин бажарилишдаги узоқ-яқинлик ўтган замон феълнинг бошқа формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг (масалан, *-ди аффикси* билан ясалган феъл билдирган ҳаракатнинг) бажарилишидаги узоқ-яқинликка нисбатан олинадиган бўлса, бошқачароқ ҳолни кўрамиз:

Узоқ ўтган замон маъноси ўзбек тилида *-ган* аффикси билан ясалган сифатдошни шахс-сон билан тусланган формаси орқали ҳам ифодаланади. Шу хусусиятига кўра феълнинг бу формаси ҳам ўзбек тили грамматикасига доир айрим ишларда «Узоқ ўтган замон феъли» деб аталади<sup>9</sup>.

*-ган* аффикси билан ясалган феъл формасининг ўзи узоқ ўтган замонни ифодалаш хусусиятига эга экан, *-ган эди* формасининг ҳам узоқ ўтган замонни ифодалаши ҳам мумкинлигига шубҳа бўлиши мумкин эмас. Чунки *эди* тўлиқсиз феъли *-ган* формасида бўлган узоқликни камайтирмайди (*эди* формасида «узоқликни қисқартиш», яқинликни ифодалаш хусусияти йўқ). Демак, феълнинг *-ган* аффикси билан ясалган формаси узоқ ўтган замон маъносига эга экан, шу формадан ясалган *-ган эди* формасининг ҳам узоқ ўтган замонни ифодалаши табиийдир. Ҳақиқатда ҳам, ҳаракатнинг бажарилиш вақти *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон феълидагига нисбатан *-ган* ва *-ган эди* формасидаги ўтган замон феълида аввал (илгари) бўлади:

*Етиғи билан гаплашиш энди эсингизга келдим и?! (А. Қаҳҳор, «Синчалак») Бунча ҳарсиллаб қолдингиз, Жиянбой ака? (З. Фатхуллин, «Ғунчалар») «Сен ҳозиргина одамни ўлимдан қутқаздинг... (А. Мухтор, «Қорақалпоқ қиссаси»).*

Бу мисоллардаги *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон формасини *-ган* ёки *-ган эди* формаси билан алмаштирилса, *-ди* формасига нисбатан *-ган* ва *-ган эди* формасида ҳаракат бажарилиш вақтининг узоқ бўлишини сезиш мумкин.

А. А. Юлдашев *-ган эди* формасининг ўзига хос хусусиятини белгилашда уни контекст ва бошқа сўзлардан холи ҳолда олиб қарайди. Бу жуда тўғри усул. Худди шундай қилиб (*-ган* ва *-ган эди* формасини бошқа сўзлар иштирокисиз) *-ди*

<sup>9</sup> Қаранг: А. Ҳ. Сулаймонов, Утган замон феъллари, «Феъл замонлари» (тўплам), Тошкент, 1962, 9-бет; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тошкент, 1962, 144-бет.

билан *-ган* ва *-ган эди* формалари қиёсланса, *-ди* формасига нисбатан *-ган* ва *-ган эди* формасида ҳаракатнинг бажарилиш вақти узоқ бўлганлиги аниқ кўринади: *келди — келган, келган эди; олди-олган, олган эди; айтди — айтган, айтган эди; ичди — ичган, ичган эди; қочди — қочган, қочган эди; сезди — сезган, сезган эди* ва ҳ.

Демак, *-ган* ёки *-ган эди* формасини узоқ ўтган замон формаси деб аташда уларнинг бир неча ой, бир неча йил бўлган ҳаракатни ифодалаш эмас, балки *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон феълдан ана шу фарқли хусусияти назарда тутилади. *-ди* аффикси билан ясалган феълларда ҳаракатнинг юз бериши сўзловчининг кўз олдида (сўзловчи ҳозир мавжуд бўлган вақт доирасида) бўлиши мумкин. *-ган, -ган эди* формаларида эса ҳеч вақт бундай бўлмайди. Бу формаларда ҳамма вақт ҳаракатнинг ҳозир эмас, аввал (илгари) бажарилганлиги ифодаланади. Бу маънонинг ифодаланишида ҳеч қандай ёрдамчи воситалар (сўз, контекст ёки бошқа воситалар) талаб этилмайди.

Кўринадики, ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатувчи воситалар бўлмаганда, *-ган, -ган эди* формасида ҳаракатнинг бажарилиш вақти ҳамisha *-ди* формаси билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан илгари, аввал бўлади. *-ган эди* формасига нисбатан узоқ ўтган замон терминини худди шу маънода қўллаш унчалик хато бўлмайди. Лекин, биринчидан, бу хусусият фақат *-ган эди* формасининг ўзига хос хусусият эмас, балки *-ган* формасига ҳам хосдир. Иккинчидан, *-ган эди* формасининг хусусияти фақат шу билангина чегараланмайди. Шу сабабли феълнинг бу формасини «узоқ ўтган замон» ёки бошқа қандайдир бир ном билан аташ унинг хусусиятига тўла мос келмайди. Ана шу ҳолатларни ҳисобга олиб, биз ҳам *-ган эди* формасига нисбатан «узоқ ўтган замон» терминини қўллашни маъқул кўрмаймиз, шунингдек, бу формани махсус бирор ном билан аташни ҳам лозим кўрмаймиз ва буларга махсус ном бериш керак деган фикрни ҳам тўғри деб билмаймиз<sup>10</sup>. Утган замон феъллари доирасида *-ган эди* формасининг бошқа формалардан ўзига хос фарқли хусусияти очиб берилса, шунинг ўзи кифоя.

1. *-ган эди* формасининг ўзига хос хусусиятларидан бири ҳаракат-ҳолатнинг ҳозирга эмас, балки ўтган вақтга, илгари (аввалги) вақтга оидлигини ифодалашдир:

... *Бизнинг йиғитни ҳам, катта масофани пиеда босгани учунми, кун хила бетоқат қилган эди* (Ойбек, «Қутлуг

<sup>10</sup> Умуман, бир неча маъно ва хусусиятга эга бўлган формани унинг бирор маъно ёки хусусияти асосида номлаш тўғри эмас ва бундай қилиш бирор ижобий натижа бермайди.

қон»). *Ерни юмшатиб, баҳорда тўқайни бузиш мақсадида қайта-қайта қўйилган сув энди ерга сингмай музлаб қолган эди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). *У ўз ёзувлари, фикр-мулоҳазаларига кўмилиб ўтирган чоғда бошланган шамол зўрайган эди* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Бу формада ҳаракатнинг ўтган вақтга, ўтмишга оидлиги бевосита эди тўлиқсиз феъли орқали ифодаланади. Эди тўлиқсиз феъли шу маънога эгалигидан, маълум бир вақт оралиғида бажарилган, ўзаро алоқадор ҳаракатларнинг ўтмишга оидлигини ифодалаш учун контекстнинг бошида ёки ўртасида, ёки энг охирида эди тўлиқсиз феълени бир марта келтиришнинг ўзи кифоя қилади:

*Вақт пешиндан оққан эди. Июль ойининг қуёши ҳамма ёқни олов сели билан тўлдирган, ҳаво аллақандай оқ аланга билан жимгина ёнгандай.* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Ёз бошланди. Ҳисор ва Самарқанд атрофида қорлар эриб, йўллар очилди. Энди Самарқандга сафар қилиш вақти етган эди* (С. Айний, «Дохунда»). *У жимиб қолган далада яраланиб қонсираб ётаркан, тепасида дум-думалоқ бўлиб турган ойга қараб шунақа хаёлларни кўп сурган эди. Ушанда ҳам ой қонга белангандек қип-қизил бўлиб кўринган* (Саид Аҳмад, «Уфқ»).

Бу мисолларда бир ўринда эди феълени қўллаш билан умуман шу жумладаги барча феъллар билдирган ҳаракат-ҳолатнинг ўтмишга оидлиги ифодаланган (эди формаси туширилса, шу маъно йўқолади).

Эди феълининг бу маъноси гап таркибида ҳозир (ҳозиргина), энди (эндигина) каби сўзлар қўлланганда ҳам йўқолмайди. Бундай ҳолларда «ҳозир», «энди» каби сўзлар нисбий тарзда ишлатилади ва сўзловчи мавжуд бўлган, нутқ моменти ўз ичига олган вақт маъносида эмас, балки эди формасидаги феъл билдирган ҳаракат бажарилган даврдаги вақт маъносида қўлланади:

*У [Мирзакаримбой] ҳозиргина ёдига олган қишлоқи. Ҳушрўй бибини ҳам, унинг камтарин, меҳнаткаш марҳум эрини ҳам, қутилмаган вақтда йўқлаб келган бу арслондай қишлоқи жиянини ҳам унутган, унинг фикрини ёлғиз ўз ишлари ишғол этган эди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Бозор бу гапларнинг ҳақиқий маъносини энди тушунган эди* (С. Айний, «Дохунда»).

Бундай ҳолларда -ган эди формаси ўтган замон феълининг бошқа формасига, масалан, -ди формасига алмаштирилса, ҳозир, энди каби сўзларнинг кўпчилиги ўз маъносида («ҳозирги вақт» маъносида) бўлади:

У [Мирзакаримбой] ҳозиргина ёдига келган қишлоқи Хушрўйбибини ҳам, унинг камтарин, меҳнаткаш марҳум эрини ҳам... унутди...

Лекин шуниси характерлики, ҳозирги вақтни, яъни нутқ сўзланаётган вақтни кўрсатувчи айрим сўз ёки бирикмалар *-ган эди* формаси *-ди* формаси билан алмаштирилса ҳам «ҳозир» деган маънога (яъни нутқ сўзланган вақт маъносига) қайтмайди. Аксинча, *-ган эди* формасисиз ҳам ҳаракат-ҳодисанинг ўтган вақтларга оидлигини кўрсатиб туради:

Шу вақт ташқарида ҳовлини янғратиб қўнғироқ жаранглади. Уқувчиларга ёқимли, таниш овози синфларни, коридорни, зални — ҳамма ёқни тўлдирди. Ҳовли бир зумда бўшади.

Каникул тамом бўлган, ўқишлар бошланган эди (О. Ёқубов, «Тенгдошлар»). Иккови баравар кулиб юборишди. Бу вақт улар дарвозадан кўчага чиқишган эди, заводдан сал нарироқдаги остановкада тўхтаб турган автобусни кўриб югуриб кетишди (Ж. Абдуллаҳонов, «Оқ йўл»).

Биринчи мисолдан шу вақт бирикмаси тушириб қолдирилса ҳам ҳаракатларнинг ўтмишга оидлиги ифодаланаверади. Чунки охири гап кесими *-ган эди* формасида. Ана шу гап ҳам туширилса, ҳаракатларнинг ўтмишга оидлиги маъноси йўқолади. Лекин *-ган эди* формасидаги гап қўлланмай, шу вақт бирикмасининг ўзи қўлланса ҳам ҳаракатнинг ҳозирга эмас, балки ўтмишга оидлиги ифодаланаверади. Бу маъно бевосита шу вақт бирикмасининг таъсирида келиб чиқади. Бу бирикмадаги *шу* олмоши назарда тутилган конкрет вақтни кўрсатади (унга ишора қилинади). Назарда тутилган вақт эса умумий ҳолатдан ёки контекстан маълум бўлиб туради.

Биз юқорида *-ган эди* формасининг биринчи маънода *-ди* аффикси орқали ясалган ўтган замон феъли ва *-(и)б* формаси билан ясалган равишдошни шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинувчи ўтган замон феъл формаларидан фарқи ҳақида, шунингдек, *-ган эди* формасидаги *-ган* аффикси билан *эди* тўлиқсиз феълнинг маъно ва хусусиятлари ҳақида гапирдик. Лекин *-ган эди* формасининг *-ган* аффиксли сифатдошнинг шахс-сон билан туслаш орқали ҳосил қилинувчи ўтган замон феълдан фарқли хусусиятини белгилаш яна ҳам муҳимроқ ва қийинроқдир. Ўзбек тили грамматикасига оид айрим адабиётларда *-ган* аффикси билан ясалган ўтган замон феълни «Узоқ ўтган замон феъли» деб, *-ган эди* формасидаги феълни «Ўтган замон ҳикоя феъли» деб аташ<sup>11</sup>, бошқа бир-

<sup>11</sup> А. Ҳ. Сулаймонов, Юқорида кўрсатилган асар, 9—14-бетлар; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқорида кўрсатилган асар, 144—145-бетлар.

ларида эса биринчисининг «Тарихий ўтган замон», иккинчисининг «Узоқ ўтган замон» деб аталиши<sup>12</sup> ва шу каби ҳар хилликлар ҳам бу икки форма ўртасидаги фарқли хусусиятни белгилаш қийинлигини кўрсатади. Шунингдек, бу ҳар хилликлар *-ган эди* ва *-ган* формалари ўртасида маълум умумий ва фарқли хусусиятлар борлигини кўрсатади. Энди ана шу хусусиятларни очишга ҳаракат қиламиз.

1) Юқорида кўрдикки, *-ган* ва *-ган эди* формасида ҳаракатнинг бажарилиш вақти нисбатан узоқ бўлади. Шу жиҳатдан бу икки форма ўртасида умумийлик бор. *-ган* аффикси билан ясалган формада ҳаракатнинг бажарилиш вақтининг узоқлик даражаси ҳар хил бўлиши мумкин. Бундан бир неча асрлар илгари юз берган ҳодисага нисбатан ҳам *-ган* аффиксини қўллаш мумкин (*V асрда яшаган*). *-ган* аффикси билан ясалган сифатдошга *эди* тўлиқсиз феълени қўшиб туслаш билан ҳаракатнинг бажарилишидаги узоқлик даражаси ортмайди. Агар узоқлик даражаси ортадиган бўлганида жуда ҳам қадим замонларда юз берган ҳаракат-ҳодисаларни ифодалаш учун *-ган* формасини қўллаш мумкин бўлмас эди, узоқликнинг маълум даражасигача *-ган* формасини, ундан ўтадиган даражаси учун эса *-ган эди* формасини қўллаш керак бўлар эди. Лекин ўзбек тилида бундай ҳолни учратмаймиз.

*-ган* формаси жуда қадим юз берган ҳаракатларни ифодалаш учун ҳам қўллана олиши ва ҳаракатнинг ўтган даврларга оидлиги кўп ҳолларда бирор сўз ёки бошқа воситалар орқали англашилиб туриши сабабли маълум ўринларда *эди* тўлиқсиз феълени қўлламаслик ёки қўлланган бўлса, тушириб қолдириш мумкин бўлади:

*Бир замонлар дадангиз мени ҳам тўғри йўлга солиш тилагида анча уринган. Мен бўлсам, ўжарлик қилиб ўз билганимни қилганман (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»)...*  
*бизнинг ҳар биримиз ноиллож қолган вақтда, ўзимизни қутқизиш учун қон тўкканмиз (С. Айний, «Дохунда»). Мени шу ерда ётти кун музлатган, қани ўзинг ҳам бир ётиб кўрчи, тоз!— деди ҳалиги ҳазилкаш йигит (А. Мухтор, «Қорақалпоқ қиссаси»).*

Бу мисоллардаги феъллар билдирган ҳаракатларнинг ўтган даврларга оид ҳаракат эканлиги *эди* тўлиқсиз феълсиз ҳам англашилади. Шу сабабли *эди* формасини қўллаш талаб этилмайди ҳам.

Қуйидаги мисолда эса *уққан эдим* формаси *уққанман* формасида қўлланса ҳам маъно ўзгармайди:

<sup>12</sup> А. Ф. Гуломов. Юқорида кўрсатилган асар, 25—26-бетлар.

*Москвага биринчи келганимда ўзимдан-ўзим атрофга боқиб кулаверардим. Олдимдан ўтиб кетаётган одамлардан уялиб оғзимни қўлларим билан яширардим. Бари бир бўлмасди. Оғзим очилиб кетаверарди. «Кўриб оғзим очилиб қолди» деган иборанинг маъносини шундан уққан эдим (Сайёр, «Бир кеча хаёли»).*

Лекин бу келтирилган фактлардан *-ган* формаси ҳаракат-ҳодисанинг ўтган даврларга оидлигини билдиради, бу маънода *-ган* ва *-ган эди* формаси ўртасида фарқ йўқ деган хулоса чиқмайди. *-ган* формаси ҳаракатнинг ўтган даврларга (ўтмишга) оидлигини таъкидламайди (шундай маънога эга эмас). *-ган* формасининг узоқ вақтларда бажарилган ҳаракатни ифодалаш учун қўллана олиши уни маълум сўзлар ёрдамида ўтган даврга оид ҳаракатни ифодалаш учун қўллашга имкон беради. *-ган* аффиксининг ўзи ҳаракатнинг ўтмишга оидлигини ифодалаш хусусиятига эга эмаслиги сабабли маълум ўринларда *эди* тўлиқсиз феълни тушириб қолдириш мумкин бўлмайди (*эди* феъли қўлланмаса, шу маъно ифодаланмайди):

*Ўрмонжон бригада ва звено бошлиқларидан хоҳлаган кишиларни ҳар ҳафта икки мартаба қизил чойхонага йиғиб ўқитиб бошлаган эди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироклари»).

Ҳаракатнинг бажарилиши жуда узоқ даврларга тўғри келиши, лекин у факт сифатида ҳозир ҳам инкор этилмаслиги мумкин. Бу ҳаракат ўтган даврларга оид ҳаракат ҳисобланмайди. Шу сабабли, гап ичида бу ҳаракатнинг юзага келиши анча илгари (узоқ вақтларда) бўлганлигини кўрсатувчи сўзлар ёки бошқа воситалар бўлганда ҳам, бари бир, мазкур феълни *-ган эди* формасида қўллаб бўлмайди, балки у *-ган* формасида қўлланади:

*Рус халқи аллақачонлар бу жаҳонгирлик урушидан безган* (Н. Сафаров, «Шарқ тонги»).

Бу мисолдаги *безган* формаси *безган эди* формасида қўлланса, «ўтган вақтларда», «илгари» деган маъно ёки яна қандайдир бошқа маъно ифодаланари.

2) *-ган* формаси ҳолат билдирганда, шу ҳолатнинг ҳозир мавжуд ҳолдалиги ифодаланари. Бу ҳолатнинг ўтмишдаги бирор вақт доирасида мавжуд ҳолда бўлганлигини ўтмиш маъносини билдирувчи бирор сўз ёки бошқа воситалар ёрдамида ифодалаб бўлмайди. Масалан, қирларнинг бир вақтлар майсалар билан қопланган ҳолда мавжуд бўлганини *Бу қирлар бир вақтлар майсалар билан қопланган* тарзида ифодалаш мумкин эмас. Бу маънони ифодалаш учун, албатта, *эди* тўлиқсиз феълни қўлланади: «*Бу қирлар бир вақтлар майсалар билан қопланган эди*».



Шу сабабли ҳолатнинг ўтмишга (ўтган вақтларга) оидлигини ифодаловчи восита бўлган ҳолларда ҳам эди тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди:

*Икки отряд хайрлашганда, қуёш эндигина чиққан; кун илиган эди* (О. Ёқубов, «Тенгдошлар»).

Бу мисолдан эди формасини тушириб бўлмайди. Баён қилинган мазмун эди тўлиқсиз феълсиз ифодаланадиган бўлса, бутун жумла бошқача тузилиши керак. Масалан, «*Қуёш эндигина чиққан. Кун илиган. Шу вақт икки отряд хайрлашди*». Бунда ҳолатнинг умуман ўтмишга оидлиги «шу вақт» бирикмаси ва контекстнинг ёрдамида ифодаланади.

Демак, *-ган* формаси билан *-ган эди* формаси ҳаракат бажарилиш вақтининг нисбатан узоқлигини ифодалаш билан бир-бирига ўхшайди. Ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги бошқа восита таъсирида ифодаланиши лозим бўлган ҳолларда эди феълни қўлламаслик мумкинлиги *-ган* формаси билан *-ган эди* формаси вазифасини бир хилдек кўрсатиб қўяди. Ҳақиқатда эса *-ган* формаси ҳаракатнинг ўтмишга оидлигини ифодаловчи форма эмас. *-ган эди* формасида эса эди тўлиқсиз феъли худди шу маънони ифодаловчи элемент ҳисобланади.

3) Кўриб ўтилган иккала ҳолатда ҳам *-ган эди* формаси таркибида *-ган* форманти ва эди тўлиқсиз феълига хос хусусият озми-кўпми даражада сақланади. Лекин *-ган эди* формаси таркибида *-ган* форманти ҳамма вақт ҳам ўз хусусиятини сақлайвермайди. Шу сабабли маълум ҳолларда *-ган эди* формасидаги тўлиқсиз феълни тушириб, мазкур феълни *-ган* аффикси билан ясалган ўтган замон формасида қўллаш мумкин бўлмайди:

*Унинг хил хаёллар билан кичкинагина тугунчадан иборат бисотини қўлтиқлаб Икромжоннинг орқасидан ташқарига чиқди. Низомжонни чинакамига безгак тутган эди* (Саид Аҳмад, «Уфқ»). *Кечагина юзларча ўқувчиларнинг қувноқ шов-шувлари билан янграб турган кенг, ёруғ бинолар энди жим-жит бўлиб қолди. Дарсга чақирувчи қўнғироқнинг ёқимли, таниш овози тинди.*

*Уқишлар* тамом бўлган, *каникул* бошланган эди (О. Ёқубов, «Тенгдошлар»).

Юқорида кўриб ўтдикки, бир неча гапдан иборат бўлган контекстларда биринчи гап ёки ўртадаги гап, ёки энг охириги гап кесими вазифасида келган феълни *-ган эди* формасида қўллаш билан шу контекстдаги барча феъллар билдирган ҳаракат ёки ҳолатнинг ўтган даврларга оидлиги ифодаланади. *-ган эди* формаси билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти шу контекстдаги бошқа феъллар билдирган ҳаракатларнинг бажарилиш вақтидан нисбатан илгари (узок) бўлмай, бу

фeъллaр билдиргaн ҳарaкaтларнинг бажaрилиши ўтмишдаги маълум бир вақт доирасида бўлиши мумкин. Ана шундай ҳолларда *-ган эди* формасидан *эди* тўлиқсиз феълни тушириб бўлмайди. Чунки *-ган* аффикси билан ясалган ўтган замон феълда, юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳарaкaтнинг бажaрилиш вақти *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон формасига нисбатан узоқ (илгари) бўлади:

*Шу вақт ташқарида ҳовлини янградиб қўнғироқ жаранглади. Уқувчиларга ёқимли, таниш овози синфларни, коридорни, зални — ҳамма ёқни тўлдирди. Ҳовли бир зумда бўшади.*

*Каникул та м о м бў л г а н, ўқишлар бошланган эди* (О. Ёқубов, «Тенгдошлар»).

Бу мисолдаги барча феъллар билдирган ҳарaкaт ўтмишда бир вақтда бажарилган. Демак, ундаги *бошланган эди, та м о м бўлган эди* формасидаги *-ган* аффикси нисбатан узоқни билдирувчи аффикс сифатида қатнашмаган. Агар *эди* тўлиқсиз феъл бўлмаса, *-ган* аффиксининг ўзи мустақил ҳолда феъл формасини ясовчи бўлиб қолади ва унинг ўзига хос бўлган маъно хусусияти ҳам тикланади. Шу сабабли келтирилган мисолдаги *эди* тўлиқсиз феълни тушириш мумкин эмас. Агар бу мисолдаги феъллар билдирган ҳарaкaтлар ўтмишдаги бирор вақтда бажарилган ҳарaкaтлар сифатида эмас, ҳозир бажарилган ҳарaкaтлар сифатида ифодаланадиган бўлса, у ҳолда охириги икки гапнинг кесими *тамом бўлган, бошланган* формасида эмас, балки улар ҳам олдинги гапларнинг кесими билан бир хил замон формасида (*тамом бўлди, бошланди* формасида) қўлланиши керак:

*Шу вақт ташқарида ҳовлини янградиб қўнғироқ жаранглади. Уқувчиларга ёқимли, таниш овози... ҳамма ёқни тўлдирди. Ҳовли бир зумда бўшади.*

*Каникул та м о м бў л д и (ёки та м о м бў л и б), ўқишлар бошланди.*

Демак, бундай ҳолларда *-ган* аффикси нисбатан илгари бошланган ҳарaкaт ёки ҳарaкaтнинг натижаси сифатидаги ҳолатни билдирувчи аффикс сифатида қатнашмайди, балки ҳарaкaтнинг нутқ моментига нисбатан бажарилган вақтини ифодалаши жиҳатдан *-ди* аффиксининг синоними сифатида қатнашади. *Эди* тўлиқсиз феъл ҳарaкaтнинг нутқ моментига муносабатини доим ифодаловчи *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон формасига бириколмаслиги сабабли *-ди* аффикси ўрнида *-ган* аффиксидан фойдаланилади. Шу сабабли бундай ҳолларда *-ган эди* формасининг маъноси, асосан *-ди* аффикси ва *эди* тўлиқсиз феълнинг маънолари йиғиндисига тўғри келади, яъни бундаги «ўтмиш» маъноси бевосита *эди* формасига хос бўлиб, ҳарaкaтнинг ана шу ўтмишдаги конкрет вақт

дан илгарироқ, узоқроқ эмас, балки шу вақтнинг ўзида бажарилиши маъноси *-ди* аффиксига хос маънодир.

Хуллас, тилда *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон феъллари билдирган маънода бажарилган ҳаракатнинг ўтган даврларга оидлигини ифодалаш талаби борлиги, лекин *эди* тўлиқсиз феълнинг *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон формасига бирика олмаслиги бу маънони ифодалашда *-ган* аффикси билан ясалган сифатдош формасидан фойдаланишга олиб келган. Шу тариқа, *-ган эди* формаси доирасида *-ган* аффикси маълум даражада ўз маъносида ҳам, шунингдек, *-ди* аффикси вазифасида ҳам қўлланадиган бўлган.

2. Ўзбек тилшунослигига, шунингдек, туркий тилларга оид айрим ишларда *-ган эди* формасига нисбатан «нисбий замон» термини қўлланади. Лекин бу термин мазкур ишларда бир хил маънода қўлланмаган. Масалан, А. Ҳ. Сулаймонов ёзади «Мазмун томондан олганда, бу феъл формаси асосан нисбий ўтган замонни, яъни ўтган замонда юз берган иккинчи бир иш-ҳаракатдан аввал бўлиб ўтган фактни ифодалайди... Шу иш-ҳаракат (*-ган эди* формаси билдирган иш-ҳаракат — А. Ҳ.) пайти билан сўзлаётган пайт ўртасида ўтган замондан ундан кейинроқ бўлган иккинчи бир иш-ҳаракат пайти бўлади»<sup>13</sup>.

*-ган эди* формасининг ўтмишда юз берган иккинчи бир ҳаракатдан олдин бўлиб ўтган ҳаракатни ифодалаши ўзбек тилида бор ҳодиса. Лекин унинг хусусияти фақат шу билан чегараланмайди. (Буни юқорида ҳам айтдик.) Бинобарин, *-ган эди* формасини номлашда фақат шу ҳодисани асосга олиш ёки уни *-ган эди* формасининг асосий мазмуни деб қараш тўғри бўлмайди.

*-ган эди* формасини «нисбий форма» деб аташда А. А. Юлдашев бу формадаги феълнинг ўтган замон эканлиги нутқ моментига нисбатан белгиланмаслиги, бошқа ҳаракат ёки ҳодисага кўра белгиланишини назарда тутаяди. Ҳақиқатда ҳам, юқорида кўриб ўтганимиздек, *-ган эди* формаси нутқ моментига бевосита муносабат билдирмайди. Бу формада ҳаракат-ҳолатнинг аввал, илгари юз берганлиги ифодаланади.

*Эди* тўлиқсиз феълнинг «ҳозир эмас, аввал, илгари» деган маънога эгаллиги нутқ сўзланаётган вақтда *-ган эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракат-ҳолатдан бошқача ёки мазмун жиҳатдан унга алоқадор бўлган бирор ҳаракат, ҳодиса юз берганлиги маъносини келтириб чиқаради:

*Таклиф қилмасаям ўтира бошлагандим* (Сайёр, «Бир кеча хаёли»). *Консул амир билан дўст, жонини жаббор-*

<sup>13</sup> А. Ҳ. Сулаймонов, Юқорида кўрсатилган мақола, 14-бет.

ға беріп амирни құриқлайды, демәған ми эдим? (С. Ай-ний, «Дохунда»). Мажлисда ҳамма масала очилгандай, Ахмедовдан сұралмаған ва тўлиқ жавоб олинмаған савол қолмагандай бұлған эди... (А. Қахқор, «Қўшчинор, чироғлари»). Матчон тўра Жумагулли ёш вақтида бир кўрган, холос. Ушанда «бу қиз хушрўй чиқади» деб қўйған эди (Ж. Шарипов, «Хоразм»). Шукур... ҳозиргина йўқлаб турған эдик-а.. (Н. Сафаров, «Шарқ тонги»).

Бу мисолларда *-ган эди* формасининг қўлланиши натижа-сида нутқ сўзланаётган вақтда шу формадаги феъл билдир-ган ҳаракат билан қандайдир алоқаси бұлған бошқа бирор ҳаракат, ҳодиса юз берганлиги англашилиб туради. Бу ҳара-кат-ҳодисани кўрсатувчи сўз ёки гап йўқлигидан ҳали фикр тугамагандек, айтиладиган гап тамом бўлмагандек сўлиб ту-ради<sup>14</sup>.

Демак, *эди* тўлиқсиз феъли бу формада ҳам, худди от ке-сим таркибида келганидаги каби, муносабат ифодалайди. Ана шу хусусияти жиҳатдан ҳам *-ган эди* формасини «нисбий фор-ма» деб аташ маълум даражада шу форманинг моҳиятига мос келади. Лекин тўла эмас. Чунки бу форма ҳамма вақт ҳам муносабат (нисбат) ифодалайвермайди (масалан, бирин-чи маъноси).

*-ган эди* формаси муносабат ифодалаган ҳолларда шу формадаги феъл билдирган ҳаракатга алоқаси бұлған ҳара-кат-ҳодисани билдирувчи гапдан олдин қўлланади<sup>15</sup>.

*Бир оз яйрашамизми деб келган эдим, шу ерда ҳам тинчлик бермадингиз!* (Н. Сафаров, «Ҳаёт мактаби»). *Карим-жон бош иргитиб тасдиқ ишорасини билдирган эди, ота қоронғиликда кўрмай қолди чамаси* (О. Еқубов, «Тилла узук»).

Лекин ёзувда ёки оғзаки нутқда *-ган эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракатга алоқаси (муносабати) бұлған ҳа-ракат, ҳодисани билдирувчи сўз ёки гапнинг қўлланиши ҳам-ма вақт ҳам шарт эмас, *-ган эди* формасидаги феъл билдир-ган ҳаракатга алоқадор бұлған ҳаракат-ҳодисанинг қандай ҳаракат-ҳодиса эканлиги гапнинг умумий мазмуни, шу гап таркибидаги бирор сўз ёки бошқа воситалар таъсиридан ан-глашилиб туриши мумкин. Бундай ҳолларда *-ган эди* формаси билдирган ҳаракатга алоқадор (муносабатда) бұлған ҳара-кат-ҳодисани билдирадиган гапни қўллаш талаб этилмайди ва қўлланмайди ҳам:

<sup>14</sup> И. Е. Мамановнинг кўрсатишича, қозоқ тилида ҳам шундай. Қа-ранг: И. Е. Маманов, Вспомогательные глаголы в казахском языке, Алма-Ата, 1949, стр. 12.

<sup>15</sup> А. А. Кюклянова, Юқориде кўрсатилган асар, 87-бет.

*Мен сизни жуда мард қиз деб ўйлаган эдим* (С. Зунунова, «Гулхан»). *Сал бўлмаса учувчи душман разведкасининг хизматини қилиб қўйган эди-я!* (Н. Сафаров, «Львов ҳақида ҳикоя») *Бормисан, азизим. Биз сени ўлдирач қарган эдик-а!* (З. Фатхуллин, «Синов йилларида»)..  
*Полвонбой, сени зиндонда деб эшитганим, эсон-омон қутулдингми?* (Ж. Шарипов, «Хоразм»).

*-ган эди* формаси муносабат ифодаламай, ҳаракат-ҳолатни ҳикоя тарзида ифодалаш учун қўлланганда, бу ҳаракат-ҳолатнинг бажарилган вақти нисбатан аъча илгарироқ вақтга оид бўлади. Муносабат ифодалаган ҳолларда эса ҳаракатнинг бажарилиши илгарироқ вақтга эмас, балки ҳозирги вақтга тўғри келиши ҳам мумкин:

*Салом, Саттор ака, кечирасиз, Сурмахон опамни қидириб кирган эдим* (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»). *Зарур иш билан келган эдим, вақтингиз зиқроққа ўхшайди* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).

Ҳатто, бундай ҳолларда феълдан англашилган ҳолатнинг ҳозир ҳам мавжудлиги инкор этилмайди:

— *Ҳа, ая, келдингизми, қорин ҳам роса очган эди-да.*

— *Акангни чақир, овқатланиб олинглар* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).

Бу мисолда сўзловчининг гапирётган вақтда қорни очлиги инкор этилмайди, аксинча, шу вақтда ҳам қорни оч. Гап шундаки, энди қорин очлигига барҳам берилади (энди қорин тўяди). Худди шу нуқтаи назардан сўзловчи *-ган эди* формасини қўллаган.

Муносабат ифодалаш ёки ифодаламаслик нуқтаи назардан айнан бир ҳаракатнинг ўзини билдирувчи феълни *-ган эди* формасида ёки ўтган замон феълининг бошқа формасида қўллаш мумкин.

— *... Овозингизни эшитиш умиди билан атайлаб келган эдим. Бахтимга ўзингизни ҳам кўрдим.*

— *Атайлаб келмагансиз, ишингиз бордир,— деди қиз секингина* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Ана шу фактларнинг ўзиёқ муносабат ифодалаш *-ган эди* формасининг асосий хусусиятларидан бири эканлигини кўрсатади. *-ган эди* формасига алоқадор ҳаракат-ҳодисанинг қандай ҳаракат-ҳодиса эканлиги бошқа гап, контекст ёки бошқа воситалар орқали реаллашади.

*Эди* тўлиқсиз феълни муносабат ифодалаш хусусиятига эга бўлганидан *-ган эди* формаси ҳам, худди от кесимлардаги каби, хушмуомалалиқ, «сиз нима дейсиз» каби маъноларни ифодалаш учун ҳам қўлланади:

*Шофер ана шу машинада. Айёрроқ. Бир гапириб қўясизми деган эдим* (Ш. Тошматов, «Тонгдаги кўланка»).

-ган эди формаси ҳозирги ўзбек тилида хушмуомалалик ифодаловчи формага айланмаган. Лекин муносабат ифодалаш хусусиятига эгалигидан, маълум ҳолларда, хушмуомалалик ифодалаш учун ҳам қўллана олади.

Эди тўлиқсиз феълининг муносабат (алоқадорлик) маъносини ифодалашини унинг яна айрим хусусиятларини келтириб чиқаради.

Эди тўлиқсиз феъли муносабат маъносини ифодалар экан, шу феъл қатнашган гап билан -ган эди формасидаги ҳаракатга муносабатда (алоқадор) бўлган нарса-ҳодисани ифодаловчи гап мазмун жиҳатдан ўзаро бир бутун ҳолдаги қўшма гапни ташкил қилади.

Эди тўлиқсиз феъли муносабат (алоқадорлик) ифодалаш хусусиятига эгаллиги сабабли қўшма гапларда -ган эди формаси қўлланган ҳолларда қўшма гап компонентини (сода гапни) боғловчи воситалар қўлланмаслиги ҳам мумкин:

*Чол қўл узатган эди, Норқўзи (эса) қучоқ очди.* (Х. Фулом, «Сенга интиламан»). *Умида Сауданинг касал эканини кўриб, тез-тез келиб хабар олиб турди. Идора хизматчиларидан бир неча киши кирди. Усмонжон келди. Меҳри келган эди, одам борлигини кўриб эшикдан қайтди* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). *Карима она чойнакни узатган эди, чол олмади* (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

Бу мисолларда иккинчи гап олдидан *лекин, аммо, бироқ* каби боғловчиларни қўллаш мумкин. Лекин иккинчи гапдаги мазмуннинг биринчи гапдаги ҳаракатга муносабати (алоқаси, боғланиши) борлиги -ган эди формаси орқали ҳам ифодаланади. Шу сабабли мазкур боғловчиларни қўллашга эҳтиёж қолмайди (қўлламасликка имкон туғилади). Агар -ган эди формаси -ди формаси билан алмаштирилса, албатта боғловчи қўллаш лозим бўлади:

*Чол қўл узатди, лекин Норқўзи (эса) қучоқ очди.*

Бироқ бу фактдан эди тўлиқсиз феъли ҳозирги замон ўзбек тилида *лекин, аммо* каби боғловчиларга ҳос вазифаларга ҳам эга (эди — боғловчи) демоқчи эмасмиз. Бу форма қўшма гаплар таркибида муносабат маъносини ифодалайди, холос. Лекин у қўшма гап компонентларининг мазмун жиҳатдан қандай муносабатда эканлигини аниқ ифодаламайди. Мазмун жиҳатдан бўлган муносабат бошқа сўзлар ёки қўшма гапнинг умумий мазмунидан реаллашади:

*Унинг авзойини кўрган келин ҳол-аҳвол сўрашай деб оғиз жуфтлаган эди, хола кўрмаганга солиб, ўтиб кетди* (Ж. Абдуллахонов, «Янги одамлар»). *Абдишукурнинг тили*

қичиб, янгича тўй ҳақида, уламо, шарият ва мактаб тўғрисида муфассал изоҳ бермоққа чоғланган эди, лекин сўзни Ҳакимбойвачча илиб кетди (Ойбек, «Қутлуғ қон»). Ҳа раисни бошладилар. Сатторқул чиқиб «ундоқ қиламиз, бундоқ қиламиз», деб аравани қуруқ олиб қочаверган эди, «қисир сигир кўп маърайди» дедилар (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор, чироғлари»). Бурни билан чуқур нафас олди-да, ихчам гавдасини олдинроққа эгди, сўнг физкультурачилардай тирсагини ёнга чиқариб, оёғининг кафтларини босди-да, югура бориб бир с а к р а г а н э д и, иккинчи катак ўртасига тушди (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»).

Шундай ҳоллар ҳам бўладики, қўшма гап компонентларининг мазмун жиҳатдан қандай муносабатда эканлиги боғловчилар ёрдамисиз ҳам конкрет ифодаланаверади; ҳатто, боғловчи қўллаш талаб этилмайди. Натижада икки гапнинг мазмун жиҳатдан ўзаро муносабати *-ган эди* формаси орқали ифодалангандек кўринади:

*Жиянингни бирпас кўтарган эдим, нақ манови қиёмат қиливорди* (Саид Аҳмад, «Уфқ»). *Масков, Петербург театрларини гапирган эди, оғзим очилиб қолди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Сувга энгашиганида сочлари ариққа дув тушади-да, сув ичгандай бўлмайди. У ховучини тўлдириб-тўлдириб ичган эдики, чанқоғи босилди-қолди* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Биринчи гап сабаб эргаш гапли қўшма гапдир. Лекин унда сабаб маъноси ифодалайдиган боғловчи қўлланмаган. Икки гапнинг ўзаро муносабати борлиги эса *-ган эди* формаси орқали ифодаланади. Шунга кўра, бу қўшма гапда сабаб маъноси *-ган эди* формасига хосдек кўринади. Ҳақиқатда эса *-ган эди* формаси сабаб маъносига эга эмас. Сабаб маъноси қўшма гап компонентлари ифодалаган нарса-ҳодисаларнинг ўзаро муносабатидан келиб чиқади. Агар бош гап таркибидаги сўзлар бошқа сўзлар билан алмаштирилса, *-ган эди* формаси ўзгартирилмагани ҳолда, сабаб маъносидан бошқа маъно ифодаланиши мумкин:

*Жиянингни кўтарган эдим, манови парво ҳам қилмади.*

Қўшма гап компонентлари ўртасидаги муносабат *-ган эди* формасисиз ҳам реаллашиши мумкин бўлган ҳолларда *-ган эди* формасини феълнинг бошқа формаси билан алмаштириш мумкин:

*Қайси кунни Ҳожар келган эди, қаҳрамон бўлишига ўттиз бир тонна етмабди* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). *Ҳа, бир беморнинг аҳволи бугун жуда оғирлашиб қолган эди, ошғич чора кўришга тўғри келди* (Б. Раҳмонов).

Биринчи мисолдаги *-ган эди* формаси ўрнида *-ди* формасини, иккинчи мисолдаги *-ган эди* формаси ўрнида *-(и)б* формасини қўллаш мумкин. Бу билан маънода унчалик ўзгариш бўлмайди.

Бу келтирилган фактлардан қўшма гап компонентларининг мазмун жиҳатдан ўзаро муносабатини кўрсатувчи врситалар бўлганида ёки бундай муносабат қўшма гапнинг умумий мазмунидан англашилиб турган ҳолларда *-ган эди* формасини бошқа форма билан алмаштириш мумкин бўлавереди деган хулоса чиқмайди. Жуда кўп ҳолларда *-ган эди* формасини бошқа бирор форма билан алмаштириб бўлмайди ёки алмаштириш маълум даражада мумкин бўлса-да, маънода ўзгариш юз беради:

*Ҳошимжонга қараб ўтирган Анзират хола хўплаган чойини ютмасдан ниқ этиб кулиб юборган эди, бурнидан пуфак ёрилди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). *Алижон плашчини ечиб, қозиққа илди-да, стулга ўтирди. Ҳозиргина соқолини олдирган эди, одеколон ҳиди тарқалиб кетди* (Х. Нуъмон, «Фасллар»). *Бригадир настга эгилиб тушган шохни қўллари билан ушлаб, авайлабгина қайтарган эди, қирсиллаб синди* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»).

Иккинчи мисолдаги *Ҳозиргина соқолини олдирган эди, одеколон ҳиди тарқалиб кетди* гапини «*Ҳозиргина соқолини олдиргани учун одеколон ҳиди тарқалиб кетди*» тарзида ифодаласа ҳам ўзгариш бўлмайдигандек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Бу гапда *-ган эди* формаси муносабат кўрсатади, лекин сабаб мазмунини ифодаламайди. Шунинг учун «*олдирган эди*» формаси «*олдиргани учун*» тарзида қўлланса, одеколон тарқалишининг сабаби «соқол олдирганлиги» бўлиб қолади. Лекин одеколон тарқалиши учун соқол олдириш сабаб бўлавермайди. Чунки соқол олдириш билан (одеколон сепилмаса) одеколон ҳиди тарқалавермайди.

*-ган эди* формаси ўзаро боғланишни, муносабатни кўрсатиши сабабли қўшма гапларда *-ган эди* формасидан кейинги пауза нисбатан қисқа бўлади. Агар *-ган эди* формаси ўрнида бошқа форма (масалан, *-ди* формаси) қўлланса, ҳар бир гап ўзича мустақил ҳолда бўлади ва улар ўртасидаги пауза ҳам нисбатан узоқ бўлади. Демак, оғзаки нутқда икки гапнинг мазмун жиҳатдан ўзаро алоқадорлиги (бир бутунликни ташкил этиши) *-ган эди* формаси билан бирга шу формадан кейинги паузанинг қисқалигида ҳам ўз ифодасини топади. Шундай экан, ёзувда ҳам *-ган эди* формасидан кейин шу қисқа паузага мос келадиган тиниш белгини (масалан, вергул) қўллашга тўғри келади. Акс ҳолда, *-ган эди* формаси ва икки гап ўрта-



сидаги муносабат билан қўйилган тиниш белгининг мазмуни бир-бирига мос келмай қолади:

*Саида Қозимбекдан отасининг соғлиғини сўраган эди, Қозимбек мийиғида кулиб:*

— Гапларнинг кайфини суриб ётибди,— деди (А. Қаҳҳор, «Синчалак»).

Бу мисолдаги *сўраган эди* формаси *сўради* формасида қўлланса, қўшма гапнинг компонентлари мустақил гапга айланади ва икки гап ўртасидаги пауза узаяди. Натижада *сўради* формасидан кейин нуқта қўйишга тўғри келади (*Саида Қозимбекдан отасининг соғлиғини сўради. Қозимбек мийиғида кулиб...*).

Демак, мазмун жиҳатдан бир бутунликни ташкил этувчи қўшма гап компонентлари *-ган эди* формаси орқали боғланганда, шу формадан кейин вергул қўйилиши керак ёки шу боғланишни инкор этмайдиган бошқа белги қўйиш керак бўлади. Агар нуқта қўйилса, ҳар бир гап ўзига мустақилдек бўлиб қолади ва ўқишда улар ўртасидаги пауза ҳам узаяди. Лекин *-ган эди* формаси ҳар бир гап ўзича мустақил эмаслигини, улар мазмун жиҳатдан бир бутун эканини кўрсатиб туради. Натижада бу ўринда нуқтанинг нотўғри қўйилганлиги сезилиб туради:

*Матнийёз ўрган қамишини гур этиб ташлаб, қора қумғонни кўтариб чанқоқлик билан ютоқиб шимира бошлаган эди. Жапақ келиб қумғон дастасидан маҳкам ушлади. (А. Муҳтор, «Қорақалпоқ қиссаси»). Қудрат дала ишининг оғирлиги, кўпчиликни ишлатиш қўлидан келмаслигини айтган эди. Коля яна:*

— *Қўрқма, ўзим ёрдамлашаман,— деб далда берди (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»).*

Бу мисолларда бошлаган *эди*, *айтган эди* формаларидан сўнг вергул ўрнига нуқтанинг нотўғри қўйилганлиги осонгина сезилади.

3. *-ган эди* формасидаги феълнинг сабаб эргаш гап, натижа эргаш гап ёки бошқа типдаги эргаш гапларнинг кесими вазифасида келиши мумкинлигини, лекин *-ган эди* формасининг ўзи сабаб ёки натижа каби маъноларга эга эмаслигини кўрдик. Шу жиҳатдан А. А. Юлдашевнинг *-ган эди* формаси ифодалайдиган муносабат сабаб ёки натижа планидаги муносабат эмас, балки замон категорияси планидаги муносабат деган фикри ҳақиқатга тўғри келади<sup>16</sup>. Бунда қўйидаги уч ҳолатни эслатиб ўтишга тўғри келади.

<sup>16</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 174-бет.

Биринчидан, *-ган эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти нутқ моментига нисбатан эмас, балки бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан белгиланади:

*Инженер Зокировни излаб юрибман. Идорасига борган эдим, сизнинг олдингизга юборишди* (З. Фатхуллин, «Оби ҳаёт»).

Иккинчидан, *-ган эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти бошқа бирор ўтган замон формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан эмас, балки «ҳозир»га нисбатан (нутқ моментини ўз ичига олган вақтга нисбатан) олинади.

— *Фотима қаерда?*

— *Молларга хашак солгани чиққан эди, сомонхонададир* (С. Айний, «Дохунда»).

Учинчидан, бирор феълни *-ган эди* формасида қўллашдан мақсад шу форма билдирган ҳаракатнинг бошқа феълдаги ҳаракатдан илгари бажарилишини ифодалаш эмас, балки унинг бошқа бирор ҳаракат бажарилган вақтга ва шу ҳаракатнинг ўзига ёки ҳозирги ҳолатга муносабатини ифодалашдир. Шунинг учун ҳам *-ган эди* формаси муносабат ифодаланган ҳолларда бу муносабат икки ҳаракатнинг бажарилиш вақтининг кетма-кетлигини кўрсатувчи муносабат бўлавермайди, балки турлича муносабат бўлиши мумкин. (Буни юқорида кўрдик.)

*Эди* тўлиқсиз феълнинг *-ган эди* формаси таркибида ҳам муносабат ифодаланиши ва пайт маъносига эгаллиги туфайли пайт эргаш гап билан бош гапни боғлаш вазифасида қўлланади<sup>17</sup>:

*Давлатбеков ошни еб бўлиб, чойга ҳам қониб, ҳовуз бўйида энди бир мизғиб олмоқчи бўлиб чўзилган эди, кўчада мотор гувиллади* (П. Қодиров, «Қора кўзлар»). *Қудрат ажабланганича эшик томон юрган эди, кўча бошидан подачининг:*

— *Ҳай-до-о!* — *деган ҳайқириғи келди* (Ҳ. Назир, «Сўнамас чақмоқлар»). *Аҳмедов ўз кабинетига кириб энди ўтирган эди, колхоз медицина пунктининг ҳамшираси кирди* (Ҳ. Нуъмон, «Фаслар»).

Кесими *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гапларда «ҳам» сўзи ёки *-ки* юкломаси, ёки уларнинг ҳар иккаласи қўлланиши мумкин. Лекин булар эргаш гап билан бош гапни боғловчи воситалар бўла олмайди. Бундай формада боғловчилик вази-

<sup>17</sup> Ўзбек тилидаги пайт эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида ёзилган ишларнинг деярли ҳаммасида пайт эргаш гапнинг бош гапга шу формада боғланиши ҳам кўрсатилади.

фасини эди тўлиқсиз феълининг ўзи бажаради. Ҳам ва -ки юкламалари эса, таъкид, кучайтириш учун қўлланади. Бундай ҳолларда эргаш гапдаги ҳаракат бажарилган ондаёқ ёки у бажарилар-бажарилмас бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади:

*Булар мардикор бозордан чиқиб, коппон томонга бурилан ҳам эди, орқада, йигитлар тўпида шовқин, бақирқиқ-чақирқиқ бошланди (Ҳ. Фулом, «Сенга интиламан»). Чой чақириб, энди бир пиёла ичган эдики, олтмиш-етмиш ёшлар ўртасидаги тўрт қария келиб унинг ёнига ўтирди (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). У ҳали қўйнидан ҳамёнини чиқариб, пулни йиғиштириб олганича йўқ эдики, пояки «обтоза» деб чилимни даврада бир айлантириб ўтирганларга бир-бир тақдим қилди (С. Айний, «Дохунда»). Шунинг учун ҳам Беляев жангчиларни бемалол дарёдан бошлаб ўта бошлаган ҳам эдики, душман тасир-тусурга олиб отиб қолди (А. Убайдуллаев, «Қонли издан»). Бу қутилмаган янгиликдан юрғи «шиғ» этган Сайёра эплай олмаслигини айтиб, арз қилишга оғиз жуфтлаган эди ҳамки, четроқда кўзларини қисиб, кулимсираб ўтирган комсомол комитетининг секретари Олим Умаров... (О. Ёқубов, «Тилла узук»).*

-ган эди формасида эди тўлиқсиз феълининг ўзига хос хусусияти маълум даражада сақланади. Шунга кўра, -ган эди формасидаги феълнинг қачон эргаш гапнинг кесими вазифасида кела олиши ёки кела олмаслиги бош ва эргаш гапдаги ҳаракатларнинг бажарилиш вақтига ҳам боғлиқ бўлади. Масалан, -гач формасидаги феълнинг эргаш гап кесими вазифасида келиши учун бош ва эргаш гаплардаги ҳаракатларнинг қайси замонда бажарилиши аҳамиятсиз. Бу ҳаракатлар ўтган замон, ҳозирги замон ёки келаси замонга оид бўлиши мумкин: *Сен келгач, мен ишладим — Сен келгач, мен ишлаётиман — сен келгач, мен ишлайман.*

-ган эди формасидаги феъл эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши учун бош ва эргаш гапдаги ҳаракат ўтган замонга оид бўлиши керак. Бунинг сабаби эди формасининг ҳозиргача (аввал, илгари) юз берган ҳаракат-ҳодисани ифодалаш хусусиятидир.

Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиш ва эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифаси ҳозирги ўзбек тилида -ган эди формасининг алоҳида бир вазифасига айланганлигини шу билан ҳам исбот қилиш мумкинки, маълум ҳолларда эргаш гапни бош гапга боғловчи айрим воситалар ўрнида -ган эди формасини ва, аксинча -ган эди формаси ўрнида эргаш гапни бош гапга боғловчи бошқа воситаларни қўллаш мумкин бўлади:

Эшикни тақиллатсак, *етти-саккиз ёшлар чамасидаги бир қиз эшикни очиб: «Сизларга ким керак?» деб сўради* (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»). *Ўзи ҳам қараб турмай энди ишга бошлаган эди, директор телефон орқали чақириб қолди* (Ибохон, «Улуғ кун»).

Биринчи мисолдаги тақиллатсак феълини тақиллатган эдик формасида, иккинчи мисолдаги бошлаган, эди феълини бошлаганида формасида қўллаш мумкин.

Ҳозирги ўзбек тилида пайт эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар жуда кўп. Бу вазифада сўз формалари, боғловчилар билан бир қаторда боғловчи вазифасидаги сўзлар ҳам қўлланади. Буларнинг ҳар бири ўзига хос хусусиятларга эга бўлгани учун уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди. Худди шунингдек *-ган эди* формаси ҳам пайт эргаш гапни бош гапга боғловчи воситалар орасида ўзига хос ўрин тутайди ва унинг ўрнида шу вазифадаги бошқа воситаларни қўллаш жуда кўп ҳолларда мумкин бўлмайди.

Кесими *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош гап кесими билдирган ҳаракат эргаш гапдаги ҳаракатдан сўнг ёки у бажарилган вақтнинг ўзида юз беради. Шунга кўра, *-гунча* ва *-гунга қадар* каби формалар ўрнида *-ган эди* формасининг қўлланиши ҳақида гап бўлиши мумкин эмас.

Пайт эргаш гапнинг кесими *-ганга қадар, -ган вақтда* (*-ган пайтда*), *-гандан кейин* (*-гандан сўнг*) каби формада бўлганда *қадар, вақт, кейин* каби сўзларга хос маъно сезилиб (таъкидланиб) туради. *-ган эди* формасида эса бу маънолар таъкидланмайди. Шу сабабли эргаш гапдаги ҳаракат бажарилган вақтда (бўлишсиз формада — бажарилмай туриб) бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланган ҳолларда ҳам *-ган эди* формаси ўрнида *-ган вақтда* (*-ган пайтда*) каби формаларни қўллаб бўлмайди. Қўлланса, маънода ўзгариш сезилади, вақт маъноси таъкидланади.

*Сўнг расм ёнидаги «Дўстлик» сарлавҳали шеърни баланд товуш билан ўқий бошлаган эди, орқасидан биров аста келиб, икки қўли билан унинг кўзларини «Ойнами тарақ» қилиб маҳкам бекитди* (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). *Кинояли саволга ҳам ҳеч ким жавоб бериб улгурмаган эди, эшикдан, Тихомиров билан Сафронов олдинмакейин кириб келишди* (Б. Кербобоев, «Небитдоғ»).

Кесими *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилган вақти алоҳида таъкидланмаслиги сабабли «*қачон?*» деган сўроқ қўйилмайди.

Кесими *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапдаги ҳаракат билан бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилишдаги вақт оралиғи жуда қисқа бўлади. Шу сабабли *-ган эди* формаси ўрнида *-гач*, *-гандан кейин* каби формаларни ҳам қўллаб бўлмайди.

Кесими *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гаплардаги ҳаракатларнинг бажарилиш вақтидаги оралиқ жуда қисқа бўлгани учун ҳам бундай эргаш гап кесимларида унинг хусусиятига мос келувчи ҳам ва *-ки* юкламаларини қўллаш мумкин бўлади. (Мисоллар юқорида берилди.) Пайт эргаш гап кесимининг бошқа формаларида бундай қилиш мумкин эмас.

Бош ва эргаш гапдаги ҳаракатлар бажарилиш вақти оралиғининг жуда қисқалиғи *-ши билан* (*-ши биланоқ*), *-май*, *-масдан* (*-масданоқ*) формалари орқали ҳам ифодаланади<sup>18</sup>. Шунга кўра, *-ган эди* формаси бу вазифада ўз хусусияти жиҳатдан мазкур формаларга яқин туради ва кўп ҳолларда *-ган эди* формаси ўрнида кўрсатилган формалардан бирини қўллаш мумкин бўлади:

*Бошини чиқарган ҳам эдики, бўрон юзига чанг солди* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Ҳайрон бўлиб конвертни очди, хатни охиригача ўқиб бўлмаган эдики, Қосимов келиб қолди* (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»). *Лекин одамлар баҳор ҳидига тўйиб улгурмаган ҳам эдиларки, ҳавонинг авзойи яна бузилди* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Биринчи мисолдаги *чиқарган ҳам эдики* формаси ўрнида *чиқариши билан* формасини, кейинги мисоллардаги *ўқиб бўлмаган эдики*, *улгурмаган ҳам эдиларки* формалари ўрнида *ўқиб бўлмасдан*, *улгурмасдан*, *улгурмай* формаларини қўллаш мумкин. Лекин бундан *-ган эди* формаси билан юқорида кўрсатилган формалар пайт эргаш гап кесими вазифасида ҳар жиҳатдан бир-бирига тенг деган хулоса чиқмайди.

Биринчидан, кўрсатилган формалар бош гапдаги ҳаракат ўтган замон, ҳозирги замон ёки келаси замонга оид бўлганда ҳам эргаш гапнинг кесими вазифасида келаверади: *Сўрашим билан, дарров жавоб берди — Сўрашим билан, дарров жавоб беради ва ҳ. -ган эди* формаси эса, юқорида кўрганимиздек, бош гапдаги ҳаракат ўтган замонга оид бўлгандагина пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида кела олади.

Иккинчидан, юқоридаги формалар пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, бош гапнинг кесими ўтган замон

<sup>18</sup> Қаранг: А. Ф. Фуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили, Синтаксис, 1961, 217—218-бетлар.

фёълининг хоҳлаган формасида бўлиши мумкин: *Сўрашим билан, дарров жавоб берган эди. Сўрашим билан, дарров жавоб берар эди. Сўрамасингданоқ, дарров жавоб берибди* ва ҳ. -ган эди формаси эса бош гапнинг кесими -ди аффикси билан ясалган ўтган замон формасидан бўлгандагина пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши мумкин. Бунинг объектив сабаби бор, албатта:

Аввало, -ган эди формаси муносабат ифодалаган ҳолларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти тенг (бир вақтда) бўлмайди, балки -ган эди формасидаги фёъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши бошқа ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан олдин бўлади. Шунга кўра, эргаш гапнинг кесими -ган эди формасида бўлгани ҳолда бош гапнинг кесими ҳам эди тўлиқсиз фёъли билан қўлланиши мумкин эмас. Бундан ташқари, -ган эди формасида сўзловчи ҳаракатни бевосита кузатувчи сифатида бўлади. Кесими -ган эди формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилишидаги вақт оралиғи жуда қисқа бўлади. Демак, бунда сўзловчи иккала ҳаракатни ҳам бевосита кузатувчи бўлади. Ўтган замон фёълининг -(и)бди (*келибди, ёзибди*) формасида эса сўзловчи ҳаракатни бевосита кузатган бўлмайди (кимдандир эшитган ёки кейин билган бўлади). Шу сабабли пайт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими -ган эди формасида, бош гапнинг кесими -(и)бди формасида бўлиши мумкин эмас.

Демак, кесими -ган эди формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош гап кесимининг фақат -ди формасида бўлиши объектив сабабларга кўрадир.

Учинчидан, кўрсатилган формаларнинг ҳар бири ва -ган эди формаси ўзига хос нозик хусусиятларга эгаки, булар ҳам маълум ҳолларда уларнинг бири ўрнида иккинчисининг қўлланишига монелик қилади. Қўлланса, маънодаги нозик фарқ ўзгаради. Масалан, -ши билан (-ши биланоқ) формасида эргаш ва бош гапдаги ҳаракатларнинг бажарилиш вақти бир-бири билан узвий боғланиб кетади, яъни эргаш гап кесимидаги ҳаракат бажарилиш вақти бош гапдаги ҳаракатнинг боқиланиши билан уланиб кетади. Бу ҳодиса билан сўзининг таъсирида юз беради. -ган эди формасида эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтига бош гапдаги ҳаракат бажарилган вақтнинг «уланиб кетиши» таъкидланмайди. -ган эди формасидаги асосий нарса эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ва шу вақтда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилишидир:

*Колхозчилар овқатдан кейин бир пиёладан чой ичган эдиларки, нариги звонининг ярим кунлик ишини ўлчади*

учун кетган Мирпўлат қўлтиғида табель ва бир қўлида қалам ушлаб келиб қолди (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).

Демак, кесими *-ши билан* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда эргаш гапдаги ҳаракат бажарилиши билан, тезда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши (улашиб кетиши) ифодаланади. Бунда ҳаракатларнинг бажарилишидаги кетма-кетлик ҳам сезилади. *-ган эди* формасида кетма-кетлик, узвий боғланиш бўлмайди, балки эргаш гапдаги ҳаракат юз берган вақтнинг ўзида бош гапдаги ҳаракатнинг ҳам бажарилиши ифодаланади. Ана шу хусусиятларига мос ҳолда кесими *-ши билан (-ши биланоқ)* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда (бош гап бошида), кўпинча, «дарров» сўзи қўлланади. Кесими *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда эса (эргаш гап таркибида), кўпинча, маънони таъкидлаш учун *энди* сўзи қўлланади:

*Бир кун и чўққохонани айланиб, энди изоляторга етиб келган эдики, қишлоқ томондан қор кечиб пиёда келаётган тўрт кишига кўзи тушиб қолди* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Бундан ташқари, кесими *-ши билан* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапдаги ҳаракат кутилган, мўлжалланган, эргаш гапдаги ҳаракатга алоқадор ҳолда юз берадиган, унинг натижасида кетма-кет келиб чиқадиган ҳаракат бўлиши мумкин. Кесими *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда эса, деярли ҳамма вақт, бош гапдаги ҳаракат кутилмаган ҳолдаги ҳаракат тарзида бўлади<sup>19</sup>:

*Мана энди жўнасам бўлади, деб ўрнидан турган ҳам эдики, эшик тарақлаб очилди...* (И. Раҳим, «Ихлос»). *Бобоқул кун ботганда қўйларни қайтариб, қўйишига етиб келган ҳам эдики, Махсумга кўзи тушиб қолди* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Бўғилиб кетганимдан галстугимни бўшатиб ташқарига чиқмоқчи бўлиб эшик томонга қараган ҳам эдимки, чамадон кўтарган бир аёлга кўзим тушди* (Саид Аҳмад, «Ойдин кечалар»).

Бўлишсиз маънода-маган эди формаси ўрнида-масдан,-май формалари қўлланиши мумкин. (Мисоллар юқорида берилди). Лекин булар ҳам ўзаро нозик фарқларга эга-масдан,-май формаларида, кўпинча, бош гапдаги ҳаракатнинг эргаш гапдаги ҳаракат бажарилишидан олдин бажарилиши (эргаш гапдаги ҳаракат юз бермасдан олдин бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиб қолиши) ифодаланади. Шу сабабли бу формаларда, кўпинча, *аввал, олдин, бурун* каби сўзлар қўлланади. (Бунга мисол келтириб ўтирмасак ҳам бўлади.) Бу сўзлар

<sup>19</sup> Бу ҳодиса А. Ҳ. Сулаймоновнинг юқорида кўрсатилган мақоласида (14-бет) жуда тўғри қайд этилган.

қўлланмаган ҳолларда ҳам маълум даражада «аввал», «бурун» маъноси сезилиб туради. *-ган эди* формасида ҳеч вақт бу маъно бўлмайди. Шу сабабли кесими пайт эргаш гапли қўшма гапларда ҳеч вақт *аввал*, *бурун* каби сўзлар қўлланмайди. Бундай қўшма гапларда эргаш гаплардаги ҳаракат бажарилиш даражасига етмай (бажарилмай туриб) бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади. Шу хусусиятига кўра, бундай эргаш гапли қўшма гапларда *аввал*, *бурун* каби сўзлар эмас, балки *ҳали* («еще», «пока») сўзи қўлланади:

*Гулнор ҳамма ўтган воқеани ҳаяжон билан, лекин дадил сўзлаб, ҳали битиргани йўқ эди, Ермат ўрнидан сакраб туриб қичқирди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Қиз ҳали ўгирилиб зинага оёқ ҳам қўймаган эдики, Назиржон чиқиб кела бошлади* (Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).

Хуллас, пайт эргаш гап билан бош гапни ўзаро боғлаш ҳозирги ўзбек тилида *-ган эди* формасининг асосий вазифаларидан бирига айланган. Бу вазифада *-ган эди* формаси пайт эргаш гап кесимининг бошқа формаларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. *-ган эди* формасининг маъно хусусияти унинг эргаш гап билан бош гапни боғлаш вазифасида қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўяди. Бу форма пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида шу вазифадаги бошқа формаларга нисбатан камроқ қўлланади.

Энди, *эди* тўлиқсиз феълни ёрдамида ясаладиган бошқа формага ўтишда *олдин-ган эди* формаси ҳақидаги бир фикрга тўхтаб ўтайлик. (Бу форма ҳақидаги қарашларнинг кўпчилиги ҳақида юқорида тўхтаб ўтилди.)

Айрим адабиётларда бу турдаги феълнинг бўлишсиз формаси ҳаракатнинг аввал бўлмаганлигини, у ҳақда гапирилаётган вақтда (энди) юз бераётганлигини билдиради деб кўрсатилади<sup>20</sup>. Лекин бу хусусиятнинг *-ган эди* формасининг асосий хусусиятларидан бири ҳисоблаб бўлмайди. Чунки:

Биринчидан, бу маъно ҳамма вақт эмас, балки *-ган эди* формаси муносабат билдирган ҳоллардагина ифодаланиши мумкин. *-ган эди* формаси муносабат билдирмай, умуман ҳаракатнинг ўтмишга оидлигини (илгари бажарилган ёки бажарилмаганлигини) билдирган ҳолларда юқоридаги ўртоқлар кўрсатган маъно ифодаланмайди:

*Қулкарнинг энди Аваздан яқин одами қолмаган эди* (П. Қодиров, «Қора кўзлар»). *Нимани билмайти, нимани тушунмапти? Сидиқжон акам келганларида ҳам биз ҳолва еб,*

<sup>20</sup> Қаранг: А. Х. Сулаймонов, Юқорида кўрсатилган асар, 15-бет; А. А. Коклянова, Юқорида кўрсатилган асар, 88-бет.



*нашшамизни қўриб ўтирмаган эдик* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»).

Иккинчидан, *-ган эди* формаси муносабат билдирган ҳолларда ҳам унинг бўлишсиз формаси юқоридаги маънони ифодалайвермайди. (Буни юқорида биринчи ва иккинчи пунктларда келтирилган мисолларда ҳам кўриш мумкин.)

Учинчидан, бўлишсиз формада худди шу форма билдирган ҳаракат маълум вақтгача (аввал) бўлмай, энди юз берганлиги ифодаланавермайди, балки кейин юз берган ҳаракат бутунлай бошқа феъл билдирган ҳаракат бўлиши мумкин:

— *Қизил аскарлар бизнинг тоғларимизга йўл топа оладилар деб асло ўйламаган эдим* (С. Айний, «Дохунда»). *Оббо лаънати... Алексейдан буни кутмаган эдим* (Н. Сафаров, «Уйғониш»).

Бу мисоллардаги *ўйламаган эдим*, *кутмаган эдим* формасидан энди *ўйладим*, *энди кутдим* деган маъно англашилмайди. Демак, бунда ҳам асосий нарса бўлишсиз формадаги феъл билдирган ҳаракатнинг аввал бўлмай, энди бўлганлиги эмас, балки баён қилинаётган ҳаракат-ҳодисанинг ҳозирга муносабатидир. Бу муносабат-*ган эди* формаси орқали ифодаланadi.

Тўртинчидан, аввал бўлмай, кейин бўлганлик маъносининг бўлишсиз формага ҳеч қандай дахли йўқ. Бу маъно *-ган эди* формасининг муносабат билдириши ва феълнинг лексик хусусияти таъсиридан келиб чиқади. Масалан, *ҳеч кўрмаган эдим* гапида-*ган эди* формаси ҳозирга муносабат ифодалайди, яъни бунда «ҳозир эмас, аввал, шу вақтгача» деган маъно ифодаланadi. Бу маъно таъсирида мантиқан ҳозир бошқача ҳолат юз берганлиги келиб чиқади. Лекин бундан *ҳеч кўрмаган эдим* гапидан ҳамма вақт *энди кўрдим* деган маъно ифодаланadi деб қатъий чегара қўйиб бўлмайди. *Ҳеч кўрмаган эдим* деганда *энди кўрганлик* ёки *энди кўрадиган бўлганлик* маъноси ифодаланиши мумкин. Демак, бунда ҳам асосий нарса муносабат ифодалашдир. *-ган эди* формасининг «ҳозир эмас, аввал, шу вақтгача» деган маъноси таъсирида мантиқан ҳозир (энди) бошқача ҳолат юз берганлиги келиб чиқади. Лекин бунинг бўлишсиз формага ҳеч қандай алоқаси йўқ. Бўлишли формада ҳам худди шундай маъно ифодаланиши мумкин. Қиёсланг: *Айтгансан деб ўйламаган эдим* (лекин айтдинг) — *Айтгансан деб ўйлаган эдим* (лекин айтмадинг).

Ана шу келтирилган тўрт фактнинг ўзиёқ ҳозирда аввалгининг акси ҳолати юз бериши маъноси *-ган эди* формасининг муносабат кўрсатиш хусусияти таъсирида келиб чиқишини, унинг бўлишсиз формага дахли йўқлигини кўрсатади.

Бу форма жонли сўзлашувда охири ундош ёки *и* унлиси билан тугаган феълларда *-увди* тарзида талаффуз этилади: *олувди < ол + иб + эди, ачувди < ачи + б + эди*. Охири *а* унлиси билан тугаган феълларда бу товуш *о* га, равишдош ясовчи-*б* аффикси *в* га айланади: *ишловди < ишла + б + эди*. Талаффуз учун умумий ҳолат бўлганидан ёзувда ҳам шу кўринишда қўлланаверади.

Ҳозирги ўзбек тилига оид адабиётларда бу форманинг хусусияти турлича талқин этилган ва унинг хусусиятини қандай тушунишга қараб номланиши ҳам ҳар хил. Айрим ишларда бу формага нисбатан «олд ўтган замон» («предпрошедшее время») термини қўлланса<sup>21</sup>. баъзиларида «ўтган замон ҳикоя феъли» термини қўлланади<sup>22</sup>. С. Усмонов бу формани «ўтган замон ҳикоя феъли» сарлавҳаси остида *-(и)бди* (*келибди, айтибди*) формаси билан бир группага киритади<sup>23</sup>. У. Турсунов ва Ж. Мухторовлар худди шу ном билан *-ган эди* ва *-(и)б эди* формаларини бир группага киритадилар<sup>24</sup>. А. А. Коклянова бу форманинг асосий маъноси — бирор ҳаракатдан бевосита олдинги ҳаракатни кўрсатиш ва асосан жонли сўзлашув тили билан фольклорда қўлланади деб таърифлайди<sup>25</sup>.

Бу фактлар, бир томондан, *-(и)б эди* формасининг хусусияти ҳақида аниқ бир фикрга келинмаганлигини кўрсатса, иккинчи томондан, унинг маълум бир хусусият билангина чегараланмаслигини кўрсатади. Чунки *-(и)б эди* формасига берилган бу ном таърифлар бир-биридан фарқланса-да, лекин улар мазкур форманинг маълум бир хусусияти асосида айтилган. Шу сабабли гапни *-(и)б эди* формасига берилган ном ва таърифлардан бошлайлик.

Аввало, «ўтган замон ҳикоя феъли» термини ҳақида: юқорида кўрдикки, бу термин *-(и)б эди* формасининг ўзига нисбатан ҳам, *-(и)б эди* ва *-(и)бди* формаларига нисбатан ҳам, *-(и)б эди* ва *-ган эди* формасига нисбатан ҳам қўлланган. Проф. В. В. Решетов эса *-ди* ва *-ган* формаларидан бошқа ўтган замон феъл формаларининг ҳаммасини «ўтган замон ҳикоя феъли» деб атайди<sup>26</sup>. Шунинг ўзиёқ *-(и)б эди* формаси

<sup>21</sup> А. Н. Кононов, Юқорида кўрсатилган асар, 224-бет.

<sup>22</sup> А. Ғ. Ғуломов, Юқорида кўрсатилган асар, 27-бет.

<sup>23</sup> М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқорида кўрсатилган асар, 144—145-бетлар.

<sup>24</sup> У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Юқорида кўрсатилган асар, 78—79-бетлар.

<sup>25</sup> А. А. Коклянова, Юқорида кўрсатилган асар, 93-бет.

<sup>26</sup> Проф. В. В. Решетов, Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент, 1961, стр. 147—151.

ўчун «ўтган замон ҳикоя феъли» термини мақбул эмаслигини, бу ном унинг ўтган замон феълининг бошқа формаларидан фарқли хусусиятини ифодалай олмаслигини кўрсатади. Ҳақиқатда ҳам *-(u)б эди* формаси ўтган замон феълининг бошқа формаларидан «ҳикоя қилиш» хусусияти билан фарқланмайди. Бизнингча, бу терминни ўтган замон феълининг бошқа бирор формасига нисбатан қўллаш ҳам маъқул эмас. Чунки ўтган замон феълларининг ҳаммаси ҳам бўлиб ўтган ҳаракатнинг ҳикоясида қўлланади. Бошқа формалардан фарқли ҳолда фақат ҳикоя қилиш ўчунгина қўлланидиган форма йўқ.

Энди *-(u)б эди* формасининг бирор ҳаракатдан олдин юз берувчи ҳаракатни ифодалаш масаласига келсак, ҳақиқатда ҳам ҳозирги ўзбек тилида бу ҳодиса кўп учрайди. Бу ҳақда гапирган ўртоқлар ҳам ўз фикрларини тасдиқловчи мисоллар келтирганлар. Лекин бирор ҳаракатдан олдинги ҳаракатни билдириш *-(u)б эди* формасининг ягона ва асосий хусусияти эмас:

*Ўтган ва аввалги йили менга қарши озмунча чуқур қази-диларми? Эгардан иргитиб юборишларига сал-сал қолувди* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). *Шаҳардан келишимда йўлни қисқартиш учун қир орқали юриб... шу йўлдан келувдим* (У. Назаров, «Ғурур»).

Бу мисолларда *-(u)б эди* формаси бирор ҳаракатдан олдин бажарилувчи ҳаракатни билдирмайди ва умуман бирор ҳаракатга муносабат ифодаламайди ҳам. Демак, «олд ўтган замон» («предпрошедшее время») термини ҳам бу форманинг хусусиятига тўла мос келмайди ва *-(u)б эди* формаси ўтган замон феълининг бошқа формаларидан шу хусусияти билан фарқланмайди.

Ўтган замон феълининг *-(u)бди* ва *-(u)б эди* формаларини бир гурӯппага киритиш ҳам етарли асосга эга эмас. Чунки *-(u)бди* формаси сўзловчи ўз кўзи билан кўрмаган, кимдандир эшитган ёки ундан кейинчалик хабардор бўлган ҳаракатни билдиради. *-(u)б эди* формаси эса сўзловчи бевосита ўзи кузатган ҳаракатни билдиради. Қиёсланг: *келибди — келиб эди, айтибди — айтиб эди, сўрабди — сўраб эди*. Демак, *-(u)бди* ва *-(u)б эди* формалари ўртасида ўтган замон маъносини ифодалашидан бошқа умумий томонлари йўқ.

Ўзбек тилига оид айрим ишларда *-(u)б эди* формасининг (қандай номланишидан қатъий назар) маъно хусусияти жиҳатдан *-ган эди* формасига яқинлиги айтилади<sup>27</sup>. У Турсунов ва Ж. Мухторовлар *-(u)б эди, -ган эди* формаларини бир гурӯппага киритадилар ва улар томонидан мазкур формаларга

<sup>27</sup> А. Ғ. Ғуломов, Юқорида кўрсатилган асар, 28-бет.

берилган таъриф ҳам деярли бир хил: «Бу форма (-ган эди формаси — А. Ҳ.) нутқ моментига нисбатан анча илгари бажарилган ҳаракатни билдиради». «Бу форма ҳам (-иб эди формаси — А. Ҳ.) сўзлаш моментидан анча илгари бажарилган ҳаракатни ҳикоя қилиш йўли билан билдиради»<sup>28</sup>.

Гарчи бу ишларда -(и)б эди формасининг хусусияти тўла ва тўғри очилмаган бўлса-да, лекин -(и)б эди формасининг маъно жиҳатдан -ган эди формасига яқинлиги ҳақидаги фикр ҳозирги ўзбек тили фактларига мос келади. Ўзбек тилида -ган эди формасига хос бўлган асосий хусусиятларга -(и)б эди формаси ҳам эга. Шу хусусиятлари билан улар ўтган замон феълининг бошқа формаларидан фарқланади<sup>29</sup>.

1. Ҳаракатнинг ўтмишдаги бирор вақтда (илгари) юз берганлигини (ҳаракатнинг ҳозирга эмас, илгарига оидлигини) билдиради:

*Уруш тугаса, бизникига меҳмонга борасиз, ўшанда аямининг қанақалигини кўрасиз, деб эди (С. Зуннунова, «Олов»). Аслида у шолрўмол менга унчалик ёққан бўлмаса ҳам шунчаки сўровдим-да (М. Расво, «Бир хоним саргузашти»). Ҳасан, эсингдами, ойим билан бир қишлоққа берувдик (Ибохон, «Улуғ кун»).*

Бу маънода -(и)б эди формаси -ган эди формаси билан бирликни ташкил этиши сабабли бир жумла ичида айнан бир маънода улар аралаш (кетма-кет) қўлланавериши мумкин:

*Армияга кета туриб илтимос қилган эдим, шу суратни берувди. Кутади деб кўнглим тўқ бўлиб кетган эдим (П. Қодиров, «Қадрим»). Ёзда масжиди жомеда бўлган йиғинда ҳам шунақа дейишувди, ўшанда ўзингиз ҳам ишонмаган эдингиз-у.. (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).*

— *Оренбург сафарига кетаётганида Набига қараб: «Сен менинг ўзим бўла олмасанг ҳам кўзим бўл, кўзим!» деган гапини эшитган эдингми?*

— Эшитиб эдим (С. Айний, «Қуллар»).

Мисоллардаги -ган эди ва -(и)б эди формаларининг ўрни алмаштирилса ҳам маъно ўзгармайди.

2. Муносабат ифодалайди. Муносабатнинг мазмун жиҳатдан қандай характерга эгаллиги шу муносабатдаги гапларнинг умумий мазмунидан реаллашиб туради:

<sup>28</sup> У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Юқорда кўрсатилган асар, 78—79-бетлар.

<sup>29</sup> -ган эди формасининг -ди, -ган аффикслари билан ясалган ўтган замон формаларидан фарқли хусусиятлари -(и)б эди формасида ҳам борлиги, бу фарқлар юқорида (-ган эди формаси баҳсида) айтилгани учун, уларни яна такрорлаб ўтирмаймиз. Фақат -(и)б эди формасининг -ган эди формаси билан бир хил бўлган хусусиятларини кўрсатиб, улар ўртасидаги фарқни белгилаш билан чегараланамиз.

Менга арз қилиб келувди, менда ихтиёр йўқ, ҳоким тўрага боринг, дедим. Ҳокимга секин шипшитиб қўювдик, у киши ҳам: ярим подшодан сўранг, дебди (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). Ҳатто, бир кун илож тополмай бормай қолувдим, эртасига: «Кеча келмадингиз, вақтингиз бўлмагандир?» — деди (У. Назаров, «Жазо»).

-(и)б эди формасидаги ҳаракатга муносабати бўлган ҳаракат-ҳодисани билдирувчи гап қўлланмаслиги ҳам мумкин. Лекин -(и)б эди формасининг нимага муносабат билдираётганлиги умумий ҳолатдан англашилиб туради:

Ана, мен албатта озод бўламиз дедим (С. Айний, «Дохунда»).

-(и)б эди формаси муносабат ифодалаш хусусиятига эгалиги сабабли унинг ўрнида шу вазифани бажарувчи бошқа воситаларни ва, аксинча, улар ўрнида -(и)б эди формасини қўллаш мумкин бўлади. Масалан, қуйидаги мисолдаги -са формаси ўрнида -(и)б эди формасини қўллаш мумкин:

Келганида «ҳорма, баттол, бузоқнинг югургани сомонхонагача» десам, йиғлаб юборди (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»).

Муносабат билдириши сабабли -(и)б эди формаси, худди -ган эди формаси каби, мурожаатда хушмуомалалик ифодалаш хусусиятига ҳам эга:

Най эшитгани келувдик (И. Раҳим, «Ихлос»). Шаҳардан меҳмонлар келишди. Шунга патефон пластинкаларингиздан сўраб чиқувдим (Саид Аҳмад, «Мастонбиби»). Хайр, бу гапни қўяйлик, мен сизни бошқа тўғрида чақиртирувдим (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Айрим ҳолларда -(и)б эди формаси ифодалаган муносабат жуда сезиларсиз даражада бўлади ва асосан хушмуомалалик учун қўлланган бўлади. Бундай ҳолларда -(и)б эди формаси бошқа форма (масалан, -ди формаси) билан алмаштирилса ҳам маънода унчалик ўзгариш бўлмайди. Бу жиҳатдан қуйидаги мисол характерли:

— Менга Ашур Мирзо афандининг божаси керак, хоним афанди. Мени Болта кўпаснинг ўғли Тешабой афанди зарур юмуш билан юбориб эди, хоним афанди.

— Ҳа, дарвоқе, шундоғ, — деди Фосиҳ афанди «Сенинг авомлигингни эсимдан чиқарибман-ку» дегандай қилиб. — ... Тешабой афанди бир учрашсин деб, зарур ишим бор деб юборди (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Фосиҳ афандининг айнан бир ҳаракатни билдирувчи феълни «хоним афанди»га мурожаатда юбориб эди формасида, «авом»га мурожаатда юборди формасида қўллашнинг ўзиёқ унинг шу шахсларга муносабатини маълум даражада акс

эттиради. Езувчи бу контекстда *-(и)б эди* ва *-ди* формаларини жуда тўғри ва ўз ўрнида қўллаган.

3. Пайт ифодалайди ва пайт эргаши гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади:

*Жойимдан жилиб, бир-икки қадам шийпон ўртасига юр увди м, қиз «ялт» этиб менга қаради* (У. Назаров, «Фурур»). *Шу кунди энди кўчага чиқиб эди, Зуннун бошлиқ беш нафар бола пойлаб турган экан..* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

*-(и)б эди* формаси бу вазифада қўлланганда, икки ҳаракатнинг бажарилишидаги вақт оралиғининг қисқалигини таъкидлаш, кучайтириш учун, худди *-ган эди* формасидаги каби, энди, ҳам сўзлари, шунингдек, *-ки* юкламаси қўлланади:

*Битта бўрон кўтарилиувдики, бутун ишингиз чок-чоқидан сўкилиб кетди* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). *Энди ўтиришиб ҳам эдики, шаҳар томондан беш отлиқ тасир-тусур қилиб келиб қолди* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Оғзаки нутқда ҳам, *-ки* юкламалари бундай гаплар таркибида деярли қўлланмайди. Вақт оралиғининг жуда қисқалиғи энди сўзининг биринчи бўғинига кучли урғу бериш йўли билан ифодаланади.

Бу келтирилган фактлар *-(и)б эди* формаси асосий маъно ва вазифада *-ган эди* формаси билан бирликни ташкил этишини кўрсатади. Шу жиҳатдан проф. Е. Д. Поливановнинг *-(и)б эди* формаси ўтмишдаги назарда тутилган моментдан илгари юз берган ҳаракатни, *-ган эди* формаси умуман нутқ моментидан илгари юз берган ҳаракатни билдиради деган фикри<sup>30</sup> ҳақиқий ҳолатга мос келмайди.

Агар ўтган замон феъллари энг яқин хусусиятларига қараб группаланадиган бўлса, *-(и)б эди* формаси биринчи навбатда *-ган эди* формаси билан бир группани ташкил этади. А. А. Юлдашевнинг *-(и)б эди* формаси ўзбек ва уйғур тилларида бошқа формаларга нисбатан *-ган эди* формасига жуда яқин туради, бу яқинлик ҳатто тенглик («тождество») даражасига етади деган фикрини<sup>31</sup> ўзбек тили фактлари тасдиқлайди. Албатта, бу тенглик абсолют тарздаги тенглик эмас, балки булар ўзаро бир хил маънога эга ва маълум ҳолларда уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин деган мазмундаги тенгликдир. Ҳозирги ўзбек тилида *-(и)б эди* ва *-ган эди* формалари асосий маъно ва вазифада бирликни ташкил этса-да, лекин

<sup>30</sup> Проф. Е. Д. Поливанов, Краткая грамматика узбекского языка, ч. I, Ташкент-Москва, 1926, стр. 45.

<sup>31</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 198-бет.

улар ўзига хос хусусиятларга эга. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки тилда бир-бирига бутунлай тенг келадиган ҳодисаларнинг доимий эмаслиги қонунийдир.

Ҳозирги ўзбек тилида *-(и)б эди* ва *-ган эди* формаларининг асосий фарқи хусусиятларида: бири *-ган эди* формасига нисбатан *-(и)б эди* формасининг кам қўлланишидир. Шундай бўлиши табиий. Чунки ҳозирги ўзбек тилида тўлиқсиз феъл формаларининг равишдошга бирикиши эмас, сифатдошларга бирикиши асосий ҳолатдир. Шунингдек, тарихий нуқтаи назардан қараганда ҳам *-ган эди* формасининг ҳозирги ўзбек тилида кўп қўлланиши қонуний. Чунки бу форма *-(и)б эди* формасига нисбатан кейин юзага келган (нисбатан янги форма). Янги эса ҳамма вақт прогрессив характерга эга бўлади.

Бундан ташқари, юқорида кўрдикки, *-(и)б эди* формаси оғзаки нутқда *-увди, -овди* тарзида талаффуз этилади ва ёзувда ҳам шу ҳолда ифодаланаверади. Талаффуздаги ҳолатига қараб бериш (ёзиш) бу формани кўпроқ оғзаки нутққа хос қилиб қўяди. (Оғзаки нутққа хос форма қилиб кўрсатиб қўяди.) Е. Д. Поливанов ва А. А. Кокляноваларнинг *-(и)б эди* формаси асосан жонли сўзлашувга хос деган фикрлари<sup>32</sup> ҳам фақат талаффуз формаси нуқтаи назаридангина ҳақиқатга тўғри келади. *-(и)б эди* формасидаги феълнинг ўзи эса (маълум тур сифатида) оғзаки ва ёзма нутқ учун умумий.

Охири *а* унлиси билан битган феъллар бу формада қўлланилганда ҳам, одатда, *б* равишдош кўрсаткичи *в* талаффуз этилади. Ундан олдинги *а* унлиси эса айрим шеваларда (масалан, Тошкент шеvasида) *о*, айрим шеваларда эса ўз аслича (*а*) талаффуз этилади. Лекин *а* унлиси ўз ҳолича талаффуз этилгани билан адабий тил нуқтаи назаридан бу ҳодиса нормал ҳолат ҳисобланмайди. Чунки адабий тилда *в* дан олдинги позициядаги *а* *о* га ўтади: *сайла — сайлов, бура — буров, қийна — қийнов* каби. Бироқ *-б* равишдош ясовчиси *а* билан тугаган феълларга қўшилганда унинг *в* га ўтиши ва ундан олдинги *а* нинг *о* га айланиши бирор ерда қонунлаштирилмаган. Шу сабабли ҳозирги ўзбек адабий тили нуқтаи назаридан *ишловди* формаси ҳам, унинг *ишлавди* варианты ҳам норма сифатида қаралмайди. Буларнинг ҳар бири маълум бир шевага хос форма сифатида қолади. Натижада ёзувда охири *а* билан тугаган сўзларнинг бу формада қўлланиши кам учрайди. Улар, кўпинча, *-ган эди* формасида қўлланади.

*-(и)б эди* формасининг бўлишсиз аспектда (*ишламаб эди* формасида) қўлланиши ҳам жуда кам учрайди. Чунки икки

<sup>32</sup> Е. Д. Поливанов, Введение в изучение узбекского языка, вып. 1, Ташкент, 1952, стр. 95; А. А. Коклянова, Юқорида кўрсатилган асар, 93-бет.

унли ўртасидаги *б* (интервокал *б*), одатда, *в* талаффуз этилади. Бу *в* нинг таъсирида эса бўлишсизлик аффиксидаги *а* *о* га айланади (айрим шеваларда) ўз аслича қолади (ишламовди, ишламавди). Натижада худди юқорида кўриб ўтилган ҳодиса юз беради. Шу сабабли *-(и)б эди* формасининг бўлишсиз аспектда қўлланиши ёзувда жуда кам учрайди. Бўлишсиз аспектда, асосан, *-ган эди* формаси (ишламаган эди) қўлланади.

Кўрсатилган фарқли хусусиятлар *-(и)б эди* ва *-ган эди* формаларининг ёзма нутқда қўлланишдаги фарқли хусусиятларидир. Бундан ташқари мазкур формаларнинг маъносида ҳам нозик фарқли моментлар борки, булар *-(и)б эди* ва *-ган эди* формаси таркибидаги *-(и)б, -ган* аффиксларининг хусусиятларидан келиб чиқади.

*-ган* аффикси билан ясалган ўтган замон формасида ҳаракат бажарилиш вақтининг *-ди* аффикси билан ясалган ўтган замон формасидагига нисбатан узоқроқ бўлишини кўрган эдик. Ҳаракат бажарилиш вақтининг узоқ-яқинлиги жиҳатидан *-ди* ва *-(и)бди* формалари бир-биридан фарқланмайди. Демак, ҳаракатнинг бажарилиш вақти *-ган* формасида *-(и)бди* формасидагига нисбатан узоқ бўлади. Қиёсланг: *олибди — олган, кетибди — кетган, ўлибди — ўлган*. Ўтган замон феълнинг бу икки формаси ўртасидаги фарқ *-(и)б эди* ва *-ган эди* формаларида ҳам маълум даражада сақланади, яъни ҳаракатнинг бажарилиш вақти *-ган эди* формасида *-(и)б эди* формасидагига нисбатан узоқроқ бўлади.

Ўғри *-ган эди* формаси ҳамма вақт нисбатан, узоқ бўлган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланавермайди. Ҳаракатнинг бажарилиш вақти бошқа воситалар орқали аниқ ифодаланиши сабабли *-ган эди* ва *-(и)б эди* формаларининг бири ўрнида иккинчисини қўллаш имконияти бор. (Юқорида кўрдик). Лекин иккала форма контекст ва бошқа сўзлардан ҳоли қилинганда, *-ган эди* формасида ҳаракат бажарилиш вақтининг нисбатан узоқлиги сезилади. Қиёсланг: *олиб эди — олган эди, келиб эдинг — келган эдинг, туриб эди — турган эди, кўриб эдим — кўрган эдим*. Шу хусусиятига кўра (ҳаракатнинг бажарилиш вақтини конкретлаштирувчи воситалар бўлмаганда), анча қадим бўлиб ўтган ҳаракатнинг ифодасида, асосан, *-ган эди* формаси қўлланади. Проф. А. Н. Қононовнинг *-(и)б эди* формаси унча узоқ бўлмаган ўтган замонни билдиради дейиши ҳам бежиз эмас, албатта<sup>33</sup>.

*-ган* аффикси билан ясалган феъл формаси ҳаракат ёки ҳолат билдириши мумкин. *-ган* аффиксининг бу хусусияти *-ган*

<sup>33</sup> А. Н. Қононов, Юқорида кўрсатилган асар, 225-бет.



эди формасида ҳам сақланади ва ийрим феъллар *-ган эди* формасида қўлланганда, ҳаракатнинг эмас, балки ҳолатнинг ўтмишга оидлиги ифодаланади. *-(и)б* равишдош ясовчиси-*ган* аффиксига хос бу хусусиятга эга эмас ва *-(и)б* эди формаси ҳам ҳолат ифодаламайди. Шу сабабли *-ган эди* формаси ҳолат ифодалаган ҳолларда унинг ўрнида *-(и)б эди* формасини қўллаб бўлмайди:

*. қорол ва мардикорлар тиз чўкиб, қўлларини қовуштириб ўтиришди, уларнинг бошлари эгилган эди (Ойбек, «Қутлуғ қон»). Раиса мажлисдан чиқиб, даласи бўйлаб кетди. Тераклар учидаги ой атрофни қуюқ нурга кўмган эди (Ж. Абдуллахонов). Синфда бирдан шов-шув, кулги кўтарилди. Сайёра жуда ҳаяжонланган эди (О. Ёқубов).*

*-ган эди* формасида ҳолат ифодаланган ҳолларда унинг ўрнида *-(и)б эди* формаси қўлланса, бутунлай бошқа маъно ифодаланади, яъни *-(и)б эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракатга алоқадор бўлган (шу ҳаракатдан кейин) яна қандайдир ҳаракат-ҳодиса юз берганлиги англашилади<sup>34</sup>. Бу ҳаракат-ҳодисани билдирувчи гап контекстда қатнашиши ҳам, қатнашмаслиги ҳам мумкин. Қуйидаги мисоллардаги *-ган эди* формасини *-(и)б эди* формаси билан алмаштириб кўринг:

*Мақтаб даври бу икки аёл — ўқитувчи ва ўқувчи ўртасида қандайдир бир меҳр уйғотган эди (П. Турсун, «Ўқитувчи»). У қоронғида паналаб тез борар, ўпкаси оғзига тикилаётгандай нафаси бўғилар, ҳансирарди, аъзойи баданидан тер оқа бошлаганди (Ш. Тошматов, «Тонгдаги кўланка»).*

Феъл билдирган ҳолат юзага келган ва назарда тутилган вақтда ҳам шундай (ўзгармаган) бўлиши мумкин. Ҳолатнинг назарда тутилган вақтда ўзгармаган (мавжуд) экани кейинги гап ёки бошқа жумлалардан англашиб туради. Бундай ҳолларда ҳам *-ган эди* формаси ўрнида *-(и)б эди* формасини қўллаб бўлмайди:

*У энди ўн тўққиз ёшга кириб, бўйи жуда чўзилиб кетган эди. Бир гапни айтишдан илгари ўзича мулоҳаза қилиб кўраб, чойхонага тўпланган ишчиларга кундалик газетани ҳамманинг миясига қуйилиб қоладиган қилиб ўқиб берар эди (П. Турсун, «Ўқитувчи»).*

*-(и)б эди* формасининг *-ган эди* формасидан фарқли хусусиятлари шулардан иборат. Бу хусусиятлар *-(и)б эди* формасининг қўлланиш доирасини анча чегаралаб қўяди. Ҳозирги ўзбек тилида *-ган эди* формаси ҳар қандай ҳолларда ҳам *-(и)б*

<sup>34</sup> А. Ф. Ғуломовнинг *-(и)б эди* формасининг ўзига хос хусусияти ҳақида айтган фикри мазкур форманинг ана шу хусусиятига мос келади (Юқорида кўрсатилган асар, 28-бет).

эди формаси ўрнида қўллана олади. Бунда *-(и)б эди* формасига хос айрим хусусиятлар бошқа воситалар орқали реаллашверади. Лекин *-ган эди* формаси ўрнида *-(и)б эди* формасини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди.

#### -ЁТГАН ЭДИ

Ўзбек тилидаги ўтган замон феъли ҳақида ёзилган ишларнинг жуда кўпида, нима учундир, *-ётган эди* формаси махсус форма сифатида берилмайди. А. Н. Кононов эса алоҳида форма сифатида ажратади ва «определённый имперфект» деб атайдиган<sup>35</sup>. М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расуловларнинг китобида ҳам алоҳида тур сифатида берилди ва «ўтган-ҳозирги замон феъли» деб аталади<sup>36</sup>.

Феълнинг бу формасининг маъноси ва уни қандай номлаш кераклиги ҳақида гапиришдан олдин мазкур форма ўтган замон феълнинг махсус формасими ёки йўқми деган масалага тўхтаб ўтишга тўғри келди.

А. А. Юлдашев *-ётган эди* формаси ўзбек, уйғур, қорақалпоқ тилларида регуляр характерга эгаллигини, бошқа туркий тилидаги *-ётган эди* формасининг маъноси тарихан *-(а)р эди*, формалари одатдаги (типик) ҳаракатни билдирмаган ҳолдаги маъносига тўғри келишини кўрсатади<sup>37</sup>.

Тарихан ўзбек тилида ҳам шундай бўлган. Ҳозирги ўзбек тилидаги *-ётган эди* формасининг маъноси тарихан *-(а)р эди*, *-а(-й) дур эди* формалари орқали ифодаланган:

*Келадур эрди ҳабибим, мени кўргач ёнди,  
Эй Навоий, нега чиқтим мени нодон ўтру.*

*Кеча ҳижрониди май тортар эдим,  
Кирди ул гулрух моҳи сиймо хуш*

(Навоий, «Ҳазойин ул-маоний»).

Лекин *-р* ва *а(й) дур* формаси ҳозирги ва келаси замон феъллари учун умумий эди. Шунингдек, булар одатдаги (доимий) ҳаракатлар ва аниқ ҳозирдаги (нутқ моментиди бўлаётган) ҳаракат учун ҳам умумий эди. Бу эса фикрнинг аниқ ифодаси учун маълум даражада салбий таъсир этади. Шу туфайли, турмуш талаби билан, бир қатор туркий тилларда кейинчалик аниқ ҳозирги замон маъносининг махсус формаси келиб чиқди. Ўзбек тилидаги *-яп*, уйғур тилидаги *-ват* аффикслари шундай форма ясовчи формантлар жумласидандир. Де-

<sup>35</sup> А. Н. Кононов, Юқориди кўрсатилган асар, 227-бет.

<sup>36</sup> М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқориди кўрсатилган асар, 145-бет.

<sup>37</sup> А. А. Юлдашев, Юқориди кўрсатилган асар, 181-бет.

мак, ҳозирги замон феъл формаларининг тараққиётида бу тиллар маълум даражада илгарилаб кетган. Ўзбек тилидаги *-ётган эди* формаси таркибидаги *-ёт* кўрсаткичи ҳам аниқ ҳозирги замон феъли ясовчи формандир. Шунга кўра, бу формант иштироки билан ясалган *-ётган эди* формаси *-р эди* каби формалардан фарқланувчи махсус форма сифатида берилиши керак.

А. А. Юлдашев ўзбек, уйғур, қорақалпоқ тилларида «регуляр характер»га эгаллигини айтгани ҳолда уни махсус форма қаторига киритмай, *-ган эди* формасининг грамматикализацияланган вид варианты деб қарайди<sup>38</sup>. Бунга сабаб қилиб автор, ундаги *-ёт* формативига хос маъно ҳисобга олинмаса, *-ётган эди* формаси *-ган эди* формасидан фарқланмаслигини, бунда ҳам *-ган эди* формасига хос хусусиятларнинг сақланишини кўрсатади. Лекин масалага шу жиҳатдангина ёндошиш етарли асосли бўлмайди. Чунки *-ган эди* формасига хос бўлган айрим хусусиятлар фақат *-ётган эди* формасидагина эмас, шунингдек *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган ўтган замон феълининг бошқа формаларида ҳам сақланади. Масалан, *-р эди* формасида ҳам *-ган эди* формасида бўлган хусусиятлар бор: бунда ҳам ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги ҳикоя тарзида ифодаланиши мумкин. Бу форма ҳам муносабат ифодалайди. *-р эди* формасининг ўзига хос бўлган хусусияти ундаги *-р* аффиксининг маъно хусусиятидан келиб чиқади. Худди шунингдек, *-ётган эди* формасининг ўзига хос конкрет хусусияти ундаги *-ёт* формантининг хусусиятидан келиб чиқади. Фарқ шундаки, *-р эди* формасида *-ган* йўқ, *-ётган эди* формасида эса бор.

Бизнингча, *-ётган эди* формасини махсус форма сифатида олмай, *-ган эди* формасининг вид варианты деб қарашда икки нарсанинг таъсири бўлиши керак. Биринчидан, *-ёт* формантини вид кўрсаткичи деб қараши, иккинчидан, унинг таркибида ҳам *-ган* аффиксининг бўлиши. Лекин *-ётган эди* формаси таркибида *-ёт* ва *-ган* формантларининг хусусияти ва вазифасига чуқурроқ аҳамият берилса, бошқачароқ хулоса келиб чиқади.

Аввало, *-ётган эди* формасидаги *-ёт* элементининг характерига тўхтаб ўтайлик.

Профессор А. Н. Кононов бу формадаги *-а* ва *-и* ни равишдош ясовчи аффикс, *ёт* ни эса сўз (феъл) деб қарайди<sup>39</sup>. Бошқа айрим авторлар бундаги *ёт* ни сўз деб айтмасалар-да, лекин уни вид формаси деб аташлари билан *ёт* ни сўз деб қарашлари сезилиб туради. Агар *-ётган эди* формасидаги *ёт* сўз (кўмакчи феъл) бўлганида, уни *-ган эди* формасининг вид ва-

<sup>38</sup> Уша асар, 181-бет.

<sup>39</sup> А. Н. Кононов, Юқорида кўрсатилган асар, 287-бет.

рианги сифатида қарашга маълум даражада асос бўлар эди. Ҳақиқатда эса бундай эмас.

Биринчидан, ҳозирги ўзбек тилида *ёт* кўмакчи феъли ҳозирги замон маъносида қўлланганда, ҳамма вақт маънони кучли оттенка билан ифодалайди<sup>40</sup>. *-ётган эди* формасидаги *ёт* бундай хусусиятга (яъни *ёт* кўмакчи феълига хос хусусиятга) эга эмас.

Иккинчидан, *келаётган эди*, *ёзаётган эди* каби формадаги *-а* равишдош ясовчи аффикс эмас, балки орттирилган унлидир<sup>41</sup>.

Учинчидан, *ишлаётган эди*, *келаётган эди* формаси ҳозирги ўзбек адабий тили (тўғрироғи *ёзув* тили) учун маълум шахслар томонидан қонунлаштирилган, расмийлаштирилган, ҳоло. Лекин бунда бирор қонуният ёки ўзбек адабий тилининг таянч шевалари асосга олинмаган. Ўзбек адабий тилининг таянч шеваларида *-ёт* форманти қўлланмайди, балки унинг ўрнида ҳозирги замон феъли ясовчи аффикслар қўлланади. Масалан, Тошкент шевасида: *ишлатоканиди* (ишлаётган эди), *ёзватоканиди* (ёзаётган эди), Фарғона тип шеваларида: *ишлалпканиди* (ишлаётган эди), *ёзлпканиди* (ёзаётган эди) ва ҳ. Бундай формалар *ёзув*да ҳам учраб туради:

*Ҳу, тўрда ёнбошлаб қимиз ичяпкан эди. Худди шундай дедим* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Агар *ишлаётган*, *ёзаётган* формасидаги *ёт* вид кўрсаткичи деб қараладиган бўлса, шевалардаги *-вот*, *-яп* каби ҳозирги замон феъли ясовчи аффиксларни ҳам вид форманти деб қараш керак бўлади. Чунки *ишлаётган*, *ёзаётган* формасидаги *ёт* шевалардаги ҳозирги замон феъли ясовчи *-яп*, *-вот*, *-оп* каби формантлардан фақат ташқи кўриниши жиҳатдангина фарқ қилади ва *ёт* феълига ўхшайди. Маъно ва вазифаси жиҳатдан эса, бу аффикслардан фарқи йўқ. Ана шуларни ҳисобга олганда, *-ётган эди* формасидаги *ёт* ни вид форманти дейиш тўғри бўлмайди.

Энди *-ётган эди* формасидаги *-ган* кўрсаткичига келайлик.

*-ган эди* формасида *-ган* формаси фақат ўз вазифасида эмас, балки ўтган замон феълларининг вакили сифатида (жумладан *-ди* аффиксининг ҳам вакили сифатида) қатнашади. Лекин *-ётган эди* формасида *-ган* аффикси замон маъносига (ўтган замон маъносига) эга эмас, балки сифатдош формасини

<sup>40</sup> Қаранг: А. Ҳожиёв, Ўзбек тилида кўмакчи феъллар, Тошкент 1966, 48-бет.

<sup>41</sup> Бу ҳақда авторнинг «Аниқ ҳозирги замон феъл формасининг келиб чиқиши ҳақида» номли мақоласида тўлароқ гапирилган. Қаранг «Ўзбек диалектологиясида материаллар», II, проф. В. В. Рещетов таҳрири остида, Тошкент, 1961, 445—450-бетлар.

йсовчи, аффиксдир, холос<sup>42</sup>. Демак, *ишлаган эди* формасидаги *-ган* билан *ишлаётган эди* формасидаги *-ган* маъно ва вазифа жиҳатдан бир-бирига бутунлай тенг эмас. Буларнинг бирида сифатдош формаси *ишлаган*, иккинчисида *ишлаётган*. *Ишлаётган* формаси *ишлаган* формасининг вид варианты бўла олмаганидек, *ишлаётган эди* формаси ҳам *ишлаган эди* формасининг вид варианты бўла олмайди.

Туркий тиллардаги *-йор эди*, *-макта эди* (*-моқда эди*) каби формалар ўтган замон феълининг махсус формалари сифатида берилар экан, ўзбек тилидаги *-ётган эди* формасини махсус форма сифатида бермаслик учун ҳеч қандай, асос йўқ. Чунки бу маънода ўзбек тили нуқтаи назаридан *-моқда эди* формаси эмас, балки *-ётган эди* формаси асосий форма ҳисобланади. Бу форма стилистик жиҳатдан нейтрал ва жуда кенг қўлланади. *-моқда эди* формаси эса китобий тилга хос бўлиб, асосан образли ифодаларда, кўтаринки нутқларда қўлланади. Ана шу келтирилган фактлар асосида *-ётган эди* формасини ўтган замон феълининг махсус формаси дея оламиз. *-ган эди* формасида *-ган* аффикси ўтган замон феъл формаларининг вакили сифатида қатнашгани каби, *-ётган эди* формасида *-ётган* форманти аниқ ҳозирги замон феълларининг вакили сифатида қатнашади. Бу форма ифодалайдиган маъно ҳам аниқ ҳозирги замон феъл формаси ва *эди* тўлиқсиз феълнинг маънолари йиғиндисидан келиб чиқади.

*-ётган эди* формасининг маъноси, у ҳақда фикр баён қилинган ишларда, тўла бўлмаса-да, маълум даражада тўғри белгиланган.

А. Н. Кононов бу форма ҳозирги замон феълига хос бўлган-давомли ҳаракатнинг ўтган замонга кўчирилгани, бошқача қилиб айтганда, бу форма ўтган замондаги (ўтмишдаги) маълум бир моментда юз берган ва шу моментда тугалланмаган ҳаракатни билдиради деб кўрсатади<sup>43</sup>. Ҳақиқатда ҳам *-ётган эди* формасида ҳозирги замон феълига хос бўлган хусусият — ҳаракатнинг маълум вақтда тугамаганлиги, давом этаётганлиги маъноси сақланади. Бу маъно *-ёт* форманти орқали ифодаланади. *Эди* тўлиқсиз феъли эса ҳаракатнинг ҳозирга эмас (нутқ моментига эмас), аввалга, илгарига оидлигини кўрсатади. Ана шундан А. Н. Кононов айтган маъно келиб чиқади. Лекин *-ётган эди* формасининг хусусияти бу билангина чегараланмайди. Масалан: *Эгаётган эдим, синиб кетди* гапида *эгаётган эдим* формаси билдирган ҳаракат ўтмишга оид (илгари

<sup>42</sup> Бу ҳақда авторнинг «Ўзбек тилида сифатдош» номли мақоласида муфассалроқ гапирилган. Қаранг: «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 2-сон, 1962, 50-бет.

<sup>43</sup> А. А. Кононов, Юқорида кўрсатилган асар, 227-бет.

юз берган) ҳаракат эмас. Балки ҳозир юз берган ҳаракатдир. Қуйидаги мисолларда ҳам шундай ҳодисани кўрамиз:

*Зумрад: (кирларни кўрсатиб) Ювилган кирларни тахлаётган эдим (Б. Раҳмонов, «Баҳор арафаси»). Ҳавотир олиб келаётган эдим (Саид Аҳмад, «Уфқ»).*

Ўзбек тилшуносларидан С. Усмонов *-ётган эди* формасининг хусусиятини қуйидагича таърифлайди: «Ўтган -ҳозирги замон феъли (*-ётган эди, -моқда эди* формаси — А. Ҳ.) ўтган замонда иккинчи бир иш-ҳаракат пайтига тўғри келиб қолган бир пайтли иш-ҳаракатни ифодалайди. Шу феълдан англашилган иш-ҳаракатдан ташқари, яна бошқа иш-ҳаракат мавжуд бўлади ва ўша бошқа иш-ҳаракатга нисбатан ҳозирги замон маъноси англашилади<sup>44</sup>.

*-ётган эди* формасининг ўтган замондаги бошқа бирор ҳаракатга нисбатан ҳозирги маъносидаги иш-ҳаракатни билдириши ҳақидаги гап тўғри ва келтирилган мисол ҳам фикрни тасдиқлайди. Лекин, биринчидан, *-ётган эди* формаси ўтган замонда иккинчи бир иш-ҳаракат пайтига тўғри келган бир пайтли иш-ҳаракатни ифодалайди дейиш унчалик тўғри эмас. Чунки *-ётган эди* формаси билдирган ҳаракат бошқа бирор ҳаракат пайтига тўғри келиб қолмайди. Аксинча, бошқа бирор ҳаракат шу формадаги (*-ётган эди* формасидаги) ҳаракатнинг бажарилиш вақтига тўғри келиб қолади. (*-ётган эди* формаси билдирган ҳаракат ўтган замон формасидаги ҳаракатдан олдин ҳам бажарилаётган бўлади). Иккинчидан, *-ётган эди* формаси билдирган ҳаракат ҳамма вақт ҳам ўтган замон формасидаги бирор ҳаракат бажарилган пайтда юз берувчи ҳаракат бўлавермайди:

*Майлисларинг узоқ чўзилди чоғи. Чарчабсиз, Меҳмон бола ҳам, худога шукур, тузалиб қолди. Унга Турсунбойгинамнинг расмини кўрсатаётган эдим.*

*Икромжон кўзини яширди (Саид Аҳмад, «Уфқ»).*

Демак, А. Н. Кононов ва С. Усмоновларнинг таърифида маълум ҳақиқат бор, лекин улар *-ётган эди* формасининг хусусиятига тўла мос келмайди. Таърифда маълум ҳақиқат бор-у, лекин у мазкур форманинг хусусиятига тўла мос келмас экан, ўз-ўзидан, бу таърифда *-ётган эди* формасининг бир хусусияти акс этган бўлади (бу таъриф *-ётган эди* формасининг бирор хусусияти асосида берилган бўлади).

Юқорида *-ётган эди* формасида *ёт* формантига хос хусусият сақланиши ва *-ган эди* формасида *-ган* аффикси ўтган замон феълининг «вакили» сифатида қатнашганидек, *-ётган эди* формасида *-ётган* форманти ҳозирги замон феълининг «ва-

<sup>44</sup> М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқорида кўрсатилган асар, 145-бет.

кили» сифатида келиши айтилди. Демак, биринчидан, *-ган эди* ва *-ётган эди* формаларининг ўзаро фарқли хусусиятлари уларнинг *-ган* ва *-ётган* формантлари таъсирида келиб чиқади. Иккинчидан, *-ган эди*, *-ётган эди* формаларида *эди* тўлиқсиз феълнинг қатнашишидан ҳар иккала формада умумий хусусиятларнинг бўлиши ҳам табиий.

*-ган эди* формаси анализда бу форманинг уч хусусиятга эга эканини кўрдик: 1) ҳаракатнинг умуман ўтган замонга (ўтмишга) оидлигини ифодалайди; 2) муносабат ифодалайди; 3) пайт эргаш гапни бош гапга боғлайди. *-ётган эди* формасида ҳам худди шу хусусиятлар сақланади.

1. Ҳаракатнинг ўтмишдаги бирор вақт momentiда бажарилаётган ҳолда эканини билдиради. Бажарилаётган вақт эса бошқа бирор восита, контекст ёки умумий ҳолатдан маълум бўлиб туради. Бундай ҳолларда контекстда ўтган замон феъл формалари бўлиши мумкин. Лекин *-ётган эди* формаси билдирган ҳаракатнинг бажарилаётганлиги шу ўтган замон феълларидаги ҳаракатга нисбатан олинмайди, яъни бунда *-ётган эди* формаси муносабат ифодаламайди:

*У [Икромжон] бу тонг ҳам тўқайга қараб кетди. Бу гал у милтиқ олмади. Оталик журғати билан уни кўндиришни ният қилган эди. Ғира-шира тонг ёришиб келаётган эди. Икромжон қамишлар орасида узоқ кезди. Овоз чиқариб ўғлини чақирди. Ҳеч қандай жавоб бўлмади (Саид Аҳмад, «Уфқ»). Низомжон тўнани апил-тапил кийиб цехга югурди. Тунги смена танаффусга чиққан, ҳамма бир-бирини янги йил билан табриклаётган эди (Саид Аҳмад, «Уфқ»).*

2. Муносабат ифодалайди. Бундай ҳолларда *-ётган эди* формасига алоқадор бўлган қандайдир бошқа ҳаракат-ҳодиса ҳам бўлади:

*Давлатбеков шу билан бир балодан қутулдим деб қувонаётган эди. Бироқ Воҳидов яна ўша мавзуга қайтди (П. Қодиров, «Қора кўзлар»). Икромжон каналдан сув ташиб келишни Низомжонга юклаётган эди, у рози бўлмади (Саид Аҳмад, «Уфқ»).*

*-ётган эди* формаси муносабат ифодалаган ҳолларда шу формадаги феъл билдирган ҳаракат билан бошқа ҳаракат-ҳодисанинг мазмун жиҳатдан қандай алоқада экани бошқа сўзлар орқали ёки умумий ҳолатдан англашиб туради.

*-ётган эди* формаси бу маънода қўлланганда, унга алоқадор бўлган нарса-ҳодисани ифодалайдиган гап келтирилмаса, фикр тугамаганлиги ёки *-ётган эди* формасидаги ҳаракатга алоқадор бошқа бирор ҳаракат-ҳодиса борлиги сезилиб туради:

*Биология кабинетида кўпроқ фойдаси тегаётган эди (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»).*

Бу мисолда *тегмоқ* феълини *тегаётган* эди формасида қўллашнинг ўзиёқ шу ҳаракатга оид нимадир борлигини кўрсатади. Ҳақиқатда ҳам шундай:

— *Менга қолса [пост бошлиғига], Қудратни белгиласак микан деган эдим?*

— *Қудрат-ку тузук, ўртоқларига сўзи ўтадиган. Лекин нозикроқда: Биология кабинетида кўпроқ фойдаси тегаетган эди.*

Жумладан кўриниб турибдики, Қудрат биология кабинетида ишляпти. Лекин энди уни бошқа вазифага — пост бошлиғи вазифасига белгилаш эҳтимоли туғилди. Шунинг учун автор *-ётган* эди формасини қўллаган.

*-ётган* эди формаси муносабат ифодалаган ҳолларда ҳаракатнинг бажарилиш вақти анча илгари вақтга оид бўлмаслиги, ҳатто, шу гап айтилаётган вақтга оид бўлиши мумкин. Шу сабабли муносабат маъноси ифодаланмайдиган бўлса, *-ётган* эди формасини *-ял* формаси билан алмаштириш мумкин:

— *Сен менга айтчи, новча ҳарбий киши ҳам шу ердами?*

— *Ўт қўйиши учун Умарбек билан Шоди Човушни ўш юборди-да.*

— *Ўзинг бевақт қаерга кетаётган эдинг?*

— *Сизларнинг олдларингизга бориб, Умарбек билан Шоди Човушнинг ўт қўймоқчи бўлганлигини айтмоқчи эдим.*

— *Барака топ, ўғлим!..* (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»)

Мисолдан кўриниб турибдики, (Пўлатнинг) кетаётган вақти нутқ моментига тўғри келади. Бу жиҳатдан *Қаерга кетясан?* деб сўраш ҳам мумкин. Лекин бу ҳаракат энди ўзгариши мумкин (Пўлатжон йўлида давом этмаслиги мумкин). Ана шу муносабатни ифодалаш учун *-ётган* эдинг формаси қўлланган.

3. Пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади ва эргаш гапни бош гапга боғлайди.

*Қаландаров хиргойи қилиб келаётган эди, йўл бўйида турган милиционер қўлидаги ола таёқ билан йўлнинг четини кўрсатди* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). *Ариқ қазиётганларга чой олиб бораётган эди, қўш тарафга кетаётган Зебихонни кўриб қолди, унга қўл силтаб, ҳозир келаман деб кетди* (Санд Аҳмад, «Уфқ»). *Сулув омонат қамиш бостирма тагида бугдой тортаётган эди, Бибиқатча кириб қолди* (А. Мухтор, «Қорақалпоқ қиссаси»).

Кетма-кет қўлланган гапларда кейингисининг кесими билдирган ҳаракат биринчи гапдаги *-ётган* эди формаси билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига тўғри келиши мумкин. Лекин бу билан *-ётган* эди формаси кейинги гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатувчи форма бўлмайди. Бундай



ҳолларда ҳар бир гап ўзича мустақил бўлиши мумкин ва шунга кўра улар орасидаги пауза ҳам қўшма гап компонентлари орасидаги паузага нисбатан узоқ бўлади:

*Адир ёнбошида зўр отишма бўлаётганди. Шу чоқ босмачилардан уч отлич сой тарафга қочди* (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»). *Отаси печка ёнидан туриб Тўлага қаради. Тўла бу орада ишхона томон кетаётган эди. Отаси чақирганини эшитиб, дарров:*

— *Лаббай, ада, — деди* (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

Бу мисолларда *-ётган эди* формаси муносабат кўрсатса-да, лекин икки гапни ўзаро боғлаш вазифасини бажармайди.

*-ган* ва *-ётган* формаларига хос фарқли хусусиятларни ҳисобга олмаганда, *-ётган эди* формасидаги пайт эргаш гап кесимининг хусусияти *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гап кесимининг хусусиятига ўхшайди, яъни *-ётган эди* формаси ҳам пайт эргаш гап кесимининг бошқа формаларидан худди *-ган эди* формасига хос хусусиятлари билан фарқланади. Лекин пайт эргаш гапнинг *-ётган эди* формаси *-ган эди* формасидан фарқли айрим хусусиятларга ҳам эга. Бу фарқли хусусиятлар ўтган ва ҳозирги замон формантларининг таъсиридан келиб чиқади.

Биринчидан, *-ган эди* формасидаги феъл пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, эргаш гапдаги ҳаракат бажарилган (бўлишсиз формада — бажарилмаган) вақтда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади. *-ётган эди* формаси пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида қўлланганда, пайт эраш гапдаги ҳаракат бажарилаётган вақтда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади.

Иккинчидан, *-ган эди* формаси пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилишидаги вақт оралиғи жуда қисқа бўлиши сабабли бундай гапларда, кўпинча ҳам ёки *-ки* юкламалари қўлланади. Кесими *-ётган эди* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бундай юкламаларнинг қўлланиши жуда кам учрайди.

Учинчидан, кесими *-ган эди* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатларнинг бажарилишидаги вақт оралиғи жуда қисқа бўлганлиги сабабли бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти таъкидланмайди. Шу сабабли *-ган эди* формаси ўрнида *-ган вақтда*, *-ганда* каби формаларни қўллаб бўлмайди ва бундай ҳолларда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан «қачон?» сўроғини ҳам қўйиб бўлмайди, *-ётган эди* формасидаги ҳаракат ҳали тугамаган, бош гапдаги ҳаракат юз берган вақтда давом этаётган ҳаракат бўлиши сабабли, маълум ҳолларда,

-*ётган эди* формаси ўрнида *-ётган вақтда*, *-ётганда* формасини қўллаш мумкин ва бундай ҳолларда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан «қачон?» сўроғини қўйиш ҳам мумкин.

У *кўзойнагини ингичка оқ симидан тутиб олаётган эди*, *бармоқларининг қалтирагани билинди* (Ш. Тошматов, «Тонгдаги кўланка»).

Тўртинчидан, *-ган эди* формасидаги феъл бўлишсиз аспектда ҳам пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида кўп қўлланади. *-ётган эди* формасининг бўлишсиз аспектда пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши эса жуда ҳам кам учрайди. Бу ҳодиса ҳам ҳозирги замон феълининг хусусиятидан келиб чиқади. Масалан, субъект ҳамма вақт қандайдир ҳаракат, ҳолатда бўлади. Айтайлик, бирор шахс *ё* ишлаётган, *ё* юраётган, *ё* ухлаётган ва ҳ. ҳаракат-ҳолатда бўлади. Демак, субъект бирор ҳаракатни бажараётган бўлиши билан бирга, бошқа бир ҳаракат-ҳолатни бажараётган бўлади. Бошқа бирор ҳаракат шу субъектнинг қандайдир ҳаракат-ҳолатларидан бирига тўғри келиши мумкин. Шунга кўра, *ишлаётган эдим*, *чақириб қолди*, *ухлаётган эдим*, *чақириб қолди* каби бўлишли маънодаги гаплар жуда кўп учрайди. Лекин, *ишламаётган эдим*, *чақириб қолди* каби бўлишсиз маънодаги гаплар жуда кам учрайди. Чунки, масалан, чақириб ҳаракати бажарилган вақтда эргаш гапдаги ҳаракатни бажарувчи шахс ишламаётган бўлса ҳам, бошқа қандайдир ҳаракат-ҳолатни бажараётган бўлади. Шу сабабли, агар мақсад чақирилган вақтда ишламаётганликни ифодалаш бўлса, у чақириб вақтида бажарилаётган ҳаракат билан бирга айтилади, яъни ишламасдан нима қилаётганлиги ҳам айтилади: *Ишламай ўтирган эдим*, *чақириб қолди*. *Ишламасдан кўчада юрган эдим*, *чақириб қолди* ва ҳ.

Ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, *-ётган эди* формаси биринчи ва иккинчи маънога нисбатан учинчи маънода кўпроқ қўлланади. Бунинг сабаби ҳам, бизнингча, аниқ ҳозирги замон феълининг хусусиятидан келиб чиқади.

Аниқ ҳозирги замон формаси конкрет бирор вақтда — нутқ моментида бажарилаётган ҳаракатни билдиради. Шу ҳаракат ўтмишга кўчирилганда ҳам ҳаракатнинг аниқ бир вақтда бажарилишда давом этиши маъноси йўқолмайди. Қиёсланг: *Хирмонда ишлар эди* — *хирмонда ишлаётган эди*. Шу хусусиятига кўра, *-ётган эди* формаси ўтган замонда юз берган ҳаракатнинг ҳикояси тарзида қўлланганда, бу ҳаракатнинг умуман ўтмишдаги бирор вақтда бажарилишда давом этганлиги эмас, балки ўтмишдаги конкрет бир вақтда бажарилишда бўлганлиги ифодаланади: *Қиёсланг: Заводда ишлаган эдим* — *Заводда ишлар эдим* — *Заводда ишлаётган эдим*.

*Ишлаган эдим, ишлар эдим* формаларига нисбатан қўйил-  
ладиган «қачон?» сўроғига «илгари», «бир вақтлар» каби  
умумий маънодаги сўз ёки сўзлар бирикмаси жавоб бўлиши  
мумкин. *Ишлаётган эди* формасига қўйилладиган «қачон?»  
сўроғига эса конкрет бирор вақтни билдирувчи сўзлар жавоб  
бўлади. *-ган эди, -р эди* формаларида ҳаракатнинг умуман  
ўтмишга оидлиги ифодаланиши сабабли жумла ёки контекст-  
да шу ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатувчи сўз ёки  
бошқа воситаларнинг қўлланиши доим талаб этилавермайди  
ва шундай вақтни кўрсатувчи сўз ёки бошқа воситалар ҳам  
қўлланавермайди. *-ётган эди* формаси қўлланган жумла ёки  
контекст ичида шу формадаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти-  
ни конкретлаштирувчи воситалар бўлади. Демак, *-ётган эди*  
формаси, кўпинча, ҳаракатнинг бажарилиш вақтини конкрет-  
лаштирувчи сўз ёки бошқа воситалар билан муносабатда бў-  
лади. Бу муносабат икки хил бўлиши мумкин:

1) бошқа бирор восита *-ётган эди* формасидаги феъл бил-  
дирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади:

*Қудрат мактаб яқинига борганда, болалар боягидан  
кўпайишиб, Бобоқул ота атрофини ўраб олишган эди. Чол  
ерга бемалол чордона қуриб олган ва дурадгорларга ўхшаб  
теша билан новдаларни йўнаётган эди* (Ҳ. Назир, «Сўн-  
мас чақмоқлар»).

Бу мисолдаги *борганда* формаси билан *-ётган эди* формаси  
ўзаро муносабатда. Лекин бу муносабатни *-ётган эди* форма-  
си кўрсатмайди, балки *-ганда* (борганда) формаси англатади.  
Бу форма *-ётган эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиш  
вақтини билдиради. Шунга кўра, нисбий форма *-ётган эди*  
эмас, балки *-ганда* формасидир. Бу мисолда *-ётган эди* форма-  
си биринчи маъносида қўлланган.

2) *-ётган эди* формаси бошқа бирор ҳаракатнинг бажари-  
лиш вақтини кўрсатади (мисоллар юқорида берилган). Бунда  
*-ётган эди* формасининг ўзи нисбий форма ҳисобланади.

Биз тўплаган фактларнинг кўрсатишича, *-ётган эди* фор-  
масининг биринчи маънода қўлланиш чегараси маълум дара-  
жада шу формага алоқадор бўлган нисбий форманинг қайси  
шахсда (биринчи, иккинчи ёки учинчи шахсда) қўлланишига  
ҳам боғлиқ экан. Бунинг исботи учун юқорида келтирилган  
*Қудрат мактаб яқинига борганда,...* *чол ерга бемалол чордона  
қуриб олган ва дурадгорларга ўхшаб теша билан новдаларни  
йўнаётган эди* гапни олиб кўрайлик.

Бу жумладаги пайт эргаш гапнинг кесими (*бор феъли*) би-  
ринчи шахсда қўлланса, бош гапнинг кесимини (*йўн феълيني*)  
*йўнаётган эди* формасидан кўра, кўпроқ, *йўнаётган экан* фор-  
масида қўллашга тўғри келади: *Мактаб яқинига борганимда,...*

*Чол эрга бемалол чордона қуриб олган ва.. теша билан новдаларни йўнаётган экан.* Чунки сўзловчи чолнинг новда йўнаётганини аввал билмаган, фақат мактаб яқинига келганда ундан хабардор бўлган. Аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъноси эса ҳозирги ўзбек тилида экан формаси орқали ифодаланади (бу ҳақда экан формаси баҳсига қаранг).

Агар пайт эргаш гап кесими шарт майли формасида келса, *-ётган эди* формасини эмас, *-ётган экан* формасини қўллашга тўғри келади: *Мактаб яқинига борсам, чол.. теша билан новдаларни йўнаётган экан.*

Қўринадики, пайт эргаш гап кесимининг биринчи шахсда қўлланишининг ўзиёқ *-ётган эди* формасининг бош гап кесими вазифасида келиш (яъни биринчи маънода қўлланиш) доирасини анча чегаралаб қўяди.

Бундан ташқари, *-ётган эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракат маълум вақтда давом этаётган ҳаракат бўлади. Бу формадаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти билан ўзаро муносабатда бўлган ўтган замон формасидаги феъл билдирган ҳаракат эса давом этаётган бўлмайди. Шунга кўра, *-ётган эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти ўтган замон феъли билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтига тўғри (дуч) келмайди, балки аксинча бўлади. Демак, воқеа-ҳодисаларнинг изчиллик билан баёнида бажарилиш вақти жиҳатдан ўзаро муносабатда бўладиган ҳаракатларнинг давом этмайдигани давом этаётганини эмас, балки давом этаётгани давом этмаётганининг бажарилиш вақтини белгилайди. Чунки давом этаётган ҳаракат давом этмаган ҳаракатдан аввал ҳам мавжуд бўлади. Шу сабабли ўтмишга оид ҳодисаларнинг баёнида ҳам *-ётган эди* формаси, кўпинча, муносабат ифодаловчи форма (нисбий форма) сифатида қўлланади. Муносабат ифодаловчи форма сифатида эса пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида кўп қўлланади. Бунинг сабаби ҳам аниқ ҳозирги замон формасининг хусусияти билан изоҳланади.

Юқорида кўрдикки, *-ётган эди* формаси ўтмишдаги маълум конкрет вақтда бажарилаётган ҳаракатни билдиради. Шу формадаги феъл билдирган ҳаракат билан алоқадор бўлган ҳаракат *-ётган эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтига тўғри келади. Аниқроқ қилиб айтганда, ўтган замон феъли (эди тўлиқсиз феъли қўлланмаган ўтган замон феъли) билдирган ҳаракат бажарилганда, *-ётган эди* формаси билдирган ҳаракат бажарилаётган бўлади. Шунга кўра, *-ётган эди* формасидаги ҳаракатнинг шу вақтда бажарилган бошқа бирор ҳаракат учун сабаб ёки натижа англатувчи муносабатда бўлиши жуда кам бўлади. Аксинча, бирор ҳаракатнинг бажарилиши

-*ётган эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтига тўғри келар экан, бу икки ҳаракат ўртасидаги муносабат, асосан, вақт планидаги муносабат бўлади. Ана шу хусусиятига кўра, *-ётган эди* формаси муносабат ифодаловчи форма сифатида, асосан, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида кўп қўлланади ва эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. Унинг мазмун жиҳатдан бошқача муносабатда бўлган гапларнинг кесими вазифасида қўлланиши нисбатан жуда кам учрайди.

#### -ЕТИБ ЭДИ

Бу форма ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда қайд этилмаган. Ҳатто, *-ётир эди* формаси ўтган замон феълининг махсус формаси сифатида келтирилган ишларда ҳам *-ётиб эди* формаси берилмаган. Ваҳоланки, *-ётиб эди* формаси *-ётир эди* формасига нисбатан жуда кўп қўлланади. Балки *-ётиб эди* формасидаги *-ёт* формантини сўз деб қараб шундай қилсалар керак. Худди шу нуқтаи назар билан кўпгина адабиётларда *-ётиб* аффикси ҳам аниқ ҳозирги замон феъли ясовчилар қаторида берилмайди. Лекин *-ётган эди*, *-ётир эди* формалари таркибидаги *-ёт* сўз бўлмаганидек, *-ётиб эди* формаси таркибидаги *-ёт* ҳам сўз эмас. *-ётган эди*, *-ётир эди* формаси таркибида *-ёт* форманти қандай вазифада қатнашса, *-ётиб эди* формаси таркибида ҳам шундай вазифада келади<sup>45</sup>. Шунинг учун ҳам бу форма таркибидаги *-ёт ўрнида* шеваларда аниқ ҳозирги замон феъли ясовчи *-вот*, *-ят* каби аффикслар қўлланади: *кевоту (в) ди* (тошкент шеваси). Бундай формалар ёзувда ҳам учраб туради:

*Ҳа, айтгандай, ҳали Зайнабга нима деятувдинг?*  
(З. Фатхуллин, «Ғунчалар»).

Кейинги вақтларда ҳозирги замон феъли ясовчи аффикслар қаторида *-ётиб* аффикси ҳам берилга бошлади<sup>46</sup>. Бу, албатта, тўғри ва ижобий ҳодиса. Лекин *-ётиб* нинг аниқ ҳозирги замон феъли ясовчи аффикс эканлигини эътироф этиб, *-ётиб эди* формасини махсус форма сифатида бермаслик тўғри бўлмайди. *-ётган эди* формаси ўтган замон феълининг махсус тури сифатида берилар экан (шундай бўлиши кераклиги юқорида айтилди), *-ётиб эди* формасини ҳам махсус форма сифатида бериш кераклиги шубҳасиздир.

<sup>45</sup> *-ётиб* нинг аффикс эканлиги ҳақида авторнинг «Аниқ ҳозирги замон феъл формасининг келиб чиқиши ҳақида» номли мақоласига қаранг: «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II, проф. В. В. Решетов таҳрири остида, Тошкент, 1961, 442—450-бетлар.

<sup>46</sup> Қаранг: М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқорида кўрсатилган асар, 147-бет.

Хуллас, ҳозирги ўзбек тилида аниқ ҳозирги замон феълнинг *-яп, -моқда* аффикслари ёрдамида ясалган формалари билан бирга *-ётиб* аффикси орқали ясалган формаси ҳам бор бўлганидек, ўтган замон феълнинг *-ётган эди, -моқда эди* формалари билан бирга *-ётиб эди* формаси ҳам мавжуд.

*-ётиб эди* формаси маъно ва вазифаси жиҳатдан *-ётган эди* формасидан фарқланмайди. Шу сабабли айнан бир ҳаракат билдирувчи феъл каттароқ жумлалар ичида *-ётган эди* ва *-ётиб эди* формасида аралаш қўлланавериши мумкин:

— *Қаёққа кетаётган эдингиз?*

— *Шаҳарга.*

— *Мен ҳам шаҳарга кетаётувдим* (У. Назаров, «Одамлар»).

*-ётган эди* формасининг *-ган эди, -(и)б эди* формаларидан ва ўтган замон феълнинг бошқа формаларидан фарқли хусусиятлари ҳақида айтилган гаплар *ётиб эди* формасига ҳам тааллуқли (яъни *-ётиб эди* формаси ҳам шундай хусусиятларга эга). Шу сабабли бу ўринда *-ётиб эди* формасининг *-ётган эди* формасидан фарқли хусусияти ҳақида гапириш билан чегараланиш мумкин.

Оғзаки нутқда *-ётиб эди* формаси деярли ҳамма вақт *-ётувди* тарзида талаффуз этилади. Талаффуз учун умумий бўлган бу ҳодиса ёзувда ҳам ўз ифодасини топган, яъни *-ётиб эди* формаси ёзувда ҳам, асосан, *-ётувди* формасида учрайди. *-ётувди* шакли оғзаки нутқнинг ифодаси бўлганидан ёзувда унинг қўлланиши *-ётган эди* формасига нисбатан кам учрайди. Бадний адабиётларда ҳам бу форма (*-ётувди* формаси) жонли сўзлашувни акс эттирувчи ўринларда, асар қаҳрамонлари нутқида кўпроқ учрайди:

*Жуда зеркиб кетдим, айт-чи, ҳали Азиза билан кулишиб нимани гапиришаётувдиларинг...* (Ҳ. Нуъмон; А. Шораҳмедов, «Ота»). *Салом бериб ёнларидан ўтиб кетаётувдим: «Ҳа, қори, ярим кечада йўл бўлсин?» — деди* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). *Мен кирганда қизиқ бир нарсани ҳикоя қилаётувдингиз* (Ҳ. Фулом, «Сенга интиламан»).

*-ётган эди* формаси билан *-ётиб эди (-ётувди)* формаси ўртасидаги бу фарқли хусусият худди *-ган эди* формаси билан *-(и)б эди (-увди)* формаси ўртасидаги фарқли хусусиятга ўхшайди.

*-ётган эди* формасининг биринчи ва иккинчи маънога нисбатан учинчи маънода кўп қўлланиши ва бунинг сабаби айтилди. Биз тўплаган материалларнинг кўрсатишича, *-ётиб эди (-ётувди)* формаси ҳаракатнинг умуман ўтмишга оидлигини

ифодалаш учун (биринчи маънода) деярли қўлланмайди. Бунинг сабаби ҳам *-ётиб эди* формаси таркибидаги (аслида равишдош ясовчи) *-б* формантининг таъсиридир.

*-(у)б эди (-увди)* формасининг *-ган эди* формасидан фарқли хусусияти ҳақида гапирганда кўрдикки, *-и(б) эди* формасида ҳаракатнинг бўлиб ўтган вақт оралиғи нисбатан яқин бўлади ва бу форма, кўпинча, ўзи билдирган ҳаракатдан кейин бирор ҳаракат-ҳодиса бўлганлигини (борлигини) кўрсатади (кўпинча, муносабат ифодалаш учун қўлланади). Бу хусусият эса равишдош ясовчи *-б* аффиксининг таъсирида келиб чиқади. *-ётиб эди* формасидаги *-б* ҳам, аслида, равишдош ясовчи аффикс бўлганидан бу формада ҳам *-(у)б эди* формасига хос хусусият маълум даражада бўлади. Бир томондан, *-(у)б* формантининг таъсири, иккинчи томондан *-ёт* формантининг таъсири натижасида *-ётиб эди (-ётувди)* формаси, асосан, пайт маъносини билдириб, пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида қўлланади ёки умуман муносабат ифодалайди.

*Қовун бозоридан чиқиб, эски коппон олдидан ўтиб кетаётиб эдим, ...Раҳматулло саркорга кўзим тушиб қолди* (Ғ. Ғулор, «Шум бола»). *Давлатбеков ёмғирда ҳўл бўлган мўйлови осилиб, яна эътироз қилмоқчи бўлаётувди, Мансуров унга сўз бермади* (П. Қодиров, «Қора кўзлар»). *Нима бало, ҳовлида ётиб олиб бирон нима қилаётувдингизми?* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Демак, *-ётиб эди* формасининг *-ётган эди* формасидан фарқли бу хусусияти ҳам *-(у)б эди* формасининг *-ган эди* формасидан бўлган фарқли бир хусусиятига ўхшайди. Лекин бу айтилганлардан *-ётиб эди* формаси билан *-ётган эди* формаси ўртасидаги фарқли хусусият *-(у)б эди* формаси билан *-ган эди* формаси ўртасидаги фарқнинг айнан ўзи деган хулоса чиқмайди.

Ҳозирги ўзбек адабий тилида *-(у)б эди* формасининг қўлланиш доираси нисбатан анча чегараланган бўлса-да, лекин оғзаки ва ёзма нутқда *-(у)б эди (-увди)* формаси ҳам кўп қўлланади. *-ётиб эди (-ётувди)* формаси эса унга нисбатан жуда кам учрайди. Бунинг сабаби мазкур форманинг оғзаки нутқ ва шева-ларга муносабати таъсирида бўлса керак.

*-(у)б эди* формасидаги *б* нинг *в* талаффуз этилиши жонли сўзлашувга хос бўлганидек, *-ётиб эди* формасидаги *б* нинг *в* талаффуз этилиши ҳам жонли сўзлашувга хос. *-(у)б эди* формасининг *-увди, -вди* каби талаффуз этилиши ўзбек шеваларининг жуда кўпчилигига хос. Буни ўзбек адабий тили-

нинг таянч шеваларида ҳам кўриш мумкин<sup>47</sup>. Лекин *-ётувди* (<*-ётиб эди*) формаси ўзбек тилининг асосий шеваларида учрамайди. Масалан, бу форма ўрнида Тошкент шевасида *-вотувди* ёки *-вотканида* (*кевотувди*, *кевотканиди*), Фарғона тип шеваларида *-йэтувди*, *-айтурувди*<sup>48</sup> каби формалар қўлланади. Демак, *-увди* (<*(и)б эди*) формаси жонли талаффузга хос бўлгани билан, ўзбек тилининг асосий шеваларида мавжудлигидан унинг ёзувда ҳам қўлланиши ўқувчилар учун ғайри табиий туюлмайди ва жонли талаффузга хос форма сифатида ёзувда ҳам қўлланаверади. *-ётувди* формаси, гарчи жонли талаффузга хос бўлса-да, лекин у ўзбек шеваларининг асосий қисмида учрамаслиги сабабли, ёзувда қўлланиш доираси ҳам анча чегараланиб қолган. *-ётиб эди* формасининг *-ётган эди* формасидан фарқли асосий хусусияти шундан иборат.

#### -МОҚДА ЭДИ

Бу форма ўтган замон феълининг махсус формаси сифатида саёқли ишлардагина берилади ва унинг ўзига хос хусусияти ҳақида айтилган фикрлар маълум даражада бир-бирдан фарқланади.

Проф. А. Н. Қононов *-моқда эди* формасини, *-ётган эди* формасидан фарқлаган ҳолда, «ўтган замон давом феъли» («прошедшее-длительное время») деб атайди<sup>49</sup>. Бундай деб аташнинг сабаби албатта, авторнинг *-моқда* аффикси билан ясалувчи аниқ ҳозирги замон феъл формасини ҳам ҳозирги замон давом феъли деб тушунишидадир<sup>50</sup>.

Ўзбек тилшуносларидан С. Усмонов *-ётган эди* ва *-моқда эди* формаларини бир гурпуага киритади<sup>51</sup>.

*-ётган эди* формасида *-ёт* формантига хос хусусият маълум даражада сақланганидек, *-моқда эди* формасида ҳам *-моқда* формантига хос хусусият сақланади ва *-моқда эди* формасининг қўлланишдаги хусусиятлари ҳам *-моқда* аффиксининг хусусияти таъсирида келиб чиқади.

Ўзбек тили грамматикасига оид айрим адабиётларда *-моқда* аффикси билан ясалган феъл формаси ҳозирги замон

<sup>47</sup> Қаранг: Ш. Шабдураҳмонов, Ўзбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1962, 167-бет.

<sup>48</sup> Ш. Насыров, Кокандский говор узбекского языка, а. к. д., Ташкент, 1965, стр. 18.

<sup>49</sup> А. Н. Қононов, Юқориди кўрсатилган асар, 228-бет.

<sup>50</sup> Уша асар, 214-бет.

<sup>51</sup> М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқориди кўрсатилган асар, 145—146-бетлар.



давом феъли деб қаралади. А. А. Қоклянова эса *-ётир* аффикси билан ясалган *феъл* формасини ҳозирги замон давом феъли деб қарайди<sup>52</sup>. Лекин ҳозирги замон феълининг синтетик формалари ичида ҳаракатнинг узоқ давом этишини ифодаловчи махсус форма йўқ. Узоқ ёки қисқа давом маъноси *-яп*, *-ётиб*, *-моқда* аффиксларининг бирортасига ҳам хос эмас. Ҳозирги замон феълининг *-моқда*, *-яп*, *-ётир* аффикслари билан ясалган формалари фақат қўлланишдаги хусусиятлари билан бир-бирларидан фарқланади. *-яп* аффикси билан ясалувчи формаси стилистик жиҳатдан нейтрал. *-ётир* формаси эса асли диалектал форма бўлиб, асосан, газета тилида қўлланади, бадий асарларда жуда кам учрайди. Ўзбек адабий тили учун асос бўлувчи шева вакиллари нутқида бутунлай қўлланмайди.

*-моқда* формаси ҳам китобий тилга хос бўлиб, оддий сўзлашувда қўлланмайди. Бу форма образли ифодаларда, кўтаринки нутқларда қўлланади. Оғзаки нутқда ҳам докладларда ва бошқа тантанали нутқларда учрайди.

Агар *-моқда*, *-ётир* аффикслари билан ясалувчи феъл формалари *-яп* аффикси билан ясалувчи формадан қандайдир ўзига хос қўшимча маъноси (айтайлик, давомли ҳаракатни ифодалаш) билан фарқланадиган бўлса, уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаб бўлмас эди ва *-моқда*, *-ётир* формалари ўзига хос фарқли маъно ифодаловчи формалар сифатида оддий сўзлашувда ҳам кенг қўлланавериши керак эди. Лекин ҳозирги ўзбек тилида бундай ҳолни кўрмаймиз. *-моқда*; *ётир* формалари ифодалаган маънода оддий сўзлашувда бошқа формалар (масалан, *яп*- формаси) қўлланаверади. Бу билан маънода ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди.

Хуллас, ҳаракатнинг бажарилиш характерини (давомлилик ёки бошқа хусусиятини) ифодалашига кўра *-моқда* ва *-яп* формалари ўзаро фарқланмаганидек, *-моқда эди* ва *-ётган эди* формалари ҳам бу жиҳатдан ўзаро фарқланмайди. *-ётган эди* формасининг *-ган эди*, *-(и)б эди* каби формалардан фарқли хусусияти *-моқда эди* формасига ҳам хос. *-моқда эди* формаси ҳам (худди *-моқда* формаси каби) бадий асарларда, асосан, автор нутқида учрайди. Масалан, А. Қаҳҳорнинг 35 та ҳикоя, 6 та фельетон, 2 та пьесасини ўз ичига олган тўпламида 26 та *-моқда эди*; Саид Аҳмаднинг 1 та повесть, 17 та ҳикоясини ўз ичига олган тўпламидаги 6 та *-моқда эди*; П. Турсуннинг «Ўқитувчи» романидаги 54 та *-моқда эди* формасининг ҳаммаси автор нутқида. Бу ҳодиса *-моқда*

<sup>52</sup> А. А. Қоклянова, Юқорида кўрсатилган асар, 31-бет.

*эди* формаси (шунингдек, *-моқда* формаси) давомли ҳаракат ёки процесс ҳолидаги ҳаракатни билдиради деган фикрларни тасдиқламайди. Чунки фақат автор нутқидаги феъл билдирган ҳаракатларгина давомли ёки процесс ҳолидаги ҳаракат бўлавермайди. *-моқда эди* формаси билдирган ҳаракат оддий сўзлашувда *-ётган эди* ёки бошқа форма орқали ифодаланар экан, ўз-ўзидан, *-моқда эди* ва *-ётган эди* ўртасидаги фарқли хусусият мазмун жиҳатдан эмас, балки услуб жиҳатдан бўлган фарқли хусусият ҳисобланади. Маъно ва вазифаси жиҳатидан *-моқда эди* ва *ётган эди* формалари бир группани (бир-турни) ташкил этади.

А. А. Юлдашев *-моқда* формасининг қўлланиш доираси чегараланганлиги сабабли *-моқда эди* формасининг қўлланиш доираси ҳам чегараланганлиги ҳақида гапирди. Автор қуйидаги типдаги феъллардан *-моқда* формаси ясалмаслигини айтади: 1) *ўсмоқ* типдаги ҳолат билдирувчи феъллардан; 2) доимий ёки давомли хусусият тарзидаги ҳаракатни билдирувчи феъллардан; (масалан, *-а бил* формасидан); 3) *ўл* типдаги перфектив феъллардан<sup>53</sup>. Лекин ўзбек тили фактлари бу фикрни қувватламайди. Масалан, А. А. Юлдашев «бирор-та ҳам туркий тилда *агач усмактэ* (дарахт *ўсмоқда*) дейилмайди» деб кўрсатади. Бошқа туркий тилларда, балки, шундайдир. Лекин ўзбек тилида *ўсмоқ* феъли *ўсмоқда* формасида қўлланади:

*Еш дарахтлар ҳар жойда  
Яйраб ўсмоқда.*

*«Биз ҳам бор» деб қуёшга  
Қўлин чўзмоқда*

(Зафар Диёр).

Шунингдек, *ўлмоқ* типдаги феълларнинг *-моқда* формасида қўлланишини инкор этиб бўлмайди: *Қаттиқ совуқ ва ем-хашакнинг етишмаслиги натижасида чорва моллари ўлмоқда.*

*Ола билмоқ, ёза билмоқ* ёки *йиқила ёзмоқ* каби формадаги феълларнинг *-моқда* формасида қўлланишмаслиги, биринчи навбатда, шу формалар билдирадиган маъно хусусиятидан келиб чиқади. Бу формаларнинг фақат *-моқда* аффикси билан эмас, умуман, аниқ ҳозирги замон феъл формасида қўлланиши жуда кам учрайди. *Йиқила ёзмоқ* типдаги конструктор

<sup>53</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 154-бет.

цияларнинг ҳозирги замон формасида қўлланиши деярли учрамайди<sup>54</sup>.

-*моқда эди* формаси ҳам, худди *-моқда* формаси каби китобий тилга хос ва маънони кучайтириб, образли қилиб ифодалайди, расмий нутқларда қўлланади. Бу форманинг *-ётган эди* формасидан қўлланишдаги ўзига хос фарқи ҳам ана шу хусусиятидан келиб чиқади.

-*моқда эди* формаси, худди *-ётган эди* формаси каби, ўтмишдаги бирор моментда давом этаётган, тугалланмаган ҳаракатни ифодалаш учун ҳам, шунингдек, муносабат ифодалаш учун ҳам қўлланади:

*Узилиб кетган ер парчаси худди солдай секунд сайин денгиз ичкарисига қараб кетмоқда эди* (А. Мухтор, «Қорақалпоқ ичкисаси»). *Афтидан Сафаров иккови оғилга томон келмоқда эди. Мирҳамидхўжа шошиб Қамбарали аканинг қўлидан пулни олди-да унинг қўйнига тикди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироқлари»).

*-ётган эди* формасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида гапирганда айтдикки, бу форма эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида нисбатан кўпроқ қўлланади. (Эргаш гапнинг кесими бўлиб келиши кўп учрайди.) *-моқда эди* формасида эса ақс ҳолатни кўрамиз. *-моқда эди* формасининг пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун қўлланиши (пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши) деярли учрамайди. Бунинг сабаби ҳам *-моқда эди* формасининг маънони кучайтириб, образли қилиб ифодалашидадир. Пайт эргаш гапни қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими бош гапнинг кесими билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади. Эргаш гапнинг кесими *-ётган эди* формасида бўлганда, бош гапнинг кесими ўтган замон формасида (асосан, *-ди* формасида) келади. Агар *-моқда эди* формаси пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келса, у ҳам *-ди* формаси билан ўзаро муносабатда бўлади. *-ди* формаси стилистик жиҳатдан нейтрал, у маънони кучайтирмайди ҳам, образлилик хусусиятига эга ҳам эмас. Бу нарса пайт эргаш гап кесимининг ҳам стилистик жиҳатдан нейтрал формада бўлишини талаб қилади. Чунки ўзаро муносабатда бўлган ҳаракатларни кўрсатувчи феъллардан бирини, аниқроғи, бундаги нисбий формани образлилик хусусиятига, маънони кучайтириш хусусиятига эга бўлган формада, асосий феълни эса стилистик жиҳатдан нейтрал формада қўллаш бундай муносабатнинг характериغا

<sup>54</sup> Бунинг сабаби авторнинг кўмакчи феъллар ҳақидаги ишида айtilган. Қаранг: А. Ҳожиёв, Ўзбек тилида кўмакчи феъллар, Тошкент, 1966, 183—184-бетлар.

мос келмайди. Бош гап кесимининг стилистик жиҳатдан нейтрал формада қўлланиши эргаш гап кесимининг ҳам худди шундай формада келишини талаб этади. *-ётган эди* формаси худди шундай форма ҳисобланади ва шунинг учун ҳам пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида кенг қўлланади.

А. Ҳ. Сулаймонов *-моқда эди* формасининг хусусиятлари ҳақида гапириб «фёъл ўзақлари силжиш, жой алмаштириш маъноларини аниқлаётганларида, *-моқда эди* формаси, кўгинча, *-аётир эди, -аётган эди, -аётиб эди* формалари билан алмаштирилади» деб кўрсатади<sup>55</sup>. Лекин *-моқда эди* ёки *-ётган эди* формасининг қачон қўлланиши ёки қўлланмаслигига фёъл билдирган ҳаракатнинг қандай ҳаракат эканлигининг аҳамияти йўқ. Автор келтирган *кетаётир эди, бораётган эди, келаётиб эди* формасидаги фёъллар *-моқда эди* формасида ҳам бемалол қўлланаверади.

*Рота бир қатор бўлиб сўқмоқдан, баланд ўсган ўт-ўланлар орасида, гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай кетмоқда эди* (А. Қаҳҳор, «Олтин юлдуз»). *Овчилар жуда хурсанд, ҳар қайсиси бир нечадан қуён, ўрдак олиб бормоқда эди* (А. Қаҳҳор, «Хотинлар»).

А. А. Юлдашев: «Ўзбек ёзувчилари асарлари билан танишиш кўрсатадики, *-моқда эди* формаси эски ёзув традицияси таъсири кўпроқ бўлган ёзувчилар асарида кўпроқ қўлланади деган таассурот пайдо қилади»<sup>56</sup>, — дейди. Лекин ўзбек тилида *-моқда эди* формасининг қайси ёзувчи асарида кўп ёки кам қўлланишини эски ёзув традицияси таъсири билан изоҳлаб бўлмайди. Чунки *-моқда эди* формаси ҳам, *-моқда эди* формаси ҳам ўзбек тилида нисбатан яқин даврлардан кўпроқ қўллана бошлаган. Тарихга борган сари *-моқда* ва *-моқда эди* формалари жуда камайиб боради, *-моқда эди* формасининг, бирор асарда кўп ёки кам қўлланиши, асосан, шу асар тилининг оддий сўзлашувга яқинлиги ёки кўпроқ китобий тилда ёзилганлиги билан изоҳланади.

Хуллас, маъно ва вазифаси бир хил бўлган *-ётган эди, -ётиб эди* формалари стилистик жиҳатдан нейтрал формалар ҳисобланади. *-моқда эди* формаси эса китобий тилга хос. Ёзувда баъзан *-ётир эди* формаси ҳам учраб турса-да, лекин адабий тил нуқтаи назаридан нормал ҳодиса эмаслиги аниқ сезилиб туради.

Сўз охирида яна бир масалага тўхтаб ўтиш керак бўлади. Ҳозирги ўзбек тилида тўрт ҳолат фёълининг — *ёт, тур, юр,*

<sup>55</sup> А. Ҳ. Сулаймонов, Юқорида кўрсатилган асар, 25—26-бетлар.

<sup>56</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 157-бет.

*Ўтир* — ҳолат феълларининг ҳозирги замон формаси, умумий ҳолатдан истисно тарзида *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ясалади. Бошқа феълларда *-ётган эди, -ётиб эди, -моқда эди* формаси орқали ифодаланадиган маъно бу феълларда *-ган эди* ёки *-(и)б эди (турган эди, туриб эди)* формасида ифодаланади. Демак, ўтган замон феъллари маъно жиҳатдан пруппаланадиган бўлса, тўрт ҳолат феълининг бу формаси ўтган замон феълининг *-ган эди, -б эди* формаси қаторига эмас, балки *-ётган эди, ётиб эди* каби формадаги феъллар группасига киради.

Бу тўрт ҳолат феъли шу формада кўмакчи феъл вазифасида келганда, айрим нозик фарқлардан қатъи назар, *-ётган эди, -ётиб эди, моқда эди* формаларига хос маънони билдиради:

*Икромжон болалик излари тушган йўллардан, тор кўчалардан ёғоч оёқ билан аллавақтгача кезиб уйига қайтди. Хотини ухламай тиқ этса эшикка қараб ўтирган эди (Саид Аҳмад, «Уфқ»). Ҳали почталёон Марҳамат опадан... янги адресингни сўраб турувди-ку (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). Жудаям боргим келяпти. Қачондан бери Борис билан ваъдалашиб юрувдим (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»).*

Демак, бу турдаги феъллар ҳам мазмун жиҳатдан *-ган эди* аффикси билан ясалган ўтган замон феъллари билан эмас, балки *-ётган эди, -ётиб эди* каби формадаги феъллар билан бир группани ташкил этади. Шу сабабли бу турдаги феълларни тугалланмаганлик ифодаловчи *-ётган эди, -ётиб эди* каби феъллар қаторига киритиш ва шулар билан бир жойда текшириш керак бўлади. Биз бу ўринда *ишлаб турган эди, ишлаб юрган эди* каби формаларнинг *ишлаётган эди* формасидан фарқли хусусиятлари ҳақида гапириб ўтирмаймиз. Бу фарқлар ҳар бир кўмакчи феълнинг хусусиятидан келиб чиқадиган фарқлар бўлиб, кўмакчи феълларнинг хусусияти текширилган ўринларда анализ қилинади.

Энди, *-ётган эди, -ётиб эди, -моқда эди* формаларини қандай ном (термин) билан аташ мувофиқлиги масаласига тўхтаб ўтайлик. Ўзбек тилига оид адабиётларда бу формаларни уч хил ном билан аташни кўрамыз: 1) ўтган-ҳозирги замон; 2) тугалланмаган ўтган замон, 3) ўтган замон давом феъли.

Булардан «ўтган-ҳозирги замон» деган термин мувофиқ бўла олмайди. Тўғри, С. Усмонов бу терминни қўллашда мазкур формаларда ҳозирги замон феълига хос бўлган ҳаракатнинг ўтмишга кўчирилганлиги маъноси ифодаланишини назарда тутди. Лекин бир ҳодиса учун бир-бирининг маъно-

сини йнкор этувчи сўзларни бир бутун ҳолда термин сифатида қўллаш маъқул эмас.

«Ўтган замон давом феъли» терминидаги давом сўзи билдирган маъно русча адабиётларда «длительный» сўзи орқали берилади. А. А. Юлдашев ана шу «длительный» деган сўзга қарши чиқади. Ҳақиқатда ҳам, бу ўринда «длительный» сўзини қўллаш ўринли эмас. Чунки бу сўзнинг маъноси ўзбекча «узок давом» маъносига тўғри келади. Биз кўрсатиб ўтган феъл формалари узок давомни билдирмайди. Бу жиҳатдан А. А. Юлдашев тамомила ҳақли. Лекин мазкур формаларга нисбатан «ўтган замон давом феъли» терминини қўллаш ўринсиз дея олмаймиз. Чунки, кўриб ўтганимиздек, бу формалар ўтмишдаги бирор вақтда бажарилаётган (туғаман, давом этаётган) ҳаракатни билдиради. Демак, бунда «давом» сўзи умуман ўтмишда узок давом этган ҳаракат маъносида эмас, балки ўтмишдаги маълум бир вақтда бажарилаётган (давом этаётган) ҳаракат маъносида қўлланади.

«Тугалланмаган ўтган замон» термини ҳам худди шу маънода қўлланиши билан маъқул ҳисобланади. Бошқа томондан олганда эса, бу термин ҳам бутунлай мувофиқ термин бўла олмайди. Чунки, «тугалланмаган» сўзи «тамом бўлмаган», «охирига етмаган», «тугамай қолган» деган маънони билдиради.

Демак, «ўтган замон давом феъли» ва «тугалланмаган ўтган замон» терминларида давом ва тугалланмаган сўзлари ўтмишдаги бирор вақт momentiда давом этаётган, туғаман деган маънода қўлланиши билан бу икки термин ҳам маъқул ҳисобланади. Ҳақиқатда ҳам булардан «давом» сўзи «туғаман» деган маънони ва «тугалланмаган» сўзи «давом этаётган» деган маънони билдиради. Лекин бир ҳодиса учун бирдан ортиқ терминнинг бўлишига ҳеч қандай эҳтиёж йўқ ва бу нарса ижобий ҳолат ҳисобланмайди ҳам. Шунга кўра, -*ётган эди*, -*ётиб эди*, -*моқда эди* формаларига нисбатан кўпгина адабиётларда қўлланиб келаётган «тугалланмаган ўтган замон» терминининг ўзинигина қўллашни маъқул кўрдик. Рус тилида «длительный» сўзига нисбатан «незаконченный» сўзини қўллаш тўғрилиги ҳам ўзбек тилида «тугалланмаган» сўзини қўллаш маъқуллигини кўрсатади.

-Р ЭДИ (-МАС ЭДИ)

Бу форма ўзбек тилида жуда қадимдан мавжуд ва ҳозирги ўзбек тилида ҳам *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалувчи формалар ичида энг кўп қўлланивчи формалардандир.

Ҳозирги ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда бу форма «ўтган замон давом феъли», «туғалланмаган ўтган замон феъли», «неопределенный имперфект» каби номлар билан юритилади. Шу билан бирга бу ишларнинг деярли ҳаммасида *-р эди* формасининг тугалланмаган ўтган замон (ўтган замон давом) маъносидан ташқари яна бошқа маъноси борлиги ҳам кўрсатилади. Шу ҳодисанинг ўзиёқ *-р эди* формасига берилган ном унинг биргина хусусиятини акс эттиришини кўрсатади. Қуйидаги икки мисолни олиб кўрайлик: *Емғир бетиним ёғар, лекин унинг томчилари чанг зарраларидек кўзга илинмас эди* (П. Турсун, «Ўқитувчи»). *Мени таклиф қилсалар, жон деб борардим-а!* (З. Фатхуллин, «Олтин куз»)

Тугалланмаганлик, давом маъноси фақат биринчи гапдагина бор. Иккинчи гапда бугунлай бошқа маъно ифодаланган. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки *-ган эди*, *-ётган эди* формаларининг маъноси компонентларининг маъносидан келиб чиққани каби, *-р эди* формасининг маъноси ҳам *-р ва эди* формаларининг маъноси йиғиндисидан келиб чиқади.

Феълнинг *-р* аффикси билан ясалган формаси ҳозирги ўзбек адабий тилида, асосан, гумон маъносида қўлланади. Лекин тарихан аниқлик майлининг ҳозирги-келаси замон формасини ҳосил қилган, яъни ҳозирги ўзбек тилидаги *ишлайди*, *келади* типигаги феъл формаси ифодаладиган маъно тарихан *ишлар*, *келар* формаси орқали ифодаланган. *-р* форманти ҳозирги ўзбек тилидаги *-р эди* формаси таркибида худди шу маънодаги формант сифатида (ҳозирги-келаси замон формаси сифатида) қатнашади. Чунки *-р эди* формасининг шаклланиши, юқорида кўриб ўтганимиздек, тарихан жуда узоқ даврларга боради.

Демак, *-ган эди*, *-иб эди* формасида *-ган* ва *-б* формантлари ўтган замон феълнинг «вакили» сифатида, *-ётган эди*, *-ётиб эди*, *-моқда эди* формасидаги *-ётган*, *-ётиб*, *-моқда* аниқ ҳозирги замон феълнинг «вакил»лари сифатида қатнашганидек, *-р эди* формаси таркибидаги *-р* аффикси ҳозирги-келаси замон феълнинг «вакили» сифатида қатнашади. Бунинг далили сифатида қуйидаги фактни келтиришнинг ўзи kifоя.

Кўриб ўтдикки, катта-катта жумлаларда жумла бошида ёки охирида *эди* тўлиқсиз феълни қўллаш билан баён қилинаётган нарса-ҳодисанинг ҳаммасининг ўтмишга оидлиги ифодаланаверади. Бундай жумлалар таркибида *ишлайди*, *ёзади* типигаги ҳозирги-келаси замон формалари қатнашуви мумкин. Агар бу формалардаги ҳаракатларнинг ҳар бири ўтмишга оид ҳаракат сифатида ифодаланадиган бўлса, у ҳолда *-р эди* формасида қўлланади:

Бу қурум босган кўримсиз уй худди шу қумғон ва чойчақларнинг эгаси, оташкурак ушлаган кишининг номи билан машҳур эди: Ҳайдарбойнинг меҳмонхонаси ёки жўнроғи Ҳайдарбойнинг чойхонаси дейилса бас... теварак-атрофдаги қишлоқларда ҳам билишади. Чунки Ҳайдарнинг кўримсиз чойнақларидаги қуоқ ва суюқ чойлари бу ердаги жуда кўп одамларнинг ҳам, ўтган-кетган йўловчиларнинг ҳам чанқовини босиб туради. Тоғдан Жумабозорга қатнайдиган қирғиз ва тожиклар қишининг қор-ёмғирли кунларида ҳам, ёзнинг жазирамасида ҳам Ҳайдарбойнинг чойхонаси олдидан от ва эшакдан тушмай ўтолмайдилар. Ишқилиб бу ерга ҳар тоифа одамлар жела беради... Қишининг узун тунлари бу ерда улфатлар гап ейишади, йигитларнинг чилдирма бозмлари, қий-чувлари катта йўлдан ўтиб кетаётганларга эшитилиб туради. Гоҳо бу ерда йиғилишлар ҳам, мажлислар ҳам бўлиб туради. Қамишканада жамоатни тезроқ тўплаш учун бирдан бир қулай жой шу ер эди (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

Бу парчадаги ҳозирги-келаси замон формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги ҳар бир феълнинг ўзида махсус таъкидланадиган бўлса, у ҳолда билишади, чанқовини босиб туради, ўта олмайдилар, гап ейишади, эшитилиб туради, феълларининг ҳаммаси *-р эди* (*-мас эди*) формасида қўлланиши керак бўлади. Бунда ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги эди тўлиқсиз феъли орқали, ҳозирги-келаси замон формасига хос маъно *-р* формаси орқали ифодаланади.

Ҳозирги-келаси замон феъли, ўз номидан англашилиб турганидек, ҳозирги ёки келаси замон маъноларини ифодалаёт оладиган формадир. Шу сабабли *-р эди* формасининг тугалланмаган ўтган замон ёки бошқа маънони ифодаловчи форма сифатида қўлланганлиги ҳам *-р эди* таркибида *-р* нини қандай маъно билан қатнашганлигидан келиб чиқади. Агаф *-р* аффикси *-р эди* таркибида ҳозирги замон маъносини ифодаловчи форма сифатида қатнашса, *-р эди* формаси тугалланмаган ўтган замон маъносини ифодалайди. Келаси замон формаси сифатида қатнашса *-р эди* бошқа маънодаги форма ҳисобланади. Шу сабабли *-р эди* формасини, аввало, тугалланмаган ўтган замон формаси сифатида олиб текширамиз сўнгра бошқа ҳусусиятига ўтамиз<sup>57</sup>.

I Аниқ ҳозирги замон феъл формаларининг келиб чиқиши тарихан анча кейинги даврларга оиддир. Ҳозирги ўзбек

<sup>57</sup> Шартли равишда тугалланмаган ўтган замон ифодаловчи *-р эди* формасини I рақами, бошқа маънода қўлланган *-р эди* формасини I рақами билан фарқлаб кўрсатамиз.



тилида *-ян, -моқда* каби формалар орқали ифодаланадиган маънолар тарихан *-р* аффикси билан ясалувчи ҳозирги-келаси замон формаси орқали ифодаланган:

*Маҳвашим жавлон қилур якрони гардун устида  
Е қуёш чобук сувори жилва гардун устида*  
(Мунис Хоразмий).

*Уриб, тўра олдида мункир келиб  
Деди: Туҳмат айлар олурға ниқор*  
(Муқимий).

Худди шунингдек, ҳозирги ўзбек тилида *-ётган эди, -моқда эди* каби формалар орқали ифодаланадиган маънолар тарихан *-р эди* формаси орқали ифодаланган.

Ҳозирги-келаси замон формаси ҳозирги замон маъносида қўлланганда, ҳаракатнинг бевосита нутқ моментидида бўлаётганлиги ёки ҳаракатнинг одатдаги, типик ҳаракат экани ифодаланиши мумкин. Лекин ҳозирги-келаси замон феълнинг ўзига хос хусусияти одатдаги, типик ҳаракатни ифодалашдир. Шу хусусияти билан у аниқ ҳозирги замон феълдан фарқланади. Ҳозирги-келаси замон формасининг нутқ моментидида бўлаётган ҳаракатни ифодалашни контекст ёки бошқа сўзлар воситасида реаллашади. Контекстдан ташқарида эса доимий характердаги (типик) ҳаракатни билдиради. Қиёсланг: *ишлайди — ишляпти. -р эди* формасининг аниқ бир моментдаги ҳаракатни ёки одатдаги (типик) ҳаракатни ифодалашни ҳам, асосан, контекстда реаллашади:

*Махсум бундай пайтда сўкмасурмас, лекин сўз билан жонини олар эди* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Мана энди Комил катта йўлда Инобатнинг саман йўргасини елдириб бораркан, Барнонинг қарашни юрагини бир ғамгин ҳисларга тўлдирар, бир хаёлида аламли йўлар қўзғарди* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса...»).

Ўзбек тили грамматикасига оид ишларда ўтган замон феъли сифатида *-р эди* формасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар бир хил эмас. Бу форма айрим ишларда *-ётган эди, -моқда эди* формаси билан бир гурӯппага киритилса, айримларида ўзи алоҳида тур сифатида берилади. Лекин асосий хусусиятларига кўра *-р эди, -ётган эди, -моқда эди* формаларини бир гурӯппага киритиш тўғри бўлади. Чунки буларнинг ҳаммаси ҳам маълум бир вақтда бажарилиш процессида бўлган, бажарилишда давом этаётган (бажарилиши тугамаган) ҳаракатни билдиради. Шунга кўра, буларнинг ҳаммасини бир турга «туғалланмаган ўтган замон» турига киритиш керак.

-р эди формасидаги ўтган замон феълнинг маъно хусусияти ҳақидаги таърифлар ҳам бир хил эмас. Уларнинг айримлари эса бевосита -р эди формасининг ўзига хос хусусият эмас. Масалан, Ж. Жўраева бу форманинг маъно хусусияти ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Феълнинг бу тури ўтмишдаги маълум бир пайт ичида вақти-вақти билан такрорланиб турадиган ҳаракатни билдиради: *Йўлга ҳозирланган оғир ва буюк пароходлар гоҳ товуш берар, гоҳ дам чиқарар, гоҳ чуқур нафас олгандек бўлар* эдилар (Ҳикоядан)<sup>58</sup>.

-р эди формасининг ҳаракатнинг такрорийлигини ифодалаши бошқа ишларда ҳам айтилган. Лекин -р эди формасининг ўзи «такрор» деган маънога эга эмас. Бу ҳақда А. А. Юлдашевнинг фикрига қўшилаемиз<sup>59</sup>. Чунки -р эди формаси «такрор» деган маънога эга бўлса, ҳар қандай феъл -р эди формасида қўлланганда шу маъно ифодаланиши керак эди. Ҳақиқатда эса бундай эмас. Такрор маъноси -р эди формасига хос хусусият ва контекстнинг таъсири, контекстдаги бошқа бирор воситанинг ёки феъл билдирган ҳаракатнинг хусусияти таъсиридан келиб чиқади. Ж. Жўраева келтирган мисолда ҳам ҳаракатнинг вақти-вақти билан такрорланиб туриши маъноси «гоҳ» сўзининг такрори орқали ифодаланипти.

-р эди формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг такрорий ёки такрорий эмаслиги маъносининг келиб чиқишида ҳаракатнинг хусусияти ҳам роль ўйнашини қуйидаги феълда очиқ кўриш мумкин. Масалан, бирор шахснинг кўчада бажарётган «келиш» ҳаракати -р эди формаси орқали ифодаланса, такрорийлик англашилмайди: *У кўчада бизга томон келар* эди. Агар бирор дўстиникига меҳмон бўлиб ёки бошқа йўл билан келиш (таъриф буюриш) маъносидаги ҳаракат -р эди формасида ифодаланса, бу ҳаракат, ўз-ўзидан, такрорий бўлади. *Илгарилари бизни кига (меҳмон бўлиб)* келар эдинг. Чунки бу маънодаги келиш ҳаракати ҳар сафар бир марта бўлади. -р эди формаси эса шу ҳаракатнинг давом этаётганлигини (тугалланмаганлигини) билдиради. Бир мартаги ҳаракат давом этган (бажарилиши тугамаган) экан, ўз-ўзидан, такрорланган ҳаракат бўлади. Демак, такрорийлик маъноси -р эди формасига хос хусусият билан феъл билдирган ҳаракатнинг хусусиятидан келиб чиқяпти! Бундай ҳолларда ҳам -р эди формасининг ўзига хос бўлган маъно ту-

<sup>58</sup> Қаранг: «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (коллектив), I, Тошкент, 1966, 291-бет.

<sup>59</sup> Уша асар, 139-бет.

галланмаганлик, давом маъносидир. Бу ҳаракат одатдаги (типик характердаги) ҳаракат ёки ўтмишдаги маълум бир вақтда бажарилаётган ҳаракат бўлиши мумкин.

-р эди формаси одатдаги, типик характердаги ҳаракат ёки доимий характердаги ҳаракатни билдирган ҳолларда унинг ўрнида *-ётган эди* формасини қўллаб бўлмайди.

*Жўра оти ҳақида гап сотишни яхши кўрар эди, дарров тили қичиди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). — *Кичкиналигимда, дадамлар билан отга мингашиб, қовун сайлига чиқардик. Ушанда ҳам шунақа қамиш капалар бўларди, одамлар кечалари гулхан ёқишиб суҳбат қилишарди. Мен бўлсам эски жангномаларни эслардим* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса...»). *Улар бир партада ўтиришар, бирга дарс тайёрлашар, мактабни тамомлагандан кейин қаерга ўқишга бориш ҳақида маслаҳатлашар, хаёл суришарди* (С. Зуннуова, «Олов»). *Кундуз кунлари қишлоқ бир оз тинч бўлса ҳам кечалари аллақайёқдан йиғи-сиғи овози келиб, тонга қадар қўрқиб ухломмай чиқар эдим* (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»).

Демак, одатдаги, типик характердаги ҳаракатни ифодалаш тугалланмаган ўтган замон формалари ичида *-р эди* формасининг ўзига хос хусусияти ҳисобланади ва *-р эди* формасининг таҳлилида, аввало, унинг ана шу хусусияти ҳақида гапириш керак бўлади.

*-р эди* формасининг одатдаги (типик), доимий ҳаракатни ифодалаш шу форманинг ўзига хос бўлганидан, бу маънода унинг тугалланмаган ўтган замон феълларидан фарқли хусусиятлари ҳақида гапириб ўтиришга тўғри келмайди. Масаланинг муҳим ва қийин томони *-р эди* формасининг ўтмишдаги бирор вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодаловчи форма сифатида унинг шу маънони ифодаловчи *-ётган эди, -моқда эди, -ётиб эди* формаларидан фарқли хусусиятини белгилашдан иборатдир.

Тугалланмаган ўтган замон феълининг *-ётган эди, -ётиб эди, -моқда эди* формаларида аниқ ҳозирги замон феълига хос бўлган хусусият сақланади. Бу формалар ифодалаган ҳаракатлар конкрет бир вақтда юз бераётган бўлади. Бу конкретлик *ишлаётган* формасидаги сифатдошда ҳам сақланади. Демак, конкретлик жиҳатидан *ишляпти, ишлаётган, ишлаётган эди* формалари бир-биридан фарқланмайди. Шунга кўра, А. Н. Кононовнинг *-ётган эди* формасида ҳозирги замон феълига хос маъно сақланади, фарқ шундаки, бунда ҳаракат ўтмиш доирасига ўтказилган бўлади деган фикри шу форманинг хусусиятларидан бирига жуда мос келади. Лекин ҳозирги-келаси замон феъли, ҳозирги-келаси замон сифатдоши ва

ҳозирги-келаси замон феълининг «вакил» форманти қатнашган *-р эди* формасида *ишляпти, ишлаётган, ишлаётган эди* формаларидаги каби бир хил муносабатни кўрмаймиз.

Аввало, ҳозирги-келаси замон феъли нутқ momentiда бўлаётган ҳаракатни ифодалаш учун (аниқ ҳозирги замон маъносида) қўллана олади, Лекин ҳозирги-келаси замон сифатдоши ҳеч вақт аниқ ҳозирги замон маъносида қўллана олмайди, яъни *кулади* формаси *куляпти* формасининг маъносида қўлланиши мумкин, лекин *куладиган* формаси ҳеч вақт *кулаётган* формаси маъносида қўлланмайди. Шу сабабли ўтмишда бир вақтда юз бераётган ҳаракатларнинг бири сифатдош формасида, иккинчиси *-р эди* формасида ифодаланадиган бўлса, сифатдош формаси *-ётган* формасида бўлади, лекин ҳеч вақт *-диган* формасида қўлланмайди. (Бу ҳақда кейинроқ гапирамиз).

Ҳозирги-келаси замон феъли нутқ momentiда бўлаётган ҳаракатни ифодалаш учун (аниқ ҳозирги замон маъносида) қўллана олса-да, лекин унинг бу маънода қўлланиш имконияти билан *-р эди* формасининг *-ётган эди* (*-моқда эди*) формасига хос маънода қўлланиш имконияти бир хил эмас.

Ҳозирги-келаси замон феъли нутқ momentига оид ҳаракатни ифодалаган ҳолларда ҳам ўзига хос маълум бир нозик томони билан аниқ ҳозирги замон феълидан фарқланади:

*Меҳмонлар шийпонда шоҳи-атлас, адрас кўрпаларда, бошларини оппоқ ва юмшоқ ёстиқларга қўйиб ухлайдилар, баъзиси пишиллайди, яна бирови хириллайди, кими секингина бурни билан хуштак чалади, баъзилари хуррак тортади* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Бу мисолда ҳозирги-келаси замон феъл формаси орқали бевосита кузатиб турилган ҳаракат ифодалаяпти. Шунга кўра, уларни *ухляптилар, пишилляпти, хирилляпти, хуррак тортяпти* тарзида ифодалаш мумкин. Бу билан ҳаракатнинг нутқ momentига муносабатида ўзгариш бўлмайди. Лекин ёзувчи ҳозирги-келаси замон формасини қўллаш билан бу ҳаракатларнинг нутқ momentida бўлаётганини таъкидламоқчи эмас, балки ҳар бир бажарувчига хос ҳаракат тарзида ифодаламоқчи. *-р эди* формаси ўтмишдаги маълум бир momentда юз бераётган ҳаракатни ифодалаган ҳолларда ҳам ҳозирги-келаси замон формасига хос бўлган ана шу хусусият сақланади ва шу хусусияти билан *-ётган эди, -моқда эди* каби формалардан фарқланиши мумкин:

*Девор тагида катта сизир бошвоғини ерга ёйиб бемалол кавш қайтариб ётарди. Унинг қўнғир туклари ойдинда олтинланиб ялтирарди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Уша кун иса унинг ҳазилига нақадар дағал жавоб бераётганим-*

ни ҳатто сезмас ҳам эдим (О. Еқубов, «Муқаддас»).  
Тогда янраган ўқ овози волидининг алласини шамдек сўндирди. Тонгда эса унинг ўрнига титроқ аза йиғиси ҳавони тутди. Бешиқдаги гўдак жилмаярди (А. Мухтор, «Давр менинг тақдиримда»).

-р эди формаси билан *-ётган эди, -ётиб эди, -моқда эди* формаси ўртасидаги бу фарқ ҳозирги-келаси замон феъли билан аниқ ҳозирги замон феъли ўртасидаги фарқли хусусиятнинг ўзидир. Агар *-р эди* формаси *-ётган эди* формаси билан алмаштирилса, маънодаги ана шу нозик фарқ ўзгаради.

Шундай ҳоллар бўладики, феъл орқали ифодаланган ҳаракат маълум конкрет вақтда бажарилиши жиҳатидан бири-биридан фарқланмаслиги мумкин. Лекин ёзувчи бу ҳаракатларни қандай тарзда ифодалашига қараб *-ётган эди* ёки *-р эди* формасида қўллаши мумкин. Агар мақсад ҳаракатнинг бажарилиш моментини таъкидлаш (конкретлаштириш) бўлса, *-ётган эди* формасини қўллайди. Асосий эътибор умуман ҳаракатнинг бажарилиш ҳолатига қаратилган бўлса, *-р эди* формаси қўлланади. Бунда ҳаракатнинг бажарилиш моменти таъкидланмайди (конкретлаштирилмайди). Қўйидаги парчада *-ётган эди* формасидаги ҳаракат ҳам, *-р эди* формасидаги ҳаракат ҳам аниқ бир вақтда бажарилаётган ҳаракатлар. Лекин оқориди айтилган хусусиятларига кўра, уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин эмас:

*Қундузхон югуриб чиқди. Хотин қўлидаги буюмларни столга қўяётган эди.*

— *Дадангиз кетиб қолдиларми?*

— *Ҳозир кетдилар, Лола тузукми аяжон? Хотин турган ерида донг қотиб қолди. Қундуз уни аяжон деб атади. У бахтдан энтика-энтика Қундузнинг бошини силар, эркаларди (Саид Аҳмад, «Меҳрибон»).*

Агар контекстда, жумла таркибида ҳаракатнинг конкрет бир моментга оидлигини таъкидловчи (билдирувчи) восита бўлса, *-р эди* формаси эмас, *-ётган эди* формаси қўлланади. Масалан, пайт эргаш гапнинг кесими шарт майли формасида бўлган ҳолларда бош гапнинг кесими *-р эди* формасида кела олмайди.

Бу кўрсатиб ўтилган фарқли хусусият *-р эди* формаси билан *-ётган эди* формаси маъносидagi нозик фарқли хусусиятларди. *-р эди* формаси ҳозирги ўзбек тилида яна ўзига хос бошқа хусусиятлари билан ҳам *-ётган эди, -ётиб эди, -моқда эди* формаларидан фарқланади.

Ҳозирги ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феъл формаси бевосита нутқ моментидa бўлиб турган ҳаракатни билдириш учун (аниқ ҳозирги замон формаси маъносида) кам қўл-

ланади. Бу маънода асосан *-яп, -ётиб, -моқда* формалари қўлланади. Лекин ўтмишдаги маълум бир конкрет вақтда (конкрет моментда) бажарилишда бўлган ҳаракатни ифодалаш учун *-р эди* формаси жуда кўп қўлланади (ҳаракатнинг бажарилиш momenti бошқа воситалар орқали реаллашади):

*Опа-сингил ҳовлини тўлдириб кулишар, тоза ҳавони зирқиратиб чинқиришар эди.*

*Тўла булар ёнидан тез ўтиб кетмоқчи бўлган эди, опа-сингил чинқиришиб қор ота бошлашди* (М. Исмоилов, «Бизнинг роман»). *Сидиқжон бу чоғ қиз боланинг тақдири тўғрисида ўйлар эди, чолнинг гапини эшитмади* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). *Ширмонхон кўчага чиққанида Болтабой ота шу эшикка, қоғозга ўроғлиқ гўшт кўтариб келарди* (С. Зуннунова, «Олов»). *Ғуломжон анчагача ўйланиб борди, уни ҳамон Қудратнинг бояги сўзи қизиқтирар эди* (М. Исмоилов, «Фарғона тонг отгунча»).

Агар бу мисолдаги *-р эди* формаси билдирган ҳаракатларни сўзловчи ўзи кузатиб турган ҳаракат сифатида нутқ моментига нисбатан ифодалайдиган бўлса, ҳозирги-келаси замон формасини эмас, балки аниқ ҳозирги замон формасини, яъни *кулишади, чинқиришади, ўйлайди, келади, қизиқтиради* формасини эмас, балки *кулишяпти, чинқиришяпти, ўйлаяпти, келяпти, қизиқтиряпти* формасини қўллайди.

Демак, *-р эди* формаси таркибида *-р* форманти аниқ ҳозирги замон формаси (*-яп, -моқда*) вазифасида ҳам кенг қўлланади. Шу сабабли айни бир вақтда юз бераётган ҳаракатларни билдирувчи феълларнинг бири *-моқда эди, бошқаси -р эди* формасида қўлланиши мумкин:

*Ўйдан, ёпиқ дарча орқасидан Ҳаёт товуши келмоқда эди. Гўё биров билан сўзлашаётгандек, овози наст эшитиларди* (М. Исмоилов, «Фарғона тонг отгунча»). *Тонг отди. Кеча бошланган ёмғир ҳам тиниб, илк баҳорнинг майин шабадаси аста эсмоқда эди. Ҳаво очиқ, ёмғир билан ювилган дарахт барглари қуёш нурида феруза каби товланар эди.* (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»).

*-р эди* формасининг ўтмишда конкрет бирор вақтда (моментда) юз бераётган ҳаракатни ифодалаш учун кўп қўлланиш сабабига тўхташдан олдин қуйидаги ҳодисага тўхтаб ўтайлик.

*-р эди* формаси билдирган ҳаракатни ҳозирги замонга оид ҳаракат сифатида ифодалашда уни ҳозирги-келаси замон формаси ёки аниқ ҳозирги замон формасида қўллаш мумкин. Бу нарса воқеа-ҳодиса қандай тарзда ифодаланишига боғлиқ.

Агар ўтмишга оид бўлган ҳаракат бевосита кузатиб туриб айтилаётган ҳаракат тарзида ифодаланмай, умуман маъ-

лум бир вақтда давом этаётган ҳаракат сифатида баён қилинадиган бўлса, ҳозирги-келаси замон формаси қўлланади:

Улардан бири *Мирзачўл ёзининг иссиқлиги, қишининг қаттиқлиги, ишининг оғирлигидан шикоят қилса, иккинчиси мардикор бозорда сарғайиб юргандан қишлоқда истиқомат қилиш, пахта экиш афзал эканини уқтирарди* (Х. Ғулом, «Сенга интиламан»). — *Сиз ўтираверинг, ўтиринг!* — деди жувон. Унинг гапи *Сидиқжоннинг қулоғига кирмас эди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). *Меҳмон қалтирай бошлади, унинг тишлари тарақлар эди* (А. Мухтор, «Қорақалпоқ киссаси»).

Ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги умумий ҳолатдан ангишилиб турганидан, бу мисоллардаги *-р эди* формасини *-ади, -йди* формасида қўллаш ҳам мумкин. Агар сўзловчи (ёзувчи) бу ҳаракатларни бевосита кузатиб туриб гапираётган бўлса (шу маънода ифодаланса), ҳозирги-келаси замон формаси эмас, аниқ ҳозирги замон формаси қўлланади: *уқтиряпти, қулоғига кирмаяпти, тарақляпти*.

Айрим феъллар ҳозирги-келаси замон формасида қўлланганда, шу феъл билдирган ҳаракатнинг одатдаги, доимий ҳаракат эканлиги ифодаланади. Бундай феъллар билдирган ҳаракат ўтмишга эмас, ҳозирга оид ҳаракат сифатида ифодаланадиган бўлса, ҳозирги-келаси замон формаси эмас, балки аниқ ҳозирги замон формаси қўлланади:

*Эрталаб айвонда Хулкар Авазга нон, майиз, қоша, товоқ тугар ва бу ишларни хушу хурсанд қилар эди. Аваз кечаги милтиқни икки бўлак қилиб ғилофга жойлар эди* (П. Қодиров, «Қора кўзлар»). *Қуёш кундан-кун бир меъёрда исиб борарди. Унинг ёқимли ҳарорати нам ерлар бағрида яшириниб ётган турли-туман майсалар, чечаклар томирига ҳаёт бағишларди... сой қирғоқлари баҳорнинг эркатойи бўлган чечаклар ва кўм-кўк ўтлар билан ясанарди. Кунлар исиган сари кўкатлар ҳам қуюқлашар, ўсиб, улгайиб, чиройига чирой қўшарди*. (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). *Шийпон айвонида кимдир кўринди. У минерал ўғитларнинг қолган-қутганларини йиғиштирарди* (Ш. Тошматов).

Бу гаплардаги ҳаракат ҳозирга оид ҳаракат сифатида ифодаланадиган бўлса, фақат аниқ ҳозирги замон формасида қўлланиши мумкин: *қилляпти, исиб боряпти...* Лекин *қилади, исиб боради...* формасида қўлланмайди.

Ўтмишдаги бирор вақтда бажарилаётган ҳаракатни ҳозирга оид ҳаракат сифатида ифодалашда феълнинг лексик хусусияти ҳам роль ўйнашини қуйидаги мисолларда очиқ кўриш мумкин:

*Ёш-яланг* елиб-югурар, *хайқирар*, болалар у ёқдан бу ёққа, чопар, шовқин солар ва лунжларини шишириб қамиш сурнай чалишар; бир тўп қариялар май доннинг кираверишида... автомобиль кутишар эди (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). *Иссиқ тобора* ортар, «*гир*» этган шамол йўқ, от-арава кўтарган чанг ҳавода узоқ вақт қимирламай туриб қолар, юзларга қизгин темир учқунни каби ёпишар, нафасни бўғар эди (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Биринчи гаптаги ҳаракатлар ҳозирга оид ҳаракат сифатида ифодаланадиган бўлса, *елиб-югуради*, *хайқиради* формасида қўллаш мумкин. Лекин *кутишар* эди формасини *кутишяпти* формасида қўллаш керак бўлади. Иккинчи мисолдаги ҳаракатлар ҳозирга оид ҳаракат сифатида қўлланадиган бўлса, *туриб қолар* эди, *ёпишар* эди, *бўғар* эди формалари *туриб қолади*, *ёпишади*, *бўғади* формасида қўлланиши мумкин. Лекин биринчи феълни (*ортар* эди) *ортяпти* ёки *ортмоқда* формасида қўллаш керак бўлади.

Келтирилган фактлар кўрсатадики, ҳозирги-келаси замон феълнинг ҳозирги вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш учун (яъни *-моқда*, *-яп* аффикслари билан ясаладиган феъл формаси маъносидан) қўлланиш имконияти анча чегарали. Ўтмишдаги бирор вақт моментида бўлаётган ҳаракатларни ифодалаш учун қўлланиш имконияти эса анча кенгдир, яъни *-р* эди формасидаги *-р* нинг ўтмишдаги бирор моментда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш учун *-ёт*, *-моқди* форманти вазифасида қўлланиш имконияти анча кенг. Буларни тасдиқловчи факт сифатида қуйидаги ҳодиса жуда характерли.

Маълумки, сифатдош формалари ҳам ҳаракат билдириши жиҳатдан шахсли феъллардан фарқланмайди. Ўтмишдаги бирор вақт доирасида бажарилаётган ҳаракатларнинг бири шахсли феъл формасида, бошқаси сифатдош формасида ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳаракатларнинг бажарилиш вақти бир хил бўлгани ҳолда бир ҳаракат аниқ ҳозирги замон сифатдош формаси орқали, бошқа ҳаракат *-р* эди формаси орқали ифодаланиши мумкин:

*Қурбон ота ёш боладай қувончдан энтикиб гапираётган Сидиқжоннинг сўзларига зўр мамнуният билан қулоқ солар* эди. (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари») *У (Гулсум) кенг доирани гир айланиб ўзига тикилган кўзларнинг ҳурматиға мафтун бўлиб, завқ ва шавқ билан чалинаётган чилдирма ва чапаклар садосига берилиб ўйнар* эди (П. Турсун). *Ҳаммадан кўра кўпроқ ва баланд*



роқ қўшиқ айтаётган *Қўзбойнинг овози эшитилса* ҳам, *ўзи кўринмасди* (Х. Назир, «Сунмас чақмоқлар»).

Айни бир вақтда юз бераётган ҳаракатни ифодалашда сифатдошнинг *-ётган*, шахсли феълнинг *-р эди* формасида қўлланишининг ўзиёқ, биринчидан, *-р эди* формасидати *-р, -ётган* даги *-ёт* га тенг маънода қўлланишини, кўрсатса, иккинчидан, *-р эди* формасининг ўтмишдаги маълум конкрет вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш имконияти кенглигини яна бир тасдиқлайди.

Ҳозирги-келаси замон формаси қўлланганда, одатдаги, доимий ҳаракат маъносини ифодалайдиган кўпгина феъллар *-р эди* формасида қўлланганда, ҳаракатнинг бажарилиш вақти маълум даражада чегараланган бўлади. Демак, бунда *эди* тўлиқсиз феъли ҳаракатнинг бажарилиш вақтига маълум аниқлик (конкретлик) киритади. Ана шу нарса ўтмишдаги бирор моментда бўлаётган ҳаракатни ифодалашда *-ётган эди, -моқда эди* формаси билан *-р эди* формасининг ҳам қўлланаверишига имкон беради.

Ҳозирги ўзбек тилида тўрт ҳолат феълининг аниқ ҳозирги замон формаси *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ясалишини кўрдик. Бу феълларнинг кўмакчи феъл вази-фасида ҳаракатнинг ўтмишдаги бирор конкрет моментда бўлаётганини ифодалашда *-б ёки -ган* формасида бўлиши ҳам айтилди. *Ёт, тур, ўтир, юр* феъллари билдирган ҳолатнинг ўтмишдаги бирор конкрет вақт моментида мавжудлигини ифодалашда *-р эди* формаси ҳам кенг қўлланаверади:

*Ўтовни қуришаган қамиш қўра тагида бир одам ётарди* (А. Мухтор, «Қорақалпоқ қиссаси»). *Комил бурилиб қаради: ёнгинасида протезли оёғини ғижирлатиб, ҳарбий комиссар Абубакиров турарди! Чуқур ботган қисик кўзларида, яноқлари туртиб чиққан кенг юзида, юпқа лабларида майин табассум* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»). *Ҳозир эса менинг Гулнорим ёнимда ўтирарди* (О. Ёқубов, «Муқаддас»).

Агар келтирилган мисолдаги феъл билдирган ҳолатлар ҳозирга оид ҳолат сифатида ифодаланадиган бўлса, *ёт, тур, ўтир* феълларини ҳозирги-келаси замон (*ётади, туради, ўтиради*) формасида эмас, балки аниқ ҳозирги замон формасида (*ётибди, турибди...*) қўллаш керак бўлади. *Ётмоқ* феълнинг қуйидаги икки формасини қиёсланг:

*Бир полкада боласини қучоқлаб бир рус аёли ётибди. Унинг қаршисидаги полкада эса бошига пальтосини ёстиқ қилиб бир чол ётибди. Полкаларнинг бири бўш, бирида тугунчасини бошига қўйган шойи кўйлакли, кул ранг шимли йиғит ётарди* (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

Бу мисолдаги *ётар эди (ётарди)* формасини *ётиб эди ёки ётган эди* формаси билан алмаштириб бўлмайди. Алмаштирилса, муносабат ифодаланиб қолади ва шу ҳаракатга алоқадор нимадир борлиги англашилади.

Бу факт ҳам ҳозирги-келаси замон формасининг ҳозирда конкрет моментда бўлиб турган ҳаракатни ифодалаш имкониятига нисбатан ўтмишдаги бирор конкрет вақт доирасида бўлаётган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланиш имконияти кенглигини кўрсатади.

*-р эди* формасининг ўтмишдаги маълум вақтда давом этаётган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланиш имкониятининг кенглиги маълум даражада *эди* тўлиқсиз феълининг таъсирида бўлишини кўрдик. Бундан ташқари, *-р эди* формасининг бу маънода кўп қўлланиши учун яна бошқа сабаб ва асослар ҳам бор.

*-ётган эди* формасида ҳаракатнинг бажарилиш momenti конкрет бўлади. Демак, бунда ҳаракатнинг бажарилиш вақти (momenti) таъкидланади. Бадий ифодада ҳаракатнинг бажарилиш вақтини таъкидлаш эмас, балки ҳаракат-ҳодисаларнинг ўзининг баёни асосий ўринда бўлади. *-р эди* формасида ҳам ҳаракатнинг бажарилиш вақти конкретлаштирилмайди, балки ҳаракатнинг бажарилиши асосий эътиборда бўлади. Шунга кўра, бадий ифодада маълум бир вақтда бажарилаётган ҳаракатни кўрсатиш учун *-ётган эди* формасига нисбатан *-р эди* формаси мос келади. (Бу форманинг бадий услубга хослиги ҳақида кейинроқ гапирамиз.) Ҳаракатнинг маълум конкрет вақтда бажарилаётганлиги умумий ҳолатдан сезилиб тураверади:

*Унинг кетидан бошқалар ҳам от қўйишди. Булар кенг, равон йўлдан қуюндай боришар, узоқда «Қўшчинор» чироғлари порлар эди (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). Мана, йўлдан салгина нарида бўрон жарчиси пайдо бўлди. Осмон билан туташиб кетган қуюн ер бағрини қиртишлаб, хас-хашак борми, чанг-тўзон борми — ҳаммасини учуриб кўкка интиларди. Қўриққа туташган саҳронинг қумлари бўрон кучайган сари ғўза эгатларига сувдай оқарди. Янгидан-янги қум оқимлари бунёд этиб, қудратли қуюн кўтариларди (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»).*

Бу мисоллардаги ҳаракатлар ҳозирги нутқ momenti нутқтан назаридан баён этиладиган бўлса, уларнинг ҳаммаси аниқ ҳозирги замон формасида қўлланиши керак.

Бадий асарда ўтмишдаги маълум конкрет вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш учун *-р эди* формасининг кўп қўлланиш сабабларидан бири сифатида бундай ҳаракатни

билдирувчи бир неча феъл учун битта эди тўлиқсиз феълни қўллаш имконини ҳам кўрсатиш мумкин:

*От олдинги оёқларини сувга ботириб анҳор четида ҳалқоп бўлиб қолган сувни шимирар, оғзини сувдан узмай яғринини талаётган чивинларни думи билан тўзитиб юборар, йигит эса тўқайдан кўтарилаётган бир гала ўрдакнинг ҳавода пириллаб учинини кузатарди* (Саид Аҳмад, «Муҳаббат»).

Бу мисолда автор *-р* эди формасининг хусусиятини, эди тўлиқсиз феълнинг бир неча феъл учун бир марта қўлланиш имконини ва услубнинг шундай қўллашни талаб этишини жуда тўғри тушунган. Жумладаги ҳаракатларнинг ифода формаси бошқача бўлиши мумкин эмас. Масалан, бу ҳаракатлар ҳозирги ҳаракат сифатида аниқ ҳозирги замон ёки ҳозирги-келаси замон формаси орқали ифодаланиши мумкин эмас. Шунингдек *-р* эди формаси ўрнида *-ётган эди*, *-моқда эди*, *-ётиб эди* формаларини қўллаш ҳам мумкин эмас. Ҳатто, эди тўлиқсиз феълни ҳар бир феъл билан қўллаш ҳам мумкин эмас. (Бундай қилинса, такрор натижасида услуб бузилади.)

Демак, бир неча феъл учун эди тўлиқсиз феълни бир марта қўллаш мумкинлиги ҳам ўтмишдаги бирор вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалашда *-р* эди формасининг кўп қўлланиш сабабларидан ва имконларидан бири сифатида қаралиши мумкин.

Тугалланмаган ўтган замон феъли *-ётган эди*, *-ётиб эди* формаларининг умуман ўтмишдаги бирор вақт доирасида давом этаётган ҳаракатни билдириш учун кам қўлланишини, бу форманинг асосан муносабат ифодаланиши ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилишини кўрдик. Бунинг сабаби аниқ ҳозирги замон феъл формасининг нутқ momentiда бўлаётган ҳаракатни ифодаланиши ҳам айтилди.

Аниқ ҳозирги замон феълида ҳаракатнинг бошланиши ҳозирги-келаси замон формасидагига нисбатан яқин ва аниқ бўлади. Қиёсланг: *Заводда ишлайди — заводда ишляпти; Бизнинг мактабда ўқийди — Бизнинг мактабда ўқияпти*. Шу хусусиятга кўра, *-ётган эди* формаси ўтмишдаги бирор вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаган ҳолларда ҳам ҳаракатнинг бажарилиш вақти аниқ бир момент билан конкретлаштирилади, яъни *-ётган эди* формасидаги ҳаракат конкрет бир моментда бажарилаётган ҳаракат бўлади:

*Низомжон ўша кунни аллақандай ланж кайфият билан уйга қайтди. Акаси супада этигини ечаётган эди* (Саид Аҳмад, «Уфқ»). *Низомжон уфққа қаради. Олисдан бир гала ўрдак учиб келаётган эди* (Саид Аҳмад, «Уфқ»).

Бундай ҳолларда *-ётган эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиш моменти бошқа бирор сўз ёки форма орқали реаллашади, ёки *-ётган эди* формаси бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади ва шу билан ўзининг бажарилиш вақти ҳам конкретлашади. Бунда *-ётган эди* формаси ҳамма вақт бирор сўз билан ўзаро муносабатда бўлади.

Ҳозирги-келаси замон формасида ҳаракат-ҳолат бевосита кузатилаётган ҳаракат сифатида ифодаланмаслиги сабабли *-р эди* формасида ҳам ўтмишдаги ҳаракат конкрет бир моментга нисбатан ифодаланмайди, яъни конкретлаштириш қатъий бўлмайди, назарда тутилган, айтилаётган вақтда бажарилаётган ҳолда эканлиги ифодаланади:

*Ҳамма диққат билан қулоқ солар эди. Лекин Шермат ота гоҳо панжаларини бириктириб қўяр эди* (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).

Ҳозирги-келаси замон формасида ҳаракатнинг бошланиши аниқ ҳозирги замон формасидан кўра нутқ моментига нисбатан анча илгарироқ бўлганлиги сабабли кесими *-р эди* формасидаги гап билан кесими *-ди* формасидаги гап ўртасидаги пауза ҳам нисбатан узоқ бўлади:

— *Ҳакимбойвачча кўк чакмонига ўралиб,.. орқага назар солмай келар эди. Маҳаллага қайрилишда гўё уни кутиб турган каби, элликбоши Олимжон учраб қолди* (Ойбек, «Қутлуг қон»).

Бу мисолдаги *-р эди* формаси *-ётган эди* формаси билан алмаштирилса, икки гап ўртасидаги пауза қисқаради, натижада муносабат борлиги сезилиб туради. Бажарилиш вақти бир хил ва айнан бир ҳаракатни билдирувчи феълнинг қуйидаги *-р эди* ва *-ётган эди* формаси қиёсланса, ҳар бир форманинг айтилган ўзига хос хусусияти яна равшан кўринади:

*Кейинги арава шотисига бир қўй боғланган бўлиб, бир йигит хипчин билан уни қайдаб борарди. Дарвоза олдида соқоли нахлоқ... бир чол таёқ ушлаб турибди...*

— *Бориб қарачи!*— деди Бувинисо. Элмурод бораётган эди, чол кўзларини олайтириб дарвозани ёпиб олди (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

*-ётган эди* формасининг ҳозирги ўзбек тилида асосан муносабат ифодаловчи формага айланганлиги ва, кўпинча, пайт эргаш гапни бош гапга боғловчи восита вазифасида қўлланиши ҳаракатнинг умуман ўтмишдаги бирор вақтда давом этаётганини, мавжуд эканини ифодалашда *-р эди* формасининг кўпроқ қўлланиши учун йўл очади. Бу жиҳатдан қуйидаги бир мисол жуда характерли:

*Қуёш аллақачон ботган, поёнсиз далалар ортидаги қорам-*

тир уфқ тубидагина нимтатир шафақдан оғизгина қизғим-тир асар кўринарди. Кундузги иссиқ сал пасайган, канал томондан эсаётган енгилгина шабада баданга хуш ёқарди (Ҳамид Ғулом, «Сенга интиламан»).

Бу мисолдаги *кўринарди*, *ёқарди* феъллари ифодалаган ҳаракат ҳозирга оид ҳаракат сифатида ифодаланадиган бўлса, маънода нозик ўзгариш бўлишидан қатъий назар, *кўринарди*, *ёқарди* феълларини *-ади* ёки *-япти (-моқда, -ётибди)* формасида қўллаш мумкин. Лекин ўтмишга оид ҳаракатни ифодалаган *-р эди* формасини *-ётган эди* формаси билан алмаштириб бўлмайди. Алмаштирилса, *-ётган эди* формаси муносабат кўрсатади ва бу ҳаракатлардан бошқа яна нимадир юз берганлиги ёки шу ҳаракатга алоқадор бўлган яна нимадир борлиги англашилади.

*Ёт, тур, юр, ўтир* ҳолат феълларининг аниқ ҳозирги замон формаси *эди* тўлиқсиз феъли билан қўлланганда ҳам деярли ҳамма вақт муносабат ифодаланади. Шу сабабли бу феъллар билдирган ҳолатнинг ўтмишдаги бирор вақтда бажарилаётган (мавжуд) ҳолда эканлиги маъноси *-р эди* формаси орқали ифодаланади:

*Сидиқжон кўкрагини сандалга бериб хат машқ қилар, Канизак унинг рўпарасида китоб ўқиб ўтирар эди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»)... *белларини тилла камарлар билан боғлаган дарбор аҳли саф тортиб турар эдилар* (С. Айний, «Дохунда»).

Бу фактлар *-ётган эди, -ётиб эди* каби формаларнинг, асосан, муносабат ифодаловчи форма сифатида қўлланишини, бу эса ҳаракатнинг ўтмишдаги бирор вақтда бажарилаётган ҳолда эканини ифодалаш учун *-р эди* формасининг қўлланишига йўл очишини кўрсатади.

Ҳозирги-келаси замон формасининг нутқ momentiда бўлаётган ҳаракатни ифодалаш учун (*-яп, -моқда* формаси вазифасида) қўлланиш имкониятининг жуда чекланганлиги, ўтмишдаги бирор вақт доирасида бўлаётган ҳаракатни ифодалашда *-р эди* формасининг қўлланиш имкониятининг кенглиги, бизнингча, ана шундай изоҳланади.

Ҳозирги-келаси замон феъли, ҳозирги-келаси замон сифатдошининг одатдаги (типик) ҳаракатни ва келгусида бўладиган ҳаракатни ифодалаш адабий тил учун ҳам, жонли сўзлашув тили учун ҳам умумий характерга эга. *-р эди* формасининг одатдаги (типик) ҳаракатни ифодалаш ҳам адабий тил ва жонли сўзлашув тили учун умумий характерга эга. Лекин унинг ўтмишдаги аниқ бир вақтда бўлаётган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланиши умумий характерга эга эмас.

Бу маънода қўлланиш, асосан, китобий тилга, аниқроғи, бадий нутққа хос. Оддий сўзлашувда *-р эди* формасини ўтмишдаги аниқ бир вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш учун қўллаш ҳодисаси учрамайди. *-р эди* формаси бу маънода, айниқса, бадий асарларда кўп қўлланади<sup>60</sup>.

*-р эди* формасининг бу маънода қўлланиши, асосан, бадий нутққа хослигини қуйидаги икки факт ҳам очиқ кўрсатади.

Биринчидан, кўрсатилган маънода, асосан, бадий асарларда учрайди. Газета ва журналларда ҳам шундай характердаги мақолаларда (ишларда) қўлланади.

Иккинчидан, *-р эди* формасининг бадий асарда бу маънода қўлланиши, асосан, автор нутқида учрайди. Асар қаҳрамонлари тилида учрамайди. (Чунки асар қаҳрамонлари, одатда, оддий тилда сўзлашади.) Масалан, П. Турсуннинг «Ўқитувчи» романида *-р эди* формаси шу маънода автор нутқида уч юзтадан ортиқ қўллангани ҳолда асар қаҳрамони нутқида бир марта ҳам учрамайди.

Шу хусусиятига кўра *-р эди* формасининг бу маънода қўлланиши бошқа жанрдаги асарларга нисбатан драма асарларида жуда ҳам кам учрайди ва учрагани ҳам автор нутқида бўлади. Масалан, А. Қаҳҳорнинг «Янги ер» («Шоҳи сўзана») ва «Оғриқ тишлар» пьесаларида *-р эди* бу маънода бир марта ҳам учрамади.

Фольклор асарлари ҳам бадий асар характерига эга. Лекин у оддий сузлашувга жуда яқин бўлганидан *-р эди* формасининг бу маънода қўлланиши фольклор асарларида ҳам жуда кам учрайди.

Бу ўринда қуйидаги бир фактни келтириш характерли. А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироғлари» романининг 1956 йилги қайта нашрида (аввалгиси 1952 йилда нашр этилган) йигирма учта *-р эди* формаси *-ди* формаси билан алмаштирилган. Бу нарса бекорга қилинмаган, албатта. Бизнингча, автор ўз асарини қайта нашрга тайёрлашда асар тилини оддий сўзлашувга яқин бўлишига адоҳида эътибор берган. Йигирма учта *-р эди* формасининг *-ди* формаси билан алмаштирилиши ана шу мақсаддаги ҳаракатнинг бир кўриниши бўлиши керак.

---

<sup>60</sup> Ўзбек тилида *-р эди* формаси орқали ифодаланадиган маънолар бошқирд тилида *-а ине (-а эди)* формаси орқали ифодаланади. Проф. Н. К. Дмитриевнинг кўрсатишича, *-а ине* формасининг ўтмишдаги аниқ бир вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланиши бошқирд тилида ҳам, асосан, бадий прозага хос. Қаранг: Н. К. Дмитриев, Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948, стр. 147.

-р эди формасининг бу маънода қўлланишининг бадий услубга хослиги яна шу нарсада ҳам очиқ кўринадики, ўтмишдаги бирор вақтда юз бераётган ҳаракатни ифодаловчи *-ётган эди* формасини *-ётган экан* формаси билан алмаштириш мумкин. Бунда ҳаракатнинг бажарилиш вақти ва характерида ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Фақат *экан* тўлиқсиз феълига хос маъно, «энди билганлик» маъноси қўшилади. Лекин ўтмишдаги бирор вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланган *-р эди* формасидаги *эди* тўлиқсиз феълини *экан* билан алмаштириб бўлмайди. Чунки *экан* формасига хос бўлган маъно ҳаракат-ҳодисани бадий тарзда ифодалашга мос келмайди:

*Оқсоқол йирилиб орқасига қаради. Ернинг чап томонида Чиннихон бош кўтармай, қўрқа-писа теши билан кесак юмшатар эди. Звено қизлари баравар унга қарашди* (Саид Аҳмад, «Оқсоқол опа»).

Бу мисолда *-р эди* формасидаги *-р* ни *-ётган* билан алмаштирилса, *эди* тўлиқсиз феълини *экан* билан алмаштириш мумкин бўлади: *юмшатаётган эди* — *юмшатаётган экан*. Бу билан ҳаракатнинг маълум бир вақтда бажарилаётганлиги маъноси йўқолмайди. Лекин *юмшатар эди* формаси ўрнида *юмшатар экан* формасини қўллаш мумкин эмас.

Келтирилган фактларнинг ҳаммаси бу маънода *-р эди* формасининг қўлланиши бадий услубга хослигини кўрсатади.

Бу маънода оддий сўзлашувда қўлланмаслиги ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида қўлланмаслиги билан *-р эди* формаси *-моқда эди* формасига яқин туради. Шу сабабли айнан бир вақтда юз бераётган ҳаракатни билдирувчи феъллардан бирининг *-моқда эди*, бошқасининг *-р эди* формасида қўлланиш ҳоллари учрайди. Лекин шундай ҳолларда ҳам *-р эди* формаси билан *-моқда эди* формаси бири-бирига бутунлай тенг ҳолда бўлмайди, балки буларда *-р* ва *-моқда* формаларига хос хусусият ҳамма вақт сақланади. *-моқда эди* формасида ҳаракатнинг бажарилиш вақтидаги конкретлик доим сақланади. *-р эди* формасида ҳаракатнинг бажарилиш моменти таъкидланмай, асосий эътибор ҳаракатнинг мавжудлигига, бажарилиш процессида эканига қаратилади. Қуйидаги жумладаги *-моқда эди* ва *-р эди* формасини қиёсланг:

*Элмурод куралган қорлар шопирилиб тушиб турган кўчанинг ўртасидан янги тушган издан кетмоқда эди. У қор курашга чаққон катта-кичик шогирдларининг бир-бирларига қичқириб айтган гаплари ва ҳазилларини эшитиб завқланарди* (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

*-р эди* формаси ҳақида гапирганда, унинг қуйидаги хусусиятини ҳам айтиб ўтишга тўғри келади.

Маълумки, ўтган замон феъллари билдирган ҳаракатлар ҳам давомли ҳаракат бўлиши мумкин. Унинг давомли эканлиги маълум воситалар ёрдамида ифодаланади ёки гапнинг умумий мазмунидан англашилиб туради. Ана шу ҳаракат давомида яна бошқа бир ҳаракат ҳам бажарилиши ва у давомли бўлиши мумкин. Ана шундай бир вақтда юз берган ва бўлиб ўтган ҳаракатларнинг бирини *-ди* формасида, иккинчисини *-р эди* формасида ифодалаш ҳоллари учрайди:

*Урмонжон хўп ҳам тўлиб-тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди. Сидиқжон бошини қуйи солиб, ерга кириб кетгудай бўлиб «чурқ» этмасдан ўтирар эди.*

*Урмонжон ярим кечаси чиқиб кетди. Сидиқжон шу ерда ётиб қоладиган бўлди. Хадича хола ўғлига ичи ачиб, уни ҳижолатдан чиқариш учун у-бу деган бўлди. Бироқ унинг бу сўзлари ҳам Сидиқжонга оловли қамчидай тегар эди (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»).*

Бу мисолдаги *ўтирар эди* феъли билдирган ҳаракат Урмонжон юрагини бўшатиш процессида бўлган; *тегар эди* феъли билдирган ҳаракат эса Хадича хола «у-бу деган» вақтда бўлган. Шунга кўра, «юрагини тоза бўшатди», «у-бу деган бўлди» бирикмалари *-ди* аффиксли ўтган замон формасида қўлланган экан, *ўтирар эди*, *тегар эди* феълларини ҳам *-ди* формасида қўллаш мумкин. Чунки булар аввалги ҳаракатлардан сўнг яна давом этган ҳаракат эмас. Қизиғи шундаки, А. Қаҳҳорнинг «Қўшчинор чироғлари» романининг 1952 йилги нашридан (9-бет) олинган бу мисолдаги *-р эди* формасида қўлланган юқоридаги феъллар унинг 1956 йилги қайта нашрида *-ди* формасида қўлланган. Бу ҳодиса айtilган фикрнинг исботи бўла олади:

*Урмонжон хўп ҳам тўлиб-тошиб юрган экан, юрагини роса бўшатди. Сидиқжон бошини қуйи солиб, ерга кириб кетгудек бўлиб «чурқ» этмасдан ўтирди.*

*Урмонжон ярим кечаси чиқиб кетди. Сидиқжон шу ерда ётиб қоладиган бўлди. Хадича хола ўғлига ичи ачиб, уни ҳижолатдан чиқариш учун у-бу деган бўлди. Бироқ унинг бу сўзлари ҳам Сидиқжонга оловли қамчидай тегаверди (А. Қаҳҳор, Танланган асарлар, III том, «Қўшчинор чироғлари», Тошкент, 1956, 8-бет).*

Асарни қайта ишлашда бир феъл формасига аҳамият бериш ва уни бошқаси билан алмаштириш бежиз эмас, албатта. Биринчидан, уни алмаштириш учун асос ва имкон бор ва иккинчидан, бу нарса маълум мақсад билан қилинган. Кўриниб турибдики, *-р эди* формасини *-ди* формасига алмаштириш билан ҳаракатнинг такрори ёки давоми маъноси ўзгармаган. Биринчи гапда бу маъно *ўтир* феълнинг ўз хусусия-



тидан чиқади. Иккинчи мисолда эса, автор *-р эди* ўрнида *-ди* формасини қўллаш билан давом маъносини йўқотмаслик учун *бер (вер)* кўмакчи феълени қўллаган. Бу ўринда *эди* формасини қўлламаслик билан ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги таъкидланмайди, холос.

Ўтмишга оидлик эса *эди* тўлиқсиз феълисиз ҳам маълум бўлиб туради. Бундан ташқари, автор *эди* тўлиқсиз феълени қўлламаслик билан, ифодани оддий сўзлашувга яқинлаштирган, яъни ҳодисани жонли тилга яқин бўлган ифода билан баён қилган (бу ҳақда юқорида ҳам гапирилган *эди*).

*-р эди* формасининг ўзига хос хусусиятлари ҳақида айтилган бу гапларнинг ҳаммаси тугалланмаган ўтган замон маъносида унинг шу турдаги бошқа формалардан фарқли хусусияти *эди*. Энди умуман унинг *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган форма сифатида шу типдаги бошқа формалардан фарқли ва умумий хусусиятларига тўхтаб ўтайлик.

*-р эди* формасининг *эди* тўлиқсиз феъли қатнашиши билан ясалган бошқа формалар билан умумий хусусиятлари:

1. Ҳаракат-ҳолатнинг умуман ўтмишга оидлигини билдиради (ҳикоя қилади):

*Мирзакаримбой ерга ўч одам эди. Ерли-сувли одамлар қийналиб қолсалар, дарров уларнинг пинжига тиқилар, ё ўртага киши қўйиб, ерни тезроқ ўз қўлига ўткашишга тирришар эди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Бунинг устига, боғ ҳам йилдан-йилга кенгайиб, дарахтлар мева ва соя бериб, ўз боғбонини оҳанграбодай тортар, бир қадам нарига жилдирмас эди* (Ҳ. Фулом, «Сенга интиламан»). *Офтоб кенг далага тарқалган сари кеч кузнинг эрталабки захри кўтарилар, одамларнинг увушган баданини алланарса ёқимли қитиқлар эди* (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).

2. Муносабат ифодалайди:

*Мен сизни фақат яхши пахтакор деб билар эдим, бошқа ҳунарингиз ҳам бор экан* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). *Йўлдош ака, намоз беш ракат бўлар эди, ундан ҳам ошиб кетди-ку?* (З. Фатхуллин, «Ватан ишқи»).

*-р эди* формаси бу маънода қўлланган ҳолларда алоқадор бўлган нарсалар-ҳодисани билдирувчи гап қўлланмасида ва шундай алоқани (боғланишни) кўрсатувчи белгилар қўйилмасида, бари бир, *-р эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракатга алоқаси бўлган қандайдир ҳаракат-ҳодиса борлиги (юз берганлиги) англашилиб тураверади:

*Сидиқжон бу тўғрида Зуннунхўжанинг розилигини олганлиги учун кампирнинг вайсашларига чандон эътибор бермай келар эди...* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чирроғлари»).

Бу гапнинг охирига вергул ёки бошқа белги қўйилмай,

нуқта қўйилса ҳам, бари бир, бу гапга алоқадор бўлган яна бошқа гап борлиги сезилиб турибди.

Демак, *-р эди* формаси кўрсатилган икки хусусияти билан *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган формалардан фарқланмайди. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки бу икки хусусият бевосита *эди* тўлиқсиз феълининг иштироки билан юз берадиган хусусиятдир.

*-ган эди*, *-(и)б эди*, *-ётган эди* (*-моқда эди*) формаларининг анализда *эди* тўлиқсиз феълининг қандай феъл формасига бириктишига қараб, шу формаларнинг таъсирида, айрим хусусиятлар юзага келишини кўрдик. Жумладан, *-ган эди* формасининг ҳаракатнинг умуман ўтмишга оидлигини билдириш учун ҳам, муносабат ифодалаш учун ҳам, пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун ҳам кенг қўлланиши, *-ётган эди* формасининг биринчи маъносида жуда кам қўлланиши, унинг муносабат ифодалаш учун ва, айниқса, эргаш гапни бош гапга боғлаш учун кенг қўлланиши айтилди. *-р эди* формасида ҳам ҳозирги-келаси замон феъл формаси (*-р формаси*)нинг таъсирида келиб чиқадиган ўзига хос хусусияти бор.

*-р эди* формасининг *-ган эди*, *-(и)б эди*, *-ётган эди* формаларидан фарқли хусусияти шундаки, бу форма жонли сўзлашувда ҳам, адабий тилда ҳам пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида қўлланмайди.

*-р эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракат бажарилаётган вақтда бошқа бирор ҳаракат бажарилиши мумкин. Бу маънони ифодалаш учун, кўпинча, кейинги гап бошида «шу вақт», «бу пайт» каби сўз ёки бирикмалар қўлланади. Бундай воситалар қўлланмаган ҳолларда ҳам уларга хос маъно умумий ҳолатдан англашилиб туради:

...улар (босмачилар) олдида Аҳмадбек борарди. Шу пайт иккинчи пулемет ҳам ишга тушди (К. Икромов, «Қарвон ўтар из қолар»). Катта бозор йўлидаги даладан қайтган подалар кўтарган чанг қалқиб турарди. Қатор тут дарахтлар панасида бир отлиқ қораси кўринди (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

Кейинги мисолда «шу пайт» бирикмаси қўлланмаса ҳам шу маъно англашилиб турибди.

Баъзан «шу вақт» каби пайт маъносини билдирувчи сўз ёки бирикмалар бўлмаганда икки гапнинг ўртасига (биринчи гапдан кейин) вергул қўйиш ҳоллари учраб қолади ва бундай ҳолларда *-р эди* формаси эргаш гапни бош гапга боғлайдиганга ўхшаб кўринади. Ҳақиқатда эса *-р эди* формаси бундай вазифани бажармайди. Буни қуйидаги икки мисолни таққослаганда аниқ кўриш мумкин:

*Бир кўни кечаси Асқархोजи бошлиқ уч-тўрт киши суҳбатлашиб ўтирар эди, бирдан эшик тақиллаб қолди (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»). Ҳозиргина кўчадан қайтган амакиси ёнбошига ёстиқ қўйиб, катта уйдаги сандал четида мудраб ётарди. Эшик занжири тақиллади, бировнинг овози эшитилди (П. Турсун, «Ўқитувчи»).*

Ҳар бири икки гапдан ташкил топган бу жумлада икки гап ўртасидаги ўзаро муносабат ҳам ва *-р эди* формасидан кейинги пауза ҳам бир хил. Фарқ шундаки, эшикнинг тақиллаши биринчисида суҳбатлашиб ўтирган вақтга, иккинчисида эса мудраб ётган вақтга тўғри келади. Лекин бу фарқ ҳар бир гапдаги феълларнинг лексик хусусиятидан келиб чиқадиган фарқ бўлиб, унинг икки гап ўртасидаги муносабатга таъсири йўқ. Шунга кўра, иккала мисолда ҳам *-р эди* формасидан сўнг бир хил белги қўйилиши керак. Бунда биринчи мисолдаги *-р эди* формасидан кейин вергул қўйилиши нотўғри. Чунки *-р эди* формаси биринчи гапни кейингисига боғлаш вазифасини бажараётгани йўқ ва икки гап орасидаги пауза ҳам қўшма гап компонентлари ўртасида бўладиган паузага нисбатан узоқ. Парда Турсуннинг «Ўқитувчи» романидан келтирилган қуйидаги тўрт мисолда икки феълнинг икки хил формаси ўзаро қиёсланса, *-р эди* формасининг эргаш гапни бош гапга боғлаш хусусиятига эга эмаслиги яққол кўринади:

*Тоғдан совуққина ел эсарди. Элмурод тобора фикр дарёсига фарқ бўлиб борарди. Энди унда ов қилиш истаги қолмади. «Бу катта бинонинг эшиги қаёқда экан» деб бораётган эди, тўғрисидаги қор босган биноларнинг биридан қадди-қомати келишган бир йигит чиқиб, тўғри Элмурод томон кела берди. Элмурод рус тилини ўрганишни кўпдан буён орзу қилиб юрар эди. Мана энди бу аёл меҳр тўла овози билан унинг орзусини синфга олиб кирди. Элмурод ўқини йилини тугаллаб баъзи ўқувчилар билан «Ҳақ йўл» колхозининг маданий-маориф ишларига қарашиб юрган эди, унинг номига Тошкентдан телеграмма келиб қолди (П. Турсун, «Ўқитувчи»).*

Автор келтирилган мисолларда *борар эди* ва *бораётган эди*, *юрар эди* ва *юрган эди* формаларини ўз ўрнида жуда тўғри қўллаган, яъни *-ётган эди*, *-ган эди* формасининг эргаш гапни бош гапга боғлаш хусусиятини билган ва шу вазифада қўллаган. Агар *бораётган эди*, *юрган эди* формалари *-р эди* формаси билан алмаштирилса, икки гап ўртасидаги пауза узаяди ва ҳар бир гап ўзига мустақил ҳолга ўтади.

*-ётган эди* (*-ётиб эди*) формасининг эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида қўлланиш сабаби ҳақида гапирганда

бунинг асоси аниқ ҳозирги замон формасининг конкрет бир моментда бўлаётган ҳаракатни ифодалашда, унда ҳаракатнинг бошланиши нутқ моментига анча яқин бўлишида ва шу каби хусусиятларда экани айтилди. -р эди формасининг эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида қўлланмаслиги ҳам ҳозирги-келаси замон феълининг ўзига хос хусусиятидан (аниқ ҳозирги замон феълдан фарқли хусусиятидан) келиб чиқади.

Ҳозирги-келаси замон феълда ҳаракатнинг бажарилиш вақти доираси аниқ ҳозирги замон феълдагига нисбатан кенг бўлади. Бу формада ҳаракатнинг конкрет бирор моментда бўлаётганлиги таъкидланмайди. Конкрет моментни ифодаловчи сўз ёки бошқа бирор восита бўлса, ҳозирги-келаси замон формаси қўлланмайди ҳам. Масалан, пайт эргаш гапнинг кесими аниқ бир моментни кўрсатган феъл формасида бўлганида, бош гапнинг кесими аниқ ҳозирги замон формасида келади, лекин ҳозирги-келаси замон формасида бўлмайди: *Уйга кирсам, қоронғи бўлиб қолганига қарамай ниманидир ёзпти* (сўзлашувдан). Бу гаптаги *ёзпти* формаси ўрнида *ёзади* формасини қўллаб бўлмайди. Демак, ҳозирги-келаси замон формасида ҳаракатнинг бажарилиш вақти конкретлаштирилмайди. Бинобарин, ҳозирги-келаси замон феълнинг ўзи ҳам маълум конкрет моментни кўрсатмайди. -р эди формасининг бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатиши учун қўлланмаслиги (яъни пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида қўлланмаслиги) ҳозирги-келаси замон феълнинг ана шу хусусияти таъсиридадир.

*ёт, тур, юр, ўтир* ҳолат феълларининг *ётибди, турибди, юрибди, ўтирибди* формасида ҳолатнинг бажарилиши жуда ҳам конкрет моментда бўлади. Шу хусусиятига кўра бу феъллар -(и)б эди, -ган эди формасида қўлланганда ҳам улар ифодалаган ҳаракатнинг маълум бир конкрет моментда бўлаётганлиги англашилади. Бу момент бошқа форма орқали конкретлаштирилади ёки -ган эди формасидаги шу феълларнинг ўзи бошқа бирор ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатиши орқали конкретлашади. Шу сабабли бу тўрт феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш вақти маълум бир момент билан конкретлашмаган ҳолларда уларнинг -р эди формаси ўрнида -ган эди, -(и)б эди формасини мутлақо қўллаб бўлмайди. Қўлланса, албатта, муносабат маъноси англашилади. Масалан, Саид Аҳмаднинг «Қадрдон далалар» повестидан келтирилган қуйидаги тўрт мисолдаги *тур* феълнинг -р эди формаси билан -ган эди формаси қиёслаб кўрилса, бу ҳодиса жуда яққол кўринади:

Пўлатжон *гўё* деворга михлаб қўйилгандек қимирламаъ, ҳамон бир нуқтага тикилиб турар эди. Ҳожимат ўр-нидан турди. У чолнинг кўзига қараёлмай бошини эгиб турар эди. Ҳожимат билан жанжаллашиб турган эди, жуфтакни ростлаб қочвордим. Рўзиев эндигина келиб турган эди. У, келин-куёвга бошдан оёқ бир қараб олгач, маъноли илжайди.

Хуллас, ҳозирги-келаси замон ва аниқ ҳозирги замон феълларида бўлган фарқли хусусиятлар тугалланмаган ўтган замон феълининг *-р* эди ва *ётган эди* формаларида ҳам маълум даражада сақланган. Лекин *-р эди* ва *-ётган эди* формалари ўртасидаги фарқли хусусиятлар ҳозирги-келаси замон ва аниқ ҳозирги замон формалари ўртасидаги фарқли хусусиятлардангина иборат эмас. Буларда ҳозирги-келаси замон ва аниқ ҳозирги замон формалари, шунингдек, *эди* тўлиқсиз феълининг таъсирида келиб чиққан ўзига хос хусусиятлар ҳам бор. *-ётган эди* формаси конкрет бир моментда бажарилаётган (кузатиб турилган тарздаги) ҳаракатни ифодалаш учунгина қўлланади. Бу форма эргаш гапни бош гапга боғлаш хусусиятига эга бўлгани учун, асосан, ана шунга вазифада қўлланувчи формага айланган. Бу нарса ўтмишда маълум бир вақтда бажарилаётган ҳаракатни ифодалаш учун *-р эди* формасининг қўлланавериши учун йўл очган. Натижада, аслида, *-ётган эди* формаси қўлланиши керак бўлган ўринда ҳам *-р эди* формаси қўлланавераётган бўлган. Буни ҳозирги ўзбек тилида *-ётган эди* формаси билан *-р эди* формаси ўртасидаги вазифа жиҳатдан юз берган дифференциация деб қараш мумкин.

Ниҳоят ўтган замон феълининг *-р эди* формаси ҳақида гапирганда яна бир нарсани айтиб ўтишга тўғри келади. Ишнинг умумий қисмида кўрдикки, *эди* тўлиқсиз феъли уюшиқ кесимларда уларнинг энг охиртисига қўшилиши мумкин. Бундан ташқари, катта-катта жумлаларда *эди* тўлиқсиз феълни жумланинг боши ёки охирида қўллаш билан барча ҳодисаларнинг ўтмишга оидлиги ифодаланаверади. Бунда жумла ичидаги бошқа феъллар *эди* тўлиқсиз феълсиз қўлланаверади ва ҳар бири мустақил гапнинг кесими вазифасида келаверади. Кичик бир мисол:

*Шағал тўкилган катта йўл четидаги симёғочларда солқи симлар гувиллайди. Назокат Аннани қўлтиқлаб аста-аста қаддам ташлаб илгарилар эди (Саид Аҳмад, «Қадрдон далалар»).*

Бу мисолдаги *гувилламоқ* феъли билдирган ҳаракат ҳам, *илгарилламоқ* феъли билдирган ҳаракат ҳам ўтмишга оид. Шу

сабабли ундаги *ғувилламоқ* феълини, мазмунга таъсир этмаган ҳолда, уч хил қўллаш мумкин: 1) келтирилган мисолдаги формада; 2) *-р эди* формасида; 3) *-р* формасида. Бунда мазкур формадан сўнг вергул қўйилади: «*симлар ғувиллар, Назокат Аннани қўлтиқлаб илгарилар эди. «Илгарилар эди» формасидаги эди «ғувиллар» феълига ҳам тааллуқли.*

Кўринадики, бажарилиш характери жиҳатидан бир хил бўлган ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги бир феълда *эди* тўлиқсиз феълини қўллаш билан ифодаланадиган ҳолларда охириги гап *-р эди* формасида, олдинги гапдаги феъл эса ҳозирги-келаси замон формасида қўлланиши мумкин. Бунда ҳар бир гап мустақил ҳолда бўлади ва ҳозирги-келаси замон формасидан сўнг нуқта қўйилаверади.

Баъзан юқоридаги каби ҳолларда, ҳозирги-келаси замон формаси ўрнида *-р* аффиксли феъл формасини қўллаш ва бу формадан сўнг вергул эмас, нуқта қўйиш ҳоллари учрайди. Натижада *-р* аффикси билан ясалган гумон феъл формаси ҳозирги-келаси замон маъносида қўлланади. Ҳақиқатда эса бундай қилиш мумкин эмас ва унинг нотўғрилиги ўқувчига ҳам дарров сезилади:

*У [Элмурод] энди бояги қайғуларини унутган, ўзини хурсанд, бахтиёр ва ҳатто кучли ва мағрур ҳис қилар. Унинг устидан дўл эмас, шағал ёғса ҳам парво қилмайдиган даражада эди (П. Турсун, «Ўқитувчи»). Унинг қалбини босиб ётган оғир тош нафас олишига қўймамас. Кўзи олдидан қонли гавда, йилтираган пичоқ нари кетмасди (Саид Аҳмад, «Ҳукм»). Мехриой икки тиззасини жуфт қилиб, бошини қуйи солиб, дастурхоннинг попуғидан кўзини узмас. Лолахон эпақали сўз топши ҳаракатида эди (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).*

Бу мисолларда *-р* формасидан сўнг нуқта қўйилиши натижасида *эди* тўлиқсиз феълининг мазкур феълга алоқаси йўқ бўлиб қолади ва *ҳис қилар, кетмас, узмас* формаси *ҳис қилади, кетмайди, узмайди* формаси маъносида қўлланади. Бироқ ҳозирги ўзбек адабий тилида *-р (-мас)* аффикси билан ясалган феъл гумон феъли ҳисобланади. У аниқлик майлининг ҳозирги-келаси замон формасига хос маънода қўлланамайди. Шунга кўра, юқоридаги феъллар *-р* формасида қўлланса, улардан сўнг вергул қўйилиши керак бўлади. Бу билан жумла охиридаги *эди* тўлиқсиз феълининг *-р* аффиксли феълга ҳам алоқадорлиги ифодаланади:

*Бу жануб осмони у ўрганган осмонга ўхшамас, қоронғироқ эди. Юлдузлари ҳам бошқача. Энг чиройли Қутб юлдузи ҳам йўқ («Фунча»).*

II-р эди формаси таркибида -р аффиксининг ҳозирги замон ёки келаси замон маъносини ифодаловчи форманинг вакили сифатида қатнашишига қараб тугалланмаган ўтган замон маъноси ёки бошқа маъно ифодаланиши мумкинлиги айtilди. Ҳозирги ўзбек тилидаги -р эди формасининг хусусияти ҳақидаги фикрлар кўпгина ҳолларда бир-бирига тўғри келмайди. Айрим адабиётларда -р эди формасининг фақат тугалланмаган ўтган замон ифодаланиши кўрсатилса<sup>61</sup>, баъзиларида бундан бошқа маъноларга эгаллиги ҳам айtilади. Лекин бошқа маъноси ҳам тугалланмаган ўтган замон сарлавҳаси остида берилди<sup>62</sup>.

Тугалланмаган ўтган замон сарлавҳаси остида -р эди формасининг бошқа маъноси ҳақида гапирмаслик, бир томондан, тўғри. Чунки «Ўтган замон» баҳсида, ҳақиқатда ҳам, ўтган замон феъл формалари ва бу формаларнинг маъно хусусиятлари ҳақида гапириш керак бўлади. Лекин, иккинчи томондан, бунинг салбий натижаси ҳам бор, яъни -р эди формасининг фақат ўтган замон маъносини ифодалашини айтиш билан чегараланилганда, унинг бошқа хусусияти эътибордан четда қолиб кетади. Ваҳоланки, унинг бу хусусияти ҳам ҳозирги ўзбек тилида жуда умумий характерга эга:

*Биламан, сен йша Ҳайдарни яхши кўрасан, йшанга тегиб нима орзу-ҳавас кўрардинг (Яшин; «Нурхон»). Агар бригада аъзолари шу кишининг гапларини эшитса-ю, шунга амал қилса, нима бўлар эди? (А. Қаҳҳор, «Кўшчинор чироғлари»). Агар сиз яхши одам бўлсангиз, уйдаги сирни кўчмага чиқармасдингиз (З. Фатхуллин, «Олтин куз»). Кучуклар кўп экан, яхшисини танлаб олиб кетардик... (Ойбек, «Болалик»). Агар сув бўладиган бўлса, оғайнилар, жазирама иссиқда яланғоч бўлиб Қизилқумни кечиб ўтишга ҳам розиман. У ён-бу ёнга қарамасдан, тўппа-тўғри Умрзоқовага эргашардим (Ш. Рашидов «Ғолиблар»).*

-р эди формасининг фақат ўтган замон ифодаланиши айtilган ишларда, унинг келтирилган мисолларда ифодаланган маъноси «Ўтган замон» баҳсида ҳам, бошқа ўринда ҳам кўрсатилмайди. Натижада ўзбек тилида ҳамма учун маълум бўлган (умумий характердаги) бир ҳодиса ўзбек тили ҳақида ёзилган ишда ўз аксини топмай қолади. Демак, ўтган замон феъли баҳсида («тугалланмаган ўтган замон» сарлавҳаси остида) -р эди формасининг бошқа маъноси ҳақида гапириш

<sup>61</sup> Қаранг: Ғ. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Юқорида кўрсатилган асар 79—80-бетлар; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқорида кўрсатилган асар, 145-бет.

<sup>62</sup> Қаранг: А. Ғ. Фуломов, Юқорида кўрсатилган асар, 23—30-бетлар; Проф. В. В. Решетов, Юқорида кўрсатилган асар, 151-бет ва бошқалар.

асосли бўлмаса-да, лекин дуруст томони шундаки, мазкур форманинг бошқа хусусияти ҳам эътибордан четда қолмайди, ўзбек тилидаги бор ҳодиса шу тил ҳақида ёзилган ишда ўз ифодасини топади.

-р эди формасининг ўтган замон маъносини ифодалашдан бошқа хусусияти турли авторлар томонидан турлича талқин этилмоқда. Проф. А. Н. Қононов, -р эди формаси ўтмишда такрорий ва доимий суратда бажарилиб турган ҳаракатни, шунингдек келгусида бажарилиши тахминан мумкин бўлган ҳаракатни, яъни «сослагательное наклонение» га<sup>63</sup> хос маънони ифодалайди<sup>64</sup> деб кўрсатади.

А. А. Коклянова ҳам худди шу фикрни айтади<sup>65</sup>. Проф. В. В. Решетов ҳам бу формага нисбатан «сослагательный» деган терминни ишлатади<sup>66</sup>. Проф. А. Ғ. Фуломов -р эди формасининг маъноси ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Бу феълнинг асосий мазмуни ишнинг тугалланмаганлигини билдириш бўлиб, у шундай маъно даражаларига эга бўла олади: 1. Ҳаракатнинг такрорланганлиги, давом... 2. Шарт маъноси билан боғланган бўлади (шартнинг бажарилмаганлиги сабабли ишнинг ҳам бўлмаганлиги)»<sup>67</sup>.

-р эди формасининг рус тилидаги «сослагательное наклонение»га хос маъноларни ифодалаши тўғри. Бу жиҳатдан проф. А. Н. Қононовнинг фикрига қўшилиш мумкин. «Келгусида бажарилиши тахминан мумкин бўлган ҳаракатни билдиради», деган фикр бу форманинг хусусиятига тўла мос келмайди. Чунки «тугалланмаган ўтган замон» ифодаламаган -р эди формаси билдирган ҳаракат келгусига оид ҳаракат бўлавермайди. Масалан, *Хабар берганингда, мен келар эдим* гапидаги -р эди формаси билдирган ҳаракат келгусига оид ҳаракат эмас, балки бажарилмай қолган ҳаракатдир.

Проф. А. Ғ. Фуломовнинг -р эди формаси шарт билан боғланган ҳаракатни билдиради деган фикри тўғри. Лекин ҳамма вақт ҳам «шартнинг бажарилмаганлиги сабабли ишнинг ҳам бўлмаганлиги» ифодаланавермайди ва бу маънони ифодалаш -р эди формасининг хусусияти эмас. Чунки -р эди формасидаги феъл билдирган ҳаракат бажарилмай қолган ҳаракат бўлиши ҳам, келгусига оид ҳаракат бўлиши ҳам мумкин:

---

<sup>63</sup> Ўзбек тилида «сослагательное» терминига мос термин йўқлиги (Ўзбек тилидаги адабиётларда ҳам бунга мос термин қўлланмаганлиги) сабабли русча терминни ўзича келтиравердик.

<sup>64</sup> А. А. Қононов, Юқорида кўрсатилган асар, 226-бет.

<sup>65</sup> А. А. Коклянова, Юқорида кўрсатилган асар, 226-бет.

<sup>66</sup> В. В. Решетов, Юқорида кўрсатилган асар, 94—95-бетлар.

<sup>67</sup> А. Ғ. Фуломов, Юқорида кўрсатилган асар, 30-бет.



— *Сал кечиксангиз ойнгизни ўзимиз кутиб олардик!* — *деди у, Ферузага қўл бериб кўришаркан* (Х. Фулом, «Сенга интиламан»). *Бунинг тагига етсак, аломат иш бўлар эди* (А. Қаҳҳор, «Кўшчинор чироғлари»).

Умуман, *-р эди* формаси бу маънода замон кўрсаткичи сифатида қатнашмайди: Шу сабабли *-р эди* формаси билдирган ҳаракатнинг бажарилиши ўтмишга ёки келгусига оид бўлиши мумкин. Бу маъно контекст ёки бошқа факторлар таъсирида реаллашади. Бундан ташқари, ҳаракатнинг бажарилиш вақти умумий характерга («умумий замон» характерига) эга бўлиши мумкин. Бундай ҳолларда ҳаракатнинг бажарилиш вақтига нисбатан «қачон?» сўроғи қўйилмайди ҳам:

— *Гўдакларнинг дуоси ижобат бўлганда, бирор домла тирик қолмасди, — дебди* («Латифалар») . . . *фахрланишга лойиқми, йўқми буни ўзинг биласан, болам. Менинг сендан битта-ю битта тилагим — доим пок бўлишингни истардим. Шу юртим деб, халқим деб, унинг бахт саодати деб яшашингни хоҳлардим, чунки инсониятнинг энг яхши фарзандлари шу мақсад билан яшаган, шу мақсад деб, мана, не-не одамлар ҳатто жонини ҳам аямаяпти...* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»).

Ж. Жўраеванинг *-р эди* формаси «сўзловчининг бирор ҳаракатни бажаришга иштиёқи, орзу ёки истаги»ни ифодалайди<sup>68</sup> деган фикри ҳам тўғри келмайди. Чунки тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган *-р эди* формаси ҳамма вақт ҳам орзу-истак, иштиёқ ифодалайвермайди:

*Агарда унинг ёнида усти Олим бўлмаганда эди, эҳтимол, у қай вақтларгача серрайиб қолар эди* (А. Қодирий, «Ўтган кунлар»). *Лекин ҳозир Гулнорнинг гавдасини парчалаб ташласалар ҳам, оғриқ сезмаган бўлар эди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Мени инвалидлар уйига обориб бера қолсангиз, мунчалик қийналмас эдингиз* (Саид Аҳмад, «Кўклам чечаклари»).

Бундан ташқари, *-р эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракат сўзловчи манфаати (орзу-истаги, иштиёқи) нуқтаи назаридан бажарилувчи ҳаракат бўлавермайди. Бу ҳаракат бажарилиш ёки бажарилмаслигининг сўзловчи манфаатига ҳеч қандай алоқаси бўлмаслиги мумкин:

— *Юрибман. . . — Машраб юзини четга бурди, — Эртоевнинг гапларини бир эшитсангиз, сиз ҳам юриб чиқардингиз кечаси билан* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»). *Мен бўлмасам, қўйнинг ярми йўқолар эди* (Ғ. Фулом, «Шум бо-

<sup>68</sup> Қаранг: «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (коллектив), I, Тошкент, 1966, 191-бет.

ла»). *Уша воқеа бўлмаганда, балки Абубакиров ҳам Ёдгор бекка бунча ёпишмас эди* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»).

-р эди формасидаги феъл билдирган ҳаракат сўзловчи ёки тингловчи истагига (манфаатиға) бутунлай мўс бўлмаган ҳаракат бўлиши ҳам мумкин:

*Бултур кузакда Салор бўйидаги Коппонда орага мен туш масам, оломон сени ўлдириб кетар эди* (Ғ. Ғулом «Шум бола»). *Агар Пиримқул Зумрадга билдириб қўймаса биз ундан ажраб қолган бўлардик* (Б. Раҳмонов «Баҳор арафаси»).

Тўғри, кесими -р эди формасидаги феъллардан бўлган гапларда орзу, истак маъноси ифодаланиши мумкин. Лекин бу маъно бевосита -р эди формасининг ўзига хос бўлмай, гапнинг умумий мазмуни ёки феъл билдирган ҳаракатнинг хусусияти таъсирида келиб чиқувчи маъно бўлади. Бунинг Ж. Жўраева келтирган мисолда ҳам аниқ кўриш мумкин: *Оҳ, қани энди, дўндирма иш бўлар эди* (О). Бу мисолдаги *бўлар эди* формаси *бўлади* формасида қўлланса ҳам истак, иштиёқ маъноси йўқолмайди. Чунки «оҳ», «қани энди», «дўндирма иш» каби сўз ва бирикмалар бор ерда бундан бошқача маъно ифодаланиши ҳам мумкин эмас.

Келтирилган фактлар кўрсатадики, -р эди формасининг тугалланмаган ўтган замон ифодалашдан бошқа хусусиятга ҳам эгаллигини пайқаш қийин эмас. Лекин унинг ана шу хусусиятини аниқ белгилаш анча қийин. Шунинг учун ҳам бу ҳақда турли фикрлар баён этилган.

Ўзбек тили ҳақида, шунингдек, бошқа туркий тиллар ҳақида ёзилган кўпгина ишларда -р эди формасининг рус тилидаги феълнинг «сослагательное наклонение» турига хос маъноларни ифодалаш айтилади. Лекин бу тилларда ҳам майлининг шундай тури борлиги ва -р эди формаси шу майлининг формаси экани кўрсатилмайди, балки -р эди формасининг бу маъноси ҳам аниқлик майли доирасида келтирилади<sup>69</sup>.

Проф. А. К. Боровков «Краткий очерк грамматики узбекского языка» номли ишида ўтган замон ифодаламаган -р эди формасини махсус форма сифатида қарайди ва «сослагательное наклонение» формаси деб атайди<sup>70</sup>. Лекин махсус текшириш иши бўлмаганидан, ўзбек тилида ҳам шундай майл тури

<sup>69</sup> Қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, М.—Л., 1956, стр. 238—239; В. В. Решетов, Южоридда кўрсатилган асар, 151-бет; Современный казахский язык, Фонетика и морфология (коллектив), Алма-Ата, 1962, стр. 348 ва бошқалар.

<sup>70</sup> Қаранг: «Русско-узбекский словарь», под ред. С. Ф. Акбировова, З. М. Магروفова, А. Т. Ходжаханова, М., 1959, стр. 709.

борлиги исботланмаган. Бизнингча, автор *-р эди* формасининг рус тилидаги «сослагательное наклонение» га хос маъноларни ифодалай олишига асосланиб шундай қилган бўлса керак.

А. А. Юлдашев бу маънодаги *-р эди* формаси ва бошқа туркий тиллардаги унга маънодош бўлган *-а эди*, *-жак эди* формаларини бир гурӯппага киритади ва «сослагательное наклонение» формалари деб атади. Бу билан автор туркий тилларда шундай майл тури борлигини эътироф этади ва ишида шу нарсани исботлашга ҳаракат қилади<sup>71-72</sup>.

Демак, бу ўринда икки асосий қийин масалага тўхтаб ўтишга тўғри келади. Биринчидан, *-р эди* формасининг тугалланмаган ўтган замон маъносидан бошқа маъносини белгилаш ва, иккинчидан, ўзбек тилида ҳам рус тилидаги «сослагательное наклонение» каби майл тури бор-йўқлигини белгилаш керак бўлади.

*-р эди* формаси туркий тилларнинг жуда кўпчилигида бор. Лекин унинг маъно ва бошқа хусусиятлари барча туркий тилларда бир хил эмас. Биз ўзбек тилидаги *-р эди* формасининг бу маънодаги хусусиятларини очишга ҳаракат қиламиз. Айтилган фикр ва мулоҳазалар ҳам ҳозирги ўзбек тили нуқтаназаридан бўлади.

*-р эди* формаси ўтган замон феъли сифатида ҳам бошқа маънони ифодаловчи форма сифатида А. А. Юлдашевнинг ишида анча чуқур ўрганилган. Автор бу форманинг ўзига хос хусусиятлари ҳақида анча янги фикрлар айтган.

А. А. Юлдашев туркий тилларда ҳам «сослагательное наклонение» бор дейишда *-р эди*, *-а эди* каби формаларнинг маълум шарт-шароит юз берганда бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатни ифодалашини назарда тутди. Шу хусусиятига кўра уларнинг шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида қўлланишини айтади<sup>73</sup>. Авторнинг кўрсатишича, *-р эди* формасида ўтган замон маъноси йўқлиги, у орқали ҳаракат эмас, балки мумкин бўлган ҳаракат ҳақида сўзловчининг ўйи (тахмини) ифодаланиши мазкур формани «сослагательное наклонение» кўрсаткичи деб тушунишга (қарашга) олиб келган ва бу маънода *-р эди* формаси киши тасаввурини ўзига омоним бўлган ўтган замон кўрсаткичи — *-р эди* билан боғланмайди<sup>74</sup>. Ҳақиқатда ҳам, *-р эди* формасининг ўтган замон ифодаламайдиган ҳоллари умумий характерга эгаллигини кўрдик. Лекин ўтган замон ифодаламаган

<sup>71-72</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 247—267-бетлар.

<sup>73</sup> Уша асар, 247-бет.

<sup>74</sup> Уша асар, 251—252-бетлар.

-р эди формасининг рус тилидаги «сослагательное наклонение»га хос маъноларни ифодалай олиши, шарт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида келиши ўзбек тилида ҳам шундай майл тури бор ва -р эди формаси шу майлнинг кўрсаткичи дейиш учун етарли асос бўла олмайди.

А. А. Юлдашевнинг асарида -р эди формасининг «сослагательное наклонение» формаси сифатида уч хил маъно ифода-лаши кўрсатилади: 1) истак (желание); 2) тахмин, ўй (предположение); 3) маслаҳат тарзида ҳаракатга қўзғатиш (побуждение к действию, носящий характер совета)<sup>75</sup>.

Ўзбек тилида ҳам кесими -р эди формасидаги феъллардан бўлган гапларда шундай маънолар ифодаланиши мумкин. Лекин ана шу уч хил маънони тан олишнинг ўзидек ўзбек тилида ўтган замон ифодаламаган -р эди формасини бошқа бирор ном билан аташ мумкин эмаслигини ва қандайдир муқим бир майл турини ҳосил қилувчи форма деб қараш мумкин эмаслигини кўрсатади. Чунки истак билан тахмин ва ҳаракатга қўзғатиш бутунлай бошқа-бошқа ҳодисалардир. Бу маънолар бевосита -р эди формасига хос маънолар бўлмай, контекст ёки бошқа факторларнинг таъсирида келиб чиқувчи маънолардир. Шундай экан, бу ўринда ягона бир система ҳақида гапириш қийин. Одил Ёқубовнинг «Эр бошига иш тушса...» романидан олинган қуйидаги мисолларга мурожаат қилайлик:

— Мен... сиздай бўлишни орзу қилардим, дада! Тинчлик бўлса, тонг отмасдан сизнинг олдингизга чопиб нима қилардик, Умаров ака!— деди, овози титраб. Илгариги пайтлар бўлганда Барно унга қайта гапирмас, бошини, мағрур силкитиб, индамай ўтиб кетарди. Шукур қил, жоним,— Гулсум она койиб гапирди.— Бола бечораларимизнинг жони қайтса ҳам қувонардик.

Бу мисоллардаги -р эди формаси фақат бир хусусияти — тугалланмаган ўтган замон ифодаламаслиги билан ўзаро бирлашади. Лекин уларнинг ҳаммасида -р эди формаси орқали бир хил маъно ифодаланмаганлигини сезиш ҳам қийин эмас. Шундай экан, қандай қилиб тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган -р эди формасини муқим бир майл турини ҳосил қилувчи форма дея оламиз!?

Тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган -р эди формасини «сослагательное наклонение» кўрсаткичи деб аташ (ўзбек тилида ҳам шундай майл тури бор деб қараш), бизнингча, икки ҳодиса таъсирида бўлиши керак. Биринчидан, бундай ҳолларда -р эди формасининг замон маъносини ифодаламаслиги ва, иккинчидан, бу форманинг рус тилидаги «сослагательное наклонение»га хос бўлган маъноларни ифодалай

<sup>75</sup> Уша асар, 253-бет.

олиши. Лекин шунга асосланиб ўзбек тилида ҳам шундай майл тури бор, *-р эди* формаси унинг кўрсаткичи дея олмаймиз. Еки *-р эди* формаси аниқлик майли формасидан фарқли қандайдир муқим бир майл турини ҳосил қилади ҳам дея олмаймиз. Бунинг энг оддий бир исботи шуки агар тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган *-р эди* формаси муқим бир грамматик маънони ифодаловчи бўлганида, яъни муқим бир грамматик маънони система тарзида ифодалайдиган бўлганида, бу ҳодиса шу вақтга қадар текширувчиларнинг эътиборидан четда қолмас эди ва шу хусусиятига қараб муқим бир ном олган бўлар эди. Ҳақиқатда ҳам, *-р эди* формаси тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган ҳолларда қандай маънолар ифодаланиши мумкинлиги текширувчилар эътиборидан четда қолмаган. Лекин бу маънолар бевосита *-р эди* формасининг ўзига хос маъно бўлмай, маълум даражада бошқа факторларнинг таъсирида келиб чиқувчи маънолар бўлганидан турли текширувчилар томонидан турлича таърифланиб келган ва уларнинг бирортаси ҳам *-р эди* формасининг асосий маъноси сифатида ҳамма томонидан эътироф этилмаган. Бинобарин, тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган *-р эди* формаси махсус бир грамматик маънони ифодаловчи форма сифатида қайд этилмаган ва махсус бирор ном билан ҳам аталмаган.

Энди *-р эди* формасининг тугалланмаган ўтган замон маъносидан бошқа махсус бир грамматик маънони ифодалаш ёки ифодаламаслиги, шунингдек, бирор майл турини ҳосил қилиш-қилмаслигини очиқроқ кўриш учун унинг ўтган замон ифодаламаган ҳоллардаги хусусиятлари ва уни келтириб чиқарувчи омилларни текшириб кўрайлик.

Аввало, тугалланмаган ўтган замон маъносини ва бундан бошқа маънони ифодалашига кўра *-р эди* формасини омоформа ҳисоблаш мумкинми ёки йўқми деган масалага тўхтайлик. Агар *-р эди* формаси омоформа бўлмаса, уни аниқлик майлидан бошқа яна қандайдир майлнинг кўрсаткичи деб қарашга мутлақо ўрин қолмайди.

А. А. Юлдашев ана шу нарсага ҳам эътибор беради ва *-р эди* формасини омоформа («омонимичная форма») ҳисоблайди<sup>76</sup>. Ҳодисанинг моҳиятини аниқроқ кўриш ва осонроқ тушуниш учун бу ўринда *-р эди* формаси билан ҳозирги-келаси замон формасини қиёслаб кўриш характерли.

Ҳозирги-келаси замон феъли, контекстга қараб, ҳозирги замон ёки келаси замон маъносини ифодалайди. Ҳозирги замон ва келаси замон тушунчалари бир-биридан бутунлай фарқли тушунчалардир. Ҳозирги замон феълида келаси замон феъ-

<sup>76</sup> Уша асар, 252-бет.

лига хос хусусиятлар бўлмаганидек, келаси замон феълида ҳам ҳозирги замон феълига хос хусусиятлар йўқ. Булардан бири (ҳозирги замон феъли) ҳаракатнинг нутқ моментидан бўлаётганини билдирса, иккинчиси (келаси замон феъли) ҳаракатнинг нутқ моментидан кейин бўлишини билдиради. Ана шу хусусиятига кўра ҳозирги-келаси замон формасини омоформа дейиш мумкин. *-р эди* формасида эса бошқачароқ ҳолни кўрамиз.

*-р эди* формасини омоформа дейиш учун (*-р эди* омоформа бўлиши учун), биринчидан, унинг таркибидаги *-р* форманти ҳозирги-келаси замон формасига хос хусусиятни йўқотган бўлиши керак. Иккинчидан, ўтган замон ифодаловчи *-р эди* формасидаги *эди* тўлиқсиз феълига хос хусусият ўтган замон ифодаламаган *-р эди* формасидаги *эди* тўлиқсиз феълида бўлмаслиги керак. Чунки бирор форманинг омоформа бўлиши учун унинг маънолари ёки бошқа хусусиятлари ўртасида боғланиш бўлмаслиги керак. (Боғланиш, муносабат узилмаган бўлса, омоформа ҳақида гапириш мумкин эмас). Шу жиҳатдан ёндошганда, *-р эди* формасини омоформа дейиш учун ўзбек тили нуқтаи назаридан етарли асосимиз йўқ.

Ҳозирги-келаси замон феълининг вакили бўлган *-р* форманти *-р эди* формасида ҳозирги замон ифодаловчи формаларнинг вакили сифатида қатнашганда, тугалланмаган ўтган замон маъноси ифодаланади. *-р эди* формаси тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган ҳолларда эса *-р* форманти келаси замон феълининг вакили сифатида қатнашади. Тўғри бунда *-р* форманти келаси замон ифодаламайди (ифодалаши мумкин ҳам эмас), лекин у келаси замон феълига хос хусусиятни бутунлай йўқотмайди ҳам.

*-р эди* формаси бу вазифада қўлланганда, замон ифодаламаслиги, у орқали ифодаланган ҳаракат ўтган замон ёки келаси замонга оид бўлиши мумкинлиги айтилди. Лекин ҳаракатнинг қайси замонга оидлиги контекст ёки бошқа воситалар орқали реаллашади. *-р эди* формасидаги ҳаракат эса ҳамма вақт бошқа қандайдир ҳаракатдан кейин юз бериши мумкин бўлган ёки умуман келгусига оид ҳаракат бўлади. Ана шу «кейинлик» маъноси бевосита келаси замон феълининг вакили бўлган *-р* аффиксига хос маънодир. Фарқ шундаки, ҳозирги-келаси замон феъли ҳаракатнинг келгусида бажарилишини билдирган ҳолларда «кейинлик» нутқ моментига нисбатан бўлади. *-р эди* формасида эса нутқ моментига эмас, бошқа бирор ҳаракат-ҳодисага нисбатан бўлади. Ҳаракат бажарилиш вақтининг нутқ моментига эмас, бошқа бирор ҳаракат-ҳодисага нисбатан бўлиши эса *-р эди* формасидаги *эди* тўлиқсиз феълининг таъсиридадир. Демак, *-р эди* формасида *-р* аффик-

си ва эди тўлиқсиз феълига ҳос хусусиятлар бутунлай йўқолган эмас.

Ҳозирги ўзбек тилида эди тўлиқсиз феълининг асосий ва-зифаларидан бири муносабат ифодалаш эканини кўрган эдик. Муносабат ифодаланиши нуқтаи назаридан *-р эди* формаси ҳам *-ган эди*, *-ётган эди* каби формалар билан умумийликка эга:

*Агарда хон кўтариш маним қўлимда бўлса эди, хон қилиб Отабекни кўтарар эдим (А. Қодирӣ, «Ўтган кунлар»). Агар сен Йўлчининг боласи бўлсанг эди, мен унга аллақачон хабар берар, ундан севинчи олиб қувонар эдим (Ойбек, «Қутлуг қон»)...* шу қишлоқни кўрсам, мана шу кўчалардан бирига қоровул бўлиб сув сепсам, беармон кетар эдим (А. Қаҳҳор, «Кўшчинор чироғлари»). Қани энди хат билсам, сендан сўраб ўтирмас эдим (Саид Аҳмад, «Ҳукм»). Агар алоқамиз илгарироқ бошланганда эди, биз бу қора юз шармандарни илгарироқ фош қилган бўлар эдик (З. Фатхуллин, «Ниқоб йиртилди»).

Бу мисолларда *-р эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиши учун лозим бўлган шарт-шароитни билдирувчи гаплар тушириб қолдирилса ҳам *-р эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилишига алоқадор бўлган нимадир борлиги ифодаланаверади, яъни муносабат ифодаланиб туради. Бу муносабат эса бевосита эди тўлиқсиз феъли орқали ифодаланувчи муносабатдир.

Келтирилган фактларнинг ўзиёқ *-р эди* формаси ўтган замон ифодаламаган ҳолларда ҳам ундаги *-р* аффикси ва эди тўлиқсиз феълига ҳос хусусиятлар йўқолмаслигини кўрсатади. Шундай экан, *-р эди* формасини омоформа деб бўлмайди. Омоформа эмас экан, у майлнинг (ёки бошқа категориянинг) икки хил турини ҳам ҳосил қила олмайди.

*-р эди* формаси тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган ҳолларда бошқа қандайдир маҳсус бир маъно ифодалаш билан чегараланмаслиги айтилди. Бундай ҳолларда ифодаланадиган маъноларнинг турлича бўлиши турли факторларнинг таъсири натижасидадир. Масалан, *-р эди* формасининг мустақил-содда гап кесими вазифасида қўлланиши ёки қўшма гапларда қўлланиши, ҳаракат-ҳодисанинг қайси замонга оидлиги ва шу кабилар мазкур форма орқали ифодаланадиган маънога таъсир этади. Шу сабабли *-р эди* формаси бу ҳодисалар доирасида алоҳида-алоҳида текширилса, унга ҳос бўлган хусусиятларни тўғри белгилаш ва тушунтириш осон бўлади.

Ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда *-р эди* формасининг тугалланмаган ўтган замон маъносидан бошқа маъноси ҳақида гапирилганда, шарт эргаш гапли қўшма гапларда қўлланганда ифодалайдиган айрим маънолари назарда

тугилади. Лекин *-р эди* формаси мустақил содда гапнинг кесими вазифасида ҳам қўлланади ва бундай ҳолларда ифодаланган маъно билан шарт эргаш гапли қўшма гапларда қўлланганда ифодаланган маъно бир хил бўлавермайди. Шу сабабли бу икки ҳолатни алоҳида олиб текшираемиз.

Аввало, *-р эди* формаси эргаш гапли қўшма гапларда қўлланганда ифодаланган маъноларга тўхтаб ўтайлик. Мазкур форманинг ўтган замон ифодаламаганда эргаш гапли қўшма гапларда қўлланиши жуда умумий характерга эга. Ўзбек тили грамматикаси ҳақидаги ишларда фақат шу ҳолат ўз аксини топганининг сабаби ҳам ана шунда.

*-р эди* формаси қўшма гап турларидан, асосан, шарт, сабаб, тўлиқсизлик мазмунидаги қўшма гапларда бош гапнинг кесими вазифасида қўлланади. Бошқа гапдаги қўшма гапларда қўлланиши нисбатан жуда кам учрайди<sup>77</sup>.

*-р эди* формаси эргаш гапли қўшма гапларда қўлланганда қандай маъно ифодаланиши баён қилинаётган нарсанинг ҳодисанинг қайси замонга оидлигига ҳам боғлиқ. Бинобарин, ўтган замонга оид ҳолати билан, келаси замонга оид бўлган ҳолатини алоҳида-алоҳида текшираемиз. (Қайси замонга оидлик контекст ёки бошқа воситалар ёрдамида англашиб туради).

Ҳаракат келгусига оид бўлган ҳолларда унинг бажарилиши маълум шарт-шароит билан боғланганлиги шарт майли формаси ёки бошқа воситалар орқали ифодаланиб туриш сабабли *-р эди* формаси ҳозирги-келаси замон формаси билан алмаштирилса ҳам асосий маъно ўзгармаслиги мумкин:

— Жондер эдим, лекин, — деди Қурбон ота ўнг қўлини кўрсатиб, — бу карахт қўлдан нима иш келади? (А. Қаҳҳор «Қўшчинон чироғлари»). Ҳаммасини айтиб берар эдим у, лекин бунинг достони жуда узоқ (О. Ёқубов, «Ота изидан»). Яхши бўларди, агар у киши билан сиз ўзини бир гаплашиб, бир оз бўлса ҳам тартибга чақириб қўйсангиз. (З. Фатхуллин, «Олтин куз»). Агар ҳозир қилсаларингиз, кечқурунга правление чақира берар эдик (А. Қаҳҳор, «Синчалак»).

Бу мисолларда жон дер эдим, айтиб берар эдим-у, яхши бўларди, чақира берар эдик формалари жон дейман, айтиб бераман-у, яхши бўларди, чақира берамиз формалари билан алмаштирилса ҳам ҳаракатнинг маълум шарт-шароит юз берсагина бажарилиши, унинг бажарилиши учун тўсиқ борлиги маъноси ўзгармайди. Фақат *-р эди* формасига хос бўлган муносабат маъноси таъкидланмайди. Демак, бу ўринда ҳам

<sup>77</sup> А. А. Юлдашевнинг кўрсатишича, бошқа туркий тилларда ҳам шундай. (Юқорида кўрсатилган асар, 255-бет).



-р эди формасининг асосий вазифаси муносабат ифодалашдир.

Муносабат ифодалаш асосий ўринда туриши сабабли бу форма қўлланган ҳолларда «шундай бўлармикин, йўқмикин», «сиз маъқул кўрасизми, йўқми» каби маънолар ҳам ифодаланади:

— *Менга қолса, битта-иккита болалик бўлгунча турсин, деяр эдим (А. Қодирий, «Ўтган кунлар»). Сояси ҳам йўқолса, яна яхши бўлар эди-да (З. Фатхуллин «Олтин куз»). Бирорта бошқа касбнинг пайдан бўлганигда яхши бўлар эди (Ғ. Ғулом, «Шум бола»).*

-р эди формасининг асосий хусусияти муносабат ифодалаш эканини қуйидаги икки мисолда жуда аниқ кўриш мумкин:

*Самовар қайнаган Ҳожи бобо, чой берсангиз, дамлар эдим (Ғ. Ғулом, «Шум бола»). Ойимлардан фотиҳа олиб берсангиз, қўйни чиқариб берар эдим (А. Қодирий, «Ўтган кунлар»).*

Бу икки мисолда -р эди формаси маълум шарт сабабдан сўнг бажарилиши таҳмин этилган ҳаракатни ифодалаш учун қўлланмаган. *Дамлар эдим, чиқариб берар эдим* формалари *дамлайман, чиқариб бераман* формасида қўлланса ҳам бу маъно ўзгармайди. Сўзловчи (ёзувчи) -р эди формасини қўллаш билан «шу ҳаракат маъқулми», «сиз хоҳласангиз шуни қилай» каби маънодаги муносабатни ифодаламоқчи.

Эди тўлиқсиз феълнинг муносабат билдириш хусусиятига эгалигидан ўзгага мурожаатда хушмуомалалик ифодаланишини кўрган эдик. Буни тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган -р эди формасида ҳам кўриш мумкин:

*Мен Урмонжон акамдан, Бўтабой акамдан, қолаверса бутун правлениедан талаб қилар эдим, бу ишга, бу масалага жиддийроқ қараб тегишли чора кўришлари керак (А. Қаҳҳор, «Кўшчинор чироглари»).*

«Талаб қилиш»да ўзганинг хоҳиш-ихтиёри назарда тутилмайди, балки бирор нарсани бажариш мажбурияти юкланади (талаб этилади). Ёзувчи бу ўринда *талаб қилмоқ* феълини -р эди формасида қўллаш билан қатъийликни юмшатапти, хушмуомалаликни ифодалаяпти. Қиёсланг: *талаб қиламан — талаб қилар эдим.*

Келтирилган фактларнинг ҳаммаси ҳаракат-ҳодиса келгусига оид бўлганида -р эди формасининг асосий вазифаси шу ҳаракат-ҳодисага муносабатли нарса борлигини ифодалаш эканини кўрсатади. Бу муносабатнинг ҳаракатидан турли маънолар (масалан, хоҳиш, ҳаракатнинг бажарилишига имкон берувчи шарт (сабаб)нинг бўлиш-бўлмаслигини аниқ билмаслик («бўлармикин ёки йўқми» каби маънолар) келиб

чиқиши мумкин. Масалан, *эртароқ келса, кетар эдим* деганда асосий нарса келиш ҳаракати бажарилса, кетиш ҳаракатининг бажарилишини тахмин этиш эмас, балки келиш ҳаракатининг бажарилиши ёки бажарилмаслигини аниқ билмаслиги (кетаман-у, лекин эртароқ келармикин, йўқми, билмайман деган маънодаги муносабат). *-р эди* формасини қўллашдан келиб чиқувчи маъно шу маънодир. Ҳаракатнинг бажарилишидаги шарт, сабабнинг бўлиши аниқ эмаслигидан *-р эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракат истақ, хоҳиш тарзидаги ҳаракат сифатида бўлади. Гапнинг ҳозирги-келаси замон формасидаги кесими *-р эди* формаси билан алмаштирилса, бу ҳодиса яна ҳам аниқроқ кўринади:

*Шу кечадан эсон-омон ўтиб олишса, у ёғиға ўрганиб кетиш ади.* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»).

Бу мисолдаги *ўрганиб кетишади* формаси *ўрганиб кетишар эди* формасида қўлланса ҳам шарт-сабаб амалга ошган тақдирда ўрганиб кетишнинг аниқлиги маъноси ўзгармайди. Лекин шарт-сабабнинг (ўтиб олишнинг) юз бериши ёки юз бермаслиги ноаниқ ҳолда бўлади. Демак, шу ҳаракатга муносабат ифодаланади.

Ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлганда ҳам *-р эди* формасининг асосий вазифаси хоҳиш, тахмин, ўй каби маъноларни ифодалаш эмас, балки шу формадаги феъл билдирган ҳаракатга муносабати бўлган бошқа бирор ҳаракат-ҳодиса борлигини ифодалаш бўлади. Ҳатто, ўтган замон доирасида *-р эди* формасининг бу хусусияти яна ҳам яққолроқ кўринади.

Ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлганда *-р эди* формаси икки вазифада қўлланиши мумкин:

1) Маълум сабаб, муносабат билан (шарт, сабаб юз бермаганлиги учун) *-р эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилмаганлиги ифодаланади. Агар шу ҳаракат-ҳодиса келгусига оид ҳаракат-ҳодиса тарзида ифодаланадиган бўлса *-р эди* формасини ҳозирги-келаси замон формаси билан алмаштириш мумкин бўлади:

— *Роса мучанг бор экан, иним...*

— *Туф де, кўзинг тегади, касофат! Шу сўзингни менга айтсанг, тилингни суғириб олардим* (Ойбек, «Қутлуг қон»).

Бу мисолдаги ҳаракатлар келгусига оид ҳаракат тарзида ифодаланадиган бўлса, *суғириб олар эдим* формасини *суғириб оламан* формасида қўллаш мумкин: *Шу сўзингни менга айтсанг, тилингни суғириб оламан*. Бундай ҳолларда маълум сабаб билан *-р эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилмай қолганлиги ифодаланиши сабабли шарт эргаш гапли қўшма гап орқали ифодаланган мазмун сабаб эргаш гап орқали ифодаланиши мумкин. Бунда *-р эди* формаси ўрнида *-ди* аф-

фикси билан ясалган ўтган замон феълнинг бўлишсиз формаси қўлланади: *Сен келганинда, ҳамма гапни айтар эди — Сен келмаганинг учун, ҳамма гапни айтмади.*

Демак, *-р эди* формасининг муносабат ифодалаши *сен келганинда, ҳамма гапни айтарди* гапидаги келмоқ феъли билдирган ҳаракатнинг ҳам бажарилмаганлиги маъносини келтириб чиқаради.

2) Эргаш гап кесими билдирган ҳаракат-ҳодиса *-р эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилиш шарти эканлигига асосий эътибор берилмайди. Шунингдек, *-р эди* формасини қўллашдан мақсад маълум шарт, сабаб амалга ошса, *-р эди* формасидаги ҳаракатнинг бажарилишини ифодалаш ҳам эмас, балки *-р эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракатга алоқадор қандайдир бошқа ҳаракат юз берганлигини англатишдир:

*Тўғри ҳаммаси, биз Солибек билан шу ҳақда гаплашиб, сизнинг олдингизга келганимиз, комсомол мажлисида танқид қилиш билан тузалса шу тузалар эди* (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»). *Менинг ўрнимда бошқа одам бўлса, албатта, кулиб қўя қолмас эди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). — *Биз ҳам фронтни ўйламасак, кўклардан бери пахтазордан чиқмай, бундай қилиб юрмасдик* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»).

Демак, ҳаракат ўтган замонга оид бўлганда ҳам, келаси замонга тааллуқли бўлганда ҳам *-р эди* формасининг асосий хусусияти муносабат ифодалашдир. Мана шу муносабат асосида, ҳаракат-ҳодиса келгусига оид бўлсагина, истак, хоҳиш маъноси ифодаланиши мумкин.

Ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлганда эса яна бошқа маънолар ифодаланади. Асосий нарса муносабат бўлганидан, кесими *-р эди* формасидаги гап мустақил содда гап формасида (кўринишида) қўлланса-да, *-р эди* формасидаги ҳаракатга алоқадор бўлган нимадир юз берганлиги ва шу нарсани ифодаловчи гап ҳам борлиги сезилиб тураверади:

*Бу замонда унинг онаси қандоқ бўлар эди экан* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). *Мен билан кеча бахшлашиб, 400 дан оширмоқчи эди.* — *Оширардим ҳам, сиз келгунча икки этак тўлдирган эдим* (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).

Бу икки мисолдаги феълни *-р эди* формасида қўллаш билан онанинг ҳозир йўқлиги (ўлганлиги), бирор сабаб (тўсиқ) натижасида 400 дан ошириш амалга ошмаганлиги ифодаланади.

Эргаш гапнинг кесими замон кўрсаткичига эга бўлмаган ҳолларда қўшма гап билдирган нарса-ҳодиса ўтган замон ёки келаси замонга оид бўлиши мумкин. Бу ҳодиса контекст ёки умумий ҳолатдан англашилиб туради. Эргаш гапнинг кесими *-са эди, -ган бўлса, -ган бўлса эди* каби формаларда қўллан-

ғанда, қўшма гап билдирган нарса ҳодиса, кўпинча, ўтган замонга оид бўлади. Лекин *-р эди* формасидаги ҳаракат келгусига оид бўлиши ҳам мумкин: *Келса эди, бориб кўрардик. Келган бўлса, бир бориб кўрар эдик.* Демак, эргаш гап кесимининг бундай формада қўлланиши *-р эди* формасининг маъносига таъсир этолмайди. Ҳатто, эргаш гапнинг кесими *-ган бўлса, -ган бўлса эди* формасида бўлганда, *-р эди* формасининг муносабат ифодаланиши жуда аниқ кўринади. Масалан, *келган бўлса, бориб кўрар эдик* дейиш билан *келган ёки келмаганликнинг аниқ эмаслиги* ифодаланмади. *Келган бўлса, бориб кўрамиз* дейилганда эса келганлик маълум бўлиши мумкин, яъни сўзловчи келганликни тингловчидан ёки кимдандир эшитиб, шу гапни айтиши мумкин.

Бош гапнинг кесими *-ган бўлар эди* формасида қўлланганда, қўшма гап билдирган нарса-ҳодиса ҳамма вақт ўтган замонга оид бўлади. Шу сабабли бундай ҳолларда ҳеч вақт хоҳиш, истак маъноси ифодаланмайди.

Контекст, умумий ҳолат ёки бошқа омиллар таъсирида ҳаракатнинг ўтган замонга оидлиги ифодаланавериши мумкинлигидан *-ган бўлар эди* формаси ўрнида ҳам, кўп ҳолларда, *-р эди* формасининг ўзи қўлланаверади. Лекин, биринчидан, *-ган бўлар эди* формаси қўлланганда, ҳаракатнинг ўтган замонга оидлиги аниқ ифодаланиб, туради: *борар эди — борган бўлар эди.* Иккинчидан, *-ган бўлар эди* формасида нутқ моментига нисбатан вақт оралиғи узоқроқ бўлиши мумкин:

*Уша вақтда оёқларингни маҳкам тирасанглар эди, дадам Гўлнорга уйланмаган бўларди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Агар сўзловчи шу гапни тўй бўлган ёки бўлаётган кунда айтса, *-маган бўлар эди* формасини эмас, *-мас эди* формасини қўллар эди (*уйланмас эди*).

*-ган бўлар эди* формасида вақт оралиғи нисбатан узоқ бўлиши сабабли бу форма қўлланган ҳолларда баъзан «шу вақтгача» деган маъно ҳам англашиб туради:

*Агар у (Йўлчи) келган бўлса, ўзини билдирган бўлар эди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Шундай ҳоллар ҳам бўладик, *-ган бўлар эди* формаси ўрнида *-р эди* формаси қўлланса, ҳаракат-ҳодисанинг ўтган замонга оидлиги ифодаланмай қолиши мумкин.

*Агар сизгам эди, самоварнинг оташдонига тушиб, кўмир ўрнига ёнар эдим. Жаббор кўсадан бир ҳовуч кул қолган бўлар эди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Бу мисолдаги охирги гап қўлланмаса ёки қолган бўлар эди формаси қолар эди формасида қўлланса, ҳаракат келгусига оид бўлиб қолади. Автор охирги гап кесимини *-ган бў-*

лар эди формасида қўллаш билан шу феъл билдирган ҳаракатнинг ҳам, олдинги гаплардаги ҳаракатларнинг ҳам ўтган замонга оидлигини (ҳозирга қадар бўлган вақтга оидлигини) таъкидламоқчи, яъни шу вақтгача юз бериши мумкин бўлган ҳаракат сифатида ифодаламоқчи.

Баъзан ўтган замонга оид ҳаракат-ҳодиса эмас, ҳозирга оид ҳаракат-ҳодиса нуқтаи назаридан гапирилаётганда ҳам *-ган бўлар эди* формасини қўллаш ҳоллари учрайди:

— *...Ижтимоий тараққиёт қонуниятини беш бармоқдай билиш керак, энг зарури — халқ хўжалигимизни планли пропорционал ривожлантириш объектив қонунлари билан қуролланиш керак.*

— *Бу назарий мулоҳазаларингизни майин жунли зотли қўйларни урчитиш устидаги ишларингизга олиб келиб боғлаганингизда а ж а б л а н м а г а н бўлардим (С. Анорбоев, «Оқсой»).*

Қўришиб турибдики, ажабланиш ҳам, уни келтириб чиқараётган «назарий мулоҳазалар» ҳам нутқ моментига бўлаётган ҳолат. Езувчи бу ўрнида *-ган бўлар эдим* формасини қўллаш билан баён қилаётган нарсасининг аниқлигини алоҳида таъкидламоқчи.

Ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлган ҳолларда қатъийликни (аниқликни) алоҳида таъкидлаш учун оғзаки нутқда *-р эди* формаси ўрнида *-ган эди* формасини қўллаш ҳоллари ҳам учрайди: *Мен келиб қолмаганимда, ҳамма нарсангдан айрилган эдинг.*

Қўшма гап билдирган нарса-ҳодиса ўтган замонга оид бўлган ҳолларда эргаш ёки бош гап кесимининг қайси шахсда бўлиши қўшимча маъно ёки қўшимча хусусиятлар келтириб чиқармайди. Ҳаракат-ҳодиса келгусига оид бўлган ҳолларда эса бош ёки эргаш гап кесимининг қайси шахс формасида бўлиши айрим қўшимча нозик маъноларни келтириб чиқариши мумкин.

Бош ва эргаш гапнинг кесимлари учинчи шахс формасида бўлганда, умуман эргаш гапдаги ҳаракат бажарилса, бош гапдаги ҳаракатнинг ҳам бажарилиши, лекин эргаш гапдаги ҳаракат бажариладими ёки бажарилмайдими — буниси номаълумлиги ифодаланади: *Бир ёмғир ёғса, далалар яшнаб кетар эди.*

Эргаш гапнинг кесими учинчи шахс, бош гапнинг кесими иккинчи ёки биринчи шахс формасида бўлганда ҳам, асосан, шу маъно сақланади. Лекин биринчи шахсда ҳаракат бевосита сўзловчининг ўзига оид бўлиши сабабли истак маъноси бир оз устунроқ туради.

Эргаш гапнинг кесими биринчи шахс, бош гапнинг кесими иккинчи ёки учинчи шахс формасида бўлганда ҳам маънода

деярли ўзгариш бўлмайди: *Битириб бера олсам, тезроқ қайтар эдинг. Битириб бера олсам, тезроқ қайтар эди.*

Эргаш гапнинг кесими иккинчи шахс, бош гапнинг кесими биринчи ёки учинчи шахс формасида бўлган ҳолларда илтимос, маслаҳат каби маънолар ҳам ифодаланади:

*Бўйш бўлсангиз, Мингўрикка қимизга борар эдик, — деди Али, — Тўла ака бияларини яйлоққа солибдир* (А. Қодирий, «Ўтган кунлар»). *Айтсангиз, хўп кулги бўлар эди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»).

Иккала гапнинг кесими иккинчи шахс формасида бўлганида, ҳаракатни бажаришга ундаш (қўзгатиш), шунга маслаҳат ифодаланади:

*Кун оққандан кейин жўнасанг, бир манзилга етиб олардинг* (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»).

Иккала гапнинг кесими биринчи шахс формасида бўлганида, истак, хоҳиш маъноси ифодаланади:

*Тўпаниса опам билан бирга бўлсам, иш билар эдим, гап билар эдим, тушунган хотин бўлар эдим...* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»).

Демак, хоҳиш, истак, ҳаракатни бажаришга ундаш каби маънолар ҳаракат келгусига оид бўлгандагина ва ҳаракатнинг қайси шахсга оидлиги таъсирида келиб чиқадиган маънолардир.

Гап умуман ҳозирги ҳолат нуқтаи назаридан бўлаётган бўлса, бош ва эргаш гаптаги ҳаракатнинг акс ҳолати мавжудлиги ифодаланади: *Сен яхши бўлсанг, ҳамма мақтар эди:*

*Баратов жинни бўлса-ку, сиз бунча қийналиб юрмасдингиз-а* (З. Фатхуллин, «Олтин куз»).

Демак, бундай ҳолларда бош гап кесимини *-р эди* формасида қўллашдан мақсад қўшма гап билдирган ҳаракат-ҳодисанинг акс ҳолати мавжудлигини ифодалашдир.

Ўтган замон ифодаламаган *-р эди* формасининг ўзига хос хусусияти, майлнинг бошқа бирор турини ҳосил қила олмаслиги мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келган ҳолларда яна ҳам очиқ кўринади<sup>78</sup>.

*-р эди* формаси мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда, истак маъноси ифодаланиши ҳам, ифодаланмаслиги ҳам мумкин. Лекин истак, хоҳиш ифодаланиши нисбатан кам учрайди:

<sup>78</sup> Жуда кўп ҳолларда (айниқса диалогларда) кесими *-р эди* формасидаги гап шаклан мустақил содда гап ҳолатида бўлса-да мазмунан бошқа гап билан боғланган ҳолатда бўлади, яъни мазмунан боғланган гап билан бир бутунликини (қўшма гапни) ҳосил қилади.

— *...телефон қилиб кўрсакмикан?*

— *Яхши бўларди* (З. Фатхуллин, «Олтин куз»). Мустақил содда гап деганда бундай ҳолатларни назарда тутмаймиз.

— *Иштингиз зарур эмасми, мен ҳам бормоқчи эдим. Бир отамлашардик (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»). Раҳмат сизга, муслмон комил одам экансиз. Биз қайдан билар эдик, бошлари оққан томонга қочарди кетарди (Ойбек, «Қутлуғ қон»). Қўдан буён ўтириша олмадик, бир китоб қарашса кўлар эдим, дейман мулла Муҳсин (А. Қодирий, «Обид кетмон»). Плитага чойнак қўйсанг ҳам бўлар эди (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).*

-р эди формаси мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда, фақат муносабат маъносигина ифодаланиши, истак, тахмин, мўлжал каби маънолар, шунингдек, ҳаракатни бажаришга қўзғатиш, маслаҳат каби маънолар ифодаланмаслиги мумкин.

*Ўзингизни бекор қийнабсиз-да... Мен ўзим олиб келардим... (П. Турсун, «Ўқитувчи»). Ўзим борар эдим-да, ҳали ҳам бўлса бориб ётинг! (Саид Аҳмад, «Ҳукм»).*

Биринчи мисолда -р эди формасини қўллашдан мақсад «сиз олиб келмаганингизда (сиз олиб келмасангиз), ўзим олиб келардим» деган маънони ифодалаш эмас. Шунингдек, сўзловчи хоҳиш, тахмин каби маъноларни ҳам ифодаламоқчи эмас. Бу ўринда -р эди формасини қўллашнинг асосий сабаби ҳаракатнинг бажарилиб бўлганлигида (бажариб қўйилганлигида). Энди бу ҳаракат ўтган замонга ўтди. Шу сабабли ҳозирги-келаси замон формасини қўллаб бўлмайди. Агар ҳаракат келгусига оид ҳолда бўлганида, *олиб келар эдим* формаси ўрнида *олиб келаман* формасини (*ўзим олиб келаман*) қўллаш мумкин бўлар эди. Иккинчи мисолда ҳам *ўзим борар эдим* формасини қўллаш билан сўзловчи ўзганинг ҳаракатига муносабат ифодалаяпти. Демак, *ёзувчи -р эди* формасини қўллаш билан, биринчидан, ҳаракатнинг бажарилиб бўлганлигини (бажариб қўйилганини) ва, иккинчидан, ўзи бажариши керак бўлган ҳаракатнинг ўзга томонидан бажариб қўйилганини ифодаламоқчи. Бундай ҳолларда ҳаракат бажарилишининг сўзловчи манфаатига мос ёки мос эмаслигига қараб миннатдорлик ёки норозилик каби маънолар ҳам англашилади. Лекин улар бевосита -р эди формасининг ўзига хос маънолар эмас.

-р эди формасининг фақат муносабат ифодалаш учун қўлланишини шу нарсада очиқ кўриш мумкинки, сўзловчи буйруқ-истақ майли формасини қўллаши керак бўлгани ҳолда, хушмуомалалик учун -р эди формасини қўллайди. Бундай ҳолларда феъл, одатда, -са бўлар эди формасида қўлланади:

*Жилла бўлмаса, ман келган кун ичкарида бўлсангиз бўларди (Ойбек, «Қутлуғ қон»). — Ҳар нечук, кўп хўжайинлик қилавермасалар ҳам бўларди (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»). Оғайни бизга тўғри тошингизни*

қўйсангиз бўлар эди (Н. Сафар, «Ҳаёт мактаби»).—  
*Бирга юрсангиз бўларди. Ахир бу жуда ҳам катта ма-*  
*сала.*

Буйруқ-истак майлининг биринчи шахс кўплик формаси истак билан бирга илтимос, даъват каби маъноларни ҳам ифодалайди: *берайлик, кўрайлик* каби. Агар бу форма ўрнида *-сак бўлар эди* формаси қўлланса, хушмуомалалик яна ҳам ортади, яъни «сенга маъқул бўлса», «хўп десанг» каби маънодаги муносабат ифодаланади:

— *Колхоз машинасида Фуломжонлар шаҳарга кетмоқда, шулардан қолмасак бўлар эди* (Ҳ. Нуъмон).

А. А. Юлдашев *-р эди* формасининг мустақил содда гапларда қўлланиши «сослагательное наклонение» формаси жуда кенг қўлланидиган рус тили ёки туркий бўлмаган бошқа тилларни яхши эгаллаган зиёлилар тили учун характерли, деб кўрсатади<sup>79</sup>. Ҳақиқатда ҳам рус тилидаги «сослагательное наклонение»га хос маънони мустақил содда гапнинг кесими *-р эди* формасида қўллаш орқали ифодалаш ҳоллари ўзбек тилида ҳам бор:

*Фақат икковларинг дўстлашиб, ўроқлашиб кетишларингни хоҳлардим* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»).

Лекин рус тили ёки туркий бўлмаган бошқа тил таъсирида бундай қўллаш, биринчидан, фақат биринчи шахс формасида, истак ифодаланган ҳоллардагина ва шунда ҳам жуда кам учрайди. Иккинчидан, бундай қўллашнинг бошқа тил таъсирида эканлиги (ҳозирги ўзбек тили учун умумий характерга эга эмаслиги) аниқ сезилиб туради. Келтирилган мисолдаги *хоҳлардим* формаси орқали ифодаланган маъно оддий сўзлашувда хоҳлайман формаси орқали ифодаланади. Учинчидан, тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган *-р эди* формасининг мустақил содда гап кесими вазифасида қўлланиши ўзбек тилининг ўзига хос (бошқа тил таъсирисиз юз берган) хусусиятларидан ҳисобланади. Шунинг учун ҳам *-р эди* формасининг муносабат ифодаловчи форма сифатида мустақил гапнинг кесими вазифасида қўлланиши оддий сўзлашувда ҳам, адабий тилда ҳам жуда кўп учрайди. (Буни юқоридаги мисолларда ҳам кўрдик.). Масалан, ёзувчи А. Қаҳҳор *-р эди* формасининг ўзбек тилидаги ўзига хос хусусиятини (муносабат ифодалаш хусусиятини) жуда яхши билгани учун уни қуйидаги мисолда жуда ўринли қўллаган:

*Нега сен ўз тўпингдан айрилиб қолдинг? Айрилганни бўри ер эди-ку!* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»).

Бу мисолда ёзувчи айрилганни *бўри ер* мақолининг кесими, *-р эди* (*ер эди*) формасида қўллаш билан «буни ҳамма,

<sup>79</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 253-бет.



жумладан сен ҳам билар эдинг-ку, нега билган ҳолда шундай қилдинг» каби маъно ифодаламоқчи. *Айрилганни бўри ейди-ку* дейилса, шу маъно таъкидланмайди. Бу мисолда рус тилидаги «сослагательное наклонение»га хос бўлган маънолар йўқ.

*-р эди* формаси тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган ҳолларнинг ҳаммасида ҳам (ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлганда ҳам) шу формадаги феъл билдирган ҳаракат бажарилмаган бўлади. Бунинг сабаби *-р эди* формасидаги *-р* формантининг келаси замон феъли «вакили» сифатида қатнашишидир. Келаси замон феълида бажарилмаган, бажарилиши келгусига оид бўлган ҳаракат ифодаланади. Демак, *-р эди* формаси тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган ҳолларда унинг таркибидаги *-р* бажарилмаганликни кўрсатувчи формант сифатида қатнашади. Бу маънодаги *-р эди* формаси *-ган эди*, *-ётган эди* каби формалар билан қиёсланса, таркибидаги *-р* нинг ҳақиқатда ҳам шу вазифада қатнашиши жуда кўринади. *-ган эди* формаси бажарилганликни ифодалайди. Бажарилганлик маъноси эса *-ган* формасига хос. *-ётган эди* формаси ўтмишдаги бирор моментда бажарилаётганликни билдиради. Бажарилаётганлик маъноси эса бевосита *-ёт* формантга хос. *-р эди* формасида ҳаракат йўқ ҳолда бўлади. Бу маъно эса *-р* формантга хос.

*-р эди* формасидаги *-р* бажарилмаганликни ифодаловчи формант сифатида қатнашиши сабабли бу маъно *-р* аффиксиз ҳам ифодаланиши мумкин бўлган ҳолларда фақат *эди* тўлиқсиз феълининг ўзини қўллаш орқали ҳам *-р эди* формаси орқали ифодаланадиган маънони баён этиш мумкин:

— *Қайин отангиз кўнса, кўчингизни олиб келсангиз ҳам маъқул эди, қатнаб юргандан...* (А. Қодирий, «Ўтган кунлар»). — *Тўғри, мен ҳам юқори ҳосил бердим, аммо илм билан бирга борганимда бундан ҳам кўпроқ беришим мумкин эди* (Х. Нуъмон, «Фасллар»). *Мен ҳам сенга эски бир мақолни айтишим мумкин эди. Лекин жуда кўпол бўлганидан айтишга тилим бормайди* (П. Турсун, «Ўқиувчи»).

*Келганинг маъқул, беришим мумкин* каби бирикувларда ҳам ҳали йўқ, келгусида бажарилиши мумкин бўлган ҳаракат ифодаланади. Шу сабабли булар *эди* тўлиқсиз феъли билан қўлланганда *-р эди* формасига хос маъно ифодаланади. Агар тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган *-р эди* формаси феълнинг маълум бир майл турини ҳосил қилади деб қаралса, *келганинг маъқул эди, келишинг мумкин эди, келса керак эди, келиши керак эди* каби формаларни ҳам майлнинг шу турига хос формалар деб қарашга тўғри келади. Ҳақиқатда эса бундай қилиб бўлмайди.

Юқорида кўрдикки, ҳаракат-ҳодиса келгусига онд бўлганда, маълум шарт-шароитда ҳаракатнинг юз бериши ифодаланмаган бўлса, *-р эди* формаси ҳозирги-келаси замон формаси билан алмаштирилиши мумкин. Ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга онд бўлганда, *-р эди* формасини ҳозирги-келаси замон формаси билан алмаштириши мумкин эмас. Чунки бунда бажарилмай қолганлик маъноси ифодаланмай қолади. Лекин сўзловчи ҳаракатнинг бажарилиши учун қандайдир бошқа ҳаракатнинг бажарилишини кейин билган бўлса, *эди* тўлиқсиз феъли ўрнида *экан* тўлиқсиз феълени қўллаш мумкин бўлади: *Эрталоқ келганимда, улгурар эканман*:

— *Шуни ўйламабман-да! Бўлмаса бир синиб кўрар эканман, — деди кулиб* (О. Ёқубов, «Ота изидан»). *Хайриятки, буларнинг Сайфуллани номини газетада кўрди-ю, исиридан қочган шайтондай қорасини кўрсатмай қўйди. Бўлмаса қори билан домла уни ҳам, «бу бола истеъдодли» деб қаторимизга ўтказиб қўяр экан* (П. Турсун, «Ўқитувчи»). *Рост, бу гапни худо кўнглимга солди, ўзига иситиб олган. Эссизгина, бун билганимда ўша ердан қайтарма қилдириб келар эканман... (А. Қаҳҳор, «Кўшчинор чироглари»). — Э, аттанг!.. кўллашиб келганимизда шу ерга қамаб олар эканмиз* (П. Турсун, «Ўқитувчи»). *Агар сизнинг чиқишингизни бир кун аввал билганимда, анча таяёргарлик кўрган бўлар эканман* (Мирмухсин, «Тунги чақмоқлар»).

Демак, *-р эди* формаси тугалланмаган ўтган замон ифодаланмаган ҳолларда бошқа бирор майлни ҳосил қилади деб қарайдиган бўлсак, у ҳолда *-р экан* формасини ҳам шу майлнинг кўрсаткичи деб қарашга тўғри келади. Чунки келтирилган мисолларда ҳам муносабат маъноси *экан* тўлиқсиз феъли орқали ифодаланаяпти. Шунинг учун уни тушириб қолдириши мумкин эмас.

*-р эди* формасининг тугалланмаган ўтган замон ифодаланмаган ҳоллардаги хусусиятлари ҳақида гапирганда яна бир ҳодисани айтиб ўтиш керак бўлади. *-р эди* формасининг муносабат ифодалаши шунга ҳам олиб келганки, у *-ми* таъкид юкламаси билан бирга шарт майли формасига хос маънода ҳам қўлланадиган бўлган. Бу ҳодиса, айниқса, жонли сўзлашувда кўп учрайди. Бундай ҳолларда *-ми* юкламаси *-р* аффикси билан *эди* тўлиқсиз феълнинг ўртасида қўлланади ва *эди* тўлиқсиз феълнинг биринчи (*э*) товуши тушиб, *ди* тарзида талаффуз этилади: *Аччиққина памил чой бўлармиди. Шу ишни қилиб ўтирганимда отанг келиб қолармиди каби*:

— *Бажосиз Мулла Обид! — дейди ва бурнига нос искаб олади, — энди шу меҳнатингизга юз аравагина гўнг ҳам*

бўларми д-я, худди келаси йил ерингизга одам экса ҳам битар эди (А. Қодирий, «Обид кетмон»).

-р эди формаси бу маънода қўлланганда ҳам шарт майли формасидан фарқланувчи ўзига хос моментлари бор. Биринчидан, бу формада таъкид кучли бўлади ва гап интонацияси ҳам шунга мос равишда кучлироқ бўлади. Иккинчидан, -рмиди формасидаги феъл билдирган ҳаракат амалга ошса, нима бўлиши сўзловчи ва тингловчи учун аниқлиги сабабли шу ҳаракат-ҳодисани билдирувчи гап, кўпинча, қўлланмайди. Лекин бу билан гап тугамагандек бўлмайди. Агар -рмиди формаси -са формаси билан алмаштирилса, фикр тугамаган ҳолатда бўлади. (Қиёсланг: *Шу ишни қилиб ўтирганингда отанг келиб қолармиди — Шу ишни қилиб ўтирганингда отанг келиб қолса.*) Натижада кейинги гапни ҳам келтиришга тўғри келади: *Шу ишни қилиб ўтирганингда отанг келиб қолса, калтак ер эдинг.*

Бу маънодаги -рмиди формасини шарт формаси билан алмаштириш учун эди тўлиқсиз феълени ёки қани эди, қани энди сўзларини ҳам қўллаш керак бўлади. *Аччиққина памил чой бўлармиди — Қани энди аччиққина памил чой бўлса.* Лекин булар ҳам ҳар жиҳатдан бир-бирини тўла қоплай олмайди.

Сўз охирида тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган -р эди формасининг қўлланишига доир бир масалага тўхтаб ўтайлик.

Ҳаракат-ҳодиса ўтган замонга оид бўлган ҳолларда -р эди формасидаги феъл билдирган ҳаракат сўзловчи манфаатига мос ёки зид, ёки сўзловчи манфаати нуқтаи назаридан нейтрал ҳолдаги ҳаракатлар бўлиши мумкин. Лекин ҳаракат-ҳодиса келгусига оид бўлганда, шу ҳаракат сўзловчи манфаатига мос бўлсагина, аниқроғи, сўзловчи манфаатига зид келмасигина бу ҳаракатни билдирувчи феъл -р эди формасида қўлланиши мумкин. Акс ҳолда, бош гапнинг кесими ҳозирги-келаси замон формасида қўлланади:

— *Мен бунни (балиқларни) бир ҳафтада ҳам тута олмас эдим, — деди Пирнафас ака севиниб* (Ж. Шарипов, «Хоразм»).

Агар балиқ тутиш ҳаракати келгусига оид бўлса, *тута олмас эдим* формаси эмас, *тута олмайман* формаси қўлланади.

Ҳаракат-ҳолат келгусига оид бўлганда, бу ҳаракат сўзловчининг манфаатига зид келувчи ҳаракат бўлса, -р эди формасини қўллаш мумкин эмас. Бунинг сабаби шу форманинг муносабат ифодалаш хусусияти таъсиридадир. Чунки -р эди формаси ҳаракатнинг бажарилишига имкон берувчи шарт, сабабга муносабат билдиради. Масалан, *Ҳозир йўлга чиқсанг, кечга қолмай етиб олар эдинг* деганда умуман шарт гапдаги

ҳаракат кечга қолмай етиб олишнинг шарти эканлиги эмас, шу билан бирга шарт гапдаги ҳаракатни бажаришга маслаҳат, ундаш ҳам ифодаланади. Агар шу маъно ифодаланмайдиган бўлса, *етиб олсан* формаси қўллаёнаверади. Демак, *-р эди* формасининг қўлланиши, асосан, маслаҳат, қўзғатиш тарзидаги муносабат ифодалаш учундир. Шундай экан, тингловчи ҳозир йўлга чиққан тақдирда унинг кетидан келадиган ҳаракат салбий характердаги (манфаатга зид) ҳаракат бўлса шу ҳаракатга сабаб бўлувчи ҳаракатни бажариш маслаҳат кўрилмайди. Шарт-сабаб тарзидаги ҳаракатни бажариш маслаҳат кўрилмас экан, асосий ҳаракатни билдирувчи феъл *-р эди* формасида қўлланилмайди. Шу сабабли салбий характердаги, манфаатга зид келувчи феъллар *-р эди* формасида қўлланганда, ҳеч қандай воситалар ёрдамисиз ҳам бу ҳаракатнинг ўтган замонга оидлиги англашилаверади: *ўлар эдим, қўлинг синар эди, улгуролмас эдим* каби. Демак, бундай ҳолларда ўтган замонга оидликни кўрсатувчи воситаларни қўллаш шарт бўлмайди ҳам.

Ҳаракат-ҳодиса келгусига оид бўлган ҳолларда *-р эди* формасининг қачон қўлланиши ёки қўлланмаслик хусусияти ҳақида яна бир нарсани айтишга тўғри келади. Маълумки, айрим ҳаракат-ҳодисалар табиий (объектив) равишда ўз вақтида юз беради. Масалан, қишда қор ёғади, кўкламда ёмғир ёғади ва ҳ. Бундай ҳаракатлар бошқа ҳаракатларни келтириб чиқарувчи шарт-сабаб тарзидаги ҳаракат бўлса, улар натижасида келиб чиқувчи ҳаракатни билдирадиган феълни хоҳлаган вақтда эмас, балки маълум ҳоллардагина *-р эди* формасида қўллаш мумкин бўлади. Масалан, қор ёғадиган вақт келмасдан бурун «Бир қор ёғса пахта ҳосили юқори бўлар эди» дейилмайди. Чунки ўз вақти келганда қорнинг ёғиши табиий (одатдаги) ҳодисадир. Шу сабабли, ҳали қор ёғадиган вақт келмай туриб унинг ёғиш-ёғмаслигига муносабат бўлиши («ёғармикин-йўқмикин» деган муносабат ифодалаш) мантқиққа тўғри келмайди. Агар қор ёғиш фаслида ёки бу фасл охирида даврларда бўлса, *-р эди* формасини қўллаш мумкин: *Яна бир қор ёғса, пахтага яхши бўлар эди*. Чунки бунда қорнинг ёғиши ёки ёғмаслиги ноаниқ. «Ёғармикин-йўқмикин» деган муносабат ифодалаш мумкин.

Агар ҳаракат-ҳолат ўтмишдагига қиёсан (нисбатан) олинадиган бўлса, шарт, сабаб тарзидаги ҳаракатнинг табиий равишда бажариладиган пайти келмасдан бурун ҳам унинг натижасида келиб чиқадиган ҳаракатни билдирувчи феълни *-р эди* формасида қўллаш мумкин. Масалан, январь ойда туриб «Ёмғир ёғса, ўтлар яхши ўсар эди» дейилмайди. Чунки кўкламда ёмғирнинг ёғиши табиий ҳол. Шунинг учун январь ойда туриб ёмғирнинг ёғиш-ёғмаслиги ҳақида гумон қилин-

майди. Агар бу йилги ёмғир ёғиши ўтган йилгига қиёсан олинадиган бўлса, ёмғир ёғиши натижасида келиб чиқувчи ҳаракатни билдирувчи феълни *-р эди* формасида қўллаш мумкин: *Бу йил ҳам ўтган йилдаги каби ёмғир ёғса, буғдойдан юқори ҳосил олинар эди*. Чунки, гарчи кўкламда ёмғир ёғиши аниқ бўлса-да, лекин ўтган йилдаги каби ёғиш-ёғмаслиги номаълумдир.

Демак, ҳаракат-ҳолат келгусига оид бўлган ҳолларда *-р эди* формасини қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги маълум объектив ва субъектив сабабларга ҳам боғлиқ. *-р эди* формаси қўлланганда, бирор ҳаракатнинг бажарилиши учун шарт, сабаб бўлган ҳаракатнинг юз бериши ноаниқ ҳолда ёки бундай шарт, сабаб бутунлай йўқ ҳолатда бўлади. *-р эди* формасини қўллаш билан, кўпинча, шарт, сабаб тарзидаги ҳаракат юз бериши эҳтимолдан узоқ экани таъкидланади:

*Бир ҳовуч майиз бўлса, роса баъзм бўларди-да* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Азиз ҳамшаҳарларим... Агар мен соғ бўлганимда ҳозир нима дейшимни ўзим билардим* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»). *Қуриб-кетгур арава бўлганда, дарров қишлоққа олиб кетар эдик* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). *Кўнса, қўрбошиларга бош қилиб қўяр эдим-а!* (З. Фатхуллин, «Ватан ишқи»).

Ниҳоят, ўтган замон ифодаламаган *-р эди* формасининг риторик сўроқли гапларда қўлланиши ҳам диққатни ўзига жалб этади. Бундай гапларда, кўпинча, *-р эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг инкори (акси) алоҳида таъкид билан ифодаланади<sup>80</sup>: *Нима қила олар эди?* (Ҳеч нарса қила олмайди) каби:

*Қайси мард уларни қутқарарди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Дунё шундай яратилган бўлса, мен нима ҳам қила олардим* (Н. Сафар, «Шарқ тонги»). *Майли, болам, шу тўққизтасининг қийноғи нима бўларди дейсан* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Ахир келажаксиз бугунни, ёки бугунсиз келажакни тасаввур қилиб бўлармиди* (Сайёр, «Бир кеча хаёли»). *Улимни писанд қилмаган одам қийноқдан қўрқармиди, афандим* (З. Фатхуллин).

Бундан ташқари, *-р эди* формаси риторик сўроқли гапларда қўлланганда, айтилаётган нарсанинг жуда аниқлиги, ўйлаб ўтирадиган жойи йўқлиги таъкидланади:

— *Хола, кўрган одам нима дейди... Анзират хола кулди.*

— *Нима дер эди, қизим, бола ярашпти дейди-да!* (А. Қаҳҳор, «Кўшчинор чироғлари»).

— *Қани қанақа қилиб бошлайсиз?*

— *Қанақа қилиб бошлар эдим? Урнимдан тураман,*

<sup>80</sup> Қаранг: А. А. Коклянова, Юқорида кўрсатилган асар, 95-бет.

мана, мана шундоқ туриб: «Ўртоқлар» дейман (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»).

-р эди формасининг бу хусусияти ҳам унинг муносабат ифодалаш ва риторик сўроқли гапларда айтилаётган нарсанинг инкорини таъкидлаш ҳодисаси таъсирида келиб чиққан. Шу сабабли айрим ҳолларда -р эди формаси ўрнида ҳозиргикеласи замон феълининг бўлишсиз формасини қўллаш мумкин бўлади: *Ким эшитар эди? — Ҳеч ким эшитмайди. Қаёққа борар эдим? — Ҳеч қаёққа бормайман.*

-р эди формаси тугалланмаган ўтган замон билдирмаган ҳолларда ифодаланганидан маънолар ва бунда -р эди формасининг қўлланишдаги асосий хусусиятлари ана шулардан иборат. Айтилганлар ва келтирилган фактларнинг ҳаммаси кўрсатадики, -р эди формаси рус тилидаги «сослагательное наклонение» формасига хос маъноларни ифодалаш мумкин, лекин фақат шу маъноларни англатиш билан чегараланмайди. -р эди формасининг рус тилидаги «сослагательное наклонение» формасига хос маъноларни ифодалашига қараб ўзбек тилида ҳам шундай майл тури бор дея олмаймиз. -р эди формаси деярли ҳамма вақт муносабат кўрсатади. Муносабат ифодаланиши сабабли ҳаракат-ҳодисанинг қайси замонга, қайси шахсга оидлиги ва шу каби факторларнинг таъсирида хоҳиш, маслаҳат, тахмин каби маънолар ҳам келиб чиқади. Бу маънолар бир-биридан бутунлай фарқланувчи маънолардир. Бинобарин, уларни майлнинг бирор турига хос маънолар ҳисоблаб бўлмайди. Шунингдек, улар -р эди формаси ҳамма вақт, ҳар қандай феъллар доирасида ифодалайдиган маънолар бўлмаганидан бевосита -р эди формасининг ўзига хос маънолари ҳисобланмайди. Шунинг учун тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган -р эди формасини, сунъий равишда, қандайдир майл турини ҳосил қилувчи форма сифатида чегаралаб қўйиш тўғри ҳам эмас ва бундай қилиш ўқиш-ўқитишда ҳам бирор ижобий натижа бермайди. -р эди формаси қандайдир бир майл турини ҳосил қилади деб эълон қилингани билан амалда уни исботлаб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайди. Бундан кўра, тугалланмаган ўтган замон ифодаламаган -р эди формаси қандай ҳолларда қўлланганда қандай маънолар ифодаланиши мумкинлиги ва унинг бу маъноларда қўлланишдаги хусусиятлари тўлалигича очиб берилса, ҳар жиҳатдан мақсадга мувофиқ бўлади.

-гувчи ЭДИ

Ҳозирги ўзбек тилига оид адабиётларда бу форма қайд этилмаган. Лекин у кам даражада бўлса-да, оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам қўлланади ва феъл билдирган ҳаракат—субъектнинг одатдаги, типик ҳаракати эканини билдиради:

Махдум ўз ишида қанча пишиқ бўлса ҳам, . . неча йиллик адоватларни икки оғиз ширин сўз ёки беш пуллик манфаат эвазига унутиб юборгувчи эди (А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»). Чунки у кўп ишда биринчи бўлишга интилгувчи эди, мақтаниш учун эмас, тўғри кўнгилда интилгувчи эди (Х. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). Эғнида ямоқ тўн, белида арқон, ҳамма вақт ерга қараб юргувчи эди (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

Ҳозирги ўзбек тилида одатдаги, типик ҳаракат маъноси, асосан, *-р эди* формаси орқали ифодаланади. Келтирилган мисоллардаги *-гувчи эди* формаси ўрнида ҳам *-р эди* формасини қўллаш мумкин.

*-гувчи* аффикси билан ясалувчи форманинг ҳозирги ўзбек тили учун характерли эмаслиги ва одатдаги, типик ҳаракат маъносининг *-р эди* формаси орқали ифодаланиши бу маънода *-гувчи эди* формасининг жуда кам қўлланишига сабаб бўлган факторлардир.

*-гувчи (-гучи)* аффикси тарихан сифатдош ясовчи актив формантлардан бўлган<sup>81</sup>. Ҳозирги ўзбек тилида бу аффикс сифатдош яшаш учун жуда кам қўлланади. Лекин қўлланган ҳолларда ҳам унинг ҳозирги ўзбек тили учун характерли эмаслиги сезилиб туради:

Ўз эри Чўлбобони алоҳида ҳурмат билан тилга олгувчи и бу аёлнинг бошидан нелар кечган? (Х. Фулом, «Сенга интиламан»).

*-гувчи* аффикси ифодалайдиган маъно ҳозирги ўзбек тилида *-(у)вчи*, *-диган* аффикслари орқали ифодаланади. Лекин шу нарса характерлики, *-гувчи* формасига нисбатан *-гувчи эди* формаси кўп қўлланади ва бу формани ҳозирги ўзбек тили учун характерли эмас дея олмаймиз. Бунинг сабаби бор албатта.

Биринчидан, *-гувчи* аффикси ифодалайдиган маънода ҳозирги ўзбек тилида *-(у)вчи*, *-диган* аффикслари қўлланади, лекин *-гувчи эди* формасидаги *-гувчи* форманти ўрнида *-(у)вчи* ёки *-диган* формантларини қўллаб бўлмайди. Ҳозирги ўзбек тилида *-гувчи эди* формаси маъносида *-увчи эди* формаси қўлланмайди, яъни *-увчи эди* формаси йўқ<sup>82</sup>. *-диган эди* фор-

<sup>81</sup> Қаранг: Э. Фозилов, Ўзбек тилининг тарихий морфологияси, Тошкент, 1965, 112-бет.

<sup>82</sup> Б. О. Орузбаеванинг кўрсатишича, ўзбек тилидаги *-гувчи эди* формаси маъносида қирғиз тилида *-чу эле (-чу эди)* формаси қўлланади. *-чу* аффикси эса ўтган замон формасини ясайди. (Қаранг: Б. О. Орузбаева, Формы прошедшего времени в киргизском языке, Фрунзе, 1955, стр. 36, 55.) Қонуний жиҳатдан ўтган замон формасига *эди (эле)* тўлиқсиз феъли бирикканда *-гувчи эди*, *-р эди* формаларига хос маъно ифодаланмаслиги керак. Лекин Б. О. Орузбаеванинг ишида қандай қилиб

маси эса маъно жиҳатдан *-гувчи эди* формасидан фарқланади.

Иккинчидан, *-гувчи эди* формаси айрим ҳолларда одатдаги, типик ҳаракат маъносини *-р эди* формасидан фарқли нозик бир оттенка билан ифодалайди. Бу форма шахснинг феълдан англашилган ҳаракатни бажариш одати борлигини таъкидлайди. *-р эди* формасида эса баъзи феъллар доирасида бу маъно таъкидланмаслиги мумкин:

*Дадаси кузда даладан қайтишда плашчини ё тўнни ана шундай «тўрва» қилиб, ичига қовун, тарвуз солиб келгувчи эди* (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). *Унинг олдига бириши билан борсангиз, бўлар-бўлмас ерда «иннайкейин» деб сўрайдиган одати бор эди. Ана шу иннайкейинга жавоб топиб бера олмасангиз, онангизни учқўрғондан кўрасиз. Қамчи билан елкага тушириб қолгувчи эди* (Ғ. Гулом, «Шум бола»).

Биринчи мисолда *-гувчи эди* формасини қўллашдан мақсад субъектнинг кузда даладан қайтишда доим тарвуз олиб келишини эмас, балки шу ҳаракатни бажариш одати борлигини ифодалашдир. Агар унинг ўрнида *-р эди* формаси қўлланса, ҳаракатни бажариш одати борлиги эмас, балки шундай ҳаракатнинг кузда даладан қайтишда доим бажарилиши ифодаланиб қолади. Демак, бу мисолда автор *-гувчи эди* формасини жуда ўринли қўллаган (иккинчи мисолда ҳам худди шундай).

*-гувчи эди* формасининг асосий хусусияти субъектнинг феълдан англашилган ҳаракатни бажариш одати борлигини ифодалаш бўлгани сабабли у, асосан, инсон ҳаракатини билдирувчи феъллар доирасида қўлланади: *Чунки одат, асосан, инсонларга хос хусусиятдир. Жонсиз предметларга хос ҳаракатни билдирувчи феъл -гувчи эди* формасида қўлланган бўлса, унинг ўринли эмаслиги сезилиб туради:

*У-бувисининг одатларини ўйлаб кўрганда, кўпи унга ёқарди. Фақатгина биттаси Қудратнинг ҳам, онасининг ҳам ғашини келтиргувчи эди* (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»).

Маънодаги ва қўлланишдаги ана шу нозик фарқли хусусият *-р эди* формаси билан бир қаторда *-гувчи эди* формасининг ҳам сақланишига (яшашига) сабаб бўлади. Ҳозирги ўзбек тили нуқтани назаридан сифатдош ясовчилар қаторида *-гувчи* аффикси берилмаслиги мумкин. Лекин *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи ўтган замон феъл формалари қаторида *-гувчи эди* формаси ҳам албатта берилиши керак.

---

*-чу эле* формасининг ўтган замондаги одатдаги, давомли ҳаракат маъносини ифодалашни очиб берилмаган. Бизнингча, *-чу эле* формасидаги *-чу* билан ўтган замон феъли ясовчи *-чу* аффикси бир бўлмаса керак.



-*гўвчи* эди формасида эди тўлиқсиз феъли борлигидан одат тарзидаги ҳаракатнинг умуман ўтган замонга оидлиги ҳикоя қилиниши ҳам мумкин, шунингдек, муносабат ифодаланиши ҳам мумкин:

У ўзи туғилдиб ўсган қишлоқнинг *гўзал* табиатини, *соф ҳавосию кумушдай сувларини* нечоғлик севмасин, баъзан тоғ иқлимининг «*инжиқлиги*»дан ранжиб қўйгувчи эди (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). Саудий ўқиганда Мунисхоннинг ҳар замон товуши чиқиб тургувчи эди. Бир соатдан ортиқ овози чиқмагани Саудийни шубҳага солди (А. Қаҳҳор, «Сароб»).

Биринчи мисолда «ранжиб қўйиш»нинг ўтмишда одатдаги ҳаракат бўлгани ҳикоя қилинади. Иккинчи мисолда эса муносабат ифодаланади. Шу сабабли кейинги гап тушириб қолдирилса, айтилмоқчи бўлган гап (фикр) тугамагандек бўлиб туради.

-*гўвчи* эди формасидаги ҳаракат одат тарзидаги ҳаракат бўлганидан маълум момент билан конкретлаштирилмайди (тўғрироғи, конкретлаштириш бўлмайди). Шу сабабли унинг логик муносабат ифодалаш учун қўлланишига нисбатан умуман ҳаракатнинг ўтмишга оидлигини ифодалаш учун қўлланиши кўпроқ учрайди.

-*гўвчи* эди формасида ҳаракатнинг бажарилиши маълум момент билан конкретлаштирилмаслиги сабабли бу форманинг пайт эргаш гап кесими вазифасида келиши ва эргаш гапни бош гапга боғлаш учун қўлланиши мутлақо учрамайди.

#### -МОҚЧИ ЭДИ

Ўзбек тилшунослигида бу формага муносабат ва унинг маъноси ҳақида айтилган фикрлар ҳар хил. *моқчи* эди формаси айрим ишларда умуман бирор грамматик маънони ифодаловчи форма сифатида берилмайди. Баъзи ишларда эса ўтган замон феъл формалари қаторида берилди<sup>83</sup>. Проф. А. Н. Кононов эса уни модал формалар қаторига киритади<sup>84</sup>. А. А. Юлдашев туркий тиллардаги *моқчи* эди, *моқчи бўлди* формаларини махсус майл формалари сифатида қарайди ва «формы наклонения намерения» деб атайди<sup>85</sup>.

Ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан *моқчи* эди формасини феълнинг махсус формаси сифатида бермаслик (махсус форма ҳисобламаслик) мумкин эмас. Чунки у оғзаки нутқда,

<sup>83</sup> Қаранг: А. Ҳ. Сулаймонов. Юқорида кўрсатилган асар, 22-бет; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Уша асар, 146-бет.

<sup>84</sup> А. А. Кононов, Юқорида кўрсатилган асар, 279-бет.

<sup>85</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 214—220-бетлар.

ҳам, ёзма нутқда ҳам жуда кенг қўлланади ва эди тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалган формалардан ўзига хос хусусияти билан фарқланади.

-моқчи эди формасининг эди тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи формалардан фарқли ва улар билан умумий бўлган хусусиятлари -моқчи аффикси билан эди тўлиқсиз феълининг хусусиятларидан келиб чиқади. Бу формада -моқчи аффикси ва эди тўлиқсиз феълига хос хусусиятлар сақланади. Шу сабабли бу формада, биринчидан, ҳамма вақт мақсад маъноси ифодаланади. Иккинчидан, эди тўлиқсиз феълига хос маънолар ҳам ифодаланади.

-моқчи эди формасида эди тўлиқсиз феъли қатнашиши сабабли ўтган замон маъноси ҳам ифодаланади. Лекин бунга қараб -моқчи эди формасини аниқлик майлининг ўтган замон формалари қаторига киритиб бўлмайди. Чунки -моқчи эди формасида ўтган замонда бажарилувчи ҳаракат эмас, балки мақсад тарзидаги ҳаракат ифодаланади. Шунга кўра, -моқчи аффикси мақсад майли формасини ҳосил қилувчи формант бўлганидек<sup>86</sup>, -моқчи эди ҳам мақсад майли формаси ҳисобланади.

Проф. А. Н. Қононов -моқчи эди формасида -моқчи аффикси билан эди тўлиқсиз феълига хос хусусиятлар сақланишини тўғри пайқайди ва ўтган замонда мақсад қилинган (лекин бажарилмаган) ҳаракатни билдиради деб кўрсатади<sup>87</sup>. Ҳақиқатда ҳам -моқчи эди формаси мақсаднинг ўтган замонга оидлиги маъносини билдиради. Лекин унинг маъно ва вазифаси фақат шу билан чегараланмайди.

А. Ҳ. Сулаймонов -моқчи эди формасининг маъноси ҳақида қуйидагиларни ёзади: «...бу феъл ишни бажариш учун туғилган истакнигина эмас, балки бажарилишига киришилган, аммо қутилмаган бир тўсиқликка учраш орқасида охиригача олиб борилмаган ва тўсатдан тўхтаб қолган иш-ҳаракатни ифодалайди»<sup>88</sup>.

-моқчи эди формасидаги феъл билдирган ҳаракат қутилмаган бирор тўсиққа учраш орқасида бажарилмай қолган ҳаракат бўлиши мумкин. Лекин «қутилмаган тўсиққа учраш» ва «тўсатдан тўхтаб қолганлик» каби маънолар бевосита -моқчи эди формасига хос маънолар бўлмай, контекст ёки бошқа воситаларга тааллуқли маънолар бўлади. -моқчи эди формаси қўлланган ҳолларда бундай маънолар ифодаланмаслиги ҳам мумкин:

<sup>86</sup> Бу ҳақда қаранг: А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 214—216-бетлар; А. Ҳожиев, -моқчи аффикси билан ясалган феъл формаси ҳақида, «Ўзбек тили ва адабиёти» журнали, 4-сон, 1966.

<sup>87</sup> А. А. Қононов, Юқорида кўрсатилган асар, 279-бет.

<sup>88</sup> А. Ҳ. Сулаймонов, Юқорида кўрсатилган асар, 26-бет.

— *Ҳа,* — деди Ҳасан одоб билан, — *ҳали яна учта-тўртта ўртоқлар келишмоқчи эди, улар ҳозир шу ўртада чўмилишиб юришувди (Ибохон, «Улуғ кун»). — Айтмоқчи, мактаб очмоқчи эдингиз, нима бўлди? (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). Мен сенга шуларни айтиб қўймоқчи эдим (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).*

Таркибидаги эди тўлиқсиз феълининг таъсирида -моқчи эди формаси қуйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади.

1. Мақсаднинг ўтган замонга оидлигини билдиради:

*Зулфиқоров ерга қараганича жим қолди, афтидан, бу саволга жавоб бермоқчи эмас эди. Саида жуда чарчаганини айтиб узр сўради. Зулфиқоров чойнакни олиб, эшик томон йўналди (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). Самоварчи сандиқ устидаги иккита кўрпанинг бирини олиб, ёстиқ билан Йўлдошбойнинг ёнига қўйди-да «алламаҳал бўлиб қолди, ётайлик» деди, ўзи эса ухламоқчи эмас эди (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).*

Бу формада ҳам, эди тўлиқсиз феъли билан ясалган бошқа формалардаги каби, мақсад қилинган вақт бевосита нутқ моментига нисбатан белгиланмайди, балки ўтган замондаги қайси вақтга оидлиги бошқа воситалар ёрдамида реаллашади.

2. Муносабат ифодалайди:

*Мен бу ерда Зокир отани танқид қилмоқчи эдим, лекин, йўлаб қарасам, танқидни ўзимдан бошлашим керак экан (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). Эртага қишлоғингга жўнамоқчи эдим. Яхшики ўзинг етиб келдинг... (Ойбек, «Қутлуғ қон»). Йўқ десангиз, катта йўлдан кетаверамиз, — деб машинани орқага бурмоқчи бўлдим, Сурайё қўлимни ушлади (У. Назаров, «Ғурур»). Бугун уйингга бориб сани бир уялтирмоқчи эдим, ойим Ҳафиза холаникига кетганлари учун қўзғололмадим (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).*

Бундай ҳолларда -моқчи эди формасидаги ҳаракатга муносабати бўлган нарса-ҳодисани билдирувчи гап қўлланмаса ҳам, лекин муносабатли нарса-ҳодиса борлиги сезилиб тураверади. (Келтирилган мисоллардаги охириги гапларни тушириб қўллаб кўринг.)

-моқчи эди формаси муносабат ифодалаган ҳолларда замон маъноси асосий ўринда бўлмайди:

*Татъно, эртага шаҳарга бормоқчи эдим, мен билан бирга бора олмайсизми? (И. Раҳим, «Ихлос»). Шу тўғрида мен сиз билан гаплашмоқчи эдим (Н. Сафар, «Шарқ тонги»).*

— *Келинг, меҳмон, йўл бўлсин?*

— *ГЭСага ўтмоқчи эдим (Сайд Аҳмад, «Иқбол чироқлари»).*

Бу мисолларда ўтган замон эмас, балки муносабат ифодаланган. *-моқчи эди* билдирган мақсад тарзидаги ҳаракат нутқ моментидан олдинга оид эмас. Сўзловчи шу гапни айтаётган вақтда ҳам ҳаракатни бажариш мақсади бор.

*-моқчи эди* формаси муносабат ифодалаши сабабли бу формада ҳам, худди *-ган эди*, *-ётган эди* каби формалардаги сингари, хушмуомалалик, камтарлик «сиз нима дейсиз», «маъқул кўрасизми» каби маънодаги муносабат ҳам англашиб туради. (Келтирилган мисолларга қаранг.)

3. Бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатади ва эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасини бажаради: *... (Элгелди) қора таёқни маҳкам чангаллаган қоқ қўлларига тикилиб, орқага тисарилмоқчи эди, девонанинг хириллаган овози тўхтади (А. Мухтор, «Қорақалпоқ қиссаси»)*. *У қозикдан элакни олиб, даҳлизга чиқмоқчи эди, кўча эшик очилганини, енгил оёқ шарпасини эшитиб қолди (Ш. Тошматов, «Тонгдаги кўланка»)*. *Чавандоз трубка жимиб қолганини кўриб, энди жойига қўймоқчи эди, тагин ўша овоз хириллади (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса»)*.

Бундай ҳолларда ҳам *-моқчи эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг мақсад тарзидаги ҳаракат экани маъноси йўқолмайди. Лекин қесими шу формадаги гап мазмун жиҳатдан пайт эргаш гап бўлади.

Бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатиш (эргаш гапни бош гапга боғлаш) бевосита *эди* тўлиқсиз феълига хос. Шунинг учун ҳам унинг ўрнида шу вазифадаги бошқа воситани ёки бошқа восита ўрнида *эди* тўлиқсиз феълни қўлаш мумкин бўлади:

*Сувонжон, чўчиб орқага қарамоқчи бўлганида, бошини эшикнинг кесақисига уриб олди (С. Анорбоев; «Оқсой»)*.

Бу мисолдаги *-моқчи бўлганида* формаси ўрнида *-моқчи эди* формаси қўлланса ҳам маъно ўзгармайди.

*-моқчи, эди* формаси орқали мақсаднинг ўтган замонга оидлиги ифодаланиши мумкин бўлса-да, лекин бу форма ҳақиқий маънодаги замон кўрсаткичи эмас. *-моқчи* формаси ҳаракатнинг ўзини эмас, балки уни бажариш мақсадини билдиради, шунингдек, *эди* тўлиқсиз феъли ҳам ҳаракат ифодаламаслиги сабабли *-моқчи эди* формасида ҳам бажарилиш процесси бўлмайди ва ҳаракатни бажариш мақсади ҳам аниқ бир момент билан конкретлаштирилмайди. Масалан, *ёзмоқчи эдим* формасида ҳаракатни бажариш мақсадининг ўтган замонга оидлиги ёки шу мақсад ҳозир ҳам борлиги аниқ ифодаланмайди. Бундан ташқари, *ёзмоқчи эдим* деганда мақсаднинг ҳозирга оидлиги маълум бўлиб турганда ҳам бу мақсад аниқ бир момент билан конкретлаштирилмайди. Шу сабабли

мақсад тарзидаги ҳаракатнинг бирор вақтга нисбатан бажарилиш моментини конкретлаштириш учун *-моқчи* аффикси билан *эди* тўлиқсиз феъли ўртасида *бўл* феълининг *бўлган*, *бўлаётган*, *бўлиб турган* каби формалари қўлланади: *айтмоқчи бўлган эди*, *айтмоқчи бўлаётган эди* каби:

... *ўтган умрига афсус қилиб ҳаётини бошқатдан бошлашга бел боғлаганини айтмоқчи бўлган эди*, *лекин бир нарсани андиша қилиб қолди* ... (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»). *Бургутдан бу одам ҳақида сўрамоқчи бўлиб турган эдим*, *Еғоч полвон гап бошлаб қолди* (Саид Аҳмад, «Чўл бургути»).

Демак, *бўл* феълени қўллаш билан ҳаракатни бажариш мақсади процесс ҳолига ўтади ва замон формаларининг ёрдамида бу мақсад маълум вақт моментига нисбатан конкретлаштирилади.

*-моқчи эди* формасида ўтган замон ёки муносабат ифодаланиши, шунингдек, бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтини кўрсатиш бевосита *эди* тўлиқсиз феълига хос. Буларнинг ҳаммасида *-моқчи* форманти мақсад маъноси билан қатнашади. Лекин *-моқчи* аффиксига хос маъно таъсирида *-моқчи эди* формасидаги феълнинг қўлланишдаги айрим ўзига хос хусусиятлар келиб чиқади.

Юқорида кўрдикки, *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалган феъл формаларининг айримлари умуман ҳаракатнинг ўтмишга оидлигини ифодалаш учун, баъзилари эса муносабат ифодалаш учун ёки эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида кўп қўлланади. *-моқчи эди* формаси эса муносабат ифодалаш учун кўп қўлланади. Бунинг сабаби шундаки, юқорида кўриб ўтганимиздек, *-моқчи* формаси ҳаракатнинг ўзини эмас, балки уни бажариш мақсадини ифодалайди. *Эди* тўлиқсиз феъли эса, асосан, ўтган замонга (ўтмишга) оидликни ифодаловчи элементдир, яъни «ҳозир эмас, аввал, илгари» деган маънони билдирувчи элементдир. Ҳаракатни бажариш мақсади ҳозир эмас, илгари эди деган сўз, ўз-ўзидан, ҳозир унга нисбатан қандайдир бошқа ҳодиса юз берганлигини келтириб чиқаради, яъни субъект ҳозир бу мақсаддан қайтган ёки унинг мақсади йўққа чиққан (амалга ошмаган) бўлиши мумкин ва ҳ. Демак, *-моқчи эди* формасидаги *-моқчи* аффиксининг мақсад билдириши, *эди* тўлиқсиз феълнинг «ҳозир эмас, аввал» деган маънога эгаллиги бу формада (*-моқчи эди* формасида) деярли ҳамма вақт муносабат ифодаланишига сабаб бўлади. Ҳақиқатда ҳам *-моқчи эди* формаси контекстан ташқари (бошқа сўзларсиз) қўлланса, деярли ҳамма вақт муносабат ифодаланиб туради: *бормоқчи эдим*, *айтмоқчи эди*. Шу сабабли *-моқчи эди* формасининг муносабат ифодалаш учун эмас, мақсад тарзидаги ҳаракатнинг ўтган замонга (илгарига) оид-

лигини ифодалаш учун қўллангани, асосан, контекстда реаллашади:

*Операцияни профессор Семенов қилмоқчи эди, мен унга ёрдамчи эдим. Бемордан хотиржам бўлиб, дам олиши учун уйга бордим Сурмахоннинг хархашаси-ю, мода жанжал билан соат икки ярим бўлди. Операцияга кечикдим...* (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»).

Бу мисолда барча ҳаракатнинг, жумладан *-моқчи эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг ҳам ўтган замонга оидлиги ифодаланган. Лекин *-моқчи эди* формаси билдирган мақсад тарзидаги ҳаракатнинг ўтмишга оидлиги кейинги гаплар орқали конкретлашади. Бу гаплар қўлланмаса, *-моқчи эди* формаси муносабат ифодалаётгандек, айтилмоқчи бўлган фикр тугамагандек бўлиб қолади.

### -ДИГАН ЭДИ

Ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда *-диган эди* формасига бўлган муносабат ва унинг ўзига хос хусусиятлари ҳақидаги фикрлар бир-бирига мос келмайди. Бу ҳодиса, биринчи навбатда, *-диган* аффикси билан ясалган феъл формасининг хусусиятини қандай тушунишдан келиб чиқади. Шу сабабли *-диган эди* формасининг ўзига хос хусусиятини тўғри ва осонроқ тушуниш учун *-диган* аффикси билан ясалган форманинг хусусиятига ҳам тўхтаб ўтишга тўғри келади.

А. Ғ. Ғуломов *-диган* формасини келаси замон давом феъли сифатида беради<sup>89</sup>. Лекин автор бу ишида *-диган эди* формасини махсус форма сифатида келтирмайди. Проф. В. В. Решетов *-диган* аффикси билан ясалган феъл формасини фақат ҳозирги-келаси замон сифатдоши сифатида талқин этади<sup>90</sup>. Проф. А. Н. Кононов эса *-диган* формасини ҳозирги-келаси замон сифатдоши ва модал форма деб, *-диган эди* формасини ҳам модал форма деб кўрсатади<sup>91</sup>. С. Усмонов *-диган* формасини келаси замон сифатдоши ва келаси замон мақсад феъли, *-диган эди* формасини эса ўтган замон мақсад феъли сифатида беради<sup>92</sup>. Проф. У. Турсунов, Ж. Мухторов ва Ш. Раҳматуллаевлар эса *-диган* аффиксини келаси замон сифатдоши ва келаси замон лозим феъли ясовчи формант деб қарайдилар<sup>93</sup>.

<sup>89</sup> А. Ғ. Ғуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 35-бет.

<sup>90</sup> Проф. В. В. Решетов, Уша асар, 181-бет.

<sup>91</sup> А. Н. Кононов, Юқорида кўрсатилган асар, 238, 280—281-бетлар.

<sup>92</sup> М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Юқорида кўрсатилган асар, 139-, 148- ва 146-бетлар.

<sup>93</sup> У. Турсунов, Ж. Мухторов, Ш. Раҳматуллаев, Юқорида кўрсатилган асар 65-, 77-бетлар.

Лекин бу ишда *-диган эди* формаси берилмаган. «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобида *-диган* формаси келаси замон сифатдоши ва келаси замон давом феъли деб берилди<sup>94</sup>.

Ана шу фактларнинг ўзиёқ *-диган* ва *-диган эди* формаларининг хусусиятлари қай даражада ўрганилганлигини яққол кўрсатади. *-диган* ва *-диган эди* формаларига бўлган муносабатларига қараб тилшунослар аввало икки гурпуага бўлинадилар: 1) махсус грамматик форма сифатида фақат *-диган* аффикси билан ясалган формани тан олувчилар; 2) *-диган эди* формасини ҳам тан олувчилар. Бундан ташқари, *-диган* аффикси билан ясалган форманинг асосий хусусияти ҳақидаги қарашларига қараб улар яна иккига бўлинадилар: 1) *-диган* формасини фақат сифатдош формаси деб қаровчилар; 2) шу билан бирга шахсли феъл формаси ҳам деб қаровчилар. Гапни ана шу энг кейинги масаладан, яъни *-диган* формаси фақат сифатдошми ёки у шахсли феъл формаси ҳамми деган масаладан бошлайлик.

*-диган* аффикси билан ясалувчи форманинг ҳозирги ўзбек тилида сифатдош эканига шубҳа йўқ. Ўзбек тилидаги сифатдошлар ҳақида гапирилган ишларнинг ҳаммасида ҳам бошқа сифатдош формалари қаторида *-диган* аффикси билан ясалувчи форма ҳам келтирилади. Лекин у сифатдошнинг қайси турига кирази? Бу масалада яна ҳар хил фикрларни учратамиз. Айрим ишларда у келаси замон сифатдоши деб берилса, бошқаларида ҳозирги-келаси замон сифатдоши деб кўрсатилади.

*-диган* формасидаги сифатдошнинг келаси замон сифатдоши бўлиши қонуний жиҳатдан ҳам мумкин эмас. Чунки у келаси замон феъли асосидан эмас, ҳозирги-келаси замон феъли асосидан ясалади. Масалан, *ишлайётган* формасида замон ифодаловчи асос *ишлайёт-* бўлганидан бу формада аниқ ҳозирги замон ифодаланади. (Қиёсланг: тошкент шеvasида — *ишлавот + кан*, андижон шеvasида — *ишлайп + кан*) *Ишлайдиган* формасида ҳам замон ифодаловчи асос — *ишлайди*<sup>95</sup>. *Ишлайди* формасидаги феъл эса, контекстга кўра, ҳозирги ёки келаси замон маъноларини ифодалайди. *Ишлайди* асосидан ясалган сифатдош ҳам (*ишлайдиган*) ҳозирги ёки келаси замон маъноларини ифодалай олади: *Бизнинг институтда ишлайдиган олимлар. Эртага келадиган меҳмонлар.*

<sup>94</sup> «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (коллектив), I, Тошкент, 1966, 327-ва 299-бетлар.

<sup>95</sup> Бу ҳақда авторнинг «Ўзбек тилида сифатдош» номли ишига қаранг. («Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журналы, 2-сон, 1962, 50—51-бетлар).

Замон ифодаланишига кўра *келадиган*, *ишлайдиган* сифат дошлари *келади*, *ишлайди* формасидаги ҳозирги-келаси замон феълларидан фарқланмас экан, ўз-ўзидан, уларни ҳам ҳозирги-келаси замон сифатдошлари деб қараш керак бўлади.

Энди *-диган* формасини шахсли феъллар қаторига киришиш мумкин ёки мумкин эмаслиги масаласига тўхтайлик. Бу форманинг шахсли феъл экани ўзбек тилига оид тўртта ишда эътироф этилади. Лекин бу тўрт ишда *-диган* формасининг маъноси ҳақида бир-бирига мос келмайдиган уч хил фикр айтилади. А. Ғ. Ғуломов бу формани келаси замон давом феъли деб атайди. Ж. Жўраева «Ҳозирги ўзбек адабий тили» номли ишда А. Ғ. Ғуломов томонидан айтилган фикрларни такрорлайди. А. Ғ. Ғуломов бу формадаги феълни «келаси замон давом феъли деб атагани билан у: 1) кўпинча субъектнинг доимий белгисини англатиб, конкрет бир замон билан чегараланмаганлик — умум замон хусусиятига эга бўлади...; 2) баъзан мўлжал, мақсад маъносини ифодалаш учун хизмат қилади: субъектнинг бирор ишни бажариш ниятида эканлигини билдиради»<sup>96</sup> деб таърифлайди. Кўринадики, қўйилган ном билан мазкур форманинг маъноси ҳақидаги фикр бир-бирига мос келмайди. Умуман ўзбек тилида ҳаракатнинг келгусида давомли тарзда юз беришини билдирувчи махсус форма йўқ. Шу жиҳатдан «келаси замон давом феъли» деган термин келаси замон феълларига нисбатан мос келмайди. *-диган* аффикси билан ясалувчи феъл формаси ҳам келгусида давомли тарзда юз берувчи ҳаракатни билдирмайди.

*-диган* формасининг мақсад ёки лозимлик маъносини билдиришига келсак, ҳақиқатда ҳам, бу формадаги феъл кесим вазифасида келганда у билдирган ҳаракат мақсад ёки лозим тарзидаги ҳаракат бўлиши мумкин:

*Серафима Федоровна қўйиб берса, Лориса унинг нормасини ҳам ўз зиммасига оладиган* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса...»). *Эртага Ботиралининг онасига жамоадан егулик олиб берадиганман* (Ҳ. Ғулом, «Машъал»).

Лекин бу маънолар контекст ёки бошқа факторлар таъсирида келиб чиқувчи маънолардир. *-диган* формасининг ўзи алоҳида олинганда бу маънолар аниқ ифодаланмайди. Масалан, келтирилган мисолдаги *зиммасига оладиган*, *олиб борадиган* формалари контекстдан ташқари олинганда, «зиммасига олмақчи», «олиб боришим керак» деган маънони аниқ ифодаламайди. Демак, *-диган* формаси бу маъноларни тўла қасб этган эмас. Бундан ташқари, *-диган* формаси кесим вазифаси-

<sup>96</sup> А. Ғ. Ғуломов, Юқорида кўрсатилган асар, 32-бет.



да келганда, мақсад маъноси ҳам, лозимлик маъноси ҳам ифодаланмаслиги мумкин:

*Қараса, халқ жонини жабборга бериб ишга чанг соляпти, унинг ёрдамисиз ҳам сув чиқариб бўладиган* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Шунга кўра, *-диган* формасини ҳозирги ўзбек тили нуқтаи назаридан мақсад ёки лозимлик маъносини ифодаловчи форма дея олмаймиз, бинобарин, шу маъноларни ифодаловчи келаси замон феъли ҳам дея олмаймиз. *-диган* формаси келаси замон феълининг қандайдир маънони система тарзида — доим ифодаловчи махсус формасига айланмаган.

*-диган* формасининг мақсад ёки лозимлик маъносини, шунингдек, келаси замон маъносини ифодаловчи формага айланиши учун, биринчидан, турмушда шунга талаб бўлиши керак, иккинчидан, *-диган* формасида шу маънони ифодаловчи воситага айланиш учун асос бўлиши керак. Шу нуқтаи назардан ёндашилганда ҳам *-диган* формасининг келаси замонни ифодаловчи формага айланишини, шунингдек, мақсад ёки лозимлик маъносини ифодаловчи формага айланишини исботлаб бўлмайди. Чунки бу форманинг ўзи келаси замон ифодаловчи *ишлайди*-, *келади*- типидagi феъл асосидан ясалгани ҳолда унинг яна келаси замон ифодаловчи формага (шахсли феъл формасига) айланиши учун бирор асос ҳам, сабаб ҳам йўқ. Шунингдек, бу форманинг ўзида лозимлик ёки мақсад маъносини ифодаловчи формага айланиш учун ҳам асос йўқ. Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек тилида мақсад ва лозимлик маъносини ифодаловчи форма ёки бошқа воситалар бўлгани ҳолда (*ишламоқчи*, *ишлаши керак каби*), яна шу маънони ифодаловчи бошқа форманинг яратилишига эҳтиёж бўлмайди.

Хуллас, *-диган* формаси ҳозирги ўзбек тилида келаси замон феълининг махсус турига айланмаган. Унинг ҳозирги келаси замон сифатдоши эканлиги эса умумий характерга эга.

Лекин *-диган* формасининг ҳозирги ўзбек тилида кесим вазифасида келиши, кўп бўлмаса-да, учраб турадиган ҳодиса ва бу қўлланиш оғзаки нутқ учун ҳам, ёзма нутқ учун ҳам нормал ҳолат ҳисобланади. Шундай экан, кесим вазифасида келган *-диган* формаси сифатдошми ёки шахсли феълми деган савол туғилади. Ана шу нарса очилса, *-диган* формасининг фақат ҳозирги-келаси замон сифатдоши экани ёки бошқа вазифани бажариш-бажармаслиги аниқ бўлиб қолади ва *-диган эди* формаси таркибида *-диган* формантининг қандай вазифада қатнашини белгилаш ҳам осонлашади.

*-диган* формасининг кесим позициясида қандай вазифада келишини ва келиши мумкинлигини осонроқ тушуниш учун

уни сифатдошнинг *-ган* ва *-ётган* формалари билан солиштириш керак.

*-ган* аффикси билан ясалувчи феъл формаси (*ишлаган* келган каби) сифатдош вазифасида келганда ҳам, ўтган замон феъли (шахсли феъл) вазифасида келганда ҳам замон маъноси *-ган* аффиксига хос бўлади. Агар бу формадан *-ган* аффикси олиб ташланса (*-ган* аффиксиз формада), замон ифодаланмайди. Шу сабабли *-ган* аффикси билан ясалувчи феъл формаси сифатдош вазифасида ҳам, шахсли феълларга хос вазифада ҳам келаверади. *-ётган*, *-диган* формаларида эса бошқачароқ ҳолни кўрамиз. Масалан, *ишляётган*, *келаятган* (шеваларда *ишлавоткан*, *кевоткан*, *ишляяккан*, *келяяккан*) каби формадаги сифатдошлар ҳозирги замон феъли асосидан (*ишляёт-*, *ишлавот-*, *ишляяк-* дан) ясалган. Шу сабабли аниқ ҳозирги замон феъли асосидан ясалган *ишляётган* (*ишлавоткан*, *ишляяккан*) формасидаги сифатдошлар яна аниқ ҳозирги замон феъли вазифасида (кесим вазифасида) қўлланмайди ва уни шу вазифада қўллаш учун ҳеч қандай эҳтиёж ҳам йўқ.

*-диган* формаси ҳам ҳозирги-келаси замон феъли асосидан ясалган. Унинг *-ган* аффиксидан қолган қисмининг ўзи (*ишлайди*, *келади* типидagi форма) ҳозирги-келаси замон феълига хос маъноларни ифодалайди. Ана шу феъл асосига *-ган* аффиксини қўшиш билан атрибутив форма ясалади. Маълум талаб билан ҳосил қилинган атрибутив формани яна кесимликка хос форма (*ишлайди*, *келади* типидagi форма) ўрнида қўллаш учун ҳеч қандай эҳтиёж йўқ, ҳатто, ортиқчадир. Демак, ҳозирги ўзбек тилида ҳозирги-келаси замон феълининг *ишлайди*, *келади* типидagi формаси мавжуд бўлгани ҳолда *-диган* формасининг кесим позициясида келиши оддий сўзлашув ва адабий тил учун умумий характерга эга экан, бу форманинг ҳозирги-келаси замон феълидан бошқа маънода қўлланиши қонунийдир.

*-ган эди* формасидаги *-ган* нинг ўтган замон феъли «вакили» *-ётган эди* формасидаги *-ётган* нинг аниқ ҳозирги замон феъли «вакили» сифатида қатнашиши айtilди. Шунга кўра *-диган эди* формаси таркибида *-диган* форманти ҳозирги-келаси замон феълининг «вакили» сифатида қатнашиши керак эди. Бироқ, кўриб ўтганимиздек, ҳозирги-келаси замон феълининг «вакили» сифатида *-р эди* формаси таркибида *-р* аффикси қатнашади. *-р эди* формаси жуда қадимдан мавжуд. *-диган эди* формаси эса нисбатан яқин даврларда пайдо бўлган. Демак, ҳозирги ўзбек тилида *-р эди* формасининг борлиги ва жуда кенг қўлланиши ҳам *-диган эди* формасининг қандайдир бошқа вазифада қўлланишини талаб этади ва *-р эди* формаси жуда қадимдан бор бўлгани ҳолда тилда яна *-диган эди* формаси ҳам юзага келар экан, у, қонуний равишда, *-р эди* фор-

масидан бошқа вазифани бажарувчи форма сифатида юзага келади.

Ҳозирги-келаси замон феълининг (*ишлайди, келади* каби), шунингдек, бу феъл асосидан ясалган (*ишлайдиган, келадиган* каби) сифатдошнинг асосий хусусиятларидан бири одатдаги, типик ҳаракатни ифодалашдир: *Колхозда ишлайдиган* йигит. Утган замонга оид одатдаги, типик ҳаракат тарихан ҳозирги-келаси замон сифатдоши ва ҳозирги-келаси замон феъли вазифасида келувчи *-р* аффикси билан ясалган формани *эди* тўлиқсиз феъли билан қўллаш орқали ифодаланади. Шу сабабли бу маънони ифодалашда *-р* аффикси ўрнида *-диган* форманти қўлланмайди. Лекин шуниси ҳам борки, ҳозирги ўзбек тилида *-р* аффикси билан сифатдош ясалиши жуда пассив ҳолга келган. Одатдаги, типик ҳаракатни атрибутив йўл билан ифодалашда *-диган* формасидаги сифатдош қўлланади: *Ҳар қандай мақтовга арзийдиган аёл.* (*Арзийдиган* формаси ўрнида *арзир* формасини қўллаб бўлмайди.)

Мақсад умуман предметнинг одатдаги, типик ҳаракатини ифодалаш бўлса, ҳозирги-келаси замон сифатдоши эмас, балки ҳозирги-келаси замон феълининг ўзи қўлланаверади. Бунинг учун ҳозирги-келаси замон сифатдошини кесим позициясида қўллаш шарт эмас. Лекин сифатдош формасида айтилаётган ҳаракат предметнинг (шахснинг) белгиси сифатида таъкидланади. Шу сабабли бирор феъл билдирган ҳаракат предметнинг одатдаги хусусияти, белгиси сифатида ифодаланадиган бўлса, ҳозирги-келаси замон сифатдоши кесим позициясида қўлланади. Қиёсланг: *Ишнинг кўзини билади — Ишнинг кўзини биладиган.* (Демак, бунда *-диган* формаси феъл кесим эмас, балки «сифатдош кесим» бўлади<sup>97</sup>.) Айниқса бундай характердаги ҳаракат ўтмишга оид бўлса, *-диган* формасининг қўлланиш даражаси ортади. Масалан, ҳаракат-ҳолат мансуб бўлган шахс ҳозир бор (ҳаёт) бўлса, унинг бу ҳаракат-ҳолатини ифодалаш учун ҳозирги-келаси замон сифатдоши ёки ҳозирги-келаси замон феълини қўллаш мумкин: *Бу киши ишнинг кўзини билади — Бу киши ишнинг кўзини биладиган.* Лекин бу ҳаракат-хусусиятга эга бўлган шахс ҳозир йўқ, вафот этган бўлса, унинг бу хусусиятини ифодалашда ҳеч вақт ҳозирги-келаси замон феъл формасидан фойдаланиб бўлмайди, балки ҳозирги-келаси замон сифатдош формасидан фойдаланилади: *Ишнинг кўзини биладиган эди* (лекин *ишнинг кўзини билади эди* дейилмайди).

<sup>97</sup> «Феъл кесим», «сифатдош кесим» терминлари шартли равишда, яъни шахсли феъл формасидан ва сифатдош формасидан бўлган кесим маъносига қўлланди.

Одатдаги, типик ҳаракат ўтган замонга оид бўлса, *-р эди* формаси орқали ифодаланади. Бунда ҳаракатнинг одатдаги, типик ҳаракат экани бевосита *-р* формасига хос маъно ҳозирги ўзбек тилида *-диган* формасидаги сифатдошга хос маънодир. Лекин *-диган эди* формаси таркибидаги *-диган* форманти худди шу маънони ифодалаш учун эмас, балки бу ҳаракатни белги-хусусият тарзида ифодалаш учун қўлланади. Шу сабабли *-диган эди* формаси *-р эди* формаси билан алмаштирилса, маънода маълум даражада ўзгариш бўлади:

*Саидийнинг берадиган бир оғиз маълумоти қиз учун бутун оламнинг хирожига арзийдиган эди* (А. Қаҳҳор, «Сароб»). *Урта Осиёнинг кўп шаҳарларидан шунча меҳмон келдики, булардан бир қисмининг келтирган тўяналарини пулга чаққанда, оддий тўйлардан ўнгасининг харажатини кўтарадиган эди* (А. Қаҳҳор, «Сароб»).

Бу икки мисолдаги *арзимоқ*, *кўтармоқ* феъллари *арзир эди*, *кўтарар эди* формасида қўлланса, замон маъноси ҳам, бу ҳаракатнинг бажарилиш жиҳатдан хусусияти ҳам ўзгармайди. Лекин *-диган эди* формасида шу ҳаракатлар предметнинг белгиси, хусусияти тарзида ифодаланади. *-р эди* формасида эса ҳаракатга хос хусусият устун туради.

*-диган* формасида ҳаракат субъектнинг белгиси сифатида ифодаланиши сабабли маълум ҳолларда *-диган эди* формасидаги *-диган* ўрнида *-р* аффиксини қўллаб бўлмайди. Бундай ҳолларда *-диган* формасидаги сўзга нисбатан феълларга бериладиган сўроқ эмас, сифатларга нисбатан қўлланадиган сўроқ («қандай?» сўроғи) берилади:

*Чиндан ҳам Тўланинг авзойи у р а д и г а н э д и* (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

*Демак, -диган эди* формаси, *-р эди* формасидан фарқли ҳолда, умуман ўтган замонга оид бўлган одатдаги, типик ҳаракатни эмас, бирор феъл билдирган ҳаракатни субъектнинг белги-хусусияти тарзида ифодалаш учун қўлланади. Аниқроқ қилиб айтганда, *-диган эди* формаси таркибида *-диган* форманти ҳозирги-келаси замон феълнинг «вакили» сифатида эмас, ҳозирги-келаси замон сифатдошининг «вакили» сифатида қатнашади. Бундай тарзда ифодаланиши мумкин бўлган ҳаракатлар эса кўп эмас. Шу сабабли бу маънода *-диган эди* формасининг қўлланиши ҳам кам учрайди.

*-диган эди* формаси таркибида *-диган* форманти бу маънода қатнашганда *эди* тўлиқсиз феъли шу феъл билдирган ҳаракатнинг умуман ўтган замонга оидлигини ифодалашни ҳам, шунингдек, муносабат ифодалашни ҳам мумкин. Бу нарса контекстда реаллашади. Масалан, *Ишнинг кўзини биладиган эди* гапи ўтмишдаги бирор шахс ҳақида ҳикоя қилинаётганда қўлланиши ҳам, шунингдек, ҳозиргина вафот этган ёки бошқа

коллективга кетадиган бўлиб қолган шахс ҳақида гапираётганда ҳам қўлланиши мумкин.

-диган формаси атрибутив вазифада қўлланган ҳолларда ҳаракатнинг келгусига оидлигидан бошқа қўшимча маънолар ҳам ифодаланиши мумкин. Масалан, *келадиган одам* бирикмасидан ҳаракатнинг келгусига оидлигидан ташқари «келишни мақсад қилган одам» («келмоқчи бўлган одам»), «келиши керак бўлган одам» маънолари ҳам англашилади. Бу маънолардан қайси бири асосий эканлиги (қайси бири ифодаланаётганлиги) умумий ҳолатдан реаллашади. Масалан, агар келиш ҳаракати бажарувчининг ихтиёри билан юз берадиган бўлса, *келадиган* формаси орқали «келмоқчи бўлган» маъноси ифодаланади. Келиш ҳаракати бошқа шахс (шахслар)нинг талаби, буйруғи билан бажариладиган бўлса, *келадиган* формаси орқали «келиши керак бўлган» («келиши лозим бўлган») деган маъно ифодаланади<sup>98</sup>:

*Худди бир айтган гапини эсдан чиқаргандай, иккови ҳам дадил қадам ташлаб кетолмас эди* (А. Қаҳҳор, «Сароб»). *Бор ухла. Эрта саҳарда ишга чиқадиган одамсан* (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироглари»).

Келаси замон маъносига эга бўлган *-диган* формаси кесим позициясида келаси замон маъносини ифодалаш учун қўлланилмайди. Агар мақсад ҳаракатнинг келгусига оидлигини билдириш бўлса, бу маъно ҳозирги-келаси замон феълининг ўзи орқали ифодаланаверади. *-диган* формаси кесим позициясида, асосан, мақсад, лозимлик маъноларида қўлланади. Шу жиҳатдан кесим позициясидаги *-диган* формасини аниқлик майлининг келаси замон формаси (умуман, «келаси замон феъли») дея олмаймиз. Кесим позициясидаги *-диган* формаси ҳам, худди *-р эди* формаси каби, бажарилиши мумкин бўлган, лекин қандайдир сабаб билан бажарилмай қолган ҳаракатни ёки маълум шарт-шароит юз берса келгусида бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатни ифодалар эди. Бироқ *-диган эди* формасида ҳам *-диган* форманти мақсад ёки лозимлик маъноси билан қатнашади:

*Муниҳоннинг тўйи шу йилнинг кузида бўладиган эди* (А. Қаҳҳор, «Сароб»). *Аслида, Ленинградга мен борадиган эдим* (А. Қаҳҳор, «Картина»).

*-диган эди* формаси билдирган ҳаракат бирор сабаб билан бажарилмай қолган бўлиши ва кесими *-диган эди* формасидаги гап бажарилмаганликнинг сабабини билдирувчи гап

<sup>98</sup> Туркий тилларнинг айримларида ҳам сифатдошнинг бу тури (турли фонетик вариантларда) шундай ёки шунга яқин маъноларга эга. Қаранг: Н. А. Баскаков, Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы, сб. «Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков», II, Морфология, М., 1956, стр. 227.

билан бир бутунликни (қўшма гапни) ташкил этиши мумкин. Бундай ҳолларда *-диган эди* формаси *-р эди* формасига хос маънода қўллангандек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай бўлмайди:

*У (Махмуджон афанди) отиладиган эди, бироқ кимлардир жонига ора кирди* (А. Қаҳҳор, «Сароб»).

Бу мисолдаги *отиладиган эди* феъли билдирган ҳаракат бажарилмай қолган ҳаракат. *-диган эди* формаси *-р эди* формаси билан алмаштирилса ҳам шу маъно ўзгармайди. Лекин *-диган эди* формаси бажарилмай қолганликни эмас, балки бажарилиши керак бўлганликни билдиради.

*-диган* формаси ҳаракатнинг бажарилиши аниқлигини ифодаламаслиги сабабли *-диган эди* формаси қўлланган ҳолларда, биринчидан, ҳаракатнинг ҳали бажарилиши мумкинлиги инкор этилмайди. Иккинчидан, шу ҳаракатнинг бажарилишига бирор тўсқинлик борлиги (ёки бўлганлиги) ҳам ифодаланмайди. Шу сабабли бундай ҳолларда *-диган эди* формаси ўрнида *-р эди* формасини қўллаб бўлмайди:

— *Канизак қачон келади?*

— *Келадиган эди, билмадим... уяламаң дейди* (А. Қаҳҳор, «Кўшчинор чироглари»).

Бу фактларнинг ҳаммаси *-диган* формаси кесим позициясида келаси замонни ифодалаш учун қўлланмаслигини, шунингдек, *-диган эди* формаси доирасида ҳам келаси замон феълининг вакили сифатида қатнашмаслигини; балки модал маъноларни ифодаловчи форма сифатида қўлланишини кўрсатади.

*-диган* формаси кесим позициясида келганда мақсад, лозимлик маънолари ифодаланиши мумкинлигидан қатъий назар, *-диган* формаси тўла маънода шу маъноларни ифодаловчи формага айланган дея олмаймиз. Чунки, биринчидан, мақсад ва лозимлик маънолари бутунлай бошқа-бошқа маънолардир. Иккинчидан, *-диган* формаси мақсад ёки лозимлик маъносини тўла даражада касб этмагани сабабли контекстан ташқарида шу маънолардан бирини доим аниқ ифодалаб туролмайди. *-моқчи, -ши керак (-ши лозим)* формалари эса ҳеч қандай восита ёрдамисиз ҳам мақсад, лозимлик маъносини аниқ ифодалайверади: *келмоқчи, келиши керак (келиши лозим)*. *-диган* ва *-диган эди* формасида ифодаланадиган мақсад ёки лозимлик маъноси ҳаракатнинг бажарувчига бўлган муносабатидан мантиқан келиб чиқувчи маънолардир. Масалан, *келадиган одам* бирикмасида *келадиган* сифатдоши ҳаракатнинг келгусида бажарилишини билдиради. Бу ҳаракат бажарувчининг ўзи мақсад қилган ёки умуман (хоҳласа-хоҳламаса) бажарилиши керак бўлган ҳаракат бўлади. Демак, *келадиган одам* деганда мантиқан ана шундай маънолар ке-

либ чиқади. Мантиқан келиб чиқувчи бу маънолар *-диган* (*-диган эди*) формасининг қўлланиши билан ҳам боғлиқлигидан мазкур формани кесим позициясида мақсад ёки лозимлик маъносида қўллаш учун имкон беради ва шундай қўллаш ҳозирги ўзбек тилида бошланган. Лекин *-диган* формаси бу маънолари ҳам тўла даражада касб этмаган. Бинобарин, мақсад ёки лозимлик маъносини ифодалашда *-диган* (*-диган эди*) формаси универсал тарзда қўлланавермайди. Тўғриси, қўллана олмайди.

Бундан ташқари, *-моқчи* (*-моқчи эди*), *-ши керак* (*ши керак эди*) формаларида мақсад ва лозимлик маънолари алоҳида таъкидланади. *-диган* (*-диган эди*) формасида эса бу даражада бўлмайди. Мақсад ёки лозимлик маъноси ҳаракатнинг бажарувчига бўлган муносабатидан келиб чиқиши сабабли бу маънолар махсус таъкидланмайди ва айрим ҳолларда *-диган* (*-диган эди*) формасининг мақсад ёки истак ифодалаш учун қўлланиши аниқ бўлмай қолади: *Розилик берадиган эди*. (*Розилик бермоқчи эди* ёки *розилик бергиси бор эди* маъносида.)

*-диган* формасида мақсад ёки лозимлик алоҳида таъкидланмаслиги сабабли бу ҳаракатнинг бажарилиши қатъий тарзда қўйилмайди. Шу хусусиятига кўра *-диган* формаси қатъий талаб, буйруқ тарзидаги ҳаракатларни ифодалашда қўлланилмайди. Аксинча, *-диган* формасида ҳаракатни бажаришни маслаҳат, истак каби муносабатлар ифодаланади. Қиёсланг: *Уша ерларга боришинг керак* — *Уша ерларга борадигансан*. *-ши керак* формасида ҳаракатнинг бажарилиши лозимлик даражасидан мажбурлик даражасигача бўлиши мумкин. *-диган* формасида эса лозимлик даражасидан истак, маслаҳат даражасигача бўлиши мумкин.

*-диган* (*-диган эди*) формаси ана шу хусусиятлари билан ёзма нутққа нисбатан оғзаки нутқда (тўғрироғи, оддий сўзлашувда) кўпроқ қўлланади:

*-диган эди* формасида *-диган* форманти мақсад ёки лозимлик маъносида қатнашганда, кўпинча, муносабат ифодаланади. *-диган эди* формасининг мақсад тарзидаги ёки бажарилиши керак бўлган ҳаракатнинг ўтмишга оидлигини ҳикоя қилиш учун қўлланиши деярли учрамайди. Сабаби шуки, *-диган эди* формасидаги *-диган* мақсад ёки лозимлик ифодалайди, *-эди* тўлиқсиз феъли эса «аввал», «илгари» деган маънони билдиради. Демак, *эди* тўлиқсиз феълнинг қўлланиши мақсад қилинган ёки бажарилиши керак бўлган ҳаракатнинг ҳозирга бирор муносабатини ифодалаш талаби билан бўлади.

Хулоса қилиб айтганда, *-диган эди* формаси таркибида *-диган* форманти ҳозирги-келаси замон феълнинг вакили сифатида қатнашмайди. *-диган* формаси кесим позициясида ё бел-

ги-хусусият тарзидаги ҳаракатни («сифатдош кесим» ҳисобланади) ёки мақсад, лозимлик маъносини билдиради. *-диган эди* формаси таркибида ҳам худди шу маъноларда қатнашади. *-диган* формасининг кесим позициясида қўлланиши (шунингдек, *-диган эди* формаси) ўзбек тилида жуда янги ҳодиса. Шу сабабдан мазкур форма кесим позициясида қўлланганда ифодаланадиган маъноларни ҳам тўла даражада қасб этмаган. Тил тараққиёти бу форманинг маъно тараққиётида қандай ўзгаришларга олиб келади — буни келажак кўрсатади.

-гин эди<sup>99</sup>

*Эди* тўлиқсиз феъли буйруқ-истак майли формасига бирикканда ҳам тўлиқсиз феъл ва буйруқ-истак майли формасига хос хусусиятлар йўқолиб кетмайди. Лекин уларга хос барча маънолар сақланмайди ҳам. Бу ҳодиса буйруқ-истак майли формаси билан *-эди* тўлиқсиз феълнинг ўзаро маъно муносабатидан келиб чиқади.

*Эди* тўлиқсиз феъли буйруқ-истак майли формасига бирикканда ифодаланадиган маъно ҳақида «Ҳозирги ўзбек адабий тили» китобида қуйидагилар айтилади: «Тўлиқсиз феълнинг *эди* шакли буйруқ майлидаги феълларга қўшилиб келганда, ҳаракатнинг бажарилмай қолгани, бунинг учун сўзловчининг ачиниши, афсусланиши каби маъноларни англатади: *кутиб туринг эди, кутиб тура туринг эди . . .*»<sup>100</sup>.

Лекин бу форманинг асосий хусусияти ҳаракатнинг бажарилмай қолгани учун сўзловчининг ачиниши, афсусланишини ифодалаш эмас. *Кутиб тура туринг эди* формасида *тура тур* кўмакчи феъли ва иккинчи шахс ҳурмат билдирувчи (*-нг*) форманинг қўлланиши таъсирида қисман шундай маъно ифодалангандек кўринади. Лекин *кутиб тура туринг эди* формаси ачиниш, афсусланиш ифодаловчи форма дея олмаймиз. *Кутиб тур эди, кутиб тургин эди, кутиб турсин эди* формаларида эса бундай маъно бутунлай йўқ. Ҳозирги ўзбек тилида ҳаракатнинг бажарилмай қолгани учун ачиниш, афсусланиш *-са бўлар экан, -ганинга бўлар экан* каби формалар орқали ифодаланади: *Борсанг бўлар экан. Борганида бўлар экан.*

*Эди* тўлиқсиз феъли буйруқ-истак майлининг иккинчи ва учинчи шахс формаси билангина қўллана олади: *ишла эди (ишлагин эди, ишланг эди), ишласин эди* каби.

А. А. Юлдашев туркий тиллардаги *-син эди* формасини *-гай эди, -а (-э) эди* формалари билан бир гурпуага киритади

<sup>99</sup> *Эди* тўлиқсиз феъли буйруқ-истак майли иккинчи шахсининг *ол, олинг* каби формасига, шунингдек, учинчи шахс (*олсин*) формасига ҳам бирикади. Сарлавҳада фақат *-гин эди* формасини келтирдик.

<sup>100</sup> «Ҳозирги ўзбек адабий тили» (коллектив), I, Тошкент, 1966, 320-бет.



ва истак майли формалари («формы желательного наклонения») деб атайди<sup>101</sup>. Бунинг бошқа туркий тилларга нисбатан қай даражада асосли экани бизга унчалик аниқ эмас, лекин ўзбек тили нуқтаи назаридан *-син эди* формасини истак майли формаси деб бўлмайти.

Ҳозирги ўзбек тилида буйруқ майлининг учинчи шахс формаси истак маъносида ҳам қўлланади: *Ниятига етсин. Бир ашула айтиб берсин. Тезроқ тузалиб кетсин*. Лекин *-син эди* формаси истак ифодалаш учун қўлланмайди (истак маъносига эга эмас). Шу сабабли келтирилган гаплардаги феълларни *-син эди* формасида қўллаш мумкин эмас. («*Ниятига етсин эди*» дейилмайди.)

А. А. Юлдашевнинг кўрсатишича, туркий тилларда *-син эди* формаси орқали ифодаланган истак контекстга кўра ўтган замон, ҳозирги замон ёки келаси замонга оид бўлиши мумкин<sup>102</sup>. Лекин ўзбек тилида *-син эди* формасидаги феъл билдирадиган ҳаракатнинг бажарилиши фақат ўтган замонга оид бўлиши мумкин. Бу нарса *-син эди* формасининг истак ифодаламаслик хусусиятидан келиб чиқади.

Умуман, ҳозирги ўзбек тилида буйруқ-истак майлига *эди* тўлиқсиз феълнинг бирикишидан ҳосил бўлган форманинг бажарилмай қолган ҳаракат учун сўзловчининг ачиниши маъносини ифодаловчи форма сифатида қўлланиши, шунингдек, *-син эди* формасининг истак ифодаланиши объектив ҳолда мумкин эмас. *Эди* тўлиқсиз феълнинг буйруқ-истак майли биринчи шахс формаси билан қўлланмаслик сабаби ҳам ана шунда.

Буйруқ-истак майли формасида ҳаракатни бажариш истаги, ҳаракатни бажаришга ундаш, буйруқ каби маънолар ифодаланади. Ҳаракатнинг бажарилиши мантиқан келгусига оид бўлади. Бу форма билан *эди* тўлиқсиз феълнинг қўлланиши натижасида ўтган замон маъноси ифодаланади. Демак, буйруқ-истак формаси ва *эди* тўлиқсиз феълнинг маъно хусусияти таъсирида *-гин эди*, *-син эди* каби формаларда ҳаракатнинг бажарилмаганлиги, бўлишсиз формада эса — бажарилганлиги маъноси келиб чиқади: *келсин эди* (келмаганлик), *келмасин эди* (келганлик). Лекин буйруқ-истак формасини *эди* тўлиқсиз феъли билан қўллаш фақат шу маънони ифодалаш учунгина эмас. *Эди* тўлиқсиз феълни қўллаш билан бу формада муносабат ифодаланади, яъни шу формадаги феъл билдирган ҳаракатнинг истак, хоҳиш тарзидаги бошқа ҳаракатга муносабати борлиги ифодаланади. Субъект шу ҳаракатнинг бажарилишини хоҳлар экан (ёки хоҳламас экан), *-гин эди* (*-син эди*, *-нг эди*) формасидаги феъл билдирган ҳаракат-

<sup>101</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 207—213-бетлар.

<sup>102</sup> Уша асар, 213-бет.

йи бажариши керак эди (ёки бажармаслиги керак эди) деган маъно ифодаланади. Шу сабабли *-гин эди, -син эди* каби формалар мадаги феъл қўлланган гаплар олдида, кўпинча, шарт маъносини билдирувчи гаплар ҳам қўлланади (Қўлланмаган тақдирда ҳам шундай маъно англашилаверади):

*Бунақа экан, мажлисининг охиригача ўтиринг, нимани ўйлаб усмонжонни таклиф қилганлигининг коммунистларга айтгин эди* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). *Унақа олифта бўлса, келмасин эди* (А. Қаҳҳор, «Қўшчиноқ чироғлари»). *Айтгин эди, айб ўзингда* (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

Демак, *эди* тўлиқсиз феъли буйруқ-истак формаси билан қўлланганда, қуйидаги ҳодисаларни кўриш мумкин: биринчидан, бу формадаги феъл билдирган ҳаракат субъект истаган бирор ҳаракатнинг амалга ошиши учун бажарилиши лозим бўлган ҳаракат бўлади. Иккинчидан, бундай ҳолларда ҳам исталган, ихтиёр этилган ҳаракат бўлади. Лекин бу ҳаракат *-гин эди, -нг эди, -син эди* формасидаги феъл билдирган ҳаракат эмас, балки унга муносабатдаги қандайдир бошқа ҳаракат бўлади. Учинчидан, буйруқ-истак формаси билдирган истақ, хоҳиш сўзловчининг хоҳиши, истаги бўлади: *олгин, айтсин. Эди* тўлиқсиз феъли қўлланганда ифодаланадиган истақ эса ҳаракат субъектининг истаги бўлади: [*Буни истаса*] *эртароқ келсин эди*. Тўртинчидан, бу формада субъект истагининг амалга ошиши учун айтилаётган ҳаракатнинг бажарилиши керак бўлгани ифодаланибгина қолмайди. Бунда субъект ўз хоҳишининг амалга ошиши учун керак бўлган ҳаракатни бажармаганликда айбланади, яъни бунинг учун айбдор ҳаракат субъектининг, ўзи эканлиги ифодаланади. («Хоҳлар экан, нега шундай қилмади» деган маъно ифодаланади.) Бу формада *эди* тўлиқсиз феъли қўлланиши сабабли айтилаётган нарсалар ҳодисанинг аниқ тарзда экани таъкидланади. Буйруқ-истак майли биринчи шахс формасининг *эди* тўлиқсиз феъли билан қўлланмаслиги ана шу сабаблидир. Чунки сўзловчи ўз истагининг амалга ошиши учун бирор ҳаракатни бажарилиши кераклигини аниқ билса, албатта, шу ҳаракатни бажаради. Демак, сўзловчининг хоҳиши ўзининг айби билан амалга ошмай қолган бўлса, у нарсадан кейин воқиф бўлган бўлади. Бу маъно эса (кейин билганлик маъноси) *экан* тўлиқсиз феъли ёрдамида *-сам бўлар экан* формаси орқали ифодаланади: *борсам бўлар экан. Экан* тўлиқсиз феъли муносабат ифодаласлиги сабабли *-й экан* формасининг ўзидан шарт-сабаб маъноси келиб чиқмайди ва шу маънони ифодаловчи *-са* формаси келтирилади. Агар бажарувчи иккинчи ёки учинчи шахс бўлганида ҳам шарт-сабаб тарзидаги ҳаракатнинг бажарилиши кераклиги кейин билинган бўлса, *-са бўлар экан, -санг бўлар экан* формаси қўлланади.

Буйруқ-истак майлининг иккинчи шахси уч хил формага эга: *айт, айтгин, айтинг*. -нг аффикси билан ясалувчи форма хурмат («сизлаш») билдирилган ўринларда қўлланади ва *эди* тўлиқсиз феъли қатнашган ҳолларда ҳам шу маъноси билан қўлланаверади. Иккинчи шахснинг *-гин* аффикси билан ясалувчи формаси нисбатан кам қўлланади. Лекин *эди* тўлиқсиз феъли қатнашган ҳолларда эса иккинчи шахснинг формал кўрсаткичга эга бўлмаган формасига нисбатан *-гин* аффикси билан ясалувчи формаси кўп қўлланади, яъни *айт эди* формасига нисбатан *айтгин эди* формаси кўп қўлланади. Бу нарса таъкидни кучлироқ ифодалаш талаби билан бўлса керак (грамматик кўрсаткич йўқ ҳолатга нисбатан шундай кўрсаткич бор ҳолатда таъкид кучлироқ бўлади). Бундан ташқари, талаффузда бир хиллик бўлиши талаби ҳам *-гин эди* формасининг кўп қўлланишига сабаб бўлса керак, яъни *-гин* формаси қўлланганда, ҳамма феъллар доирасида ҳам *эди* тўлиқсиз феъли олдида бир хил фонетик ҳолат бўлади. *-гин* форманти қўлланмаса, фонетик ҳолат ҳар хил бўлади. Чунки айрим феъллар ундош билан (*айт, кел, кес*), айримлари унли билан (*ишла, тинчи*) тугайди. Шунингдек, феъл охиридаги ундош ёки унли товушлар ҳам бир хил бўлавермайди. Бундай факторлар таъсирида *эди* тўлиқсиз феълнинг биричи товуши (*э*) ва феълнинг охиридаги товушнинг талаффузи ҳар хиллашиб кетади. Иккинчи шахснинг *-гин* формаси қўлланса, ана шу ҳодиса содир бўлмайди.

Буйруқ-истак майлининг иккинчи шахс формаси сўзловчининг алоҳида туйғусини, ҳис-ҳаяжонини, айтаётган нарсасининг жуда «бошқача» эканини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Агар айтилаётган нарса бошқа бирор нарсага қиёсландирилган бўлса, иккинчи шахс буйруқ-истак формаси икки марта қўлланади ва биринчиси *-у (-ю)* юкламаси билан қўлланади. *Эди* тўлиқсиз феъли шу маънодаги иккинчи шахс буйруқ-истак феъли билан қўлланганда, ҳаракат-ҳодисанинг ўтган замонга оидлиги ифодаланади, холос:

*Қаёққа кетаётганини сўрадим. Қирдаги лолани кўринг эди-ю, Асалхонни кўринг эди. «Тезроқ борай, опагон кутаётгандир...» дейди қизи тушмагур (Ҳ. Фулом).*

Риторик сўроқли гапларда буйруқ-истак майлининг учинчи шахс формасида ҳаракатнинг инкори ифодаланади: *Қаердан билсин (билмайди). Қандай ишласин (ишлай олмайди).* *-син эди* формасида ҳам шундай маъно ифодаланиши мумкин. Бундай ҳолларда *-син эди* формаси-мас *эди* формаси билан алмаштирилиши мумкин:

*Ўзи пайдо бўлмагандир-ку, бирор киши ўйлаб чиқармаганда, радио қандай бўлсин эди (Н. Сафаров, «Олияхон Султонова»).*

Демак, бунда *-син* формасига ҳос хусусият сақланади. Эди тўлиқсиз феъли шу ҳаракат-ҳодисанинг ўтган замонга оидлигини билдиради. Лекин *-син эди* формасининг риторик сўроқли гапларда қўлланиши *-син* формасининг шундай гапларда келишига нисбатан кам учрайди.

#### -СА ЭДИ

Феълнинг бу формаси туркий тилларнинг жуда кўпчилигида бор ва маъноси ҳам, асосан, бир-бирларига мос келади.

*-са эди* формаси мустақил гапнинг кесими ёки қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши мумкин. Лекин бу икки ҳолатда ифодаланадиган маъно бир хил эмас.

*-са эди* формаси эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, шарт ёки бошқа маъноларни ифодалаши мумкин. Мустақил содда гапнинг кесими вазифасида қўлланганда эса истак маъноси ифодланади. Қуйидаги икки мисолни қиёсланг:

*Агар у бизнинг ёнимиздан топилса эди, юз жонимиздан бир жонимиз қутилмас, ҳаммамиз ўлдирилар эдик* (С. Айний, «Қўллар»). *Тезроқ бу маросимлар тугай қолса эди, менинг ҳам жоним тинчиб, оғзимга овқат тегса эди* (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

Кесими *-са эди* формасидаги гап ташқи кўринишдан мустақил содда гапга ўхшаши мумкин. Лекин бундай ҳолларда мазкур гапнинг мустақил содда гап ёки мустақил гап эмаслигини белгилашда мазмунни ҳам асосга олиш керак бўлади. Ташқи кўринишдан мустақил содда гап ҳолидаги гап мазмунан бошқа нарса-ҳодисани билдирувчи гап билан алоқадор бўлиши мумкин. *-са эди* формасидаги ҳаракатга алоқадор бўлган нарса-ҳодиса умумий ҳолатдан аниқ бўлганидан бу нарса-ҳодисани билдирувчи гап қўлланмаслиги ва унинг борлигини билдирувчи белги (масалан, уч нуқта) қўйилмаслиги ҳам мумкин:

*Буни бир кўрсанг эди, Эртоев! Бир кўриб қўйсанг эди буни, лаънати Эртоев!* (О. Ёқубов, «Эр бошига иш тушса...»).

Бу гап ташқи кўринишдан мустақил гапга ўхшайди, лекин мазмунан мустақил эмас (Эртоев кўрса, нималар бўлиши сезилиб турибди). Бундай гапларни мустақил гап сифатида олмадик.

*-са эди* формасининг мустақил содда гап кесими вазифасида ифодалайдиган маъноси билан эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда билдирадиган маъноси бир хил бўлмаганидан бу икки ҳолатни алоҳида-алоҳида олиб текширайлик.

1. Мустақил содда гапнинг кесими вази-  
фасида келганда. Туркий тиллар грамматикасига оид  
адабиётларда мустақил содда гапнинг кесими вази-  
фасида келган *-са* ва *-са эди* формасининг шарт маъносини эмас, ис-  
так маъносини ифодалашни айтилади. Лекин шу маънодаги  
бу формалар алоҳида майл турини ҳосил қилувчи формалар  
сифатида берилмайди.

Проф. А. К. Боровков ўзбек тилидаги шарт ифодаламаган  
*-са эди* формасини «сослагательное наклонение»га хос маъно-  
ни ифодаловчи форма деб қарайди ва шу майл ҳақида гапир-  
ганда, *-са эди* формасини ҳам келтиради<sup>103</sup>.

Б. Хўжаев туркман тилидаги *сады -седу (-са эди)* форма-  
сини «шарт-орзу формаси» деб атайди<sup>104</sup>.

А. А. Юлдашев яна ҳам бошқачароқ фикр баён этади.  
Унинг кўрсатишича, хаёл қилинган (хаёл тарзидаги) истак  
маъносини ифодалаш учун махсус *-са эди* формаси борлиги,  
хоҳлаган феълдан шу маънони ифодаловчи форма ясалиши  
мумкинлиги ва бу маънодаги *-са эди* формасини аниқлик май-  
ли ёки бошқа майл доирасида қўллаб бўлмаслик — булар-  
нинг ҳаммаси *-са эди* формасини мустақил майл кўрсаткичи  
сифатида ажратиш учун етарли асос бўла олади<sup>105</sup>.

Лекин бу ўринда бир нарсани ҳисобга олиш керак бўла-  
ди. Мустақил гапнинг кесими вази-фасида келган *-са эди* фор-  
масининг шарт ифодаламай, истак ифодалашига қараб икки  
хил майл формаси ёки бир майл формаси экани ҳал этилади-  
ган бўлса, бу масала аввало *-са эди* формаси доирасида эмас,  
балки *-са* формасининг ўзи доирасида ҳал этилиши керак.  
Чунки фақат *-са эди* формаси эмас, *-са* формасининг ўзи ҳам  
мустақил гапнинг кесими вази-фасида келганда истак, мас-  
лаҳат тарзидаги истак каби маъноларни ифодалайди. Бу ҳо-  
дисани оддий сўзлашувда ҳам, ёзма нутқда ҳам, фольклор  
асарларида ҳам жуда кўп учратиш мумкин:

*Сизнинг эшигингиздан кирсам, беодоблик бўлса ҳам  
ойнадан боқсам. Сиз бирор оппоқ қоғоз устида қалам юр-  
гизаётган бўлсангиз. Кўрсам-у яна Москвага учиб  
келсам... (Сайёр, «Бир кеча хаёли»). «Йўлда чарчаб қолган  
кўринасиз, уйингизга кириб бир оз дам олсангиз (И. Ра-  
ҳим, «Ихлос»). Гўрўглининг юртидан хабар олиб, вақтини  
топсак, лашкар тўртсак, бир қон тўкишиб кўрсак,*

<sup>103</sup> А. К. Боровков, Краткий очерк грамматики узбекского языка, Узбекско-русский словарь, М., 1959, стр. 709.

<sup>104</sup> Б. Хўжаев, Туркмен дилинде ишлигин шерт формасынын ула-  
нылышы ве манылары, «Туркменистан ССР ылымлар академиясы дил би-  
лими институтынын ишлери», Ашхабад, 1962, 67-бет.

<sup>105</sup> А. А. Юлдашев, Юқориде кўрсатилган асар, 233—234-бетлар.

Демак, бунда *-син* формасига хос хусусият сақланади. Эди тўлиқсиз феъли шу ҳаракат-ҳодисанинг ўтган замонга оидлигини билдиради. Лекин *-син эди* формасининг риторик сўроқли гапларда қўлланиши *-син* формасининг шундай гапларда келишига нисбатан кам учрайди.

-СА ЭДИ

Феълнинг бу формаси туркий тилларнинг жуда кўпчилигида бор ва маъноси ҳам, асосан, бир-бирларига мос келади. *-са эди* формаси мустақил гапнинг кесими ёки қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши мумкин. Лекин бу икки ҳолатда ифодаланадиган маъно бир хил эмас.

*-са эди* формаси эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, шарт ёки бошқа маъноларни ифодалаш мумкин. Мустақил содда гапнинг кесими вазифасида қўлланганда эса истак маъноси ифодаланади. Қуйидаги икки мисолни қиёсланг:

*Агар у бизнинг ёнимиздан топилса эди, юз жонимиздан бир жонимиз қутилмас, ҳаммамиз ўлдирилар эдик* (С. Айний, «Қуллар»). *Тезроқ бу маросимлар тугай қолса эди, менинг ҳам жоним тинчиб, оғзимга овқат тегса эди* (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

Кесими *-са эди* формасидаги гап ташқи кўринишдан мустақил содда гапга ўхшаши мумкин. Лекин бундай ҳолларда мазкур гапнинг мустақил содда гап ёки мустақил гап эмаслигини белгилашда мазмунни ҳам асосга олиш керак бўлади. Ташқи кўринишдан мустақил содда гап ҳолидаги гап мазмунан бошқа нарса-ҳодисани билдирувчи гап билан алоқадор бўлиши мумкин. *-са эди* формасидаги ҳаракатга алоқадор бўлган нарса-ҳодиса умумий ҳолатдан аниқ бўлганидан бу нарса-ҳодисани билдирувчи гап қўлланмаслиги ва унинг борлигини билдирувчи белги (масалан, уч нуқта) қўйилмаслиги ҳам мумкин:

*Буни бир кўрсанг эди, Эртоев! Бир кўриб қўйсанг эди буни, лаънати Эртоев!* (О. Ёкубов, «Эр бошига иш тушса...»).

Бу гап ташқи кўринишдан мустақил гапга ўхшайди, лекин мазмунан мустақил эмас (Эртоев кўрса, нималар бўлиши сезилиб турибди). Бундай гапларни мустақил гап сифатида олмадик.

*-са эди* формасининг мустақил содда гап кесими вазифасида ифодалайдиган маъноси билан эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда билдирадиган маъноси бир хил бўлмаганидан бу икки ҳолатни алоҳида-алоҳида олиб текширайлик.

1. Мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда. Туркий тиллар грамматикасига оид адабиётларда мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келган *-са* ва *-са эди* формасининг шарт маъносини эмас, истак маъносини ифодалаши айтилади. Лекин шу маънодаги бу формалар алоҳида майл турини ҳосил қилувчи формалар сифатида берилмайди.

Проф. А. К. Боровков ўзбек тилидаги шарт ифодаламаган *-са эди* формасини «сослагательное наклонение»га хос маънони ифодаловчи форма деб қарайди ва шу майл ҳақида гапирганда, *-са эди* формасини ҳам келтиради<sup>103</sup>.

Б. Хўжаев туркман тилидаги *сады -седи (-са эди)* формасини «шарт-орзу формаси» деб атайди<sup>104</sup>.

А. А. Юлдашев яна ҳам бошқачароқ фикр баён этади. Унинг кўрсатишича, хаёл қилинган (хаёл тарзидаги) истак маъносини ифодалаш учун махсус *-са эди* формаси борлиги, хоҳлаган феълдан шу маънони ифодаловчи форма ясалиши мумкинлиги ва бу маънодаги *-са эди* формасини аниқлик майли ёки бошқа майл доирасида қўллаб бўлмаслик — буларнинг ҳаммаси *-са эди* формасини мустақил майл кўрсаткичи сифатида ажратиш учун етарли асос бўла олади<sup>105</sup>.

Лекин бу ўринда бир нарсани ҳисобга олиш керак бўлади. Мустақил гапнинг кесими вазифасида келган *-са эди* формасининг шарт ифодаламай, истак ифодалашига қараб икки хил майл формаси ёки бир майл формаси экани ҳал этиладиган бўлса, бу масала аввало *-са эди* формаси доирасида эмас, балки *-са* формасининг ўзи доирасида ҳал этилиши керак. Чунки фақат *-са эди* формаси эмас, *-са* формасининг ўзи ҳам мустақил гапнинг кесими вазифасида келганда истак, маслаҳат тарзидаги истак каби маъноларни ифодалайди. Бу ҳодисани оддий сўзлашувда ҳам, ёзма нутқда ҳам, фольклор асарларида ҳам жуда кўп учратиш мумкин:

*Сизнинг эшигингиздан кирсам, беодоблик бўлса ҳам ойнадан боқсам. Сиз бирор оппоқ қоғоз устида қалам юргизаётган бўлсангиз. Кўрсам-у яна Москвага учиб келсам... (Сайёр, «Бир кеча хаёли»). «Йўлда чарчаб қолган кўринасиз, уйингизга кириб бир оз дам олсангиз (И. Раҳим, «Ихлос»). Гўрўглининг юртидан хабар олиб, вақтини топсак, лашкар тортсак, бир қон тўкишиб кўрсак,*

<sup>103</sup> А. К. Боровков, Краткий очерк грамматики узбекского языка, Узбекско-русский словарь, М., 1959, стр. 709.

<sup>104</sup> Б. Хўжаев, Туркмен дилинде ишлагин шерт формасынын уланылышы ве манылары, «Туркменистан ССР ылымлар академиясы дил билими институтынын ишлери», Ашхабад, 1962, 67-бет.

<sup>105</sup> А. А. Юлдашев, Юқорида кўрсатилган асар, 233—234-бетлар.

*Гўрўғлини бандга келтирсак ё ўлдирсак, ё айтгани мизга кўндирсак...* («Интизор»).

-са формасининг истак ифодалаш учун қўллаиши умуми характерга эгалигидан ўзбек тили грамматикасига оид ишларда ҳамма вақт қайд этилади. Бу ҳодиса ўзбек тилида ва бошқа туркий тилларда ҳам жуда қадимдан мавжуд ҳодисалардан ҳисобланади<sup>106</sup>. Демак, истак майли ва бошқа бирор мустақил майл ҳақида гапириладиган бўлса, аввало -са формасининг шундай майл турини ҳосил қилувчи форма экани ёки ундай эмаслиги ҳақида гапириш керак бўлади. -са эди формасидаги эди тўлиқсиз феъли истак маъносини келтириб чиқармайди. Бу маъно эди тўлиқсиз феъли қўшилгунга қадар ҳам бўлади<sup>107</sup>. Тўғри, -са эди формаси -са формаси билдирган истакнинг худди ўзини ифодаламайди (бу ҳақда кейинроқ гапираимиз). Лекин шунинг ўзига қараб -са эди формаси, -са формасидан фарқли ҳолда, махсус майл турини ҳосил қилувчи форма дея олмаймиз. Чунки -са эди формасида ҳам, озми-кўпми даражада, -са формасига хос хусусият (истак ифодалаш) сақланади. Демак, -са эди формаси шарт маъносидан бошқа маъно ифодалашига кўра қандайдир махсус майл турини ҳосил қилади деб қараганда ҳам уни шарт ифодаламаган -са формасидан бутунлай ажратиб бўлмайди, -са эди формаси махсус майл турини ҳосил қилувчи форма сифатида қараладиган бўлса, истак ифодаловчи -са формасини ҳам шу майл турини ҳосил қилувчи форма деб қараш керак бўлади. Шу сабабли -са эди формасининг таҳлилида унинг махсус майл турини ҳосил қилиш ёки ҳосил қила олмаслигига тўхтаб ўтирмасдан унинг -са формасидан фарқли хусусияти ҳақида гапириш билан чегараланамиз.

Шарт майли формаси (эди тўлиқсиз феълисиз) мустақил гапнинг кесими вазифасида келганда, истак, маслаҳат, илтимос каби маънолар ифодаланиши мумкин. Илтимос, маслаҳат ифодаланган ҳолларда истак маъноси ҳам йўқолмайди. (Чунки исталмаган нарса илтимос қилинмайди.) Лекин истакка нисбатан илтимос ёки маслаҳат асосий ўринда туради. -са эди формасида эса ҳамма вақт истак асосий ўринда туради:

*Қандай қиз экан, бир кўрсам эди (А. Қаҳҳор, «Сароб»).  
Она болам ҳали хом, шу кўкйўталдан ҳам эсон-омон ўтиб*

<sup>106</sup> Қаранг. Н. А. Баскаков. К вопросу о происхождении условной формы на -са -се в тюркских языках, Академику В. А. Гордлевскому (сборник статей), М., 1953, стр. 35—63.

<sup>107</sup> Шунга кўра, «эди шакли шарт майлидаги феълларга қўшилганда шарт майли маъносига истак маъноси ҳам қўшилади» деган фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Қаранг: «Ҳозирги ўзбек адабий тили (коллектив), I, Тошкент, 1966, 321-бет.



олса эди, *деб тағвиш тортарди* (Саид Аҳмад, «Уфқ»).  
*Туман тарқаб кетса эди, деб. кўнглидан ўтказди у*  
(С. Анорбоев, «Оқсой»).

-са эди формасида истак асосий ўринда туриши сабабли илтимос, маслаҳат тарзидаги истак маъносида бу форма қўлланса, унинг ноўринлиги (-са формасини қўллаш кераклиги) аниқ сезилиб туради:

— *Уртоқ бошлиқ... сиздан сўрайман. Бу вишкалардин энг каттасига юборинг мени.*

— *Пармаловчига шогирд тушасизми?*

— *Бўпти... Ишқилиб энг катта газ конига юборсангиз эди* (П. Қодиров, «Қадрим»).

— *И жозат берилса эди, тақсир.*

— *Ҳа, дарров қайтасизми?* (С. Айний, «Дохунда»).

Катта газ конига юбориш ва ижозат бериш сўзловчининг истаги бўлса ҳам, лекин шу конга юборишни, ижозат беришни у илтимос қиляпти. Шунга кўра, бу ўринда -са эди формасини эмас, балки -са ни қўллаш тўғри бўлади (*юборсангиз, ижозат берсангиз*).

Демак, мустақил гапнинг кесими вазифасида келган -са формасининг маъно доирасига нисбатан -са эди формасининг маъно доираси тор (чегараланган). Шу сабабли -са эди формасининг истак маъносини ўзини ифодалаётганлиги аниқ бўлиб туради. -са формаси истакдан бошқа маъноларга ҳам эгаллигидан баъзи ҳолларда улардан қайси бири ифодаланганлиги контекстдан ташқарида аниқ бўлмаслиги мумкин.

Истак, хоҳиш маъносини -са ва -са эди формалари ифодалай олса-да, лекин бу маънода улар бир-бирига бутунлай тенг даражада эмас. Шунинг учун уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди.

-са эди формаси ифодаладиган истак шунчаки (оддий) истак эмас, кучли даражадаги истак бўлади. -са формаси ифодаладиган истак эса нормал даражадаги (оддий) истак бўлиши мумкин. Қуйидаги икки мисолни қиёсланг:

*Охири, бекнинг бирорта юмуши билан юртимга қайтсам у, ўша ерда қолиб кетсам, деб аҳд қилдим* (З. Фатхуллин, «Ватан ишқи»). *У, истиқболини ўйлар экан, ҳамма вақт «худо, шуларнинг ҳаммаси тушум бўлса эди!» дер эди* (А. Қаҳҳор, «Сароб»).

Кейинги гапнинг кесими эди тўлиқсиз феълисиз қўлландиган бўлса, ифодада истакнинг кучлилиқ даражасини сақлаш учун гап бошида «қани эди» ёки «қани энди» формасини қўллаш керак бўлади: *Қани энди... шуларнинг ҳаммаси тушум бўлса.*

Демак, бунда ҳам истак маъноси бевосита -са формасига хос. Эди тўлиқсиз феълнинг қўлланиши шу истакни кучай-

тиради. Истакни кучайтирувчи бошқа воситалар бўлса, эди тўлиқсиз феълини тушириб қолдириш мумкин. Лекин бундан *-са эди* формаси *-са* формасига нисбатан истакни кучли даражада ифодаловчи форма дея олмаймиз. Бирор ҳаракатни бажаришга бўлган кучли даражадаги истакни ифодалаш учун ҳамма вақт *-са эди* формасини қўллаш мумкин бўлавермайди. Чунки эди тўлиқсиз феъли маънони кучайтириш хусусиятига эга эмас. Эди тўлиқсиз феъли қўлланган ҳолларда маънонинг кучайиши бошқа факторлар таъсирида ёки шу тўлиқсиз феълга хос бўлган бошқа хусусият таъсирида юз беради. Ҳозирги ўзбек тилида ҳаракатнинг бажарилишига бўлган кучли истак асосан қани эди... *-са, қани энди... -са* формасида ифодаланади. Лекин бундай гаплардан «қани эди», «қани энди» формаларини тушириб қолдириб, ўрнида *-са эди* формасини қўллаш мумкин бўлавермайди. Бундан ташқари, ҳаракатнинг бажарилишига истакнинг кучлилиги «қани эди», «қани энди» кабиларсиз ҳам билиниб туриши мумкин. Бундай ҳолларда ҳам *-са* формаси ўрнида *-са эди* формасини қўллаш мумкин бўлавермайди:

*Қани эди бошлаб қасос олсаю, ала мидан чиқса!* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Қани энди инқилоб бўлсаю, меҳнаткаш халқ хонни ағдариб мамлакатни ўзи идора қилса, ҳамма эркин нафас олса...* (Ж. Шарипов, «Хоразм»). *Қўлида беҳуш ётган Нигора аста кўзини очсаю, тепасида уни кўрса, Нигоранинг ҳамон қўрқинч, даҳшат тўла кўзларида миннатдорчилик учқуни йилтираса...* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Ана шу фактларнинг ўзиёқ *-са эди* формаси истакнинг ўзинигина ифодаловчи ёки истакни кучли даражада ифодаловчи форма эмаслигини кўрсатади. Бу маънолар *эди* тўлиқсиз феъли қўлланмаса ҳам ифодаланаверади. Демак, шарт майли формасини *эди* тўлиқсиз феъли билан қўллаш (*-са эди* формасини қўллаш) қандайдир бошқачароқ талаб билан бўлади. Ҳақиқатда ҳам шундай.

*Эди* тўлиқсиз феъли кўпгина феъл формаларига бирикканда, одатда, замон маъносини ўзгартиради, яъни ҳаракат-ҳолатнинг ўтган замонга оидлиги ифодаланади. *-са эди* формасида эса у замон кўрсаткичи сифатида қатнашмайди. Шу жиҳатдан А. А. Юлдашевнинг *-са ва -са эди* формалари бири иккинчисининг замон ифодаланишига кўра фарқланувчи дублети («временной дублет») эмас деган фикри ўзбек тили фактларига ҳам тўла мос келади.

*-са эди* формаси таркибида *эди* тўлиқсиз феъли муносабат ифодаловчи элемент сифатида қатнашади. Истак маъноси эса бевосита *-са* аффиксига хос бўлади. *-са эди* формасидаги истак (қай даражада бўлишидан қатъий назар) умуман

ҳаракатнинг бажарилиш истаги бўлмай, унга нисбатан сўзловчининг муносабати ҳам ифодаланади. Сўзловчи *эди* тўлиқсиз феълيني қўллаш билан шу ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслиги номаълум деган муносабатни ифодалайди. Демак, бунда истак (орзу) бор-ку, унинг амалга ошиши эса «лекин» ҳолатида. Шу сабабли *-са эди* формасидаги истак хаёлий (хаёл қилинган) истак, амалга ошиши шубҳали ҳолдаги истак бўлади:

*Ҳозир унинг дили нақадар типирчилаб ўйнаётганини, мияси хилма-хил саволларга тўлиб-тошганини ўртоқлари сезса эди (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). Бир ой шу ерда турдинг, аммо азим дарёдай жўшқин уриб қайнаётган шу ҳаётни, бундаги янгиликларни кўрмабсан-да... Яқинда бўлиб ўтган мажлисда парторг бизнинг звенони мақтади... Кўнглим тоғдай кўтарилганини билсанг эди (Ж. Абдуллахонов, «Албатта кут»).*

*-са эди* формасида фақат истакнинг ўзи эмас, балки муносабат ҳам ифодаланишини қуйидаги ҳодисада ҳам аниқ кўриш мумкин.

*-са* формаси мустақил гапнинг кесими вазифасида келиб, истак ифодалаган ҳолларда гап бошида «қани энди» ёки «қани эди» формаси қўлланиши мумкин. Бундай ҳолларда буларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин бўлади. Шунга кўра, улар маъно жиҳатдан бир бирига тенгдек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай эмас. «Қани энди» билан «қани эди» да улар таркибидаги «энди» ва «эди»га хос хусусият сақланади. «Қани энди» формасидаги *энди* сўзи муносабат ифодалаш хусусиятига эга эмас. Шу сабабли «қани энди» бирикувида ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигига ҳеч қандай муносабат ифодаланмай, истак-орзунинг ўзи ифодаланиши мумкин. *Қани эди* формасида эса, албатта, муносабат ифодаланади. Шу сабабли бу форма билдирган орзу-истак хаёл тарзидаги орзу-истак бўлади, унинг амалга ошишидан кўра амалга ошмаслиги кўпроқ реал ҳолатда бўлади. Қиёсланг: *Қани энди муздаккина кўк чой бўлса — Қани эди муздаккина кўк чой бўлса*..

*-са эди* формасининг истак билан бирга доим муносабат ҳам ифодаланиши бўлишсиз аспектда яна ҳам аниқроқ кўринади. Бўлишсиз аспектда сўзловчи ҳаракатнинг бажарилмаслигини истайди ва истак маъноси *-са* формаси орқали ифодаланади. Бундай ҳолларда *эди* тўлиқсиз феълيني ҳам қўллаш билан (*-са эди* формасини қўллаш билан), шу ҳаракатнинг бажарилмаслиги эмас, балки бажарилишининг эҳтимолдан узоқ эмаслиги ифодаланади ва шу нарса алоҳида таъкидланади, яъни истакдан ҳам кўра истакка қарши бўлган ҳаракатнинг бажарилиши эҳтимолдан узоқ эмаслиги таъкидланади.

Шу сабабли эди тўлиқсиз феълени тушириб ҳам бўлмайди ва уни «қани энди» ёки «қани эди» формалари билан алмаштириш ҳам мумкин эмас.

*Бир кун «Элобод» колхози сени бағримдан узмасаса эди — деди айёрча илжайиб раис* (Ойбек, «Олтин водийдан шабадалар»). *Менга бирор қалтис гап айтиб, кўпчилик орасида шарманда қилмасаса эди* (Б. Қербобоев, «Небитдоғ») *Эшикдан ичкари кирар экан, Фуломжон ҳақидаги ўйлари йўқолиб: «Бугун яна ота билан орамизда гап қочмасаса эди» деган тайвишига тушди* (Ҳ. Нуъмон, «Фасллар»).

Агар эди тўлиқсиз феъли қўлланмайдиган бўлса, унинг ўрнида эҳтимолдан узоқ эмаслик ва истак маъноларини бирга ифодалай оладиган *ишқилиб, ҳали, дейман* каби сўз ёки бошқа воситаларни қўллаш керак бўлади: *Бир кун «Элобод» колхози сени бағримдан узмасаса дейман. Менга бирор қалтис гап қилиб, кўпчилик орасида шарманда қилмаса ҳали.* Лекин бундай воситалар ҳам эди тўлиқсиз феълнинг ўрнини тўла даражада қоплай олмайди.

Айтилганлар ва келтирилган фактларнинг ҳаммаси *-са эди* формасини мустақил содда гапнинг кесими вазифасида қўллашдан мақсад истак ифодалаш учунгина эмаслигини кўрсатади. Истак маъноси эди тўлиқсиз феълсиз ҳам ифодаланаверади. Эди тўлиқсиз феълени қўллаш билан шу истакнинг амалга ошиш-ошмаслиги ноаниқлигини кўрсатувчи муносабат ифодаланади, ҳатто, истакнинг акси юз бериши эҳтимолдан узоқ эмаслиги ифодаланади. Шунинг учун *-са эди* формаси билдирган истак хаёлий истак, бажарилишига тўла ишонч бўлмаган истак бўлади. А. А. Юлдашевнинг *-са эди* формаси бир томондан, истак майли билан, иккинчи томондан, «сослагательное наклонение» билан туташади, лекин бу категорияларга қанчалик яқин бўлса-да бирор тилда ҳам уларнинг бирортасига тўла мос келмайди деган фикри ўзбек тилига ҳам мос келади. Шунинг ўзиёқ кўрсатиб турибдики, *-са эди* формасида *-са* ва эди формаларига хос хусусият сақланади. Бинобарин, *-са эди* формасининг *-са* формасидан бутунлай фарқи (мустақил) майл категориясини ҳосил қилиши ҳақида гапириш мумкин эмас.

2. Эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда Эргаш гапнинг кесими вазифасида ҳам *-са эди* формасининг маъно ва қўлланиш доираси *-са* формасининг маъно ва қўлланиш доирасига нисбатан анча чегараланган. Бу ҳодиса ҳам *-са эди* формасидаги эди тўлиқсиз феълнинг хусусияти билан боғлиқдир<sup>108</sup>.

<sup>108</sup> Эргаш гап кесими позициясида келган *-са эди* формасидаги *-са* ўрнида *-ганда* формаси қўлланиши мумкин: *Абдуллажон билан хотини*

Эргаш гапнинг кесими вазифасида келган *-са* формаси шарт, сабаб, пайт каби маъноларни ифодалаши мумкин<sup>109</sup>. *-са эди* формаси фақат шарт маъносини ифодалай олади.

Эргаш гапнинг кесими *-са* формасидаги феълдан бўлганида, бош гапнинг кесими аниқлик, мақсад ёки буйруқ-истак майллари формасида бўлиши мумкин. *Рухсат берсангиз, эртага боради. Рухсат берсангиз, эртага бормоқчи. Рухсат берсангиз, эртага борсин.* Шунингдек, бош гапнинг кесими бирор сабаб билан бажарилмай қолган ёки келгусида бажарилиши исталган, бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатни билдирувчи *-р эди* формасида ҳам бўлиши мумкин. *Рухсат берсангиз, эртага борарди.*

*-са эди* формаси эса ана шу кейинги ҳоллардагина қўлланилади, яъни у маълум шартнинг бажарилмаслиги натижа-сида бажарилмай қолган ҳаракатни билдирувчи ва маълум шарт-шароит юз берса, бажарилиши мумкин бўлган, орзу этилган ҳаракатни билдирувчи қўшма гапларда эргаш гапнинг кесими вазифасида келади:

*Агар менга ўхшаган авиациячи бўлсангиз эди, ватангизнинг қанчалик катталигини кўрган бўлар эдингиз* (Ғ. Ғулом, «Ёдгор»). *Тузалса эди, одамлардек юролса эди, бошига кўтарарди* (Саид Аҳмад, «Кўклам чечаклари»).

*-са эди* формаси мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда *-са* формасининг ўтган замон варианты бўлмаганидек, эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда ҳам ўтган замон ифодаловчи форма вазифасини бажармайди. Айтилаётган нарса-ҳодисанинг қайси замонга оидлиги умумий ҳолатдан реаллашади ёки бошқа воситалар ёрдамида ифодаланади<sup>110</sup>.

*-са* формасидаги феъл эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда, бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши учун шу формадаги ҳаракатнинг бажарилиши шартлиги ифодаланади. Лекин шарт майли формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслигига муносабат ифодаланмайди. *-са эди* формасида эса муносабат ифодаланади. Шунинг учун ҳам бу формада феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиш-

---

*бир-бирига ўчакишмаганда эди, бу фалокат бўлмас эди* (Ғ. Ғулом, «Тўрт хангома»).

<sup>109</sup> Қаранг А. Ғ. Ғуломов, Феъл, Тошкент, 1954, 49—53-бетлар.

<sup>110</sup> Шу жиҳатдан айрим тилшуносларнинг *-са эди* формасини ўтган замон формаси деб аташлари мазкур форманинг ҳақиқий хусусиятига мос келмайди. Қаранг: М. А. Казембек, *Общая грамматика турецко-татарского языка*, Казань, 1846, стр. 201, 232; Н. К. Дмитриев, *Юқориди кўрсатилган асар*, 168-бет; А. Н. Кононов, *Грамматика современного узбекского литературного языка*, М.—Л., 1960, стр. 233 ва бошқалар.

бажарилмаслиги ноаниқ ҳолда экани, ҳатто, бажарилиши эҳтимолдан узоқ ёки имконсиз экани англашилади:

*Агар табиатнинг ихтиёри менинг қўлимда бўлса эди, яна бир неча йиллар шу ёшимда тўхтаб турар эдим* (Ф. Фулом, «Едгор»).

Демак, *-са эди* формаси мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда *эди* тўлиқсиз феълига хос бўлган хусусият, бу форма эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда ҳам сақланади. Фарқ шундаки, *-са эди* формаси мустақил содда гапнинг кесими вазифасида келганда *-са* формаси истақ ифода қилади. Эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда эса шарт маъносини билдиради. *Эди* тўлиқсиз феъли эса иккала ҳолатда ҳам муносабат ифодаловчи восита сифатида қатнашади.

*-са эди* формасида шарт-сабаб тарзидаги ҳаракатнинг бажарилиш-бажарилмаслиги ноаниқ (хаёлий) бўлганидан шу ҳаракатнинг бажарилишига боғлиқ бўлган ҳаракатнинг бажарилишини аниқ тарзда ифодалаш мумкин бўлмайди. Чунки шартнинг амалга ошиши ноаниқ, хаёлий экан, унга боғлиқ бўлган ҳаракатнинг бажарилиши ҳам ноаниқ, хаёлий тарзда бўлади. Ана шундан шарт эргаш гапнинг кесими *-са эди* формасида бўлса, бош гапнинг кесими *-р эди* формасида келади.

Хуллас, *-са эди* формасида ҳам *-са* формаси ва *эди* тўлиқсиз феълига хос хусусият сақланади. Шарт майли формасининг *эди* тўлиқсиз феъли билан қўллаш натижасида *-са* формасининг маъноси йўқолмайди. *Эди* тўлиқсиз феъли *-са* формасининг маъносига қўшимча тарзда ўзига хос маъно ифодаловчи элемент сифатида қатнашади. *-са эди* формасининг қўлланишидаги хусусиятлари ҳам *эди* тўлиқсиз феълига хос хусусиятлар таъсирида келиб чиқади.

*-са эди* формасида *эди* тўлиқсиз феъли билан ясалувчи бошқа формаларда учрамайдиган бир хусусият бор, яъни *эди* тўлиқсиз феъли шарт майли формаси билан қўлланганда, шахс-сон қўшимчаси асосий феълга ёки *эди* тўлиқсиз феълга, ёки ҳар иккаласига қўшилиши мумкин:

*Оҳ, оғзидан чиққан сўзларини эшитсаларинг эди.* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). *Агар бу ишни қози-калон жанобларига арз қилсайдингиз...* (С. Айний «Дохунда»). *Шундай одамларни бир кўрсам эдим!* (П. Турсун, «Ўқитувчи»).

Лекин шахс-сон қўшимчасининг тўлиқсиз феълга қўшилиши (*-са эдинг*), шунингдек, ҳар иккала феълга қўшилиши (*-санг эдинг*) жуда кам учрайди. Шахс-сон қўшимчасининг фақат *эди* тўлиқсиз феълга қўшилиши, асосан, оғзаки нутқда

учраб туради. Бундай ҳолларда *эди* тўлиқсиз феълнинг биринчи товуши *й* га ўтади: *кўрсайдинг, билсайдинг* каби:

*Бўлса эди минг йил умрим, туғилсайдим минг йил аввал.* (Мақсуд Шайхзода).

Учинчи шахсда махсус грамматик кўрсаткичлар йўқ. Шу сабабли бу шахсда э нинг *й* га ўтиши (*й* талаффуз этилиши) кўп учрайди ва бу ҳодиса ёзувда ҳам кўпроқ акс этади:

*Қани энди Ниёз полвон келсайди,*

*Бу золимнинг адабини берсайди*

(Иззат Султон, «Номаялум киши»).

Шахс-сон аффиксининг иккала феълга қўшилиши, асосан, шахсни таъкидлаш учун бўлади.

Тўлиқсиз феъл билан ясалувчи барча формаларда шахс-сон қўшимчаси тўлиқсиз феълга қўшилгани ҳолда *-са эди* формасида асосий феъл ёки ҳар иккала феълга қўшилиши мумкинлиги ва бунда асосий феълга қўшилишнинг нормал ҳолат экани қизиқ ҳодисадир. Бунинг маълум сабаби бўлади, албатта.

*Эди* тўлиқсиз феълнинг отлар, равишдош ва сифатдош формалари билан бирикиб боғлама вазифасида қўлланиши жуда қадимдан бошланган. Боғлама бўлган ҳолларда эса шахс-сон қўшимчалари ҳамма вақт шу элементга қўшилади. *Эди* тўлиқсиз феълнинг шарт майли формаси билан қўлланиши эса анча кейинги даврларда юз берган. У кесимни шакллантирувчи элемент (боғлама) сифатида эмас, фақат модал маъно ифодаловчи элемент сифатида қўлланган (*эди* тўлиқсиз феъли буйруқ-истак майли формаси билан қўлланганда ҳам худди шундай ҳолни кўрамиз). Шу сабабли шахс-сон қўшимчаларининг *эди* тўлиқсиз феълга қўшилиши ҳам шарт (қонуний, тарзда) бўлмай қолади.

Бундан ташқари, ҳозирги ўзбек тилида буйруқ-истак ва шарт феъллари ҳамма вақт шахс-сон билан шаклланган бўлади. Шарт майлининг ҳеч қандай шахс кўрсаткичига эга бўлмаган ҳолати ҳам учинчи шахс формаси ҳисобланади. Шунга кўра, шахс-сон қўшимчалари (биринчи ва иккинчи шахс қўшимчалари) *эди* тўлиқсиз феълга қўшилса, бир феъл формасида икки хил шахс-сон (учинчи ва биринчи шахс ёки учинчи ва иккинчи шахс) ифодалагандек бўлиб туради: *Кўрса эдинг* (*кўрса* — учинчи шахс, *эдинг* — иккинчи шахс). Мана бу ҳодиса ҳам шахс-сон қўшимчаларининг асосий феълнинг ўзига қўшилишини талаб этади. Ана шу сабабларга кўра шахс-сон қўшимчаларининг асосий феълга қўшилиши нормал ҳолат ҳисобланади.

Шундай экан, шахс-сон қўшимчасининг *эди* тўлиқсиз феълига қўшилиши мумкинлигини қандай изоҳлаш мумкин, деган савол туғилиши мумкин. Бизнингча, бунинг сабаби, биринчидан, шарт майли формасидаги шахс-сон кўрсаткичлари билан *эди* тўлиқсиз феълига қўшилувчи шахс-сон кўрсаткичларининг бир хиллигида бўлса, иккинчидан, шахс-сон қўшимчаларининг бошқа ҳамма формаларда *эди* тўлиқсиз феълига қўшилиши таъсирида бўлса керак.

*Эди* тўлиқсиз феълининг отларга бирикканда ифодалайдиган маъноси, вазифаси, шунингдек, *эди* тўлиқсиз феъли ёрдамида ясалувчи феъл формаларининг маъноси ва қўлланишдаги асосий хусусиятлари ана шулардан иборат. Маълум бўлдики, *эди* тўлиқсиз феъли ҳозирги ўзбек тилида уч асосий хусусиятга эга: 1) нарс-ҳодисанинг ўтган замонга (ўтмишга) оидлигини билдиради; 2) муносабат билдиради; 3) пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қилади. *Эди* тўлиқсиз феъли айрим феъл формаларига бирикканда ана шу учала вазифада қўллана олиши мумкин, айрим формаларга бирикканда эса бу вазифалардан фақат иккитасида қўлланиши мумкин. Бундан ташқари, *эди* тўлиқсиз феъли феълларга бирикканда, ҳар бир форма ва тўлиқсиз феълга хос хусусиятлар таъсирида яна бошқа маъно ва хусусиятлар юзага келиши ҳам мумкин.

## ЭКАН

Тўлиқсиз феълнинг *экан*<sup>111</sup> формаси кўп маънолилиги ва турли-туман вазифада келиши билан *эди*, *эмиш* формаларидан фарқланади. Ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда *экан* тўлиқсиз феъли ҳақидаги фикрлар бир-биридан фарқ қилади. Бу нарс, биринчи навбатда, тўлиқсиз феъл формаларининг етарли даражада ўрганилмаганлигидан келиб чиқса, иккинчидан, *экан* формасининг кўп маъно ва маъно нозикликларига эгаллиги, қўлланишда ўзига хос қатор хусусиятларга эгаллигидан келиб чиқади. Учинчидан, *экан* формаси ҳозирги ўзбек тилида янги-янги маъно ва вазифалар касб этмоқда. Унинг ана шундай маъно ва вазифалари ҳам, кўпинча, этибордан четда қолиб келмоқда.

<sup>111</sup> *Экан* тўлиқсиз феъли *кан*, *кин* каби қисқарган ҳолда ҳам қўлланади. Шу сабабли маъноси ўзгармайдиган ҳолларда унинг *кан*, *кин* шакллари ҳам келтирилаверади. Шунингдек, олдинги товушнинг таъсири билан *экан* феълнинг биринчи-янги маъно ва вазифалар касб этмоқда (*э*) а ёки *й* га ўтиши мумкин (*биларкан*, *қаердайкин* каби).



Тўлиқсиз феъл экан формасининг маънолари ҳақида гап-ришдан аввал унинг қандай сўзлар билан, шунингдек, сўзнинг қандай формалари билан бирика олиши масаласига тўхтаб ўтиш керак бўлади.

Проф. А. Ғ. Ғуломов ва А. Н. Қононовлар экан тўлиқсиз феълнинг отлар билан, *-ган*, *-р* аффикслари орқали ясалган сифатдошлар билан, шунингдек, шарт майли формаси билан бирика олишини кўрсатадилар<sup>112</sup>. Бу ҳодиса ўзбек тилида ҳақиқатда ҳам бор. Лекин экан тўлиқсиз феълнинг феълларга бирикиши фақат шу формалар доирасида чегараланмайди. У (экан формаси) ҳозирги ўзбек адабий тилида ўтган замон феълнинг *-ди*, (*-и*) бди аффикслари билан ясалган формаларига (қачон келди экан, қачон келибди экан каби), ҳозирги замон ва ҳозирги-келаси замон формаларига (нима келяпти экан, нима қилади экан каби), шунингдек, буйруқ майли формаларига (ёзсин экан каби) ҳам бирика олади. Бундан ташқари, экан тўлиқсиз феълнинг *-гунча*, *-гани* аффикслари орқали ясалган равишдош формаларига бирикиши ҳам фактик жиҳатдан мумкин бўлган ҳодиса (*иши битгунча экан* каби).

Хуллас, экан тўлиқсиз феъли феълнинг *-(и)б*, *-а (-й)* ва *-гач* аффикслари орқали ясалган равишдош формаларидан бошқа ҳамма формасига бирика олади.

Тўлиқсиз феъл экан формасининг қандай феъл формасига бирика олиши ёки бирика олмаслиги шу формаларнинг мустақил содда гап кесими вазифасида кела олиши ёки кела олмаслигига ва маълум даражада улар ифодалайдиган маънога боғлиқ. Экан тўлиқсиз феъли содда гапнинг кесими вазифасида кела олмайдиган феъл формаларига бирика олмайди.

Ҳозирги ўзбек тилида экан тўлиқсиз феъли феълнинг *-ган* ва *-(а) р* аффикси билан ясалган формаси доирасида кўп қўлланади. Унинг кўпгина маънолари ҳам ана шу формаларга бирикканда ифодаланади. Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки боғлама вазифасида келган экан тўлиқсиз феъли, аслида, отлар ва феълнинг от формалари доирасида қўлланган. Унинг кўпгина маънолари ҳам шу формалар доирасида келиб чиққан.

Ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, экан формаси фақат боғлама вазифасидагина эмас, шунингдек, модал маънони ифодалаш учун ҳам қўлланадиган бўлгандан кейингина шахс-

---

<sup>112</sup> Қаранг: «Ҳозирги замон ўзбек тили» (коллектив), Тошкент, ЎзССР ФА нашриёти, 1957, 456—457-бетлар; А. Н. Қононов, Юқорида кўрсатилган асар, 272—276-бетлар.

ли феъллар билан ҳам бирикадиган бўлган<sup>113</sup>. Чунки шахсли феъл учун боғламанинг кераги йўқ. Ҳақиқатда ҳам, экан формаси шахсли феълларга бирикканда, фақат модал маъно ифодаловчи форма сифатида бўлади. Шахс-сон қўшимчаларининг асосий феълга қўшилиши ҳам бундай ҳолларда экан формасининг боғлама эмаслигини кўрсатади: *Қаерга борсам экан? Ош-ноннинг бўлмаса ҳам бир оғиз ширин сўзинг бўлсин экан* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Тўлиқсиз феъл экан формасининг феълларга бирикканда ифодалайдиган маъноси ва вазифаси билан отларга бирикканда ифодалайдиган маъноси ва вазифаси тенг эмас. Отларга бирикканда ифодалайдиган айрим маънолари, баъзи феъл формаларига бирикканда ифодаланмайди ва, аксинча. Шу сабабли ҳар бир ҳодисанинг аниқ реаллашуви учун экан формасининг ифодалайдиган маънолари, вазифаси ва қўлланишдаги хусусиятларини аввал отлар, сўнгра феъл формалари доирасида олиб текширишни маъқул кўрдик. Шундай қилинганда, экан формасининг отларга бирикканда ифодалайдиган қайси маъноси феълнинг қайси формасига бирикканда ифодаланиши мумкин ёки мумкин эмаслиги ҳам аниқ кўриниб туради:

Отларга бирикканда:

1. Ҳақиқатда келган сўздан англашилган нарса, ҳодиса, белги кабиларнинг сўзловчига аввал маълум бўлмай кейин (энди) маълум бўлганлиги (билинганлиги) маъносини билдиради: *Ўрмон экан, чиройли экан, ўнта экан, ўша экан* каби. Бунда икки ҳодиса бўлиши мумкин:

1) Аввал маълум бўлмаган нарса, белги кабиларни кейинчалик сўзловчининг ўзи билиши, ўз кузатиши, текшириши ва шу каби йўл билан ундан воқиф бўлиши ифодаланади:

*Кичкина бўлса ҳам, ўзига яраша иззат-нафси бор экан* (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»). *Исомиддин махсум келиб ўз жойига ўтириб, қўлидаги тангаларни санаб кўрди, йигирма танга экан* (С. Айний, «Дохунда»). *Ҳа, отинима эди? Топдим, мана, Тўла экан* (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

Тўлиқсиз экан феъли кўрсатилган маънода қўлланганда, умумий ҳолатга қараб, турли маъно нозикликларига, қўшимча маъноларга ҳам эга бўлади. Проф. А. Н. Кононов бундай ҳолларда экан формасининг маъноси русча «оказывается»,

<sup>113</sup> Бу ҳақда С. Н. Ивановнинг фикрига тўла қўшилаемиз. Қаранг: С. Н. Иванов, Модальная связка экан и форма эканик в узбекском языке, «Ученые записки ЛГУ», № 256, серия востоковедческих наук, вып. 7, 1958, стр. 139.

«кажется», «вероятно», «повидимому» ва шу каби маъноларга тўғри келади деб кўрсатади<sup>114</sup>.

Бирор предмет, белги ва шу кабилар ҳақида аввал ҳеч қандай фикрда бўлинмаган (шу предмет, белги кабилардан бошқаси ҳақида тасаввур бўлмаган) ҳолларда *экан* тўлиқсиз феъли кўрсатилган маъносига ҳеч қандай қўшимча маъно ифодаламайди, балки кейинчалик маълум бўлганликнинг ўзигина ифодаланади. Масалан, бирор шахс умрида ҳеч кўрмаган ва ҳидининг қандай эканлигини билмаган бир гулни олиб ҳидлаб. «ҳидли экан» деса, бу гулнинг ҳиди ҳақида аввал ҳеч қандай тасаввурга эга бўлмаганлиги, унинг ҳидли гул эканлигини энди билганлиги маъносигина ифодаланади.

Сўзловчи нарса, белги ва шу кабилар ҳақида аввал бошқача тасаввурда бўлиб, у ҳақда ўзгача бошқача маълумот эшитган бўлиб, унинг ҳақиқий ҳолати кейин (энди) маълум бўлган ҳолларда энди маълум бўлганлик (энди билганлик) маъносига қўшимча тарзда «бундай деб ўйламаган эдим» «биз билган, биз эшитганнинг акси экан» каби маънолар ҳам ифодаланади. Ана шундай ҳолларда *экан* феълининг маъноси русча «оказывается», «кажется» каби маъноларга тўғри келади:

*Зуфар! Сен ҳали ҳам содда экансан, — деди Қурбон (С. Айний, «Дохунда»). Ҳамма гап шунда экан, Охун... (Ойбек, «Қутлуғ қон»).*

2) Аввал маълум бўлмаган нарса, белги ва шу кабини ўзга орқали, ундан эшитиб билганлик (эшитганлик) маъносини билдиради<sup>115</sup>.

*Йўлчига қийин бўлди ... бир ўспирин укаси бор экан, бу ҳам бировда ишлар экан... (Ойбек, «Қутлуғ қон»). Бу бир ғариб мусофир экан, борадиган жойи йўқ экан, бирга олиб келдим (С. Айний, «Дохунда»).*

Эшитилганлик маъносига тўлиқсиз феълнинг *эмийш* формаси ҳам эга. Шу сабабли эшитилганлик маъносини ифодалаган *экан* формаси ўрнида маълум ҳолларда *эмийш* формасини қўлаш мумкин:

*Топдим (устани), афандим. Лекин қўли банд экан (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). Бу мисолдаги экан формасини эмийш формаси билан алмаштирилса ҳам асосий маъно ўзгармайди.*

Эшитилганлик маъносида *экан* тўлиқсиз феъли ҳам қўллана олиши сабабли шу маънодаги кетма-кет келган гапларнинг

<sup>114</sup> А. Н. Кононов, Юқорида кўрсатилган асар, 272-бет.

<sup>115</sup> Қараг: А. Н. Кононов, Грамматика узбекского языка, Ташкент, 1948, стр. 200.

бирида экан, кейингисида эмиш формаси аралаш қўлланаверади. Бу жиҳатдан қуйидаги мисол характерли:

Мең бир савдогарни кўрдим, унинг тўрт туя моли бор экан. «Бу молларни кимларга сотасан?» — деб сўрасам: Амалдорларга, уламоларга, бойларга қозиларга сотаман, деб жавоб берди.

— У қанақа мол экан? — деб сўрабди бир амалдор. Бир туя моли зулм экан, бу амалдорларга эмиш: бир туя моли хиёнат экан, буниси бойларга эмиш; бир туяси кибру ғурур ва таъна экан, буниси уламоларга эмиш; бир туяси ҳийлаи шаръий ва порахўрлик экан, буниси қозиларга эмиш («Латифалар»).

Бу мисолдаги эмиш формаси ўрнида экан формасини ва, аксинча, экан формаси ўрнида эмиш формасини қўллаш мумкин. Шунингдек, фақат экан ёки эмиш формасининг ўзини қўллаш ҳам мумкин, бу билан маъно ўзгармайди. Лекин қайтариқ ортиб, услуб ғализ чиқади.

Эшитилганлик маъносида экан ва эмиш формасининг иккаласи ҳам қўллана олишидан қатъий назар бу маънода улар бир-бирига бутунлай тенг эмас, балки ўзларига хос хусусиятлари билан бир-биридан фарқланади. Шу сабабли маълум ҳолларда уларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш мумкин эмас. (Бу ҳақда «эмиш» тўлиқсиз феъли баҳсида гапирамиз.)

Эшитилганлик маъноси экан тўлиқсиз феъли қатнашган гапларда контекстнинг умумий мазмунидан англашилиб туради ёки у бошқа бирор сўз ё форма орқали конкретлашади. Шунинг учун ҳам эшитилганлик маъноси алоҳида таъкидланмайди. Бундай ҳолларда экан формасининг бевосита ўзига хос бўлган маъно нарса, ҳодиса, белги ва шу кабининг аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлиги маъносидир.

Мақоллар орқали турмуш тажрибасида синалиб ҳақиқатлиги тасдиқланган нарса-ҳодисалар ифодаланади ва бу нарса-ҳодисалар ҳаммага маълум (ҳамма биладиган) бўлади. Шу жиҳатдан, мақолларда гап кесими кейин (энди) маълум бўлганликни ифодаловчи экан тўлиқсиз феъли билан қўлланмаслиги керак эди. Ҳақиқатда эса экан формасининг мақоллар кесими таркибида қўлланиши кўп учрайди ва буни нормадан ташқари ҳолат ҳисоблаб бўлмайди:

Тўқайга ўт кетса, ҳўли-қуруқ баравар экан (Саид Аҳмад, «Қайтиш»).

Мақолларда гап кесимини экан формасида қўллаш билан шу мақол билдирган нарса-ҳодисани энди билганлик ифодаланмайди (Энди билаетган бўлса, мақол орқали ифодаланмайди.) Бундай ҳолларда мақол билдирган мазмунни тасдиқловчи бирор ҳодиса юз берганлиги, шу билан мақол билдирган маз-

муннинг сўзловчи турмуш тажрибасида энди тасдиқланганлиги ва юз берган ҳодисанинг шу мақолга кўра қонунийлиги энди маълум бўлганлиги, ўз тажрибасидан энди ўтказиб билганлиги ифодаланади. Юқорида келтирилган мақолни контекст ичида олиб кўрайлик:

*Нима қилай, жонимни жабборга бериб шиллаганим билан биров ҳолинг не демаса, колхознинг аҳволи мундоқ бўлса, газета зўр бериб танқид қилади. Тўқайга ўт кетса, ҳўли-қуруқ баравар экан. Бизга ўхшаганларнинг меҳнати куйиб кетяпти (Саид Аҳмад, «Қайтиш»).*

Баъзи нарса-ҳодисалар ҳамма учун, жумладан, сўзловчи учун ҳам маълум, умумий характердаги нарса-ҳодисалар бўлади. Бундай нарса-ҳодисаларни билдирувчи гапларнинг кесимини экан формасида қўллаш билан айтилаётган нарсанинг энди маълум бўлгани эмас, балки унинг қатъий эканлиги назарда тутилган бирор нарса билан яна (энди) тасдиқлангани ифодаланади. Бундай ҳолларда таъкид кучли бўлади. Шу сабабли экан тўлиқсиз феъли билан бирга, кўпинча, -да юкламаси ҳам қўлланади:

*Тушунмагандан кейин қийин экан-да. Тавба, ҳар ким кириб раисга дўқ қила берса-я! (Уйғун «Навбахор»).*

Тўлиқсиз феъл экан формасининг биринчи маъноси ва бу маънода қўлланишдаги хусусиятлар ана шулардан иборат. Экан формаси бу маънода жуда кенг қўлланади. Шунинг учун ҳам экан тўлиқсиз феъли ҳақида гапирилган ишларнинг деярли ҳаммасида унинг ана шу маъноси қайд этилган.

Тўлиқсиз феъл экан формасининг бу маъноси қандай келиб чиққан? Бу саволга жавоб топиш учун, ўз-ўзидан, экан формасини ҳосил қилувчи компонентларнинг хусусиятига муурожаат қилиш керак бўлади.

Тўлиқсиз феъл (э) нинг ҳозирги ўзбек тилида мустақил маънога эга эмаслиги айтилди. Лекин у тарихан мустақил маънога эга бўлган. Бу феъл мавжуд бўлиш (русча «быть») маъносини ифодалаган. Бу маънода ҳозирги ўзбек тилида бўл феъли қўлланади:

*Фақат шуниси эсимдаки, бир кун ойим укаларим билан бўлиб чопиққа чиқа олмади (П. Қодиров «Қадрим»).*

Ҳозирги ўзбек тилида тўлиқсиз феълнинг кўп ҳолларда бўл феъли вазифасида қўллана олиши унинг тарихан худди бўл феъли билдирадиган маънога эга бўлганлигидан далолат беради<sup>116</sup>.

*Эр- тўлиқсиз феъли, аслида, фақат «бўлмоқ» маъносига*

<sup>116</sup> Тўлиқсиз феълнинг шундай маънога эга бўлганлиги жуда кўп адабиётларда қайд этилган.

эмас, балки русча «являются», «существовать» каби маъноларга ҳам эга бўлган<sup>117</sup>. Худди шу маъносида *-кан* аффикси билан (*эркан* формасида) қўлланганда, нарса-ҳодисанинг факт сифатида мавжудлиги маъноси ифодаланади. *Эр-* тўлиқсиз феъли ўз маъносини маълум даражада сақлаган ҳолларда *эркан* (*экан*) формаси ҳамма вақт ҳам аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъносини ифодалайвермаган.

Сифатдошнинг *-ган* аффикси билан ясалган формаси ҳолатнинг факт сифатида мавжудлигини ифодалайди. (Бу унинг хусусиятларидан бири)<sup>118</sup>.

Тўлиқсиз феълнинг *экан* формаси боғлама вазифасида қўлланганда, тўлиқсиз феъл ва сифатдош ясовчи *-ган* аффиксига хос, юқорида айтилган, хусусиятлар сақланган (Юқорида келтирилган мисолга қаранг.). Буни ҳозир ҳам маълум даражада сезиш мумкин. Масалан, *чиройли экан* деганда чиройли ҳолатнинг ҳозир факт сифатида мавжудлиги маъноси бор.

Лекин ҳозирги ўзбек тилида от кесим билдирган маънонинг ҳозирги замонга оидлигини ифодалашда боғлама қўлланмайди (боғлама қўллаш талаб этилмайди): *Тошкент халқи жуда меҳмондўст*.

Тўлиқсиз *эр-* феъли лексик мустақиллигини йўқота борган сари гапда у ифодалайдиган маъно эмас, балки унга қўшилган форма ифодалайдиган маъно, шу форманинг таъсиридан келиб чиқадиган маъно асосий ўринга ўтади. *Экан* формасида ҳам худди шундай ҳодиса юз берган, яъни бу формада тўлиқсиз феълга хос бўлган мавжуд бўлиш («быть», «являются») маъноси йўқолиб, сифатдош ясовчи *-кан* (*-ган*) аффиксига хос бўлган ва унинг таъсирида келиб чиқадиган маъно асосий ўринга ўтади.

Юқорида айтдикки, *-ган* аффикси билан ясалган феъл формасида ҳолатнинг факт сифатида мавжудлиги ифодаланади. Шунингдек, бу формада ҳаракатнинг ўтган замонга оидлиги тушунчаси ҳам бор:

*Пахталар чаман очилган*. Бунда очилиш ҳаракатининг аввал бажарилганлиги ва очилган ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги ифодаланади. *Экан* формасида ҳам шу хусусият сақланган.

<sup>117</sup> Қаранг: А. М. Щербак, Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из Восточного Туркестана, М.—Л., 1961, стр. 162.

<sup>118</sup> *-ган* аффикси билан ясалган феъл формасининг бу хусусияти ўзбек тилига оид адабиётларда қайд этилган. Қаранг: А. Н. Кононов, Грамматика узбекского языка, Ташкент, 1948, стр. 174; «Ҳозирги замон ўзбек тили» (коллектив), Тошкент, 1957, 399-бет; С. Н. Иванов, Очерки по синтаксису узбекского языка (форма на *-ган* и ее производные), Изд-в ЛГУ, 1958, стр. 23.

Масалан, *Қолхоз боғи жуда салқин* гапида салқин ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги ифодаланади. *Қолхоз боғи жуда салқин экан* гапида ҳам салқин ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги англашилади. Шунинг билан бирга унинг аввал ҳам (сўзловчи билгунга қадар) салқин бўлганлиги маъноси бор. Демак, бунда «аввал» ва «ҳозир» («энди») тушунчалари бор. Бу тушунчалар бевосита сифатдошнинг *-ган* аффикси билан ясалган формаси ифодаладиган тушунчалардир.

Демак, *экан* формасида тўлиқсиз феълнинг ўзига хос лексик маъно йўқолган, лекин сифатдош формасига хос хусусият сақланган. Ана шу сифатдош формасининг маъно хусусияти ва гап мазмунининг, контекстнинг таъсирида *экан* формаси бир бутун ҳолда аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъносини ифодалаган.

Кўринадики, *экан* формаси орқали ифодаланадиган «аввал маълум бўлмай, энди (ҳозир) маълум бўлиш» маъносидаги «аввал» «энди» элементлари бевосита *-кан (-ган)* аффиксига хос. «Маълум бўлмай, маълум бўлиш» маъноси эса маълум даражада контекстнинг таъсиридан келиб чиққан. Аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлиш маъносининг ифодаланишида ҳамма вақт *экан* формаси қатнашиши туфайли у мана шу маънони ифодаловчи формага айланади ва контекстдан ташқарида ҳам шу маънони билдиради.

Бу форма ана шу модал маънони ифодаловчи воситага айланиши сабабли *экан* тўлиқсиз феъли билан қўлланган сўз яна бошқа боғламанлар ҳам қабул қилаверадиган бўлган: ... *битиб минбарининг устида қўйғон эркан дурур, олиб йқиғоч* (Алишер Навоий, «Мажолисун нафос»).

2. Ўздан олдин ёки кейиндаги гапдан англашилган нарса, ҳодиса кабиларнинг сабаби *экан* тўлиқсиз феъли бирикиб келган сўз билдирган нарса, ҳодиса, белги ва шу каби экани маъносини билдиради:

Кўнгил *экан, нима ҳам деб бўлади*, .. (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). *Бу нарсанинг ўз-ўзидан рўй бермаслигига ақлим етади, шундай бўлса ҳам, инсончилик экан-да...* (Б. Кербобоев, «Небитдоғ»). *Жигар экан, машина орқасидан юраги увушиб қараб қолди* (Саид Аҳмад, «Уфқ»). *Аммо, ўрнига мени раис қилиб сайлашар деб йўламаган эдим. Ана бу хунук бўлди. Кўпчилик экан, Йўқ дега-нимга қарамай сайлаворишди* (Уйғун, «Навбахор»). *Нима қилайки, тирикчилик экан* (И. Султон, «Имон»).

Тўлиқсиз феъл *экан* формасининг бу маъноси унинг биринчи маъноси асосида келиб чиққанлиги сезилиб туради. Масалан, *Кўнгил экан, нима ҳам деб бўлади* гапини «кўнгил шундай бўлар экан-да, нима ҳам деб бўлади» тарзида ўзгарти-

риш мумкин. Демак, бунда маълум даражада аввал билмаганлик («шундай экан-да») маъноси бор.

Бу маънода *экан* формаси нисбатан анча кам сўзлар доирасида қўлланади. Чунки бирор нарсани келтириб чиқарадиган, лекин уни сўзловчи билмайдиган ҳодисаларнинг ўзи объектив равишида кам учрайди.

3. Нарса, ҳодиса, белги ва шу кабиларнинг фақат *экан* тўлиқсиз феъли бириккан сўз билдирган нарса, ҳодиса, белги билан чегараланмаслиги маъносини («...гина эмас» деган маънони) билдиради. Бундай ҳолларда таъкидни кучайтириш учун кўпинча *-ку (-у)* юкламаси ҳам қўлланади:

*ҳали жонивор экан, у савилдан (кўприкдан) одам ҳам зўрға ўтади-ку* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»)... *ҳали битга Фосиҳ афанди экан-у, мингта Фосиҳ афанди келиб гувоҳ ўтганда ҳам... Хайр, бу гапни қўяйлик* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). *Менга қолса, ҳали қизим экан-у, жонимни сўрасангиз, икки қўллаб тутар эдим* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). *Йўқ-йўқ, соат экан-ку, минут, секундида ҳам гап кўп* (Саид Аҳмад, «Қадрдон далалар»).

Бу маъно ҳам *экан* формасининг биринчи маъноси асосида келиб чиққан. Асосий далил сифатида қуйидаги ҳодисани келтириш kifоя. Масалан, учинчи мисолни... *қизим нима бўлибди, жонимни сўрасангиз, икки қўллаб тутар эдим* тарзида қўлласа ҳам маъно ўзгармайди. Бунда *экан* тўлиқсиз феъли ифодалаган маъно *бўлибди* феъли орқали ифодаланади. Феълнинг *-(у)бди* формаси эса (ҳаммага маълум) аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик, эшитилганлик маъносини ифодалайди. Бу маъно *экан* формасининг биринчи маъносидир.

4. Шарт маъносини билдиради ва *экан* тўлиқсиз феъли билан шаклланган сўз шарт эргац гапнинг кесими вазифасида келади:<sup>119</sup>

*Кишининг қўли узун экан — юлдузни ҳам узиб олади, қўли қисқа чўнтагидагини ҳам ололмайди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Дарахтнинг илдизи сувда экан, ундан мева умид қилиш мумкин* (С. Айний, «Дохунда»).

Бу форма, худди шарт майли формаси каби, сабаб оттенкасидаги шарт маъносини ифодалаш учун ҳам кенг қўлланади:

---

<sup>119</sup> *Экан* формасининг бу маъноси ўзбек тили грамматикасига оид кўпгина адабиётларда қайд этилган.



*Агар Олтинсой фойдали экан, мутахассислар нега индамайдилар?* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли») *Сиз император жаноблари томонидан қўйилган намоянда экансиз, халқнинг арзини тинланг...* (Н. Сафаров, «Уйғониш»).

Экан тўлиқсиз феълининг шарт маъноси унинг биринчи маъноси асосида келиб чиққан. Буни қуйидаги мисоллар орқали исботлаш мумкин:

*Модомики Ферузанинг мақсади шундай экан, нима қилардинг Янгиерга қайтиб келиб, «Меҳнат-роҳат»да қолавермайсанми* (Ҳ. Ғулом, «Сенга интиламан»). *Э аттанг, шу дардинг бор экан, бир ҳафта олдин айтмайсанми?* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Бу мисолларда «мақсад шундай экан», «шу дарди бор экани»дан сўзловчининг хабари бўлмаганлиги маъноси бор. Бу маъно бевосита экан тўлиқсиз феълига тааллуқли. Шарт майли формасида ҳам нарса, ҳодиса, белги ва шу кабилар сўзловчига конкрет аён бўлмайди. Бу фактнинг реаллашуви кейингина бўлиши мумкин. Демак, экан формаси билан шарт майли формаси ўртасида маълум умумийлик бор. Ана шу нарса шарт майли формаси ифодалайдиган маънода экан формасининг қўлланишига имкон берган ва у (экан тўлиқсиз феъли) маълум даврлардан бошлаб шу маънода қўллана бошлаган<sup>120</sup>.

5. Сабаб маъносини билдиради ва у билан шаклланган сўз сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади:

*Раҳбар эканмизми, ҳамманинг кўзи бизда бўлади, меҳмонлар ҳам беҳисоб...* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). *Мен ижроком раиси эканман, қўл остимда ким ишлашидан қатъий назар, ҳаммасидан интизом ва ҳисоб талаб қилишига мажбурман* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»).

*«Зеби, сиз топширинг (байроқни), ютқаздик...*

— *Майли, биздан илғор эканлар, олсинлар, ютқизган эканмиз — топширамиз* (Шукур Саъдулла, «Далада байрам»).

Бу маъно экан тўлиқсиз феълининг шарт маъносига боғланади, яъни шарт маъноси асосида келиб чиққан. Қийёсланг: *Ҳақиқат сиз билан экан, нима ҳам қила олар эди.* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли») — *«Ҳақиқат сиз билан бўлса (бўлгандан кейин) нима ҳам қила олар эди» — «Нима ҳам қила олар эди, чунки ҳақиқат сиз билан».*

---

<sup>120</sup> Кузатган мақсадимиз тўлиқсиз феълнинг ҳозирги ўзбек тилидаги маънолари ва бошқа хусусиятларини белгилаш бўлганлигидан экан формасининг қачондан бошлаб қайси маънода қўлланганиги масаласига тўхтамаймиз.

Шарт майли формасига кўп жиҳатдан яқин бўлганидан экан формаси шарт майли формасига хос бўлган пайт маъноларини ифодалаш учун ҳам қўлланади. Лекин унинг бу маъноси тўла даражада шаклланиб етмаган, балки шарт маъноси асосида келиб чиқадиган маънолар ҳолатида бўлади:

*Мен буровда эканман, бирортангизни ҳам ҳеч ким буровдан бўшага олмайди* (Б. Кербобоев, «Небитдоғ»). *Улаўлгунимча сизни дейман, танда жоним бор экан, сизни кутаман* (Б. Раҳмонов, «Баҳор арафаси»). *Тиррик эканман, ўз фикримдан қайтмайман* (Б. Кербобоев, «Небитдоғ»). *Мен қизлар билан бирга эканман, биронтасининг кўзига гард тушмайди* (А. Убайдулла, «Ҳаёт оқими»).

Шарт ва сабаб маънолари ҳозирги ўзбек тилида яна бошқа форма ва воситалар орқали ҳам ифодаланади. Лекин экан формасида бу маънолар алоҳида таъкидланади (таъкид кучли бўлади):

*Исфандиёрхон тахтда ўтирса, роҳат йўқ! Жунaid бор экан, халққа тинчлик йўқ!* (Ж. Шарипов, «Хоразм»). *Уйқу керак экан, нега қарол бўлдинг* (С. Айний, «Дохунда»). *Қампир сочларини юлиб дод солди... Кўзим очиқ экан, қизингни қорачага бердирмайман* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

6. Муносабат билдиради. Бундай ҳолларда ҳам экан формасига хос «кейин билганлик» маъноси йўқолмайди. Лекин муносабат ифодалаш асосий ўринда бўлиши сабабли экан тўлиқсиз феълени тушириб бўлмайди. Экан формасининг қўлланиши шу гап билдирган нарсага алоқадор нимадир борлиги, ҳали айтиладиган нарса борлиги сезилиб туради:

*Шаҳарда юргани ҳам дуруст экан, қулоғимиз тинч эди* (Уйғун, «Навбаҳор»). *Аҳмаджон дарҳол ўзини уйиб қўйилган фишт орқасига олган эди, бу ёғ чуқурлик экан, ағдарилб тушиди* (А. Қаҳҳор, «Олтин юлдуз»). *Собиржон бундан хабардор экан, келин билан кўёвнинг қаттиқ қаршилигига қарамай ишни катта қилиб юборди* (А. Қаҳҳор, «Тўй»).

Бу мисолларда экан формасининг муносабат билдиришини шу ҳодиса ҳам очиқ кўрсатадики, агар экан тўлиқсиз феъл тушириб қолдирилса, унинг ўрнида эди тўлиқсиз феълени қўллаш керак бўлади. Фарқ шундаки, экан формаси қўлланганда, нарса ҳодиса аввал маълум бўлмай, кейин (энди) маълум бўлади, эди формаси қўлланганда эса нарса-ҳодиса аввалдан маълум ҳолда бўлади. Демак, эди ва экан формалари муносабат маъносини ана шу фарқли оттенка билан ифодалайди.

7. Пайт эргаш гапнинг кесими таркибида пайт маъносини ифодалаб келади. Бундай ҳолларда пайт эргаш гап кесими

билдирган нарса, ҳодиса, ҳолат ва шу кабилар вақтида бош гапдаги ҳаракат, ҳолат кабиларнинг юз бериши маъноси ифодаланади:

*Анвар сунада ўрда юмушларидан баъзисини қилиш билан машғул экан, ичкаридан Раъно чиқиб келди* (А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»). *Бир вақтлар ҳали мен йўқ эканман, у мана шундай ёш тўкиб, дадамни жангга кузатган. Мана энди мени кузатиши керак* (А. Мухтор, «Давр менинг тақдиримда»). *Абдураҳмон ёш бола экан, отаси ўлиб, онаси ва ота томонлари тарбиясида қолди* (А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»).

Тўлиқсиз феълнинг экан формаси шу маънода фақат китобий тилдагина қўлланади. (Бунинг сабаби ва исботи ҳақида кейинроқ гапирамиз.)

Юқорида экан формасининг шарт майли формаси ифода-лайдиган пайт маъносида қўлланишини кўрдик. Лекин бу феълнинг пайт эргаш гап кесими таркибида ифода-лайдиган пайт маъноси бутунлай бошқа характерга эга. Шунингдек, экан тўлиқсиз феъли бу маъносининг келиб чиқишини унинг ўзбек тилидаги бошқа бирор формага алоқаси (масалан, шарт майли формасига алоқаси) асосида исботлаб бўлмайди.

Экан тўлиқсиз феъли бу маънода ҳар қандай отлар билан бирикавермайди. Масалан, бу маънода у *стол, олма, оёқ, одобли, қачон* каби сўзлар билан ҳеч вақт бирикмайди. Экан формаси бу маънода қуйидаги хусусиятга эга бўлган сўзлар билан бирика олади:

а) ҳолат маъносига эга бўлган сўзлар билан:

*Гулнор айвонда қуруқ бўйра устида ўтириб, махси кийиш билан овора экан, Унсин кириб келди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Мен беморни қулайроқ ётқизиш билан банд эканман, аёл нарироқда туриб менинг ҳаракатларимни кузатарди* (У. Назаров, «Фурур»).

б) ўрин-пайт келишиги формасидаги сўзлар билан:

*Марьямбахши шу хаялда экан, эшик зулфини шилдираб қолди...* («Ҳ. Шамс, «Душман»).

в) баъзи сўзлар билдирган нарса, ҳодисалар маълум вақт билан чегараланган, маълум вақт ўтиши билан тугайдиган (бошқаси билан алмашинадиган) бўлади. Экан тўлиқсиз феъли кўрсатилган маъносида ана шундай нарса, ҳодисаларни билдирувчи сўзлар билан ҳам бирикади:

*Бундан саккиз йил аввал у ўн етти яшар ўспирин экан, Қарқарага қатновчи бир қўйчи бой... Тошкентга келтирган* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

8. Кесимдан англашилган ҳаракатнинг экан формаси бириккан сўз ёки сўз бирикмаси билдирган ҳолатда (ҳолда) ба-

жарилиши ифодаланеди, яъни экан феъли бирикиб келган сўз кесимдаги ҳаракатнинг бажарилиши ҳолатини кўрсатади. Бу маънода экан тўлиқсиз феъли асосан ўрин-пайт келишиги формасидаги сўзлар ва ҳолат билдирувчи сўзлар билан бирикади:

*Шаҳодат муфти савағич қаламини давотга бир-икки тикиб олач, кўзи қоғозда экан, жавоб берди...* (А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»)... *икки кўзи осмонда экан, ёнига борган Қудратга: «Кўрдингми?— деди (Х. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»).*

• Тўлиқсиз феъл экан формаси бу маънода қўлланганда субъект битта бўлади. Субъект бирдан ортиқ бўлганда (бажарувчи бошқа-бошқа шахслар бўлса), пайт маъноси ифодаланеди ва эргаш гап пайт эргаш гап ҳисобланади:

*...Узоқдаги кимгадир қараб қолди, кўзи ўша тарафда экан, бояги сўзини такрорлади* (А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»). Бу мисолда ҳолат маъноси ифодаланеди, яъни *кўзи ўша тарафда бўлгани ҳолда (ўша ёққа қараган ҳолда) бояги сўзини такрорлади*. Агар феъл кесимнинг шахс формаси ўзгартирилса, пайт маъноси асосий ўринга ўтади: *... кўзи ўша тарафда экан, бояги сўзимни такрорладим*.

Тўлиқсиз феъл экан формасининг отлар билан (умуман, феъл бўлмаган сўзлар билан) бирикканда ифодалайдиган маънолари, маъно нозикликлари, вазифалари ва қўлланишидаги хусусиятлари ана шулардан иборат. Энди унинг феъл формаларига бирикканда ифодалайдиган маънолари ва бошқа хусусиятларига тўхталамиз.

Юқорида кўрдикки, экан тўлиқсиз феъли феълнинг барча майл формалари билан бирика олади. Лекин унинг ифодалайдиган маъноси барча майл формалари доирасида бир хил эмас. Айрим феъл формаларига бирикканда бирдан ортиқ маъно ифодаласа, баъзиларига бирикканда, фақат бир маънога эга бўлади. Шу сабабли экан тўлиқсиз феълнинг феълларга бирикканда ифодалайдиган маъноси ва бошқа хусусиятларини майллар бўйича (дарслик ва қўлланмаларда берилган тартибда — аниқлик майли, буйруқ майли, шарт майллари бўйича) текширишни маъқул кўрдик. Аниқлик майлида эса замон формалари тартиби бўйича текширилди (ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон). Сўнгра бошқа формаларга бирикканда ифодалайдиган маъно ва хусусиятлари текширилди.

-ДИ ЭКАН

Ўтган замон феълнинг -ди аффикси орқали ясалган формаси билан экан тўлиқсиз феъли фақат сўроқ гаплар доирасида, таркибида сўроқ олмошлари ёки -ми сўроқ юкламаси

бўлган гаплар доирасидагина бирика олади. Бунда шахс-сон қўшимчаси асосий феълга қўшилади. Қачон айтдим экан? Қачон айтдинг экан? Қачон айтди экан?

Саидғози қандай мақсад билан бу ерга келди экан? (С. Анорбоев, «Оқсой») Йўқ, Одилжон икки билагимдан ушлаганича, билмадим, қанча турдик экан; ниҳоят ерга қараб... (У. Назаров, «Фурур»). ... Сенга тўғрисини айтишга уялган бўлса, бош вращ ундан сени суриштирмадимми экан? (Ё. Ҳаймов, М. Раҳмон, «Ҳаёт-мамот») <sup>121</sup>.

Тўлиқсиз феълнинг экан формаси ўтган замон феълнинг бу формасига бирикканда, учинчи шахс формасида экан феълнинг биринчи (э) товуши й га, а товуши и га ўтиши мумкин. Бу ҳодиса, айниқса, оғзаки нутқда кучли характерга эга: Қачон келдийкин? каби:

Нега энди мажнунтолнинг тагида кутдириш зарур бўлиб қолдикин? (О. Ёқубов, «Тилла узук») Кенжа Хонобод йўлида бирданига қаердан пайдо бўлиб қолдикин? (И. Султонов, «Бургутнинг парвози»)

Ҳозирги ўзбек тилида -ди аффикси билан ясалган ўтган замон феълга экан тўлиқсиз феълнинг бирикишидан ҳосил бўлган форманинг маъносида -ган аффикси орқали ясалган ўтган замон сифатдошига экан феълнинг бириккан формаси ҳам қўлланаверади. Қаерга кетди экан?— Қаерга кетган экан? каби:

Бир ҳисоблаб кўрингчи, шунча пахта терганимда неча мартаба ўтириб турдим экан,... неча километр йўл юрдим экан! (А. Қаҳҳор, «Синчалак»)

Бу мисолдаги -ди экан формасини -ган экан формаси билан алмаштириш мумкин. Лекин -ди экан формасида шў формага хос маъно конкрет ифодаланади. -ган экан формаси кўп маънога эга бўлгани учун унинг -ди экан формаси маъносида қўлланганлиги конкрет ёки умумий ҳолатдан ташқарида аниқ бўлмайди. Бундан ташқари, -ган экан билан -ди экан формаси ўртасида маънода ҳам маълум фарқ сезилади, яъни -ган экан формасида вақт нуқтаи назаридан маълум даражада илгариллик, узоқлик сезилади:

Бу ерларда қор нега эриб кетди экан? (А. Мухтор, «Давр менинг тақдиримда») сезилиб турибдики, бошқа ердаги қорлар ҳали эримаган. Демак, бу ердаги қорнинг эриши

<sup>121</sup> Экан тўлиқсиз феълнинг сўроқ гапларда, шунингдек, таркибида сўроқ олмошлари ёки -ми юкламаси бўлган гапларда ифодалайдиган маъноси ва бошқа хусусиятлари ҳақида кейинроқ алоҳида тўхташимиз сабабли бу ўринда -ди экан формасининг маъносига ҳам тўхтамаймиз.

ҳам узоққа бормаиди (яқинда бўлган). Агар бу гапдаги *-ди* экан формаси ўрнида *-ган экан* формаси қўлланса, ҳаракатнинг бажарилиш вақти анча илгарига ўтади.

#### -ГАН ЭКАН

Сифатдошнинг *-ган* аффикси орқали ясалган тури билан экан формаси қўйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади.

1. Ҳаракат-ҳолатнинг аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлиги маъносини билдиради. Бу ҳаракатни сўзловчи кейинчалик ўзи билган ёки ўзгачадан эшитган бўлиши ҳам мумкин:

— *Ҳа-а, эшитганман, тўғри*, эшитган эканман, таърифини эшитганман (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). *Турдивой боя қарашда унча пайқамаган экан, ҳозир барала кўрди* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Айтишингиздан орада ҳеч гап ўтмаган экан* (А. Қаҳҳор, «Сароб»).

Кейин билганлик, эшитилганлик маъносини ифодалаш билан бу форма *-(и)б* аффикси билан ясалган равишдошнинг шахс-сон билан тусланган формасига (*ишлабсан, ишлабди* формасига) ўхшайди:

*Домла! Калтак есам, рўзам очилади-ку!*— деган экан («Латифалар»). *Худойим! Икки танга бермасанг ҳолим хароб!*— дебди («Латифалар»).

Лекин бу икки форма (*-ган экан* ва *-(и)бди* формаси, юқорида кўрсатилган маънода ҳам бир-бирига бутунлай тенг эмас.

Биринчидан, *-(и)бди* формасида энди билганлик, эшитилганлик маъносининг ўзи ифодаланиши, бунда «аввал билмаганлик» маъноси, ифодаланмаслиги мумкин. *-ган, экан* формасида эса «аввал билмаганлик» ҳам таъкидланади. Қиёсланг: *Хабар берибди* — умуман хабар берилганликни билганлик. *Хабар берган экан* — биз билмаган эканмиз, энди билдик.

Иккинчидан, *-ган экан* формасида ҳаракатнинг бажарилиш вақти нисбатан узоқ бўлади. Қиёсланг: *ТошДУ ни битирган экан* — *ТошДУни битирибди*. *Кўчиб кетган экан* — *кўчиб кетибди*.

Учинчидан, айрим феъллар *-(и)бди* формасида бўлганда ҳолатнинг ҳозир мавжудлиги ифодаланади. Шу феъллар *-ган экан* формасида келганда эса бошқача маъно — ҳаракат-ҳолатнинг бошқа бирор ҳаракат-ҳодиса юз бергунча мавжуд бўлганлиги, ҳозир эса унинг йўқлиги ёки у ҳақда сўзловчининг ҳозир тасаввурга эга эмаслиги каби маъно ифодаланади. Қиёсланг: *Осиб қўйибди* — *Осиб қўйган экан*. Шу хусусият

ларига кўра аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлган ва кетма-кет (олдинма-кейин) юз берган ҳаракатларни ифодалашда биринчи ҳаракатни билдирувчи феъл -ган экан формасида, кейинги ҳаракатни билдирувчи феъл эса (-и)бди формасида қўлланади.

*Улар овқат олдидан сойга чўмилгани кетишганда кийимларини очиқ жойда қолдиришган экан, шамол туриб, кийимларини ҳар ёққа тўзитиб юборибди (Х. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). Ҳеч салла ўрамайдиган Афанди иттифоқ кичкина пашшахонани салла қилиб ўраб мачитга борган экан, қайтиб келишида ити танимай таламоқчи бўлибди («Латифалар»). Содиқжон кўтариб қараса, жони чиқмаган экан, кўзини очибди (А. Қаҳҳор, «Асрор-бобб»).*

Бу мисоллардаги -ган экан ва (-и)бди формаларининг ўрнини алмаштириб бўлмайди.

Баъзан (-и)бди аффикси билан ясалган форманинг олдин, экан формасини қабул қилган сўзнинг кейин қўлланиш ҳоллари учрайди. Лекин бундай қўллаш ҳаракатнинг олдинмакетинлигини кўрсатиш учун эмас, балки бирор стилистик ёки бошқа талаб билан бўлади:

*Эрталаб раис самоварга кирса, келин-куёв бир бурчакда ўтиришибди. Поездга етишолмай қолишган экан (Саид Аҳмад, «Ханка билан Танка»).*

2. Муносабат ифодалайди. Бундай ҳолларда ҳам кейин маълум бўлганлик маъноси йўқолмайди. Лекин бу маъно асосий ўринда келмайди. Масалан, ўриқнинг яхши гуллаганини кейин билган (кўрган) киши бу маънони ифодалаганда, экан тўлиқсиз феълни қўлламай, уни ўриқ яхши гуллабди тарзида (яъни «гуллабди» формаси орқали) ифодалайверади. Агар яхши гуллаган экан дейилса, бу ҳаракатдан кейин воқиф бўлиш маъноси билан бирга яна нимадир юз берганлиги (яхши гуллаган ҳолатнинг ҳозир йўқлиги, унда бирор нарса бўлганлиги) ҳам ифодаланиши мумкин: *яхши гуллаган экан, лекин қуриб кетибди.*

*Экан* формаси муносабат ифодалаган ҳолларда уни тушириб қолдириб бўлмайди. Унинг ўрнида эди тўлиқсиз феъли қўлланадиган бўлса, муносабат ифодалаш йўқолмайди, лекин кейин билганлик маъноси, ўзи кўрганлик (билганлик), маъноси билан алмашади: *яхши гуллаган эди, қуриб қолди.*

*Экан* формаси муносабат ифодалаган ҳолларда кейин билганлик маъноси шу форма бириккан феъл билдирган ҳаракатга эмас, бошқа ҳаракат-ҳодисага оид бўлиши мумкин: *Яхши ҳам шу бола дунёга келиб қолган экан ... (Ғ. Фулом, «Едгор»).*

Экан тўлиқсиз феъли муносабат ифодалаган ҳолларда икки гап ўртасидаги пауза жуда қисқа бўлади ва ёзувда бу ҳодиса вергул орқали ифодаланади. Икки гапнинг муносабати мазмун жиҳатдан қандай характерда эканлиги экан тўлиқсиз феъли орқали ифодаланмайди, балки шу гаплар мазмунинини ўзаро муносабатидан аниқлашади:

*Кампир жуда бўлиб қолган экан, тоқат қилолмади* (А. Қаҳҳор, «Асрорбобо»). *Мирза Баҳром ундай маъно чиқишини сира кўзда тутмаган экан, ўсал бўлди* (А. Қаҳҳор, «Миллатчилар»). *Сўфи яна сасийверган экан, Али-лайлак бир кун сўфини хилватда тутиб хилватга тортиб, тўқмоқдай муштини унинг иягига тирабди* (А. Қаҳҳор, «Ўтмишдан эртақлар»).

3. Пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш учун хизмат қиладди. Бунда бош гапнинг кесими ҳам кейин билганлик, эшитилганлик маъносини ифодаловчи формада келади:

*Бир кун Султон ака энди намовдан қайтиб, ҳовлига кирман деб эшик остонасига шундай қадам қўйган экан, биров шақ этиб пешонасига урибди* (Ойбек, «Болалик»).

Бу мисолдаги экан формаси ўрнида эди қўлланса ҳам пайт эргаш гап пайт эргаш гаплигича қолади. Лекин эшитилганлик маъноси ўзи кўрганлик (кузатганлик) маъноси билан алмашади ва бош гапнинг кесимини ҳам «урди» формасида қўллаш керак бўлади.

Демак, *-ган экан* формаси муносабат ифодалаши ва пайт маъносини билдириб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келишига кўра *-ган эди* формасига ўхшайди, лекин биринчисида ҳаракат бевосита кузатилган бўлмайди, *-ган эди* формаси орқали эса бевосита ўзи кузатган ҳаракат ифодаланади.

4. Шарт маъносини билдиради ва бу формадаги феъл шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади:

*Демак, Адолат Қодировнинг сўзларини қайтариб, ўз билганини қилган экан, бу қишлоқ совети ёки Умрзоқованинг тарғиботи эмас, қалбининг қарори, шуурининг буюрганидир* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). *Чарчамайман менга сиз билан бориш на сиб қилган экан, дунёнинг нариги бурчагига ҳам кетавераман* (Ж. Абдуллахонов, «Йўл»). *Қизил қўшин мендан ҳарбий доктор бўлишликни талаб қилган экан, мен бу вазифани аъло даражада тез фурсатда бажараман* (Ғ. Ғулум, «Едгор»).

Экан тўлиқсиз феъли *-ган* аффикси орқали ясалган сифат дошга бирикканда ҳам шарт маъносини ифодалайди. Шу сабабли худди шарт феъли формаси каби, эга эргаш гап ва



ўрин эргаш гапларнинг кесими вазифасида келә олади. Бундай ҳолларда ҳам шарт маъноси сезилиб туради:

*Қаердаки омма ўртасида ғоявий ва сиёсий-тарбиявий ишлар бўш қўйилган экан, ана шундай «бўш жойларда» эскилик сарқитлари илдиз отаверади («Совет Ўзбекистони»).*

5. Сабаб маъносини билдиради ва экан тўлиқсиз феъли билан шакланган феъл сабаб эргаш гапнинг кесими вазифасида келади:

*Ўз ихтиёримиз билан бу вазифани зиммамизга олган эканмиз, бўйнимизга олган юкни «энди кўтара омаймиз» деб ярим йўлда ташлаш биз учун ордир, айбдир (С. Айний, «Дохунда»). Партия ва ҳукумат шу колхозни менга ишониб топширган экан, унда қаттиқ тартиб-интизом ўрнатишга мажбурман (С. Анорбоев, «Оқсой»).*

#### -БДИ ЭКАН

Юқорида кўрдикки, *-(и)бди* формаси ҳам, худди экан тўлиқсиз феъли каби, аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик, эшитганлик маъносини билдиради. Шу сабабли экан тўлиқсиз феълнинг бу маънода *-(и)бди* формасидаги феълга бирикиши деярли учрамайди. *-(и)бди экан* формаси сўроқ гапларда, таркибида сўроқ олмошлари ёки *-ми* юкламаси бўлган гапларда учрайди. Лекин бу ҳам жуда кам даражада:

*Эр-хотин: «Бизнинг тўғримизда бу ёлғон гапни ким тўқибди экан», — деб бир-бирларига қараб анқайишиб қолдилар. (Е. Хаймов, М. Раҳмон, «Ҳаёт-мамот»).*

#### -ЁТГАН ЭКАН

Бу формада ҳам экан тўлиқсиз феъли худди *-ган экан* формасидаги маъно ва вазифаларида қатнашади. Асосий фарқли хусусият *-ган* ва *-ётган* формантларига хос фарқли хусусиятдир, яъни *-ган экан* формасидаги ҳаракат тугаган, бажарилган ҳаракат бўлади. *-ётган экан* формаси билдирган ҳаракат эса назарда тутилган вақтда (моментда) тугамаган, бажарилаётган ҳаракат бўлади. Қиёсланг: *келган экан — келётган экан.*

Бундан ташқари, *-ган экан* формасининг муносабат билдириш ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида қўлланиши нисбатан кам учрайди. *-ётган экан* формаси эса бу вазифаларда кўп қўлланади:

Мана бу одам қишлоққа кириб келаётган экан, тутдик (И. Султонов, «Бургутнинг парвози»). Кампир ошхонада қозон юваётган экан, эрини кўриши билан яна жовраб кетди (Саид Аҳмад, «Мастонбиби»). Босмачилар ҳақида ҳар хил хабарлар кела бошлади:... фалон қўрбоши йигитлари билан тоғ оралиғида келаётган экан, кўчки босиб қолибди... (А. Қаҳҳор, «Ўтмишдан эртаклар»).

-ётган экан формасининг муносабат билдириш ва пайт эргаш гапни бош гапга боғлаш вазифасида кўпроқ қўлланиши -ётган формасида ҳаракат бажарилиш вақтининг маълум, аниқ моментда бўлиши таъсиридадир. (Бу ҳодиса -ётган эди формасининг таҳлилида ҳам гапирилган эди.)

-ЯПТИ ЭКАН (-ЎТИБДИ ЭКАН,  
-ЎТИР ЭКАН, -МОҚДА ЭКАН)

Экан тўлиқсиз феъли ҳозирги замон сифатдошидан ташқари, аниқ ҳозирги замон феълининг барча формалари билан ҳам бирика олади:

Бу тикилган катга-катга кўзлар биздан нимани умид қил япти экан? (А. Мухтор, «Давр менинг тақдиримда») Кейинги кунларда эса мактабда қанчадан-қанча янгиликлар бўла ётибди экан-у, марҳамат Қудратни бир оғиз йўқлатмайди (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). У қимни олиб кетаётмир экан? (Б. Кербобоев, «Небитдоғ») Мен билмаган эканман, ўтнинг тафтига липпамдаги ёғ эриб, почамдан оқмоқда экан (Ғ. Ғулом, «Шум бола»).

Тўлиқсиз феъл экан формасининг аниқ ҳозирги замон феъл формаларининг барчаси билан бирикиши фактик жиҳатдан мумкин бўлса-да, лекин бундай қўллаш адабий тил нуқтаи назаридан ҳамма вақт ҳам нормал ҳолат бўлавермайди.

Аввало, -моқда экан, -ётир экан формаси жуда кам учрайди. -ётир экан формаси — жуда кам қўлланган ҳолларда ҳам унинг адабий тил нуқтаи назаридан нормал ҳолат эмаслиги аниқ сезилиб туради.

Бундан ташқари, аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъносидан -япти экан, -ётибди экан, -ётир экан формасининг қўлланиши адабий тил нуқтаи назаридан нормал ҳолат эмас. Бу маънода адабий тил нормасига моси -ётган экан формасидир. Қиёсланг: Гул теряпти экан — Гул тараётган экан. Роман ёзаётибди экан — Роман ёзаётган экан. Тўй бўлаётмир экан — Тўй бўлаётган экан.

Лекин сўроқ формасидаги гапларда таажжуб, ҳайронли каби маънолар ифодаланган ҳолларда -япти экан (яптий

кин) -*ётибди экан* (*ётибдийкин*) формасини қўллаш адабий тил учун ҳам нормал ҳолат ҳисобланади (бу ҳақда кейинроқ яна гапирамиз): *Нима қилаётганикин?*— *Нима қияпти экан* (*қиялптийкин*). *Келаётганмикин?*— *Келяптимикин* (*келяптими экан*) каби.

## -АДИ (-ИДИ) ЭКАН

*Экан* тўлиқсиз феълнинг ҳозирги-келаси замон формасига бирикиши, кам даражада бўлса-да, ҳозирги ўзбек тилида учрайди:

*Оббо, концертга борамиз деб, концерт қўйиб берамиз экан-да!* (С. Зуннунова, «Олов») *Сен шаҳарнинг феълини билмайсан экан* (Ҳ. Шамс, «Душман»). *Учинчиси иккинчисига: Қани, мендек тик тур-чи. Уйқусиз қанча тура оласан экан?*— *дебди* (Е. Хаимов, М. Раҳмон, «Ҳаёт-мамоғ»). *Яхши одам сира ўлмайди экан* (Саид Аҳмад, «Қадрдон далалар»).

Ҳозирги ўзбек адабий тилида бу форма орқали ифодалангани маънода, асосан *-р экан* формаси қўлланади (*концерт қўйиб берамиз экан-да* — *концерт қўйиб берар эканмиз-да*, *билмайсан экан* — *билмас экансан*, *тура оласан экан* — *тура олар экансан*.)

## -Р ЭКАН

Бу форманинг маъноси ва хусусиятлари ҳақида А. Ғ. Ғуломов ва А. Н. Қононовларнинг юқорида кўрсатилган ишларида тўлароқ маълумот берилади. Бу ишларда *-р экан* формасида *экан* феълнинг аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъносини, шунингдек, пайт ва шарт маъноларини ифодалашни кўрсатилади. Бироқ *-р экан* формасининг маъно ва вазифаси шулар билангина чегараланмайди. Бу форма ҳозирги ўзбек тилида *экан* тўлиқсиз феъли билан ясаладиган феъл формалари ичида кўп маънолилиги, маъно нозикликларига эгаллиги ва қўлланишда ўзига хос қатор хусусиятлари билан ажралиб туради.

1. Ҳаракатнинг аввал номаълум бўлиб, кейин (энди) маълум бўлганлиги (билинганлиги) ифодалангани. Маълум бўлиш эса эшитиш ёки бошқа йўл билан юз бериши мумкин:

*Ҳозир район вакили ўртоқ Ғойинов телефон қилди. Ҳамма ишни тўхтатиб, қимирлаган жонни теримга солар эканмиз* (Н. Сафаров, «Ҳаёт мактаби»). *Кейин билсам, бу болалигимдан қулгимга сингиб кетган ойимнинг овозига ўхшар экан* (А. Мухтор, «Давр менинг тақдиримда»).

Бу формада ҳаракатнинг замонга муносабати қуйидагича бўлиши мумкин:

1) Ҳаракат доимий характерга, умумзамон характерига эга бўлади:

... олимларнинг ҳисобича, ҳар бир қурт ўсиш даврида бештадан йигирматагача кўсакни шипирар экан (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). Бундан чиқди, овчиликни яхши кўрар экан сандар (О. Ёқубов, «Тенгдошлар») Замона шум бўлса, яхши хотиндан ҳам қочар экан киши (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироғлари»).

Ҳаракатнинг бажарилиши доимий, умумзамон характерига эга бўлган ҳолларда -р экан формасидаги феълнинг биринчи шахсда қўлланиши жуда кам учрайди. Чунки сўзловчи ўзи бажарадиган доимий ҳаракатини ёки шу вақтгача давом этиб келган ҳаракатни ўзи билмаслиги объектив ҳолда кам бўладиган ҳодиса.

2) Ҳаракат келгусига оид бўлади: *Негасини суриштирма, кечқурун халқни йиғиб эшиттирар экан, сабабини ўшанда сўрайсан* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Менга «Улуғ Октябр байрамига қандай баҳолар билан келдик» деган мақола ёзишни топширди. Бунда ютуқларимизни ҳам, камчиликларимизни ҳам кўрсатар эканмиз* (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

Бу форма -да юкламаси билан қўлланганда, ҳаракатнинг сўзловчига маъқул бўлмаганлиги, умуман шу ҳаракат маъқул бўлмаган (нормал ҳолатга тўғри келмайдиган) ҳаракат эканлиги ва шу каби қўшимча маънолар ҳам ифодаланади:

*Меҳмонни ишга солар эканмиз-да, — деди Йўлчини бирга олиб жўнаркан Ермат* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Бир ўзим қоларканман-да... — деди йиғламсираб Раиса* (О. Ёқубов, «Тенгдошлар»). *Бўлмаган гап,... Биров бир нима деса ишонаверар экан-да* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).

2. Шарт маъносини билдиради ва шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади:

*Агар ана шу ишга муносиб ҳисса қўшар эканман, халқ ишончини оқлаган бўламан* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). *Агар бизлар билан баравар қадам ташлаб боришни истамас экансиз, бизга халал бермай ҳам қўя қолинг* (Ё. Ҳаймов, М. Раҳмон, «Ҳаёт-мамот»). *Бешта қизим олтига бўларкан — севинмайманми! Олти қизим мен учун тенг. Шуларни деб яшайман, юрагим уриб турар экан, шулар учун ишлайман* («Совет Ўзбекистони»).

Экан тўлиқсиз феъли -р экан формасида шарт маъносини ифодалаши сабабли бу формадаги сўз, худди феълнинг шарт

формаси каби, эга эргаш гап, аниқловчи эргаш гап, ўрин эргаш гап ва ўхшатиш-даража эргаш гапларнинг кесими вази-фасида кела олади:

*Кимки ҳаётимиздаги нўлат оқимга қарши борар экан ҳалок бўлади* (Н. Сафаров, «Ҳаёт мактаби»). *Биз ишлаб чиққан мебеллар уйлариғизни қанчалик яхши безатар экан, биз шунчалик хурсанд бўламиз* (Телевидение эшиттиришидан). *Қайси касб сизни қизиқтирар экан, ўша касбни эгаллашга ҳаракат қилинг. Қаерда меҳнат интизоми тўғри йўлга қўйилар экан, ўша ерда меҳнат унумдорлиги юқори бўлади.*

3. Сабаб маъносини билдиради ва бу формадаги сўз сабаб эргаш гапнинг кесими вази-фасида келади:

*Кечани кеча, кундзани кундуз демай тер тўкар экан-миз, турмушимиз ҳам фаровон бўлуви шарт* (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»). *Модомики, душман кучини парчаламай туриб ғалабага эришиб бўлмас экан, биз ҳам полк кучини учта гурпуага бўлиб иш кўрсак* (А. Убайдуллаев, «Қонли издан»).

Ҳаракат келгусига оид бўлган ҳолларда *-р экан* формаси «кўрасан», «кейин биласан» каби маъноларни ҳам ифодалайди. Бу маънолар экан тўлиқсиз феълининг «кейин маълум бўлиш»ни ифодалаш хусусиятидан келиб чиқади:

*Иккинчи шу уйга қадам қўйгин, нима қилар экан-ман* (Саид Аҳмад, «Муҳаббат»).

Бу ҳодиса, айниқса, оғзаки нутқда кўп учрайди.

4. Муносабат билдиради. Бундай ҳолларда ҳам кейин маълум бўлганлик маъноси йўқолмайди. Лекин бу маъно асосий ўринда келмайди. *-р экан* формаси муносабат билдириш учун қўлланган ҳолларда, худди *-р эди* формасидаги каби, айтилаётган ҳаракатга оид нимадир борлиги сезилиб туради. Шунингдек, камтарлик, хушмуомалалик ҳам ифодаланади. Агар кейин маълум бўлганлик таъкидланмайдиган бўлса, *-р экан* формаси *-р эди* формаси билан алмаштирилиши мумкин:

*Бу гапни аямга айтмай қўяқолсам ҳам бўлар экан, дадам, балога қолди* (А. Қаҳҳор, «Ўтмишдан эртақлар»). *Эҳе, бунақа кўрқоқлигингизни билсам, сизни чақиртирмас экан-ман-у?!* (З. Фатхуллин, «Олтин куз»). *Биронта китоб берсам, йўлда эрмак қилиб кетар экан-сиз* (Саид Аҳмад, «Қўшиқ»).

5. Пайт маъносини билдиради ва пайт эргаш гапнинг кесими вази-фасида келади:

*Мулла Абдурахмон Қўқон сафарига ҳозирланар экан, кўнели Қўқонда ўзини кутиб турган уламолик шуҳра-*

*тига... ошиқинар эди* (А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»). *Йигит тонг пайтлари ишга чиқиб универсали устида дала кезар* т е к а н, *Раисанинг муҳаббати унга ҳамроҳ бўлиб қолганди* (Ж. Абдуллахонов, «Янги одамлар»). *Ез чоқлари Йўлчи далада ишларкан, улар тез-тез учрашиб туришар, жуда салимий сўзлашар эди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Ўзбек тилидаги пайт эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида гапирилган ҳозирги ишларнинг деярли ҳаммасида кесими *-р экан* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гап тури мавжудлиги кўрсатилади ва бундай гапларда бош ва эргаш гаплардаги ҳаракатнинг бир вақтда рўй бериши<sup>122</sup>, параллел ҳолда юзага келиши<sup>123</sup> айтилади. Лекин биринчидан, кесими *-р экан* формасидаги феъллардан бўлган пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг хусусияти ва бундай эргаш гаплардаги *-р экан* формасининг маъноси фақат шу билангина чекланмайди. Иккинчидан, бош ва эргаш гапдаги ҳаракат бир вақтда рўй беради, параллел ҳолда юзага келади деган гапларга ҳам маълум аниқлик киритиш лозим бўлади. Учинчидан, кесими *-р экан* формасидаги феълдан бўлган пайт эргаш гапли қўшма гаплар ҳақида гапирганда, унинг ўзига маънодош бўлган бошқа формалардан фарқли хусусиятларини очиб бериш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирги ишларда масаланинг ана шу томони эътибордан четда қолиб келмоқда.

Кесими *-р экан* формасидаги феълдан бўлган пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош гап билан эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти ва давомлилиги бир хил бўлавермайди. Ҳозирги ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, бу типдаги қўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти ва улардаги ҳаракатнинг давомлилик жиҳатдан ўзаро муносабати қуйидагича бўлиши мумкин:

1. Пайт эргаш гап кесими билдирган ҳаракат-ҳолат процессида (бажарилаётганида) бош гапдаги ҳаракат бажарилади: Бунда:

а) Бош гапдаги ҳаракат давомли бўлиши мумкин:

*Омонов ўз йўлида давом этаркан, болаларнинг турлича табиатлари ҳақида хаёл суриб кетди* (Ибохон, «Улуғ кун»). *Чорақор чиқиб кетар экан, уни то зинадан тушкунча кузатиб турди* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).

б) давомли бўлмаслиги мумкин:

<sup>122</sup> Ғ. Абдурахмонов, Қўшма гап синтаксиси асослари, Тошкент, 1958, 144-бет; М. Мирзаев, С. Усмонов, И. Расулов, Ўзбек тили, Тошкент, 1962, 226-бет.

<sup>123</sup> А. Ғ. Фуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили, Тошкент, 1961, 214-бет.

*Икир-чикир хаёлдан кўз очиб қўшни қиз билан хайрлашиб чиқар эканман, у кампирдан тез-тез хабар олиб туришимни илтимос қилди (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»). Содда ва самимий ҳангома билан чой ичилар экан, дарахтлар орқасида ҳўнграб йиғлаган товуш эшитилди (Ойбек «Қутлуғ қон»).*

Кўринадики, эргаш гап кесими билдирган ҳаракат процессида бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланган ҳолларда иккала ҳаракатнинг бирга давом этиши, параллел бажарилиши шарт эмас. Шунингдек, иккала ҳаракат давомлилик ёки давомсизлик жиҳатдан бир хил бўлмайди. Бундаги асосий нарса шуки, бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилаётган вақтига тўғри (дуч) келади. Эргаш гапнинг кесими билдирган ҳаракат бош гапдаги ҳаракат бажарилишидан аввал бошланган ва давом этаётган бўлади. Бу ҳаракат бош гапдаги ҳаракат бажарилгандан сўнг яна давом этиши ҳам, давом этмаслиги ҳам мумкин. Шунингдек, бош гапдаги ҳаракат билан яна давом этувчи ҳаракат бўлиши ҳам мумкин:

*Жимжитлиг-у? — деди Йўлдошев, менинг ёнимда туриб майдонни кузатар экан. (А. Убайдуллаев, «Қонли издан»). Қумри она ва раис машинадан тушар эканлар, бирдан уларни кўриб қолишди-да, колхозчиларга қўллар билан кўрсатишиб мағрурланишди (Ибохон, «Улуғ кун»). Саодатнинг гапларига қулоқ соларкан, Турғун бу иш чўпонлардан кўра ҳам Саодат учун оғир эканини ўйлар эди (О. Еқубов, «Тоғ қизи»).*

Демак, кесими -р' экан формасидаги феълдан бўлган пайт эргаш гапли қўшма гапларда ифодаланган асосий маънолардан биринчиси бош гапдаги ҳаракат бажарилишининг эргаш гапдаги ҳаракат бажарилаётган вақтига тўғри келишидир. Бунда *эргаш гап кесими билдирган ҳаракат давомли ҳаракат бўлади.*

Пайт эргаш гап кесими билдирган ҳаракат бажарилаётганда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши маъноси кесими -ётганда, ётиб, -ганда, -б формасидаги феъллардан, шунингдек, -ган, -ётган формасидаги сифатдош + ўрин-пайт келишиги формасидаги *вақт, пайт, чоғ, замон* каби сўзлардан бўлган пайт эргаш гапли қўшма гаплар орқали ҳам ифодаланади. (Бу ҳодиса ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда қайд этилган.) Лекин пайт ифодаловчи -р' экан формаси пайт эргаш гап кесимининг юқорида келтирилган формаларидан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Шунинг учун ҳам пайт эргаш гапнинг кесими -р' экан формасида бўлган тури ўрнида кесими бошқа формада бўлган турини ва,

аксинча, улар ўрнида кесими *-р экан* формасидаги турини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди:

[Йўлдошбой] ...*ўтирган жойида ерга сингиб кетгандек б. а қ р а я р к а н, қўздан тирқираб ёш чиққанини ўзи ҳам билмади* (Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Жаннат хола бегона нотоб бола тепасида ўтириб, ўз боласини ўйларкан, кўзларидан думалаб тушаётган қайноқ ёшлари ажсинли юзларини куйдиради* (Сайд Аҳмад, «Уфқ»). *Ана шундай қувноқ хангома авжга чиқиб турган пайтда, эшикдан Раҳимнинг «Келдилар Келдилар!» деган шод қичқириғи эшитилди* (Х. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). *Икки фасл орасида, айниқса куз бошланаётганда, ҳар хил довул-бўронлар бўлади* (Б. Кербобоев, «Небитдоғ»).

Биринчи икки мисолдаги *-р экан* формаси ўрнида пайт эргаш гап кесимининг бошқа формасини ва кейинги икки мисолдаги *-ган пайтда, -ётганда* формалари ўрнида *-р экан* формасини қўллаб бўлмайди. Қўлланса, маънода қандайдир ўзгариш юз беради.

Яна шу нарса ҳам характерлики, кесими *-р экан* формасида бўлган пайт эргаш гап ўрнида, баъзи ҳолларда, кесими *-ганда* формасидаги пайт эргаш гапни қўллаш мумкин бўлади. Бундай ҳолда, кесими *-ётганда* ёки *-(и) б* формасидаги пайт эргаш гапни қўллаб бўлмайди ва, аксинча, кесими *-(и) б* ёки *-ётганда* формасидаги пайт эргаш гапни қўллаш мумкин бўлгани ҳолда, кесими *-ганда* формасидаги пайт эргаш гапни қўллаб бўлмайди ва ҳ. Бу ҳодисаларнинг сабабини *-р экан* формасининг хусусияти орқали тушунтириш мумкин.

Кесими *-р экан* формасидаги феълдан бўлган пайт эргаш гапли қўшма гапларда ҳаракат бажарувчиси бир шахснинг ўзи бўлиши ҳам<sup>124</sup>, бошқа-бошқа шахслар бўлиши ҳам мумкин. Шунингдек, эргаш гапда бажарувчи бир шахс, бош гапда эса у билан бирга яна бошқа бажарувчи шахс (ёки шахслар) ёки аксинча бўлиши ҳам мумкин:

*Ҳасан кўришаркан, Зухрага билинар-билимас қараб кулимсираб қўйди* (Ибохон, «Улуғ кун»). *Мен соғ қўлим билан ярадорларнинг пилоткаларини олиб, тешикларга тиккара эканман, яна бошим айланиб, олам қоронғилашди.*

<sup>124</sup> Айрим тилшунослар қўшма гапда эганинг бирдан ортиқ бўлиши шартлиги ҳақида гапирадилар. Лекин бу фикр ҳали барча томонидан эътироф этилмаган. А. Н. Кононов ва Ғ. Абдурахмоновларнинг юқорида кўрсатилган ишларида бажарувчиси айнан бир шахс бўлган конструкциялар ҳам қўшма гаплар қаторида келтирилган. Бизни қизиқтирган нарса *-р экан* формасининг хусусияти бўлганидан, қўшма гап бўлиши ёки бўла олмаглигидан қатъий назар, бажарувчиси бир шахснинг ўзи бўлган ҳолатларни ҳам келтиравердик.



(А. Мухтор, «Давр менинг тақдиримда»). *Исмоилжон Саидани секретарликка сайланиши билан табриклар экан, икковининг ҳам кўнглидан бир гап ўтди...* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). *Хон Одилбикани, Одилбика уни муборақбод қилар экан, хон:*

— *Қайнатамга минг раҳмат,— деди...* (Ж. Шарипов, «Хоразм»).

Кесими *-р экан* формасидаги пайт эргаш гап ўрнида кесими бошқа формадаги пайт эргаш гапни қачон қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги, бир томондан бош ва эргаш гапдаги ҳаракатни бажарувчининг айнан бир шахс ёки бошқа-бошқа шахс бўлишига ҳам боғлиқ.

Кесими *-ётиб, -(у)б* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда (ҳаракат давомли бўлганда) бош ва эргаш гапдаги ҳаракатни бажарувчи бир шахснинг ўзи бўлади. Шунинг учун ҳам ҳаракатни бажарувчи бошқа-бошқа шахслар бўлган ҳолларда *-р экан* формаси ўрнида *-ётиб* ёки *-(у)б* формасини қўллаш мумкин эмас:

*Дорбоз учамакка чиқиш олдидан муножот қилиб, сўнги қадамини кўтарар экан, фикри-зикри, кўзи-юзи билан тикилиб қолди ҳамма юрагини чангаллаб унга* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). *Йўл-йўлакай бармоғимни боғлаб югурарканман, ҳалиги офицерлар чиққан блиндаждан пулемёт очиб қолди.* (А. Мухтор, «Давр менинг тақдиримда»). *Йўлчи кўзлари билан атрофни сайратаркан, рўбарўдаги кўргон ичкари ҳовли эшигидан ёш-ёш ўғил ва қиз болалар чувиллашиб чиқишди* (Ойбек, «Қўтлуғ қон»).

Бажарувчи айнан бир шахснинг ўзи бўлган ҳолларда *-р экан* формаси ўрнида *-ётиб, -(у)б* формаларидан ташқари *-ётганда, -ганда* формаларидан бирини қўллаш ҳам мумкин. Лекин бундай ҳолларда *-р экан* формаси ўрнида *-ётганда, -ганда, -ётиб, -(у)б* каби формалардан хоҳлаган бирини хоҳлаган вақтда қўллаш мумкин бўлавермайди, балки маълум ҳолларда *-ётиб* ёки *-(у)б* формасини, бошқа ўринларда эса *-ётганда, -ганда* каби формалардан бири қўлланади.

Кесими *-ётиб, -(у)б* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда субъектнинг эргаш гапдаги ҳаракатни бажариш процессида (бажариб туриб, бажараётиб) бош гапдаги ҳаракатни бажариши ифодаланади. Бунда асосий эътибор бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақтига қаратилмайди (яъни вақтга урғу берилмайди). Кесими *-ётганда, -ганда, -ган вақтда (пайтда, чоғда...)* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда эса асосий диққат вақтга қаратилади, яъни вақтга урғу берилади. Кесим *-р экан* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда эса ана шу иккала ҳолат ҳам ифода-

Ўтирар экан, кўзларига ёш келганидан беҳабар эди.  
(М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Бу мисоллардаги *-р экан* формаси ўрнида *-(и)б*, *-ётиб* формаларидан бири қўлланса, маъно ўзгаради — ҳолат от-тенкаси юзага келади. Учинчи мисолда, ҳатто, ҳолат маъноси асосий ўринга ўтади.

Биз юқорида келтирган мисоллардаги *-р экан* формаси ўрнида *-ётиб*, *-(и)б*, *-ётганда*, *-ганда*, *-ган вақтда* каби формалардан бири қўлланганда маълум даражада маъно ўзгари-шини кўрдик. Буларда маънонинг маълум даражада ўзгари-шидан қатъий назар, ҳар ҳолда, *-р экан* формаси ўрнида *-ётиб*, *-(и)б*, *-ётганда*, *-ганда*,... каби формалардан бирини қўллаш мумкин. Бироқ шундай ҳоллар ҳам бўладики, *-р экан* формаси ўрнида *-ётиб*, *-(и)б*, *-ётганда*, *-ганда*, *-ган вақтда* (*пайтда*) формаларидан бирини қўллаш бутунлай мумкин бўлмайди:

Қаландаров креслонинг суянчиғига ўнг қўлтиғини қўйиб, президиумга орқа ўгириб, кўчага қараб ўтирар экан, докладни икки марта тўхтатиб, бир марта почтальон билан, иккинчи марта ферма мудури билан гаплашди (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). Гулнор бу хатни қай тариқа Йўлчига етказиши ўйлар экан, бу орада Йўлчининг қамалганини эшитиб, хатни қутилардан бирига ташлаб қўйган эди (Ойбек, «Қутлур қон»). Эргаш Михаилнинг жонсиз гавдасини кўтариб, бошини бағрига босар экан, иссиқ кўз ёши марҳум дўстининг юзига анчагача томиб турди (Н. Сафаров, «Сўнгги нафас-гача»).

Бош гапнинг кесими *-р эди* (*-мас эди*) формасида, эргаш гапнинг кесими эса *-ётиб*, *-ётганда*, *-ганда*, *-ган вақтда* (*пайтда...*) каби формада бўлганда, айрим ҳолларда, ҳаракатнинг маълум вақт билан чегараланмай, қачонки эргаш гапнинг кесими билдирган ҳаракат бажарилаётганда бош гапдаги ҳаракатнинг ҳам бажарилиши ифодаланади. Эргаш гапнинг кесими *-р экан* формасида бўлганда эса бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг маълум конкрет вақтда бажарилиши англашилади:

Устидаги фуфайкасини марзага улоқтириб, астойдил ишга берилиб кетди. У ишларкан, ҳеч нарсани ўйламасди... (Саид Аҳмад, «Уфқ»). Холбек Девдарага ошиб ўтиб, қўйларини қайтарар экан, тошга ўйилган ҳалиги суратларга қарамасликка тиришар эди (II. Қодиров, «Қора кўзлар»).

Пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келувчи *-р экан* феъл формасининг маъноларидан бири ва унинг худди шу маънони ифодаловчи *-ётиб*, *-(и)б*, *-ётганда*, *-ганда*, *-ган вақтда*

(пайтда, чоғда...) каби формалардан асосий фарқли хусусиятлари ана шулардан иборат.

2) Пайт эргаш гапнинг кесими билдирган ҳаракат бажарилган вақтнинг ўзида бош гапдаги ҳаракатнинг ҳам бажарилиши ифодаланади. Бундай ҳолларда эргаш гапдаги ҳаракат билан бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти бири-бирига тутшиб кетади. -р экан формаси бу маънода қўлланганда, ҳаракат бажарувчиси айнан бир шахснинг ўзи ёки бошқа-бошқа шахслар бўлиши мумкин:

*Маҳмуд кўзларини пирпиратиб олисларга тикилар, баъзан Мақсудага кўз қирини ташлаб қўяр экан, қалби ҳам севинч, ҳам қўрқувдан титрарди* (С. Зуннунова, «Олов»). *Сўнгра орқасидан келиб турган Аҳмедовга кўзлари тушаркан, у кишидан бир оз уялди* (Ибохон, «Улуғ кун»). *Феруза сира тилидан қўймайдиган йиғитни кўраркан, Ханифанинг кўнглига қувонч тўлди...* (Ҳ. Ғулум, «Сенга интиламан»).

Бундай ҳолларда пайт эргаш гап кесими билдирган ҳаракат давомли бўлмайди. Шунинг учун ҳам кесими -р экан формасидаги пайт эргаш гап ўрнида кесими -ётиб, -ётганда, -ётган вақтда (пайтда) формасидаги пайт эргаш гапларни қўллаб бўлмайди, фақат кесими -(и)б, -ганда, -ган вақтда (пайтда) каби формадаги эргаш гапларнигина қўллаш мумкин ёки қўшма гап билдирган мазмунни ифодалаш учун кесими -р экан формасидаги эргаш гапни -ган аффиксли сифатдош оборотга айлантириш лозим бўлади:

*Йўлдошбой коммуна аъзоларидан баъзиларининг руҳий ҳолатларини эслар экан, Тўрабекнинг ана шу ҳаракати кўз ўнгига келди* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Маҳмуд Мақсуданинг номини айтар экан, ранги билинар-билимас оқарди* (С. Зуннунова, «Олов»). *У юмушлар билан банд бўлиб, уйга кирди, ҳовлига чиқди ва мен ҳар гал унга қарар эканман, кўзимга иссиқ кўринди, аммо қаерда кўрганимни эслай олмадим* (У. Назаров, «Фурур»).

Кесими -р экан формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти конкрет чегараланмаган бўлиши, қачон эргаш гапдаги ҳаракат бажарилса, шу вақтнинг ўзидаёқ бош гапдаги ҳаракатнинг ҳам бажарилиши ифодаланиши мумкин. Ана шундай ҳолларда ҳам, барибир, -р экан формаси ўрнида -ётиб, -ётганда формаларини қўллаб бўлмайди:

*Ғуломжон тошни ҳам йиғлатиб юборадиган бу таъсирчан ашулани:*

*«Бу йўлга кирганим ё раб, ки бир дилдорни изларман  
Нетай санепораларни, бебаҳо гавҳарни изларман!»* каби

ёниқ сўзлар билан бошлар экан, ҳамisha севгилиси Ҳаётни кўз ўнгида тутар эди (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Кўринадики, *-р экан* формаси бу маъносида ҳам унга маънодош формалардан ўзига хос маъно нозикликлари ва бошқа хусусиятлари билан фарқланади.

3) Бош гапнинг кесими билдирган ҳаракатнинг бирор вақт билан чегараланмаганлиги, қачон *-р экан* формасидаги феъл билдирган ҳаракат бажарилса, шу вақтда бош гапдаги ҳаракатнинг ҳам бажарилиши ифодаланади:

*Бу фикрни илгари сурар эканман, мен давлат маънафатларини кўзлайман, холос* (И. Раҳим, «Ихлос»). *Айтилганлардан очиқ кўринадики, сингармонизм ҳақида гап борар экан, биринчи навбатда ундошлар уйғунлиги* (сингармонизм) *кўзда тутилиши керак* («Ўзбек тили ва адабиёти» журнали).

4) Пайт эргаш гапдаги ҳаракат билан бош гапдаги ҳаракатнинг кетма-кет юз бериши, яъни эргаш гапдаги ҳаракат бажарилиши билан бош гапдаги ҳаракатнинг ҳам бажарилиши ифодаланади:

*Чорсувга яқинлашганда Тантубойвачча чап томондаги кичкина кўчани кўрсатди. Извош тўхтаркан, бойвачча олдин хотинни туширди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Чўлбобо чойга қорган толқонини ямлаб ютаркан, Ферузадан сўради: (Ҳ. Ғуллом, «Сенга интиламан»). «Сен етим эмассан» деган картина бўлишини айттаркан, Раиса ҳам, ўқитувчилар ҳам «Янги директор бу одамнинг кўзини очаётганга ўхшайди» дегандек бир-бирларига маъноли қараб олишди* (П. Қодиров, «Қора кўзлар»). *Кўзи юмиларкан, Қамбар ҳозиргина тасвир этган хасис бойни тушида жуда мудҳиш тасаввур этди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Шуни айтиш керакки, пайт эргаш гап кесими вазифасида келган *-р экан* формасининг бу маънода қўлланиши унинг биринчи ва иккинчи маъноларида қўлланишига нисбатан кам учрайди (Бу маъноси у қадар умумлашмаган). Баъзи ҳолларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бир вақтда ёки олдинма-кейин бажарилганлиги аниқ бўлмай қолади. Бу маъноларнинг конкретлашувида гапнинг умумий мазмуни ёки гап таркибидаги бошқа сўзлар ҳам роль ўйнайди:

*Йўлчи ўз манзилига қайтиб, пичан «тўшакка» чўзиларкан, ҳалиги ердан яна ноғора тарақлади* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Низомжон ўрнига чўзиларкан, Икромжоннинг гапларини яна бир марта танасига ўйлаб кўрди* (Санд Аҳмад, «Уфқ»).

Биринчи мисолда Йўлчи ўрнига чўзилаётганда ноғора тарақлаганми ёки ўрнига чўзилгандан сўнг тарақлаганми эканлиги аниқ эмас. Иккинчи мисолда эса ўрнига чўзилгандан сўнг ўйлаб кўрганлиги аниқ.

Кесими айнан бир сўздан ифодаланган пайт эргаш гапли кўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш вақти турлича бўлиши мумкин.

*Пиёлада совиб қолган чойни симириб, уйдан чиқар экан, пешонасини эшик тепасига қаттиқ уриб олди* (Ойбек, «Қутлуг қон»). *Хотиржам бўлгандай ўрнидан туриб кўчага чиқаркан, шошилиб келаётган Саломбувини учратди* (Ҳ. Шамс, «Душман»).

Биринчи мисолда эргаш гапдаги ҳаракат бажарилаётганда (уйдан чиқаётганда) бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланган. Иккинчи мисолда эса эргаш гапдаги ҳаракат бажарилгач (кўчага чиққач), бош гапдаги ҳаракат юз берган.

Кесими *-р экан* формасидаги пайт эргаш гапли кўшма гапларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг бажарилиш кетма-кетлигидаги вақт оралиғи жуда қисқа бўлади. Эргаш гапдаги ҳаракат бажарилиб бўлган оннинг ўзидаёқ бош гапдаги ҳаракат юзага келади:

*Қизлар навбатма-навбат келиб, биттадан рўмол олишаркан, бошларидаги оқ шол рўмолларини тушира бошладилар* (Ж. Абдуллахонов, «Йўл»). *Тугунни Розия холанинг қўлига берар экан, ярим энтикиб гапира бошлади* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Қозининг кўзи ялтираб кетди, тиллаларни оларкан, дуога қўл очди.* (Ж. Шарипов, «Хоразм»).

Бундай гапларда бош ва эргаш гапдаги ҳаракатнинг кетма-кетлигидаги вақт оралиғи жуда қисқа бўлганидан, бош гапдаги ҳаракатнинг кейин юз бериши таъкидланмайди ҳам. Шу сабабли *-р экан* формаси ўрнида кейин бажарилишни таъкидловчи *-гандан кейин* каби формаларни қўллаб бўлмайди.

Кесими *-р экан* формасидаги пайт эргаш гапли кўшма гапларда *-р экан* формасининг ифодаладиган маънолари ва унинг шу маънони ифодаловчи бошқа формалардан асосий фарқи хусусиятлари шулардан иборат. Энди кесими *-р экан* формасидаги пайт эргаш гапли кўшма гапларнинг қўлланишдаги ўзига хос хусусиятларига қисқача тўхтаб ўтайлик.

Тўдиқсиз феълнинг *екан* формаси кейин хабардор бўлганлик маъносида қўлланганда, ҳозирги-келаси замон феълнинг бўлишли формаси билан ҳам, бўлишсиз формаси билан ҳам бирика олади: *Заводда ишлар экан. Бузун келмас экан* каби.

Экан феъли шарт эргаш гапнинг кесими таркибида қўлланганда ҳам худди шундай бўлади. Бироқ бу феълнинг бўлишсиз формадаги ҳозирги-келаси замон феъли билан бирикиб, пайт эргаш гап кесими вазифасида келиш ҳодисаси учрамайди (яъни *-р экан* формасидаги феъл пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади, лекин *-мас экан* формасидаги феъл бундай вазифада кела олмайди). Бунга сабаб, бизнингча, бу типдаги пайт эргаш гапли қўшма гапнинг китобий тилга хослиги ва бунда ҳаракатнинг маълум даражада экспрессив тарзда ифодаланишидир. Чунки бўлишсиз формада ҳаракат йўқ бўлади (инкор этилади). Йўқ ҳаракат эса экспрессив тарзда ифодаланмайди.

Биз тўплаган фактларнинг кўрсатишича, кесими *-р экан* формасидаги пайт эргаш гаплар, асосан, биринчи ва учинчи шахс формасида қўлланади. Практик жиҳатдан иккинчи шахс формасида қўлланиши ҳам мумкин. Лекин ҳозирча учрамайди. Бунинг сабаби, бизнингча, тингловчининг ўз ҳаракатини (ўзи кўриб, ўзи билиб турган ҳаракатини) ўзига оддий тилда эмас, балки *-р экан* формасига хос услубда баён қилиб бериш нормал ҳолатга тўғри келмаслигида бўлса керак.

Кесими *-р экан* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларда бош гапнинг кесими ҳеч вақт *экан, эмиш, -(и)бди* формасида бўлмайди. Бунинг сабаби шундаки, кўрсатилган формаларда (*келган экан, келган эмиш, келибди* формасида), сўзловчи ҳаракатни ўзи кўрган, кузатган бўлмайди. Ўзи кўрмаган ҳаракатни *-р экан* формасига хос услуб билан ифодалаш ҳам нормал ҳолат эмас, мантиққа тўғри келмайди.

Бу типдаги қўшма гапларда бош гапнинг кесими ҳеч вақт келаси замон формасида, шунингдек, шарт ва буйруқ майли формасида бўлмайди. Бунинг сабаби ҳам келаси замон формасининг, шунингдек, шарт ва буйруқ майли формасининг ҳали йўқ, келгусида бажарилиши мумкин бўлган ҳаракатни билдиришидир. Чунки, йўқ ҳаракат, юқорида кўрсатганимиздек, экспрессив тарзда ифодаланмайди.

Кесими *-р экан* формасидаги пайт эргаш гапли қўшма гапларнинг қўлланишидаги асосий хусусиятлари шулардан иборат. Кўринадики, бу хусусиятларнинг ҳаммаси *-р экан* формасининг китобий тилга хослиги ва экспрессив хусусиятга эгалигидан келиб чиқади.

Биз юқорида кўриб ўтган пайт эргаш гап тури ўзбек тилида анча яқин даврларда пайдо бўлган, яъни *-р экан* формасидаги феълнинг пайт ифодалаб пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ўзбек тилида анча кейинги даврларда юз берган. Бу ҳодиса XIX асргача бўлган ёзма манбаларда учрамайди.

-р Экан формасидаги феълнинг пайт эргаш гап кесими вазифасида келиши ўзбек тилига бошқа туркий тилларнинг ёзув тили орқали юзага келган. Бу типдаги пайт эргаш гапли қўшма гаплар ҳозирда ҳам ёзув тилига (китобий тилга) хос бўлиб, оддий сўзлашувда учрамайди<sup>126</sup>. Унинг ўзбек тилида янги ҳодиса эканлиги ва фақат ёзув тилига хослигининг исботи сифатида қуйидагиларни айтиш мумкин<sup>127</sup>.

Биринчидан, пайт эргаш гапли қўшма гапнинг бу тури фольклор асарларида учрайди.

Иккинчидан, -р экан формасининг бу маъно ва вазифаси оғзаки ва ёзма тилда ҳали жуда умумлашмагани сабабли унинг бадий асарларда қўлланиш даражаси ҳам турли авторларда турлича. Жонли сўзлашувга нисбатан ёзма нутққа яқин бўлган услубда ёзилган асарларда бу форманинг қўлланиши кўп учрайди. Масалан, Мирзакалон Исмоилийнинг 479 бетдан иборат «Фарғона тонг отгунча» романида 7 та, С. Айнийнинг 460 бетдан иборат «Дохунда» романида 4 та учрагани ҳолда, Ибохоннинг 76 бетдан иборат «Улуғ кун» повестида 18 та учрайди. Болалар адабиётидан Мирзакалон Исмоилийнинг 164 бетдан иборат «Бизнинг роман» повестида битта, Ҳаким Назирнинг 180 бетдан иборат «Сўнмас чақмоқлар» повестида 54 та учрайди (ҳаммаси автор нутқида).

Учинчидан, бирор тилга бошқа тилдан ёзув орқали ўзлашган сўз ёки грамматик форма бора-бора оммалашиб кетади ва оғзаки нутқда ҳам қўлланаверади деган ҳолга келади. Масалан, -моқда аффикси ўзбек тилига, бошқа туркий тиллардан ёзув тили орқали кирган. Бу форма авваллари бадий асарларда ҳам жуда кам қўлланган. Ҳозирда оддий сўзлашувда деярли қўлланмаса-да, лекин бадий асар қаҳрамонлари тилида кўп учрайди.

— Уртоқ Қодиров, — деди Жўрабоев, дона-дона гапириб, — сиз қўриқ ер очишни қоралаш ниятида жуда кўп уринмоқдасиз, ...одам етишмаслиги ва ғўзаларнинг

<sup>126</sup> Қаранг: Аҳрор Маъруфов, Ҳозирги замон ўзбек тилида пайт эргаш гаплар, канд. дисс., Тошкент, 1949, 58-бет. Виктор Решетов ўзининг «Современный узбекский язык» асарида (Ташкент, 1946, стр. 153) -р экан формасининг пайт ифодалаб пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши баъзан учрайдиган ҳодиса деб ёзган эди.

<sup>127</sup> Экан тўлиқсиз феълнинг айрим отлар билан бирикиб, пайт ифодалаши ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келишини кўриб ўтган эдик. Бу ўринда экан тўлиқсиз феълнинг -р экан формаси доирасида пайт ифодалаб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ҳодисасининг келиб чиқиши ҳақидаги гаплар унинг от кесимлар таркибида пайт ифодалаб пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ҳодисасига ҳам тааллуқли ва келтирилган фактлар ичида шу типдаги кесимлардан ҳам бўлиши мумкин.

қум остида қолганлиги тўғрисида жар солмоқдасиз (Ш. Рашидов, «Бўрондан кучли»).

Ана шунинг ўзиёқ -моқда аффиксининг борган сари ом-малашиб, жонли тилга яқинлашиб бораётганлигини кўрсатади. -р экан формасидаги феълнинг пайт ифодалаб пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши бадий асарларда ҳам фақат автор нутқидагина учрайди. Шунинг учун бу типдаги пайт эргаш гапли қўшма гаплар драма асарларида жуда ҳам кам учрайди. (Чунки драма асарлари асосан асар қаҳрамонлари нутқидан ташкил топади). Масалан, Яшиннинг «Тор-мор», «Ендирамиз», «Гулсара», «Номус ва муҳаббат», «Нурхон» драмаларини ўз ичига олган тўпламида фақат 5 ўринда учрайди. (Лекин булар ҳам автор нутқида). Н. Сафаровнинг «Тарих тилга кирди», «Уйғониш», «Шарқ тонги», «Ҳаёт мактаби» драмаларини ўз ичига олган тўпламида 1 та (автор нутқида) учрайди.

Тўртинчидан, ҳаммага маълум бўлган ва маъноси сингиб кетган формалар халқ томонидан ўз маъносида, ўз ўрнида тўғри қўлланади. Масалан, -(и)б, -ётиб, -ётганда, -ганда каби формаларнинг қўлланишида хатолик ёки сунъийлик ҳоллари учрамайди. -р экан формасидаги феълни ноўрин, сунъий равишда пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида қўллаш ҳоллари анчагина учрайди.

Олисида янги қурилган Эски анҳор каналида сув жимирлаб оқар экан, у сон-саноқсиз ариқларга бўлиниб, далага жон киритмоқда (Ж. Абдуллахонов, «Тўйга келинглар»). Улар овқатланиб дам олар эканлар, донли шувоқларга обдон тўйган қўй-қўзилар ўтларнинг соясига яшириниб ётиб ухладилар (О. Еқубов, «Тенгдошлар»). Кичик хотиндан икки ўғил, бир қиз. Улар катталарнинг буйруғи билан Йўлдошбойга уни-бунни етказишар экан, янги хизматкорнинг отини билишмас эди (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). Улар тўғонларнинг тахта ва қозиқларини йўниб, михлаб, сим ўраб маҳкамлашар экан, уларга бетиним Бобоқул ота ва бақироқ Полвон оталар. «Ҳа-ҳа» лаб кўмаклашмоқда (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»).

Агар -р экан формасидаги феълнинг пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ўзбек тилида анча қадим ҳодиса бўлганида, унинг бу маъно ва вазифаси ҳамма учун маълум, умумий даражага етганида бундай ҳодисалар юз бермас эди.

Ана шу юқорида келтирилган тўрт фактнинг ўзиёқ -р экан формасидаги феълнинг пайт эргаш гап кесими вазифасида келиши ўзбек тилида жуда янги ҳодиса эканини ва бу ҳодиса ҳозирда фақат китобий тилга хослигини кўрсатади.

Энди, -р экан формасининг қандай қилиб шу маънони



ифодалайдиган ва шу вазифани бажарадиган формага айланганлиги, ўзбек тилида шунга бўлган зарурият ва *-р экан* формасида шу маънони ифодалашга бўлган имконият масаласига тўхтаб ўтайлик.

Тилда бирор форманинг пайдо бўлиши ёки янги маъно касб этиши (янги маъноли формага айланиши) учун аввало турмушда шунга эҳтиёж, талаб бўлиши керак. Бундан ташқари, бирор форманинг янги маъно касб этиши учун унда шу нарсага асос, имконият мавжуд бўлиши керак.

Ўзбек тилида *-р экан* формасининг пайт ифодалаб пайт эргаш гап кесими вазифасида келиши, яъни шу типдаги қўшма гапларнинг юзага келиши учун талаб бўлганлигини исботлаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Чунки ўзбек тилида шунга талаб, эҳтиёж бўлганки, мазкур ҳодиса юз берган.

Масаланинг энг асосий ва қийин томони *-р экан* формасининг қандай қилиб шу маънони, ифодаловчи, шу вазифани бажарувчи формага айланганлигини белгилашдир, *-р экан* формасининг бу маъноси унинг ўзбек тилидаги бошқа бирор маъноси асосида ёки бошқа йўл билан келиб чиққанлигини белгилашдир.

Ўзбек тилида маълум оборотларда, қўшма гапларда *экан* тўлиқсиз феълнинг вақт маъносида қўлланиш ҳоллари учрайди. Шунинг учун, аввало, *-р экан* формасининг пайт маъносини ифодалаши ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши *экан* тўлиқсиз феълнинг ўзбек тилидаги бирор маъноси асосида юз берганми ёки йўқми деган масалага тўхташ керак.

Ўзбек тилида кесими *экан* формасидаги гапларда вақт маъносининг ифодаланиши, бундай ҳолларда *экан* формасини вақт сўзи билан алмаштириш мумкин бўладиган ҳолатлар учрайди:

*Ҳайрон бўлиб ўтирган экан, кўчада ҳали баланд овоз билан ашула айтиб ўтган йигитлар яна ашула билан қайтишибди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Комилжон уйқуга ётмоқчи бўлиб турган экан, меҳмонни кўриб, қийиниб олди* (И. Раҳим, «Ихлос»).

Бундай фактларни ўзбек тили тарихига оид манбаларда ҳам учратиш мумкин:

*Дерларки, Қазба сафаридида Мавлоно бодияда... муғайлон кўлақасида аёғидин тикан суғурурга машғул экандур, қофила шўхтабъларидин бири бу байтни дебдурким...* («Мажолис ун-нафоисдан. Қаранг: Алишер Навоий, Танланган асарлар, III том, 26-бет)... *отга миниб борур экан, оти уркуб, кўтариб ерга урмиш...* (Пошшоҳўжа, «Мифтоҳ ул-адл»):

Лекин бундай ҳолларда ифодаланадиган вақт маъноси билан *-р экан* формаси пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда ифодаланадиган маъно ўртасида ҳеч қандай боғланиш йўқ. Биз келтирган мисоллардаги каби ҳолларда ҳамма вақт *экан* формасига хос «аввал номаълум бўлиб кейин маълум бўлганлик» маъноси ҳам ифодаланади, ҳатто, шу маъно асосий ўринда туради. *-р экан* формасидаги феъл эса ҳеч вақт бундай маъно билан пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келмайди.

Тўлиқсиз феълнинг *экан* формаси отлар билан бирикиб, эргаш гапнинг кесими вазифасида келган айрим ҳолларда ифодалайдиган маъноси *-р экан* формасидаги маъносига жуда ўхшаб кетади:

*Бундан кейин ҳам Аллоннинг уйига келадиган хотин Бибиқатчанинг кўзи очиқ экан, келолмайди* (А. Мухтор, «Қорақалпоқ қиссаси»). *Ўзлари партия ташкилотларида, укам Ўрмон колхозда бор, тирик экан сизлар, бизларнинг ҳаммиша ошиғимиз олчи* (Яшин, «Ёндирамиз»). *Кўзим очиқ экан, қарздан қутилиб олай... Йўлчи рўзғорга қарайдими, қарзимни узадими...* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Келтирилган мисолларда, айниқса учинчи мисолда, *экан* тўлиқсиз феъли ифодалаган маъно унинг *-р экан* формасида ифодалайдиган маъносига жуда ўхшаيدди. Лекин, биринчидан, келтирилган типдаги мисолларда пайт маъноси *экан* формасига хос бўлган шарт маъноси асосида келиб чиқяпти (пайт оттенкасидаги шарт маъноси ифодаланиши юқорида айтилган). Бундаги вақт маъноси ҳали шаклланиб, мустақил маъно даражасига етмаган. Шунинг учун ҳам бу вақт турли ҳолларда турлича маънода бўлиши мумкин. Масалан, *тирик эканман, қарздан қутилиб олай* — тирик вақтимда (ўлмасимдан) қарздан қутилиб олай. *Тирик эканман, эсдан чиқармайман* — тирик бўлсам (ўлгунимча) эсдан чиқармайман. Иккинчидан, *экан* тўлиқсиз феъли ҳар қандай феълларга эмас, айрим сўзларга бириккандагина шундай маъно ифодаланиши мумкин. Учинчидан, бу маънода *экан* тўлиқсиз феъли (кам сўзлар доирасида бўлса-да) оддий сўзлашувда ҳам қўлланаверади. *-р экан* формасининг пайт эргаш гап кесими вазифасида келиши эса, юқорида кўрганимиздек, китобий тилга хос.

Тўлиқсиз феълнинг *экан* формаси ўрин-пайт келишигида бўлганда ҳам бирор нарса, ҳодиса ва шу кабилар вақтида бошқа нарса, ҳодиса кабиларнинг юз бериш маъноси ифодаланади:

*Тўда саҳна орқасида эканида зални, ундаги одамларни кўрмаган эди* (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

Мен пахтада эканимда, болангизнинг ахлоқи бузилганлиги учун муаллимлар сизни бир неча бор мактабга чақиришибди (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

Лекин *-р экан* формасининг пайт маъноси ифодаланишини ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши хусусиятини бу ҳодисадан келтириб чиқариб бўлмайди. Чунки, биринчидан, *экан* тўлиқсиз феъли ўрин-пайт келишиги формасида қўлланганда, пайт маъноси келишик аффиксига ҳос бўлади. *-р экан* формасининг ўрин-пайт келишиги формасида қўлланиши ўзбек тилида учрамайди.

Шунинг учун ҳам *экан* тўлиқсиз феъли ўрин-пайт келишиги формасида қўлланганда ифодаланган пайт маъносида унинг мазкур қўшимчани қабул қилмаган формаси қўллана олмайди:

*Кампирнинг вағиллаши, қарғашидан нарироқда туришимни хоҳласа керак, Тўхтахоланинг уйида эканимда ҳеч қачон чақирмас эди* (А. Қаҳҳор, «Ўтмишдан эртақлар»).

Бу мисолдаги «уйида эканимда» формаси ифодалаган маънони «уйида эканман» формаси орқали ифодалаш мумкин эмас.

Иккинчидан, *экан* тўлиқсиз феъли ўрин-пайт келишиги формасида бўлганда, унга қўшиладиган шахс-сон қўшимчаси билан *-р экан* формасига қўшиладиган шахс-сон қўшимчаси бир-биридан тамомила фарқланади: *Далада эканимда шулар ҳақида ўйладим — далада ишлар эканман (далада эканман) шулар ҳақида ўйладим.*

Тўлиқсиз феъл *экан* формасининг ўзбек тилида вақт ифодалайдиган ҳоллари шулардан иборат. Кўринадики, бу тўлиқсиз феълнинг *-р экан* формасида ифодалайдиган маъносни унинг ўзбек тилидаги бошқа бирор маъноси асосида келтириб чиқариб бўлмайди, ўзбек тили фактлари мазкур тилда бундай ҳодиса юз берганлигини тасдиқламайди. Шундай экан, бу ҳодисанинг асосини бошқа ердан қидириш лозим бўлади.

Туркий тиллардан қорлуқ ва қипчоқ группасига мансуб бўлган тилларда *-р экан* формасидаги феълнинг пайт ифодалаб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ҳодисаси учрамайди. Бу ҳодиса ўғуз группасига мансуб бўлган озарбайжон, туркман ва гагауз тилларида, шунингдек, усмонли турк тилида учрайди.

Усмонли турк тилига оид адабиётларда *-аркен (-erken — rken,...)* формасидаги феъл равишдош деб қаралади<sup>128</sup>. Бу

<sup>128</sup> Қаранг: В. А. Sişmanoglu, S. Demiroglu, S. M. Cerran, Turk dili grammati, I kism, Sofya, 1958, 139-бەر.

формадаги *-кен, -кан проф.* А. Н. Кононов ва Л. А. Покровскаянинг ишларида ҳам равишдош ясовчи аффикс сифатида қаралади<sup>129</sup>. Озарбайжон тилига оид адабиётларда ҳам *-аркән* формаси ҳақидаги фикрлар бир хил эмас. Айрим ишларда *-аркән* формасидаги феъл равишдош деб қаралса, бошқасида бунга қарши фикр айтилади<sup>130</sup>. Бу форманинг кўрсатилган тилларда равишдошми ёки равишдош эмасми эканлиги масаласига тўхтаб ўтирмаймиз. Ўзбек тилида унинг равишдош эмаслиги аниқ. Бу фактларни келтиришимиздан мақсад шуки, кўрсатилган тилларда ҳам *-р экан* формасидаги феълнинг пайт ифодалаб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши худди ўзбек тилидагига ўхшайди.

Бизнингча, ўзбек тилида *-р экан* формасидаги феълнинг пайт ифодалаб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ўзбек тилига ўғуз группасига мансуб бўлган юқоридаги тилларнинг таъсирида юз берган. Бунинг асосий далили сифатида шуни айтиш мумкинки, ўғуз группасига мансуб бўлган туркий тилларда *экан* (әркән) сўзининг *-р* аффикси билан ясалган сифатдошга бирикиб (*-р экан* формасида) пайт ифодалаш ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ўзбек тилидагига нисбатан анча қадим бошланган. Ҳатто, уларнинг айримларида *экан* формаси аффикс ҳолига келган. Масалан, *экан* сўзининг *-кә||-ка* ҳолига келган шакли туркман тилига оид XVII—XVIII аср ёзма манбаларида ҳам учрайди:

*Саҳер вагты сейран эдип гезеркәм,  
Ажап мензил, ажап жая саташдым.  
Уғрум билмей, ёлдан-ёла азаркам,  
Хуп мекана, хуп сарая саташдым.*

(Магтымгулы)<sup>131</sup>.

Ўзбек тилида эса XVIII асрларда *экан* феълнинг аффиксга айланиши у ёқда турсин, унинг *-р* аффикси билан ясалган сифатдошга бирикиб пайт ифодалаш ва пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ҳодисаси ҳам йўқ эди.

Туркман тилида *-р экан* формасидаги *экан* нинг *кә||ка* шаклига келиши XVII—XVIII асрларда учрар экан, *-р экан* формасининг (тўлиқ формасининг) пайт билдириб, пайт эр-

<sup>129</sup> А. Н. Кононов, Грамматика современного турецкого литературного языка, М.—Л., 1965, стр. 485; Л. А. Покровская, Грамматика гагаузского языка, Фонетика и морфология, М., 1964, стр. 247.

<sup>130</sup> Қаранг: «Азәрбәјчан дилинини грамматикаси», I, Морфолокија, Баку, 1960, саҳифа 226—227.

<sup>131</sup> Туркман Давлат нашриёти томонидан 1937 йилда нашр этилган сайланма асарлари тўпламидан олинди.

гаш гап кесими вазифасида келиши, ўз-ўзидан, яна ҳам илгарироқ юз берган бўлади.

Демак, бу келтирилган фактлар *-р экан* формасидаги феълнинг пайт ифодалаб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ўзбек тилига (ўғуз группасига) мансуб тилларнинг таъсири натижасида юз берган дейиш учун маълум даражада асос бўла олади.

Энди, ўзбек тилида *-р экан* формасидаги феълнинг пайт ифодалаб пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ўғуз группасига мансуб тиллардан қайси бирининг таъсири натижасида юз берди, деган савол туғилиши мумкин.

Бу ҳодисанинг туркман тили таъсирида юз берган бўлиши эҳтимолдан узоқ. Чунки ўзбек тилида *-р экан* формасидаги феълнинг кўрсатилган маъно ва вазифада қўлланиши жуда яқин даврларда юз берган. Туркман тилида эса шу маънодаги *-р экан* формаси таркибидаги *экан* сўзининг *ка||ка* шаклига келганлиги, юқорида кўриб ўтганимиздек, бундан бир неча аср илгари юз берган.

Бу ҳодисанинг гагауз тили таъсирида юз беришини назарий жиҳатдан ҳам, практик жиҳатдан ҳам асослаб бўлмайди.

Бизнингча, *-р экан* формасидаги феълнинг пайт ифодалаб пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши усмонли турк ва озарбайжон тилларининг таъсирида рўй берган. Тарихан усмонли турк ва озарбайжон адабиётининг ўзбек адабиётига таъсири бўлганлиги маълум. Бу таъсир, шубҳасиз, тилда ҳам ўз аксини топади. Ўзбек тилидаги *-моқда* аффикси, жуда кам даражада бўлса-да, учрайдиган равишдош ясовчи *-рак (роқ)* аффикси ана шу таъсирни кўрсатувчи белгилардир. Ўзбек адабиётининг йирик намояндалари бўлган А. Қодирий, Ҳамза, Ойбек каби ёзувчиларимиз ижодида усмонли турк ва озарбайжон адабиётининг таъсири бўлган, албатта<sup>132</sup>. Булар асарларида мазкур тилларга хос формаларнинг учраши ҳам шунинг натижасидир.

Масалан, ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларда равишдош ясовчи аффикслар қаторида *-рак (-роқ)* аффикси берилмайди. Ҳақиқатда ҳам ҳозирги ўзбек тилида бундай ҳодиса йўқ. Лекин бадиий асарларда учрайди:

<sup>132</sup> Ойбекнинг қуйидаги гаплари ҳам бунинг далилидир. «Янги турк поэзиясининг асарлари мени илк марта лирик соддалик йўлида изланишга ўргатди. Мен турк поэзияси билан техникумнинг студенти бўлган йилларимда танишдим. Уша пайтда Бокуда Яҳё Камол, Ризо Товфиқ, Абдуллахон Ҳамид ва бошқа бир неча турк шоирларининг асарлари нашр қилинганди... Яқинда уларни қайтадан варақларканман илк марта таъсирланганимни кўз олдимга келтирдим». («Ўзбекистон маданияти» газетаси, 1 октябрь 1966 йил).

... у тадбирдан воз кечарак, эртага қишлоққа жўнаб, ўз дўстини илдам тез олиб келишини мулоҳаза қилар экан, ҳовлидан кирган хотини: эшик тақиллайди, чиқинг, — деди (Ойбек, «Қутлуғ қон»). [Фазлиддин] Нурунинг қаршисига ўтириб, чоллар каби, «ё ҳаётаннабий!» ёки кўпинча «ё сарвари коинот» деб бошини эгарак жим ўтиради (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Мана шу фактнинг ўзиёқ ўзбек тилига бошқа туркий тилларнинг маълум даражада таъсири бўлганлигини кўрсатади. Бу тиллар таъсирида ўзбек тилида қўлланган формаларнинг айримлари ўзлашиб (сингиб) кетган, айримлари эса ўзлашмаган.

Ниҳоят, *-р* экан формасининг пайт маъносини билдириб пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши усмонли турк ва озарбайжон тилининг таъсирида юз берганлигини қуйидаги ҳодиса ҳам маълум даражада тасдиқлайди. Бу тилларда пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келган *-р* экан формаси шахс-сон қўшимчаларини қабул қилмайди. Худди шундай ҳодисани, жуда кам даражада бўлса-да, ўзбек тилида ҳам учратиш мумкин. Бундай ҳолларда ҳаракатнинг қайси шахсга оидлиги бош гапнинг кесими орқали ёки умумий ҳолатдан реаллашади:

*Шу охирги сатрларни ёзаркан, ташқарига биллохтиёр кўз ташласам, тонг ёриша бошлабди* (В. Зоҳидов, «Улуғлар изидан» «Совет Ўзбекистони» газетаси).

*Кетар экан, икки оғиз сўзим бор, холос.  
Венецияга хизмат қилдим — ҳамма билади.  
Бу тўғрида шу кифоя. Сиздан сўрайман  
Бу қайғули иш устида ахбор ёзаркан,  
Кимлигимни аниқ ёзинг, зарра бўшатманг...*

(В. Шекспир, «Отелло», Фафур Гулом таржимаси, Тошкент 1948, 206-бет.)

Биринчи мисолдаги *ёзаркан*, иккинчи мисолдаги *кетар* экан формаси биринчи шахс (*ёзарканман*, *кетар эканман*) маъносида ва иккинчи мисолдаги *ёзаркан* формаси эса иккинчи шахс (*ёзар экансиз*) маъносида қўлланган. Гарчи бундай қўллаш ҳозирги ўзбек адабий тили учун умумий ҳарактерга эга бўлмаса ҳам, лекин унинг учраб туриши усмонли турк ва озарбайжон тилларининг таъсири эканидан далолат беради.

Ўзбек тилида *экан* тўлиқсиз феълнинг пайт эргаш гап кесими таркибида пайт маъносини ифодалаб келиши усмонли

турк ва озарбайжон тилларининг таъсирида юз берганлигининг исботи сифатида яна шуни ҳам айтиш мумкинки, бу тилларда ҳозир ҳам *-р экан* (*-ркан*) формаси қисқармаган, ўзгаришга учрамаган ҳолда мавжуд. Демак, ўзбек тилидаги *-р экан* (*-ркан*) формаси усмонли турк ва озарбайжон тилларидаги худди шу форманинг маъно ва вазифасини қабул қилган. Шундай бўлиши мумкинлиги туркман тилидаги *кә/ /ка* формасининг *экан* формасига таъсир этишидан кўра ҳақиқатга яқинроқ туради<sup>133</sup>.

Шу нарса характерлики, *-р экан* формасининг бу маъно ва вазифаси асосида ўзбек тилида унинг бошқа маънолари ва янги вазифалари вужудга келган. Бошқа туркий тилларга оид адабиётларда *экан* формасининг ана шу вазифалари қайд этилмаган. (Бу тилларда балки *экан* формасининг ана шу маънолари ҳақиқатда ҳам йўқдир.)

6. Бош гапдаги ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдиради ва бу формадаги феъл равиш эргаш гапнинг кесими вазифасида келади:

— *Ҳа, ҳа,— деди Йўлдошбой ғазабидан титрар экан* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Ватаннинг содиқ ўғли Беловнинг нафаси ўчди. Бахўр дўстининг мурдасини маҳкам қучоқлар экан: Гарчи сен менинг овозимни эшитмаётган бўлсанг ҳамки, душмандан сен учун қасос олишга онг ичман,— деди* (Ё. Ханмов, М. Раҳмон, «Ҳаёт-мамонт»). *Мақсуда унинг бўйи ғўзалар орасида кўринмай қолгунча орқасидан термилиб турди-да, кейин худди ёш қизларга ўхшаб пиқиллаб й и ғ л а р к а н, оёғи остидаги ажриққа ўтириб, кўз ёшларини кўйлагининг этагига артиб олди.* (С. Зуннунова, «Олов»).

Бундай гапларда *-р экан* формасининг ифодаладиган маъноси равиш эргаш гапнинг кесими бўлиб келган *-(и)б* аффикси орқали ясалган равишдош формасининг маъносига тўғри келади. (Келтирилган мисоллардаги *-р экан* формаси ўрнида *-(и)б* формасини қўллаб кўринг.)

Ҳаракатнинг қай тарзда бажарилишини билдириши ва равиш эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ўзбек тилида *-р экан* формаси маъно тараққиётида янада кейинроқ юз берган, жуда янги ҳодиса. Ўзбек тили грамматикасига оид адабиётларнинг бирортасида *-р экан* формасининг бу маъно ва вазифаси ҳақида ҳеч нарса дейилмаганининг сабаби ҳам, бизнингча, ана шунда бўлиши керак, яъни *-р экан* формасининг бу маъно ва вазифаси унинг бошқа маъно ва вазифаларига қараганда ҳали у даражада оммалашмаган. Шунингдек, *-р*

<sup>133</sup> Озарбайжон тилидаги *икан* сўзининг пайт ифодалаш сабаби ва унинг тўлиқсиз феълга муносабати ҳақида алоҳида ишда гапирамиз.

экан формаси бу маънода *-(и)б* равишдош формаси каби кенг қўлланмайди.

Бизнингча, *-р экан* формасининг бу маъно ва вазифаси унинг пайт эргаш гап кесими бўлиб келганда ифодалайдиган маъно ва вазифаси асосида келиб чиққан. Шундай бўлганлиги ва бўлиши мумкинлигининг далили сифатида шунини айтиш мумкинки, *-р экан* формаси пайт эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда, эргаш гапдаги ҳаракат давомида бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади. (Юқорида айтилди.) *-р экан* формаси равиш эргаш гапнинг кесими бўлиб келганда ҳам эргаш гапдаги ҳаракат-ҳолат мавжудлиги ҳолда бош гапдаги ҳаракатнинг бажарилиши ифодаланади. Фарқ шундаки, биринчисида эргаш гапдаги ҳаракатнинг жараёни, процесси асосий ўринда турса, кейингисидида ҳолат асосий ўринда туради.

Қиёсланг: *Унга бошидан оёқ тикилар экан, қалбиди қайноқ ҳарорат жўш уради* (Х. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Танбурда туриб серюлдуз осмонга хаёлчан тикилар эканман, тинмай папирос чекаман.* (У. Назаров, «Фурур»).

7. Натижа маъносини билдиради:

*Бунда иккинчи мисрада, шоир подшо маъносида Хусрав сўзини ишлатар экан, қизиқ сўз ўйини қилган* («Тошкент ҳақиқати»).

Ўзбек тилида *-р экан* формасининг бу маъноси ҳам унинг пайт эргаш гап кесими вазифасида келганда ифодалайдиган маъноси асосида келиб чиққан. Бу маънонинг ифодаланишида феълнинг лексик маъноси ва контекст ҳам маълум даражада роль ўйнайди. Аммо бу форманинг бундай маънода қўлланиши яна ҳам камроқ учрайди. Чунки унинг бу маъноси юқорида кўрсатилган (олтинчи) маъносидан ҳам янги. *-р экан* формасининг бу маъно ва вазифаси ҳам китобий тилга хос бўлиб, оддий сўзлашувда учрамайди.

Хуллас, *-р экан* формасининг кейинги уч маъноси ва вазифаси (5-, 6-, 7- пунктларда кўрсатилган маъноси ва вазифаси) ўзбек тилида анча кейинги даврларда юзага келган ва учаласи ҳам китобий тилга хос, оддий сўзлашувда учрамайди.

*-р экан* формасининг пайт маъносини билдириб, пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келиши ўзбек тилида анча янги ҳодиса бўлишига қарамай, шу маъно ва вазифаси асосида, юқорида кўриб ўтганимиздек, яна икки маъноси келиб чиққан.

Ҳозирги ўзбек тили фактларига назар ташласак, *-р экан* формасининг биз юқорида кўрган маънолардан бошқа маъноларда ҳам қўлланишини кўраимиз. Унинг бу маънолари асосида ҳам пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда ифодалайдиган маъноси ётади ва бу сезилиб туради. Леки бу маънолар ҳали шаклланиб етмаган, фақат маълум гап ичида,



контекстада, шунингдек, феълнинг лексик маъноси таъсирида реаллашадиган маънолар даражасидадир:

Кўзим уйқуга кетаркан, «ажойиб қиз!» деган фикр яна кўнглимдан ўтди (О. Ёқубов, «Тилла узук»). Қора томон яқинлашарканман, унинг ғира-шира шакли аниқлаша бошлайди... (У. Назаров, «Ғурур»). Учрашиб, киноларга бориб, умуман яқинлашиб, дўстлашиб борарканман, Насибанинг ақлли ва босиқ бир қиз эканига ишончим орта борди (О. Ёқубов, «Тилла узук»).

Учала мисолда ҳам *-р экан* формаси аслида пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келганда ифодалайдиган маъноси билан қатнашганлиги сезилиб турибди. Масалан, биринчи мисолдаги *кўзим уйқуга кетаркан* формасида ҳаракатнинг бажърилиш процесси (уйқуга кетиш процесси) маъноси бор. Лекин бундан қатъий назар, бу мисолдаги *-р экан* формаси ўрнида *-ётиб*, *-(и)б*, *-ётганда*, *-ганда* каби формалардан бирини қўллаб бўлмайди. Бу гапдаги *кўзим уйқуга кетаркан* формаси орқали ифодаланган маънони *кўзим уйқуга кетиш олдида* деб бериш мумкин. Бироқ ҳозирги ўзбек тилида *-р экан* формаси бундай маънони касб этгани йўқ.

Учинчи мисолдаги *-р экан* формаси ўрнида ҳам *-ётиб*, *-(и)б*, *-ётганда*, *-ганда* каби формалардан бирини қўллаб бўлмайди. Бу мисолдаги *яқинлашиб*, *дўстлашиб* *борарканман* формаси орқали ифодаланган маънони *яқинлашиб*, *дўстлашиб* *борганим сари* тарзида ифодалаш мумкин, яъни бу мисолда *-р экан* формаси худди шу маънода қўлланган. Лекин ҳозирги ўзбек тилида *-р экан* формаси *-ган сари* формасига хос маънони ифодаловчи воситага айланмаган.

Шундай ҳоллар ҳам борки, *-р экан* формасининг қандай маънода қўллангани тушунарли ва унинг шу маънода ишлатилганини нормал ҳолатдан ташқари деб бўлмайди. Лекин у қўлланган маънони ҳозирги ўзбек тилида феълнинг бирор формаси ифодалайдиган маъно билан тенглаштириб бўлмайди ва *-р экан* формасининг бундай маънода қўлланиши система характериға эга эмас, яъни *-р экан* формаси барча феъллар доирасида шу маънони ифодалайвермайди (тўғриси, ифодалай олмайди):

Ушбу асарни муҳтарам китобхонга тақдим этарканманиз, китоб ҳақида уларнинг мулоҳаза ва маслаҳатларини кутамиз. (С. Эркиновнинг «Ҳакимхон» номли китобчага ёзган сўз бошисидан). Шамол деразага ойна ўрнига ёпиштирилган қорғозни тимдалади. Йўлчи чиқиб кетмоқ истаркан, яна қолди (Ойбек, «Қўтлуғ қон»). Қанорни кўтарар экан, энди бу оғир юк унга сира писанд эмас эди. (Ҳ. Нуъмон, А. Шо-

раҳмедов, «Ота»). *Майин дутор садоси қўшиқ сўзларига пай-ва-ста бўлиб кетар экан, нигоҳини Қудратдан олмай-ди* (Ж. Абдуллахонов, «Йўл»). *Ашулани тўладан келган бар-васта йигит айт ар экан, унинг йўғон, қўнғироқдек товуши бутун майдонни янграгиб юборди* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Кейин бирдан Йўлчини кўриб қолиб, кўзларида «у ким» деган савол жовдирар экан, бой кулиб унга гапирди...* (Ойбек, «Қутлуг қон»). *«Пахтакор» халқаро ўртоқ-лик учрашувларида ғоят муваффақиятли қатнашар экан, бунда Эркиннинг ҳиссаси ҳам катта* («Тошкент оқшоми»).

Бу мисолларнинг ҳаммасида ҳам *-р экан* формаси орқали ифодаланган маънони тушуниш қийин эмас. Лекин булардаги *-р экан* формаси ифодалаган маъно система характерига эга эмас. Шунинг учун ҳам буларда *-р экан* формаси орқали ифодаланган маъноларни шу форманинг асосий маъноларидан бири деб ҳисоблаб бўлмайди.

Келтирилган фактлар кўрсатадики, ўзбек тилида феълнинг *-р экан* формаси яқин даврлар ичида янги-янги маънолар касб этган. Шунингдек, у ҳали шаклланиб етмаган яна бир неча маъноларда қўлланади. Бу нарса *-р экан* формасининг ҳозир ҳам яна қандайдир маънолар касб этиш жараёнида эканлигидан, *-р экан* формасининг маъно тараққиёти ҳали ҳам давом этаётганлигидан далолат беради.

#### -АДИГАН (-ЙДИГАН) ЭКАН

Сифатдошнинг *келадиган, ишлайдиган* типдаги формаси замон ифодалаш жиҳатдан ҳозирги-келаси замон феълига ўхшайди, бу форма ҳам умумий замон ва келаси замон маъноларини билдиради: *заводда ишлайдиган киши, эртага бажарил-ладиган иш* каби.

Замон жиҳатидан бундай характердаги ҳаракатларнинг аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъноси *-р* аффикси орқали ясалган сифатдошга *экан* тўлиқсиз феълни бириктириш орқали ифодаланиши сабабли бу маънода *-адиган экан (-йдиган экан)* формасининг қўлланиши жуда ҳам кам учрайди. Масалан, бирор шахснинг заводда ишлашини аввал билмай, энди билган киши «заводда ишлайдиган экан» демайди, балки «заводда ишлар экан» дейди.

Ҳозирги ўзбек тилида *-адиган (-йдиган) экан* формаси, *-р экан* формасидан фарқли ҳолда, бажарилиши лозим бўлганлиги эшитилган, лекин бажарилмай қолган ҳаракат маъно-сини ифодалаш учун ҳам қўлланади: *Кеча келадиган экан* (лекин нима учундир келмади). Бунда, маълум ҳолларда, мақсад маъноси ҳам англашилиши мумкин, лекин бу маъно асо-

сий ўринда бўлмайди ва у гапнинг умумий мазмунидан келиб чиқади.

Бундан ташқари, *-адиган (-йдиган) экан* формаси ҳозирги ўзбек тилида ҳаракатни маъқул ва лозим кўриш (ҳаракатни бажариш кўнгилга мос эканлиги) маъносини ҳам билдиради: *Уша жойларни бир кўрадиган экан*. Бу маъно ҳозирги ўзбек тилида *-(и)ш керак экан* формаси орқали ҳам ифодаланади. Қиёсланг: *Уша ерларга бир борадиган экан — Уша ерларга бир бориш керак экан*. Лекин бу икки форма маъно жиҳатдан бир-бирига бутунлай тенг эмас. Аввало, бу маънода *-адиган (-йдиган) экан* формасига нисбатан *-(и)ш керак экан* формаси кўп қўлланади. Бундан ташқари, *-(и)ш керак экан* формасида фақат ҳаракатни бажариш лозимлиги маъноси ифодаланиб, бошқа қўшимча маъно ифодаланмаслиги мумкин. *-адиган (-йдиган) экан* формасида ҳаракатнинг бажарилишини жуда маъқул кўриш маъноси асосий ўринда туради. Шунинг учун ҳам *-(и)ш керак экан* формаси қўлланган гап ичида «фалончи буюрди», «фалончи айтди» каби сўз ёки сўз бирикмалари бўлиши мумкин. Лекин *-адиган (-йдиган) экан* формаси бўлган гапда бундай сўз ёки сўз бирикмаларини қўллаб бўлмайди. Қиёсланг: *Уша ерга бориш керак экан* (директор айтди) — *Уша ерга борадиган экан* (шу ҳаракатни бажариш маъқул, яхши эканлигини билганлик, ёқтирганлик.)

Тўлиқсиз феълнинг *экан* формаси аниқлик майли формаларига, шунингдек, *-ган, -р* аффикси билан ясалган сифатдош формасига бирикканда, ҳар бир шахс-сон формаси ўз маъносига бўлади. *-адиган (-йдиган) экан* формасининг учинчи шахси, кўпинча, учала шахс учун умумий маънода (умумий шахс маъносида) қўлланади: *Бир кўрадиган экан* (учала шахс учун умумий).

Ҳозирги ўзбек тилида *борадиган экан, ишлайдиган экан* формаси қандай қилиб кўрсатилган маънони ифодалайдиган бўлди? Буни исботлаш қийин эмас.

Мазкур формани морфемаларга ажратсак, қуйидаги ҳолни кўрамиз: *бор+ади+ган+экан, ишла (йш+ла)+йди+ган+экан*<sup>134</sup>. Бунда *-ади (-йди)* — ҳозирги-келаси замон маъносини ифодаловчи форма (яъни *боради-, ишлайди-* — ҳозирги-келаси замон феълнинг асоси), *-ган* — сифатдош ясовчи, *экан* — модал форма: демак, *борадиган экан, ишлайдиган экан* формасида ҳозирги-келаси замонга оидлик *-ади (-йди)* формаси орқали, ҳаракатнинг келгусида бажарилиши фактик тарзда

<sup>134</sup> Баъзилар *борадиган, ишлайдиган* формасидаги *-а, -й* равишдош ясовчи деб қарайдилар. Бу тўғри эмас. Чунки ҳеч вақт сифатдош формаси равишдош формасидан ёки, аксинча, равишдош формаси сифатдош формасидан ясалмайди.

эканлиги -ган аффикси орқали, аввал маълум бўлмай, энди маълум бўлганлик маъноси эса экан формаси орқали ифодаланади. Ана шу учала маънонинг мужассамидан *борадиган экан, ишлайдиган экан* формаси ифодалайдиган маъно келис чиқади.

## -СА ЭКАН

Феълнинг бу формасида шарт маъноси йўқолади ва:

1. Ҳаракатни бажариш ёки бажармасликни иташ, маъқул кўриш, таъкид каби маънолар ифодаланади:

*Лекин... сиз яхши ишлаганингиз учун бошқалар олиб кетмаса экан деб кўрқаман* (Ойбек, «Қутлуг қон»); *Эй, биродар, киройи хотининг бўлса, Онахонга ўхшаб колхозга катта бўлса экан* (Яшин, «Номус ва муҳаббат»). *Шу, буйруқ қилмасанг экан менга.* (Яшин, «Номус ва муҳаббат»). *Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулмасанг экан-да* (П. Қодиров, «Қора кўзлар»).

Бу маъно шарт майли формасининг ўзи орқали ҳам ифодаланиши мумкин. Шу сабабли кўп ҳолларда *экан* тўлиқсиз феъли тушириб қолдирилса ҳам маъно деярли ўзгармайди. (Келтирилган мисоллардаги *экан* феълни тушириб кўринг.) Лекин *экан* формаси бўлганда шу маъно ифодаланади, қўлланмаган ҳолларда эса ҳамма вақт ифодаланиши мумкин бўлавермайди. Шунинг учун маълум ҳолларда *экан* тўлиқсиз феълни тушириб қолдириш мумкин эмас:

*Гўё ўзларини билмаганга солишади-ю, «яна шундан гапирингсан экан» деб илҳақ бўлиб туришади* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).

2. Ҳаракатнинг бажарилиши ёки бажарилмаслигини иташ, шунга тарафдорлик, ҳақиқатда эса бунинг акси мавжудлиги, буниси сўзловчига маъқул эмаслиги маъноси ифодаланади:

*Ақалли уйда уни тушунингсан, гамига шерик бўлишингсан экан* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Нима дер эдим, мен ҳам сиз айтгани айтаман. Аммо... уни чақириб олмасангиз экан* (Ғ. Гулом, «Эри билан бас бойлашган хотин»). *Э, Рузвон буви, сизга ўхшаш ётиғи билан гапирсан экан* (Яшин, «Гулсара»). *Бирортасининг номини айтсанг экан, совчиликка борсам* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Чақалоқлар катта бўлди... Лекин инсон ўлмасанг экан* (Мирмуҳсин, «Қуламас қоя»).

3. Таркибида сўроқ олмоши ёки сўроқ юкламаси бўлган гапларда шарт маъноси деярли йўқолиб, буйруқ-истак формаси маъносига яқин маъно ифодаланади:

*Нигора сумқасидан сочиқ, совун олди-да, қаерда ювинг*

с а м э к а н, деган ўй билан атрофга кўз ташлади (С. Анорбоев, «Оқсой»). Анчадан бери Аширнинг ўрнига кимни қўй-с а к э к а н, деб ўйлаб юрар эди (С. Анорбоев, «Оқсой»). Сени қаердан топ с а м э к а н деб ўйлаб туриб эдим шу топ-да (Ойбек, «Олтин водийдан шабадалар»).

4. Шарт майли формаси билан экан тўлиқсиз феъли ўрта-сида бўл ердамчи феълининг -р аффикси билан ясалган сифатдош формаси қўлланганда (-са бўлар экан формасида), аслида ҳаракатнинг бажарилиши маъқул бўлгани (бўлишсиз формада — маъқул эмаслиги), лекин бунинг акси юз бериб, сўзловчининг афсуси ифодаланади. Бунда экан формасининг биринчи маъноси сақланади. Шунинг учун ҳам унй тушириб қолдириш мумкин эмас:

*Сизни илгарироқ с а й л а с а к бўлар экан, Ашир али ака...* (Ҳ. Фулом, «Сенга интиламан»).

Хуллас, экан формаси шарт феълига бирикканда, шарт маъноси йўқолади. Баъзи ҳолларда шарт маъноси сезилиб турса-да, лекин у тўла даражадаги шарт маъноси бўлмайди.

#### -МОҚЧИ ЭКАН.

Феълнинг бу формаси таркибида экан тўлиқсиз феъли қуйидаги маъно ва вазифаларда қўлланади:

1. Аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъносини билдиради. Маълум бўлиш эса эшитиш ёки бошқа йўл билан юз бериши мумкин:

*Бу ердამидингиз, домла. Далада сизга маҳтал бўлиб қолишди. Доклад қилиб бермоқчи экансиз* (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар»). *Маълум бўлишича, Козимбек ҳеч қандай дори бермоқчи эмас. Саудани отга, ўргатмоқчи, пишитмоқчи экан* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»).

2. Шарт маъносини билдиради ва бу формадаги феъл шарт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади:

*Дадам қиз олмоқчи экан, олсин. Гулнорни олмоқчи экан, олсин. Ука, биз тўсиқ бўлмайлик* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Модомики уларни қовуш тирмоқчи эканмииз, аввало кўнгишларини бир-бирларига мойил қилиш керак* (А. Убайдулла, «Ҳаёт оқими»).

3. Пайт маъносини билдиради ва бу формадаги феъл пайт эргаш гапнинг кесими вазифасида келади:

*... Хотин кетмоқчи экан, Жамолбой унинг қўлидан дадил ушлади-да, бир қўли билан бўш стулни ўз ёнига сурди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *У хўжайинини инсоф ва адолатга даъват қилмоқчи экан, шу пайтда бой туманли дераза орқасида турган бировга ҳайрон бўлиб қаради ва имлади* (Ойбек, «Қутлуғ қон»).

Тўлиқсиз феълнинг *экан* формаси буйруқ-истак майли формаларига қўшилганда, буйруқ маъноси бутунлай йўқолади. Бу ҳодиса *экан* формасининг таъсирида юз беради, албатта.

Тўлиқсиз феълнинг буйруқ-истак майли биринчи шахс формасига бирикиши ҳозирги ўзбек тилида жуда кам ишлатилади, шунда ҳам, асосан, жонли сўзлашувда учрайди. Бунда ҳаракатни бажариб олишни маъқул ва лозим кўриш ва буни аввал билмай энди билганлик маъноси ифодаланади. Бундай ҳолларда *экан* формаси бириккан феъл билдирган ҳаракат яна қандайдир ҳаракатдан олдин бажарилиши керак бўлган ҳаракат тарзида ифодаланади. Шунинг учун ҳам гап ичида кўпинча, «олдин», «аввал» каби сўзлар қўлланади:  
*Олдин шуни битириб олай экан.*

Тўлиқсиз феъл буйруқ-истак майлининг иккинчи ва учинчи шахс формаларига бирикканда, кўпинча, шахс умумлашади, ҳаракатнинг бажарилиши учала шахс учун умумий экани ифодаланади:

— «Узунни қўй, қисқани кес!» *экан-да дунёнинг шиши...* (С. Айний, «Дохунда»). *Азоб-уқубат нималигини билмоқчи бўлсанг, эрдан ажраб кўр экан* (Б. Раҳмонов). *Э, ука, одам етим қолмасин экан!*.. *Етим қоладиган бўлса, онадан туғилмасин экан...* (П. Толис).

Келтирилган мисолларнинг учаласида ҳам шахс маъноси бир хил. Лекин бундан қатъий назар, иккинчи шахс формасини учинчи шахс формаси билан ёки учинчи шахс формасини иккинчи шахс формаси билан шундайгина алмаштиравериш мумкин бўлмайди. Учинчи шахс формасида қелганда гап ичида, кўпинча, «одам», «киши», «ҳеч ким», «ҳар ким» каби сўзлар ёки сўзлар бирикмаси ҳам қўлланади. Иккинчи шахс формасида эса бундай сўзларни қўллаб бўлмайди:

*Лекин одам бир бахтсиз бўлмасин экан* (П. Толис, «Саратон»). ... *Киши ёмон хотинга йўлиққандан кўра бир боғ ўтинга йўлиқсин экан* (А. Убайдулла, «Ҳаёт мактаби»). *Сени соғиндик, ҳеч бандани ота-онасиз қилмасин экан* (Ғ. Ғулом, «Едгор»).

Бу мисолдаги учинчи шахс формаси ўрнида иккинчи шахс формасини қўллаш учун гап таркибидаги «одам», «киши», «ҳеч бандани» сўzlари тушириб қолдирилиши керак.

Буйруқ-истак майлининг иккинчи ва учинчи шахс формаларига бирикканда, аввал маълум бўлмай кейин маълум бўлганлик маъносига қўшимча равишда, гапнинг умумий мазмуни, оҳангига қараб, ҳаракатнинг бажарилишини маъқул кўриш, шундай бўлишини хоҳлаш, норозилик, ажабланиш каби маънолар ҳам ифодаланади:

*Сиздақа одам уйни ижарага олсин экан* (Б. Раҳмонов, «Сурмахон»).

Бундай маънолардан қайси бири ифодаланганлиги асосан гап ичида, контекстда реаллашади.

## (И) Ш ЭКАН

Бу формада *экан* тўлиқсиз феълни бошқа формаларда ифодалайдиган асосий маъноларидан аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик ва шарт маъноларини ифодалайди: *Мақсади ўқиш экан. Мақсади ўқиш экан, ўқисин.*

Бу форма -да юкламаси билан қўлланганда, ҳаракатнинг сўзловчига маъқул эмаслиги, бундай бўлиши яхши эмаслиги каби маънолар ҳам ифодаланади:

*Оббо муғомбирлар-э, биз эгарлаб қўйган отни миниб кетавериш экан-да!* (Яшин, «Нурхон»).

Тўлиқсиз феъл *экан* формасининг отларга ва феъл формаларига бирикканда ифодалайдиган маънолари, маъно нозикликлари ва қўлланишдаги хусусиятларининг айрим умумий ва хусусий ҳолатлари шулардан иборат. Айтилганлардан маълум бўлдики, *экан* формасининг айрим маъно ва вазифалари отлар ва феълнинг маълум формалари доирасида, баъзи маъно ва вазифалари эса феълнинг айрим формалари доирасида чегараланган.

Лекин ҳозирги ўзбек тилида *экан* формаси отлар учун ҳам, шунингдек феъл формалари учун ҳам умумий характерга эга бўлган маъно ва вазифага эга. Қуйида унинг ана шу маъно ва вазифасига тўхтаб ўтамиз. (Бу ўринда айтиладиган гаплар отлар ва феъл формалари учун умумий бўлгани сабабли келтириладиган мисоллар ҳам отлар ёки феъллардан аралаш бўлаверади.)

1. Кўриб ўтдикки, *экан* формасининг биринчи маъноси «аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик» (аввал билмай, кейин билганлик) маъносидир.

Сўроқ гапларда ҳам сўзловчи нарса, белги, ҳаракат ва шу кабиларни билмайди, шунинг учун ҳам сўрайди. Сўроқ гапнинг кесими *экан* формасида бўлганда, *экан* формаси ва сўроқ гапнинг айтилган хусусияти яна бошқа айрим маъно ва маъно нозикликларини келтириб чиқаради.

1) Сўралаётган нарса, ҳаракат ва шу кабилар сўзловчига ҳам, тингловчига ҳам аввал маълум бўлмай, кейин тингловчига маълум бўлган бўлади. Масалан, бирор нарсани қидираётган икки кишидан бири шу нарсани топганда, иккинчиси «қаерда экан?» деб сўраши мумкин. Демак, бунда аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъноси бор.

Тингловчининг нарса, ҳаракат ва шу кабиларни билиш-

билмаслиги аниқ бўлмаслиги мумкин. Бунда савол билган билмаганликни аниқлаш учун берилади:

*Шаҳардан келган комсомоллар нечта экан, билмадингизми (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»).*

2) Сўралаётган нарса тингловчи учун маълум бўлса, у ҳолда ажабланиш, «билсак бўладими?» каби маънолар ифодаланadi:

*Борди-ю, машинани тўхтатадиган... милиционернинг ўзини қастдан уриб, йиқитиб ўтса-чи, унда нима бўлади?*

— *Унисини билмадим... Қанақа шофер экан у довярак (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). Сизни шунча қийнаган қизнинг номи нима экан? (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари») Оббо, нимани тушунмабмиз экан?... (П. Қодиров, «Қора кўзлар»).*

3) Сўроқ формасидаги гапларда сўроқ ифодаланмаслик ҳоллари ҳам бор. *Экан* формаси шундай гапларда қўлланганда:

а) сўзловчининг нарса, ҳаракат ва шу кабиларни билмаслиги (унга нотанишлиги), билиш учун ўйлаши каби маънолар ифодаланadi:

*Унинг кўзи тўнка устида ётган чит кўйлакка тушди. Бўкимники экан? (Саид Аҳмад, «Уфқ»). ... Тун ичиде изғиган булар қандай меҳмонлар экан, деб ўйланиб турганида қарсиллаб милтиқ отилади (С. Анорбоев, «Оқсой»).*

Сўроқ гапларда билмайдиган нарсани сўраш ифодаланиши сабабли юқоридаги каби ҳолларда *экан* формасини қўлламаसा ҳам бўладигандек кўринади. Ҳақиқатда эса бундай гапларда *экан* формаси билмаслик, ҳайронлик, таажжуб каби маъноларни алоҳида таъкидлайди. Бундан ташқари, нарса, ҳодиса кабилар ўтган даврларга оид бўлган ҳолларда *экан* формасини тушириб қолдириш мумкин эмас:

*Рост гап, асли кўнглим бўшроқ эканми, кўпинча, шेरикларимнинг таъналаридан уни мудофаа қилардим (Саид Аҳмад, «Сурат»).*

б) нарса, ҳаракат ва шу кабилар ўтган замонга оид бўлганда сўзловчининг аввал билмаганлиги ва афсуси каби маънолар ифодаланadi:

*«Рози эмасман» деган гапни илгарироқ айтсам нима экан?... (А. Қаҳҳор, «Қўшчинор чироглари»). Қайси бола-чақамга керак экан у участка?... Бошим деворга таэтиб текканда кўзим очилди (Ҳ. Фулом, «Сенга интиламан»).*

Тўлиқсиз *экан* феъли билан шаклланган сўзнинг сўроқ юк ламаси (-ми) билан қўлланишида ҳам айрим хусусиятларни кўрамиз.

Одатда, -ми юк ламаси сўзга форма ясовчи ва форма ўзгарувчи элементлардан кейин қўшилади. Бу юклама *экан* тўлиқ



сиз феъли билан шаклланган сўзнинг охирига қўшилганда, *экан* феълига хос маъно ҳам, *-ми* юкламасига хос маъно ҳам ўзгармайди: *Уқиган эканми? Чиройли эканми? -ми* юкламаси *экан* тўлиқсиз феълидан олдин қўшилганда, маънода маълум ўзгаришлар юз беради. Бунда аввал номаълум бўлиб, кейин маълум бўлганлик маъноси ифодаланмайди, балки сўроқ қаратилган шахс (тингловчи) бўлмай, умуман сўзловчининг нарса, ҳаракат ва шу қабиларни билмаслиги, ҳайронлик, таҳмин билан ўйлаши каби маъно ифодаланadi:

*Айтганча, Ольга, ана шу сўзнинг маъносига т у ш у н и б е т а р м и э к а н ?* (Б. Кербобоев, «Небитдоғ»):

Сўроқ қаратилган шахс (тингловчи) бўлиши мумкин, лекин у сўралаётган нарсани билувчи ва сўроққа «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб қилувчи шахс бўлмай, балки у ҳам билиш-билмаслик нуқтаи назаридан худди сўзловчи каби ҳолатда бўлиши мумкин. Шунинг учун сўроққа жавоб талаб қилиш ҳам *-ми* юкламаси *экан* тўлиқсиз феълидан кейин қўшилгандаги даражада бўлмайди. Масалан, сўзловчи ўз суҳбатдошидан *Фрунзе шаҳри гўзал эканми?* деб сўраганда, тингловчининг бу шаҳарни кўрганлиги, унинг гўзал ёки гўзал эмаслигидан хабардор бўлганлиги, англашилади. *Фрунзе шаҳри гўзалми экан (гўзалмикан)?* дейилганда эса тингловчи Фрунзе шаҳрининг гўзал ёки гўзал эмаслигини билиш-билмаслик жиҳатдан худди сўзловчи каби ҳолатда бўлиши, сўзловчи билан Фрунзе шаҳрига энди кетаётган бўлиши мумкин.

*-ми* юкламаси *экан* тўлиқсиз феълидан кейин қўшилганда, тингловчининг нарса, ҳаракат ва шу қабилардан хабардорлиги туфайли, маълум бўлганликнинг ўтган замонга оидлиги ҳам англашилади. *-ми* юкламаси тўлиқсиз феълдан олдин қўлланганда эса нутқ моментида олдинга ўтилмайди. Қиёсланг: *бор эканми — борми экан (бормикин), чиройли эканми — чиройлими экан (чиройлимикин)*<sup>135</sup>.

Демак, *-ми* юкламасини умумий ҳолатдан бошқачароқ қўллаш (форма ясовчидан олдин қўллаш) билан оддий ҳолатдагига нисбатан бошқача маъно ифодаланган. Бундай ҳодиса ўзбек тилида анчагина учрайди. Қиёсланг: *Укамгина — фақат укам; укагинам — эркалаш, суйиш. Тошкент шевасида: Окаларим — аканинг кўплиги; Окамла(р) — акага хурмат.*

Фактлардан кўринадики, *экан* формасининг аввал (ҳозиргача, эндигача) билмаслик маъносига эгаллиги сўроқ ифодаламайдиган гаплар таркибида унинг яна янги модал маъно-

<sup>135</sup> *-ми* юкламасидан кейинги ҳолатда тўлиқсиз феълни тўлиқ формада (*экан* формасида) қўллаш кўп ҳолларда жуда сунъий чиқади. *-ми* юкламасидан кейинги позицияда, одатда, *кан/кин* формаси қўлланади. (Бу ҳақда кейинроқ гапирамиз.)

лар ифодаловчи восита сифатида қўлланишига имкон берган. Бу маъноларнинг юзага келишида сўроқ формасидаги гапнинг хусусияти ҳам роль ўйнаган, албатта:

Юқорида кўрдикки, *экан* формаси ўзининг биринчи маъносида («аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик» маъносида) феълнинг ҳар қандай формасига бириквермайди, балки отлар (феъл бўлмаган сўзлар) ва феълнинг от формаларига бирика олади. Сўроқ гаплар (умуман сўроқ формасидаги гаплар) доирасида эса шахсли феълларга ҳам бирика олади: *Қаерда ўқияпти экан? Қаердан келибди экан? Қаерга кетди экан?*

Бунинг сабаби шундаки, биринчидан, сўроқ формасидаги (лекин сўроқ ифодаламайдиган) гапларда *экан* формаси кесимга замон, майл каби маъноларни берувчи боғлама вазифасини бажармайди, балки фақат модал маъно ифодаловчи форма вазифасида қўлланади. Иккинчидан, бундай гапларда шахсли феъл формасининг ҳар бирининг ўзига хос маъноси ифодаланади. Масалан, *Қаерга кетган экан? Қаердан келибди экан? Қаерга кетди экан? гапларида кетган, кетибди, кетди* формаларининг ўзига хос томонлари ифодаланган.

Демак, биринчидан, сўроқ формасидаги гапларда *экан* формасининг фақат модал маъно ифодаловчи элемент вазифасини бажариши унинг шахсли феъллар билан ҳам бирика олишига имкон берса, иккинчидан, шахсли феъл ҳар бир формасининг ўзига хос маъно хусусиятини конкрет ифодалаш зарурияти *экан* формасининг худди шу формаларнинг ўзига бирикишини талаб этади.

#### УЧ-ТҮРТ ОҒИЗ СЎЗ „КИН“ ЭЛЕМЕНТИ ҲАҚИДА

Ўзбек тили грамматикасига онд айрим ишларда *экан* тўлиқсиз феълнинг қисқариб *кан*, *кин* шаклида қўлланиши кўрсатилган. Ҳақиқатда ҳам ҳозирги ўзбек тилида *кан*, *кин* шакли жуда кўп учрайди. Булардан *кан* шаклини *экан* нинг қисқарган шакли деб қараш мумкин. Лекин *кин*<sup>136</sup> элементи ҳақида бошқачароқ гапиришга тўғри келади.

Ҳозирги ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, «кин элементи *экан* формасининг фонетик варианты холос, маъно ва бошқа хусусиятлари жиҳатидан улар ўртасида ҳеч қандай фарқ йўқ» деб бўлмайди:

1. Агар *кин* формаси<sup>137</sup> *экан* тўлиқсиз феълнинг фақат

<sup>136</sup> *кин* элементи ундош билан битган сўзлардан сўнг *икин*, унли билан тугаган сўзлардан сўнг *й(и)кин* шаклида келади.

<sup>137</sup> «Форма» сўзини *кин* элементига нисбатан шартли равишда қўллашмаймиз.

фонетик вариантигина бўлса, маъно ва бошқа хусусиятлари жиҳатдан ундан фарқ қилмайдиган шакли бўлса, талаффуз имкон берадиган ҳар қандай ҳолларда экан ўрнида кин формасини қўллаш мумкин бўлаверар эди. Ҳақиқатда эса бундай қилиб бўлмайди.

2. Бу форма (*кин* формаси) фақат сўроқ гапларда, таркибида сўроқ олмошлари ёки *-ми* юкламаси бўлган гаплардагина қўллана олади: *Қаерда ишларкин? Келдимикин?*

3. Бу форма тингловчига кейин маълум бўлган нарса, ҳаракат ва шу кабиларни сўраш учун қўлланмайди. Масалан, бирор шахснинг қачон кетганлигидан хабардор бўлган кишидан *«Кеча кетган эканми?»* деб сўраш мумкин. Лекин бу ўринда *кин* формасини қўллаб бўлмайди.

4. Бу форма сўроқ қаратилган шахс (тингловчи) бўлмаганда ёки тингловчи ҳам, худди сўзловчи каби, нарса, ҳаракат кабилардан хабарсиз (*уни билмайдиган*) ҳоллардагина қўлланади. Қиёслаг: *Кеча кетдими?*— тингловчи ҳаракатни ўзи кузатган. *Кеча кетган эканми?*— ўзи кузатган эмас, лекин маълум бўлган. *Кеча кетганмикин?*— ҳаракатнинг бажарилган ёки бажарилмаганлиги тингловчига ҳам, сўзловчига ҳам номаълум.

5. *кин* билан ясалган формада нарса, ҳаракат кабиларни сўзловчи ҳам, тингловчи ҳам билмайдиган ҳолатда бўлиши туфайли *кин* сўзга ҳамма вақт *-ми* юкламасидан кейин қўшилади: *келдимикин, уйдამикин, чиройлимикин.*

6. *кин* формаси маълум маъно ва вазифа учун махсусланиб бораётгани сабабли айрим феъл формаларига экан формасининг бирикиши адабий тил нуқтаи назаридан нормал ҳолат ҳисобланмагани ҳолда шу формага *кин* элементининг бирикиши адабий тил нуқтаи назаридан ҳам нормал ҳолат ҳисобланаверади. Масалан, аввал билмай, кейин билганлик маъносида экан формасининг *ишляпти* формасига бирикиши нормал ҳолат эмас (*Заводда ишляпти экан* дейилмайди). *кин* элементининг *ишляпти* формасига бирикиши нормал ҳолат ҳисобланаверади: *Қаерда ишляптийкин? Заводда ишляптимикин?*

Мисол: *Умарали тўй қил я п т и м и к и н ? . .* (И. Раҳим, «Ихлос»).

7. *кин* формаси боғламаларга хос хусусиятга эга эмаслиги ва маълум маъно, вазифа учун махсусланганлиги сабабли тўлиқсиз феълнинг эди формасидан кейин ҳам қўлланади:

*Бир марта кўрса ҳам армондан чиқармидикин бечора қизинг* (И. Раҳим, «Ихлос»).

Юқорида таъкидланган хусусиятлар *кин* формаси экан тўлиқсиз феълнинг шунчаки фонетик варианты эмаслигини,

балки у маълум ўринларда (ҳолларда)гина қўлланиш учун махсуслашган форма эканини кўрсатади.

Шуни айтиш керакки, юқорида кўрсатилган маъно ва хусусиятлар фақат *кин* формасининг ўзига хос, *экан* формаси бу маъно ва хусусиятларга эга эмас деб бўлмайди. *Кин* формасига хос маънода *экан* тўлиқсиз феълни ҳам қўллаша бўлади (буни юқорида кўриб ўтдик.) Лекин *кин* формасига хос маънода *экан* тўлиқсиз феълни қўллаш практик жиҳатдан мумкин бўлса-да, бундай қўллашнинг сунъийлиги жуда кўп ҳолларда аниқ сезилиб туради. Айниқса, контекст оддий сўзлашувга жуда яқин бўлган ҳолларда *кин* формаси ўрнида *экан* формаси қўлланса, сунъийлик яққол сезилади:

*Аввал ўшанга бир тушунтирсангизмикин, Замон?* (П. Қодиров, «Қора кўзлар») *Бева аммам тишида тишлаб, шу боланинг орзу-ҳавасини кўрармикинман деб юрибди* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»). *Мўртгина нарса экансиз, қийналиб қолмасмикансиз?* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»). *Борлиғим ўт бўлиб ёняпти, ёки тўппа-тўғри, унга айтиб қўя қолаймикин?* (Ш. Саъдулла, «Далада байрам»). *Ростдан ҳам юмуш кўпайиб кетдимикин ёки Раҳим мени ёмонладимикин?* (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар») *Нима қилсам унинг кўнглини оларкинман?* (Саид Аҳмад, «Уфқ»). *Арслонбек ака... олдин партивий масаласини ҳал қилиш керакмикин* (А. Қаҳҳор, «Синчалак»).

Бу мисоллардаги *кин* формаси ўрнида *экан* формаси қўлланса, унинг сунъийлиги аниқ сезилади.

Ҳозирги ўзбек тилида *кин* формаси юқорида кўрсатилган маъно учун махсуслашгани сабабли контекстдан ташқарида ҳам шу маънони аниқ ифодалайверади. Унинг ўрнида *экан* формаси қўлланса, маъно ноаниқ бўлиб қолиши мумкин. Қиёсланг: *Қаердайкин?— Қаерда экан? Қачон келаркин?— Қачон келар экан?*

Ўзбек тилида *кин* формасининг қўлланиши дастлаб *-ми* (*-му*) сўроқ юкламасидан кейинги позицияда учрайди ва у ўша даврларда ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги маъносини ифодалаган:

*Эрнинг куйида ўлган бормукин,*  
*Бир ўлиб икки тирилган бормукин* (Машраб).

*Бор умримни сарф этиб муштоқи юзингни,*  
*Бўлғаймикин охир ўшал хушнуд кезим* (Анбар отин).

Ўзбек тили тарихига оид манбаларда *экан* (<*эркан*) формасининг *экин* (<*эркин*) варианты ҳам учрайди. Р. Расулов *экин* (<*эркин*) сўзлари *экан* (<*эркан*)нинг фонетик вариан-

ти эмас, маъно ва келиб чиқиши жиҳатдан бутунлай бошқа сўз деб қарайди. Шу қараши билан автор экин (<эркин) формаси экан (<эркан)нинг фонетик варианты деб қараган Мирзо Меҳдихонни танқид қилади<sup>138</sup>. Лекин тил тарихига оид фактлар экин формаси эканнинг фонетик варианты бўлганлигини ийкор этмайди, аксинча, тасдиқлайди. «Мажолис ун-нафоис»дан келтирилган қуйидаги мисолнинг ўзиданоқ бунни аниқ кўриш мумкин:

*Аммо ҳабислар дер эмишларким, дасторин бу навъ до-  
нишмандона чирмағунча кўп захмат кўрар экан.  
... кўпроқ ёронлар таажжуб қилур эрдиким, оё ул бу навъ сода-  
лиғ била нечук айтур эркин, аммо ғазаллари ёмон эмас.*

Бироқ шу нарса характерлики, экин (<эркин) формаси анча қадимдан бошлаб ҳозирги ўзбек тилидаги кин (-йкин, -икин) формасига хос вазифада қўллана бошлаган. Навоий, Бобир асарларида ҳам экин (<эркин) формаси асосан шу вазифада қўлланган.

Шуни ҳам айтиш керакки, экин (<эркин) формаси сўроқ олмошлари ёки сўроқ юкламалари бўлмаган ҳолларда ҳам, шунингдек, сўроқ юкламаси унинг охирига қўшилган ҳолларда ҳам ҳозирги ўзбек тилидаги кин формасига хос маънони ифодалайверган:

*Будурур маъники шояд қолгон эркин бир киши,  
То анинг жонин ҳам олғай ким сураб ҳарёнға от*

(Навоий).

*Лабинға то етибдур бармоғим ҳайратдин эркин му,  
Ки тийшлармен ани ҳар лаҳза л аз з а т д ин э р к и н му*

(Навоий).

Ўзбек тили тарихига оид манбаларда экан тўлиқсиз феълнинг -дур (<дурур) боғламаси билан қўлланиши жуда кўп учрайдиган ҳодисадир. Масалан, Бобирнинг «Бобирнома» асарида экан тўлиқсиз феъли билан шаклланган сўз асосан -дур боғламасини ҳам қабул қилган (-дур боғламасисиз қўлланган ҳолати жуда ҳам кам учрайди). Экин (<эркин) формасида эса аксинча ҳолатни кўрамиз, яъни бу форманинг -дур (<дурур) боғламаси билан қўлланган ҳолати жуда кам учрайди. Чунки ҳозирги ўзбек тилидаги кин формасига хос маъно боғламасиз қўлланишни талаб этади.

Ана шу келтирилган кичик фактларнинг ўзиёқ кўрсатадики, аслида бири иккинчисининг фонетик варианты бўлган экан (<эркан) ва экин (<эркин) ўртасида кейинчалик маъ-

<sup>138</sup> Р. Расулов, Ўзбек тилини ўрганиш тарихидан, «Ученые записки Андиганского гос. пед. института», вып. 2, Андиган, 1955, 71-бет.

но ва вазифа жиҳатдан дифференциация юз берган, экин (<эркин) формаси ҳозирги ўзбек тилидаги кин формасига хос маъно ва вазифа учун махсуслана бошлаган.

Биз юқорида экан ва кин формалари ҳақидаги гапларни адабий тил, ёзма нуқт материаллари асосида айтдик. Оғзаки нутққа ва ўзбек шеваларига назар ташласак, яна ҳам бошқачароқ ҳолни кўрамиз.

Ўзбек шеваларининг жуда кўпчилигида (бизга маълум бўлганларининг ҳаммасида) экан формасидаги биринчи товуш (э) шундайлигича сақланмаган, балки у а ёки и га айланган. Аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик маъносидан қўлланганда, адабий тилдаги экан формаси шеваларда акан (йакан ёки кан) тарзида қўлланади: юрганақансан<sup>139</sup>, ке(л)ганақан<sup>140</sup>, кўрганақанман<sup>141</sup>, ташаганақанман<sup>142</sup>, ишларакан, бўларакан<sup>143</sup> ва бошқалар (мисоллар транскрипциясиз берилди).

Тошкент шеvasида ҳам «аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик» маъносидан экан тўлиқсиз феъли ундошлардан сўнг акан, кан (ўқиғанақан, ўқиркан), унлилардан сўнг йакан, йкан (тозайакан, тозайкан) тарзида қўлланади<sup>144</sup>. Бу форма қўлланган сўроқ гапларда сўроқ ифодаланади ва жавоб ҳам талаб қилинади: Қачон келганақан? Қачон келаркан? Тозай(а)қанми? тозай(а)қанми?).

Мазкур шевада икин, кин, й(и)кин формалари ҳеч вақт «аввал маълум бўлмай, кейин маълум бўлганлик» маъносини ифодаламайди. Булар фақат сўроқ формасидаги гапларда қўллана олади. Лекин бундай гапларда сўроқ ифодаланмайди, кин (икин, й(и)кин) формаси ҳайронлик ёки таҳмин билан ўйлаш, маслаҳат каби маъноларни ифодалайди: Қачон келганикин? Қаерга кетдий(и)кин? Айтсакмикин? каби.

Бу шевада акан (кан, йакан, йкан) формаси билан икин (кин, й(и)кин) формаси ўртасидаги маъно дифференциацияси тўла даражада юз берган. Шу сабабли контекстан таш-

<sup>139</sup> А. Ю. Алиев, Ўзбек тили уйчи шеvasининг баъзи лексик ва формологик хусусиятлари ҳақида, «Ученые записки Наманганского гос. пед. института», вып. II, Наманган, 1957, 124-бет.

<sup>140</sup> Мухтар Валиев, Найманский говор узбекского языка, Авт. канд. дисс., Самарканд, стр. 22.

<sup>141</sup> С. Туляков, Морфологические особенности наманганского говора узбекского языка, Авт. канд. дисс., Ташкент, 1965, стр. 18.

<sup>142</sup> А. Шарипов, Папский говор узбекского языка, Авт. канд. дисс., Ташкент, 1962, стр. 17.

<sup>143</sup> Ш. Насыров, Кокандский говор узбекского языка, Авт. канд. дисс., 1965, стр. 13, 20.

<sup>144</sup> Қаранг: Я. Г. Гулямов, Диалектологические заметки, «Ўзбек диалектологиясидан материаллар», II, проф. В. В. Решетов таҳрири остида, Тошкент, 1961, 249—250-бетлар.

қарида ҳам ҳар бир форманинг ўз маъноси аниқ ифодаланаверади: *Қачон келганакан? — Қачон келганикин? Қаерда ишлар(а)кан? — Қаерда ишлар(и)кин?* ва ҳ.

Хуллас, *экан* ва *экин* формаси ўртасида анча қадимдан бошланган маъно дифференциацияси ҳозирги ўзбек тилида деярли тўла даражага етган. Оғзаки нутқда *кин(икин, й(и)кин)* формаси маъно ва вазифа жиҳатдан *экан* формасидан бошқа формага айланган. Оғзаки нутқда *кин* формаси ҳамма вақт ўз маъносида аниқ ва истисносиз қўлланаверади. Унинг ўрнида *экан* тўлиқсиз феълни қўллаш ҳодисаси учрамайди. Лекин, нима учундир, ёзувда *кин* формаси ўрнида, сунъий равишда бўлса ҳам, *экан* формасини қўллаш ҳоллари учрайди. Балки бу *кин* формасини оғзаки нутққа, оддий сўзлашувга хос деб қараш натижасидир. Бироқ бу форма, юқорида кўриб ўтганимиздек, ҳозирги ўзбек тилида маълум маъно ва вазифа учун махсуслашган. У оғзаки нуқт учун ҳам, ёзма нутқ учун ҳам умумий характерга эга, яъни адабий тилга хос форма ҳисобланади. Унинг ўрнида сунъий равишда *экан* формасини қўллаш учун эҳтиёж ҳам, асос ҳам йўқ. Фақатгина айрим ҳолларда фонетик ўзгариш натижасида ўқиш, талаффузда ноқулайлик юз бериши мумкин. Ёзувда ана шу ҳолатларнигина ҳисобга олиш ва бундай ҳолларда *кин* формаси ўрнида *экан* формасини қўллаш мумкин.

Бизнингча, ёзувда қуйидаги ҳолларда *экан* формасини эмас, балки *кин* формасини қўллаш маъқул ва тўғри бўлади:

1) Сўроқ қаратилган аниқ шахс бўлмаб, сўзловчининг нараса, ҳаракат, белги кабиларни билмаслиги, у ҳақидаги ўйи, ҳайронлик, тахмин каби маънолар ифодаланган ҳолларда: *Қачон келаркин?*

2) Сўроқ қаратилган аниқ шахс бор, лекин у нараса, ҳаракат, белги кабиларни билмаслик жиҳатдан сўзловчига ўхшаш, «ҳа» ёки «йўқ» деб жавоб бера олмайдиган ҳолатда бўлган ҳолларда: *Қаерга кетганикин?*

3) Сўроқ юклагасин (-ми) сўзнинг энг охирига эмас, балки *кин* формасидан олдин қўшилганда, *экан* формасини қўллаш учун ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди. Бундай ҳолларда ҳамма вақт *кин* формасининг ўзини қўллайвериш керак: *бормикин, уйдамикин, чиройлимикин, ўқиганмикин, айтганмикин, ёзаймикин* каби.

2. Биз юқорида кўриб ўтган пунктларнинг ҳаммасида ҳам, *экан* формаси қандай маъно ва вазифада қўлланишидан қатъий назар, у бирикиб келган сўз ё мустақил гапнинг ёки эргаш гапнинг кесими вазифасида келади. Лекин ҳозирги ўзбек тилида *экан* формаси билан қўлланган сўзнинг эга, тўлдирувчи, ҳол вазифаларида қелиш ҳоллари ҳам кўп учрайди:

*Шу ҳал қилинса, ким интизомли ва ким интизомсиз экани аён бўлади (И. Раҳим, «Ихлос»). Зиндон қоровулини ўлдириб, маҳбусларни озод қилибдилар, кимлар экани момаълум (Ж. Шарипов, «Хоразм»). Гулнорнинг хаёли ёлғиз Йўлчида эканини, Йўлчи учун доимо изтиробда эканини яхши билар эди (Ойбек, «Қутлуғ қон»). Қўшиқнинг нима эканини билмайсан, Полвон (Ж. Шарипов, «Хоразм»). Қишлоқда эканида соқолини кун ора қирар эди (С. Анорбоев, «Оқсой»).*

Бундай ҳолларда экан тўлиқсиз феъли ўрнида унинг эканлик формаси ҳам қўлланади. Бу билан маъно ёки вазифада ўзгариши юз бермайди:

*...уларнинг ёшми, кексами эканликлари маълум эмас эди (С. Айни, «Дохунда»). Қизиқ, ундай бўлса, нега ким эканликларини айтишмайди (Н. Фозилов, «Оқим»). Ўзингиз шу ерда эканлигингизда умум мажлис чақирсақда, масалани очди қила қолсақ яхши бўлар эди (С. Анорбоев, «Оқсой»).*

Бу вазифада экан ва эканлик формаларидан ташқари -лик аффикси ҳам қўлланади:

*Ҳамма жойни айланиб кўрса, ким қандайлиги маълум бўлиб қолар эди (П. Қодиров, «Қора кўзлар»). Қизингни кўндир, кўзинг очиглигида эрга тегсин (И. Раҳим, «Ихлос»)<sup>145</sup>.*

Ўз-ўзидан савол туғиладики: Тўлиқсиз феълнинг вазифаси аслида кесимни шакллантириш эди. Келтирилган мисолларда экан (эканлик, -лик) формасини олган сўзларнинг кесим-вазифасида келмаслигини қандай изоҳлаш мумкин, бундай ҳолларда экан (эканлик, -лик) формаси қандай вазифани бажаради?

Ўзбек тили тарихига назар ташласак, кесими отлардан (феъл бўлмаган сўзлардан) бўлган гапларни гапнинг бирор бўлаги (эга, тўлдирувчи ёки ҳол бўлаги) вазифасида келувчи конструкцияга айлантириш ҳоллари кўп учрайди. Бундай ҳолларда аслида кесим вазифасида қўлланган сўз, худди от-

<sup>145</sup> *Экан, эканлик формалари ва -лик аффиксининг бу хусусияти ҳақида С. Н. Ивановнинг махус мақоласида анчагина янги фикрлар баён этилган. Қаранг: С. Н. Иванов, Модальная связка экан и форма эканлик в узбекском языке, «Ученые записки ЛГУ», № 256, серия востоковедческих наук, вып. 7, 1957.*

Шунингдек, мустақил гап ҳукмидаги конструкциянинг эканлик формаси ва -лик аффикси ёрдамида гапнинг бирор бўлагига айлантирилиши ҳодисаси М. Асқаровнинг докторлик диссертациясида ҳам анча мукамал таҳлил этилган. Қаранг: М. А. Асқарова, Способы подчинения и типы придаточных предложений в современном узбекском языке, Авт. докт. дисс., Ташкент, 1963, стр. 107—108.



лар каби, эгалик, келишик, кўплик қўшимчаларини қабул қила олади:

يېكلىك كا نيكوتك ار كراكين ايور  
(«Қутағу билик»дан).

Бу мисолнинг «*بگلبك كا نيكو تيك اير كراك*» қисми аслида гапга тенг. Лекин шу мисолда эса «*يېكلىك نيكو تيك*» гапнинг бир бўлаги — тўлдирувчи вазифасида.

Сифатдош формалари от вазифасида келади ва бундай ҳолларда отларга хос қўшимчаларни қабул қила олади.

Шу хусусиятига кўра кесими сифатдош формаларидан бўлган гапларни ҳам гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириб қўллаш ҳодисаси жуда қадимдан мавжуд:

چچان چقاروريني نى يردا قوياړنيى خانيم برلان  
(«Шажараи тарокима») *سين بلورسن*

*Кеча-кундуз ичарлар лодагун май,  
Кеча, кундуз нечук ўтконни билмай*  
(Мажлисий).

Кесими сифатдош формасида бўлган гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш ҳодисаси ҳозирги ўзбек тилида ҳам жуда кўп учрайди:

*Анорхон кўндан бери юрагида сақлаб юрган сирини айтишга қулай фурсат топилгани учун ўрнидан туриб, Татьянага яқинроқ ўтирди* (И. Раҳим, «Ихлос»). *Шербек бир зум шу топда мажлисда ўтирганни ҳам, Хўжабековнинг гапларини ҳам унутиб қўйди* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Таниш кишилар келётганини кўрган қўйчивон найини артиб, қўйнига солиб қўйди* (И. Раҳим «Ихлос»).

*Экан тўлиқсиз феъли ҳам аслида сифатдош форма бўлган (эр+кан). Шу сабабли кесими экан тўлиқсиз феъли билан шаклланган гапни ҳам гапнинг бирор бўлаги вазифасида келувчи конструкцияга айлантириб қўллаш имкони бўлган ва шундай қўллаш ўзбек тили тарихида анча қадимдан мавжуд:*

*... туркнинг асли ҳилқатда сортдан табъи мулоимроқ эрканга мундин булғажаброқ тонуг йўқдурки, ...* («Муҳокамат ул-луғатайн»). *Бобир Мирзо Машидада эрканда «ораста» радиғ қасида айтиб эрди* (Мажлис ун-нафос).

*Тирик эрканимизни киши билмас  
Киши бизни тиларга мунда келмас*  
(Мажлисий).

Келтирилган мисолларда *экан* формасининг вазифаси кесимни шакллантириш бўлганлиги сезилиб турибди. Унинг аслида сифатдош формаси бўлганлиги кесими *экан* формасида келган гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкция тарзида қўллаш имконини берган. Лекин дастлабки даврларда *экан* формаси гапни бирикмага айлантирувчи восита бўлмаган. Ҳозирги ўзбек тилида эса худди шундай вазифани бажарувчи воситага айланган:

Озода эканингизни яхши биламан (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Узининг ҳовлиси рўпарада эканини юраги сезиб турибди* (С. Анорбоев, «Оқсой»).

Айтилаётган фикр ҳозирги замонга оид бўлганда боғлама қўллаш талаб этилмайди (ҳозирги ўзбек тилида). Шу сабабли келтирилган мисолда *экан* формасигача бўлган синтактик конструкция ифодалаган фикрни (*Сиз*) *Озодасиз*, *Узининг ҳовлиси рўпарада* тарзида бериш мумкин. Бу ўринда *экан* формасини қўллаш талаб этилмайди. Лекин бу икки гапни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкция сифатида қўллаш *экан* (*эканлик*, *-лик*)нинг ёрдамсиз мумкин эмас. Биринчидан, бирор гапни бирикма тарзида қўллаш учун кесимдаги шахс-сон кўрсаткичлари эгалик қўшимчалари билан алмаштирилиши керак. Шундай қилинганда, гап ҳукмидаги конструкция оддий сўз бирикмасига айланиши ва гап орқали ифодаланадиган фикр йўқолиши мумкин. Қиёсланг: *Сиз озодасиз — Сизнинг озодангиз*.

Демак, гап ҳукмидаги бирор конструкция *экан* (*эканлик*, *-лик*) ёрдамида гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллангани билан шу конструкция орқали ифодаланадиган фикр сақланади.

Иккинчидан, кесимдаги шахс-сон кўрсаткичларини эгали аффикслари билан шундайгина алмаштириш ҳамма вақт мумкин бўлавермайди. Масалан, *ҳовлиси рўпарада* гапид кесим (*рўпарада*) учинчи шахс формасида. Лекин уни *рўпарадасида* тарзида қўллаш мумкин эмас. (Чунки эгалик қўшимчаси сўзга келишиқ қўшимчасидан сўнг қўшилмайди.)

Кўринадики, от кесимли гапларни *экан* формаси ёрдами сиз гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкция сифатида қўллаш учун жуда кўп ҳолларда объектив шароитларнинг ўзи имкон бермайди. Гапга тенг конструкцияларни гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллашда *экан* формасининг қўлланиши, бир томондан, бу конструкцияларнинг аслид гапга тенг эканини кўрсатади ва бунда гапга хос бўлган фикр ҳам сақланиб қолади. Иккинчи томондан, *экан* формаси боғламасиз қўлланган от кесимли гапларни гапнинг би

роҳ бўлаги вазифасида келувчи конструкцияга айлантириш имконини беради.

Юқорида кўрдикки, *экан* формасининг бу вазифасида *эканлик* формаси ва *-лик* аффикси ҳам қўлланади. Шундай экан, бу уч форма ўртасида ўзаро фарқли хусусият борми ёки йўқми деган масалага; шунингдек, қандай талаб ва қандай йўл билан бир вазифани бажариш учун уч хил форма юзага келганлиги масаласига тўхтаб ўтишга тўғри келади.

С. Н. Ивановнинг кўрсатишича, *экан* ва *эканлик* формаси ўртасида бирор принципаал фарқ йўқ. Буларнинг параллел ҳолда қўлланиш сабаби шундаки, *экан* формасида тусланувчи формага хос хусусиятлар сақланади. Бу эса унинг эгалик аффиксларини қабул қилишига монелик қилади. *-лик* аффикси *эканлик* формаси составида грамматик отлаштирувчи восита сифатида қатнашади<sup>146</sup>.

Агар шундай бўлса, биринчидан, юқоридаги вазифада *экан* формаси эмас, балки *эканлик* формасининг ўзи қўлланиши керак эди. Чунки *экан* формасида тусланувчи формага хос хусусият сақланадиган бўлса ва бу нарса унинг эгалик аффиксларини қабул қилишига монелик қиладиган бўлса, бу ҳодиса айрим ҳоллардагина эмас, балки ҳамма вақт ўз кучини сақлаши ва эгалик қўшимчаларини қабул қилиш учун *экан* формаси аввало *-лик* аффиксини қабул қилиши лозим бўлар эди. Кўриб ўтилган вазифада *экан* формасининг жуда кўп қўлланишининг ўзиёқ ҳақиқий ҳолат бундай эмаслигини кўрсатади. Иккинчидан, ўзбек тили тарихига назар ташласак, юқоридаги вазифада *эканлик* формаси эмас, балки *экан* формаси жуда қадимдан қўлланганлигини кўрамиз (мисоллар юқорида берилган). *Эканлик* формаси эса жуда яқин даврлардан қўллана бошлаган. Шу сабабли *экан* тўлиқсиз феълига *-лик* аффиксининг қўшилишини унинг «тусланувчи формага хос хусусиятга эга»лиги билан исботлаб бўлмайди.

*Эканлик* формасининг бу вазифада қўлланиш сабабини осонроқ тушуниш учун аввал *-лик* аффиксининг шу вазифада қўлланиши (тўғрироғи, қўллана олиши) масаласига тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Ўзбек тилида *-лик* аффикси белги ва ҳаракат-ҳолат отлари яшаш учун жуда кенг қўлланади<sup>147</sup> *яхшилик*, *дўстлик*, *хурсандлик*, *дангасалик*, *енгилтаклик* каби. Унинг ҳолат маъносини ифодалай олиши от кесимли гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш учун воси-

<sup>146</sup> С. Н. Иванов, Юқорида кўрсатилган асар, 141-бет.

<sup>147</sup> Қаранг: «Ҳозирги замон ўзбек тили» (коллектив), ЎзССР ФА нашриёти, Тошкент, 1957, 456-бет.

та сифатида фойдаланиш имконини беради. Масалан, *қариндош* сўзи гапда кесим вазифасида қўллана олади: *У сенга қариндош*. Лекин *қариндош* сўзининг ўзида ҳолат маъноси йўқ. *Қариндошлик* сўзида эса ҳолат маъноси бор. Шу сабабли *У сенга қариндош* гапи орқали ифодаланган фикрни мазкур гапни гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллаш орқали ифодалашда, албатта, *-лик* аффиксидан фойдаланилади: *Унинг сенга қариндошлигини биламан*.

Демак, *-лик* аффикси кўрсатилган маънода маълум даражада *экан* формасига яқин туради. Ана шу нарса унинг юқоридаги вазифада қўлланишига имкон беради.

Қуйидаги мисолда *-лик* аффикси билан *экан* формасида бир хил хусусият борлигини жуда аниқ кўриш мумкин:

*Хиротда, Навоий тирик экан чоғида ёзилган бадиий қўлёзмаларнинг кўпини шоирнинг ўзи кўрган бўлиши табиийдир* («Ўқитувчилар газетаси»).

Мисолдаги *экан* ўрнида *-лик* аффиксини қўллаш мумкин.

*-лик* аффиксининг бу вазифада қўлланиши, худди *экан* формаси каби, жуда қадимдан бошланган:

*Сўфининг мижозининг тезлиги ва нозиклигини бу ғоятгача дерларким: ...* («Мажолис ун-нафоис»).

*Ул санамким сув яқосинда паридек йлтурур, Ғояти нозиклигини сув била ютса бўлур* (Отойи).

Албатта, дастлабки даврларда *-лик* аффикси билан ясалган ҳолат отлари кесим бўлиб келган гапларнинг ўзинигина гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш имкони бўлган. Кейинчалик эса *-лик* аффикси, худди *экан* формаси каби, гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги бўлиб келувчи конструкцияга айлантириш вазифасини ҳам бажара бошлаган. Шу сабабли унинг бу вазифасини от яшаш вазифаси билан аралаштирмаслик керак. *-лик* аффикси от ясовчи сифатида ҳар қандай сўзга бирикавермайди (яъни ҳар қандай сўздан от ясайвермайди). Юқоридаги вазифада эса кесим бўлиб келадиган ҳар қандай сўзга бирикаверади. Масалан, *-лик* аффикси қандай сўздан от ясай олмайди (ўзбек тилида қандайлик сўзи йўқ). Қандай сўзи кесим вазифасида қўлланганда эса у қатнашган гапни гапнинг бирор бўлагига айлантириш учун *-лик* аффикси қўллана олади. *Аҳволи қандай?*— *Аҳволининг қандайлигини биламан*.

Савол туғилиши мумкин: гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда *экан* формаси билан *-лик* аффиксининг жуда қадимдан баравар қўлланиб келишини қандай изоҳлаш мумкин?

*Экан* формасининг модал маъно ифодаловчи форма сифа-

тида қўлланиши анча қадимдан бошланганлигини кўриб ўтган эдик. *Экан* формаси юқоридаги вазифада қўлланганда ҳам, маълум ҳолларда, унинг ўзига хос ана шу модал маъноси сақланади. *-лик* аффикси эса бирор модал маънога эга эмас. Шунга кўра, *-лик* аффикси бу вазифада, *экан* формасига қарама-қарши ҳолда, стилистик жиҳатдан нейтрал элемент (восита) сифатида қўлланган, деб қараш мумкин.

Энди *экан* формаси ва *-лик* аффикси билан бир вазифада *эканлик* формасининг қўлланиши масаласига келсак, бунинг сабабини, бизнингча, қуйидагича изоҳлаш мумкин.

Юқорида кўрдикки, кесими сифатдош формасидаги феъллардан бўлган гапларни ҳеч қандай восита ёрдамсиз ҳам гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш мумкин. Лекин шундай бўлгани ҳолда кесими сифатдош формасидаги феълдан бўлган гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасида ишлатишда ҳозирги ўзбек тилида *-лик* аффиксини қўллаш ҳоллари кўп учрайди:

*Шундагина Асқар ака ўзининг ҳам қорни очганлигини, сувсаганлигини* сизди (Н. Фозилов, «Оқим»).

Бу мисолдаги *очганлигини, сувсаганлигини* сўзлари *очганини, сувсаганини* тарзида қўлланса ҳам маъно ўзгармайди. Лекин бундан кесими *-ган* аффикси билан ясалган сифатдошлардан бўлган гапларни гапнинг бирор бўлагига айлантиришда *-лик* аффиксини ишлатиш ортиқча деган хулоса чиқмайди. Бундай ҳолларда *-лик* аффиксини қўллаш маънони конкретифодалаш талаби билан бўлади. Масалан, *Ўқиганини биламан* гапидан икки хил маъно англашилиши мумкин: 1) ўқиган нарсасини биламан; 2) ўқиган эканини биламан. *Ўқиган* сифатдоши *-лик* аффикси билан қўлланса, маъно конкретифодаланади: *Ўқиганлигини биламан*.

Демак, кесими сифатдош формасидаги гапни бирикма тарзида қўллаш ҳеч қандай восита ёрдамсиз мумкин бўлгани ҳолда бунинг учун *-лик* аффиксининг қўлланиши — бир факт.

Бундан ташқари, гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда инкор маъносида *экан* ва *-лик* воситасининг вазифасини *эмаслик* формаси бажаради: *Хурсанд эканини (хурсандлигини) айтди* — *Хурсанд эмаслигини айтди*. Демак, инкор маъносида *эмас* тўлиқсиз феъли ҳамма вақт *-лик* аффикси билан (*эмаслик* формасида) қўлланади<sup>148</sup>.

Ана шу кўрсатилган икки фактор юқоридаги вазифада *экан* формасининг *-лик* аффикси билан қўлланишига таъсир этган. Айниқса, инкор маъносида ҳамма вақт *-лик* аффикси-

<sup>148</sup> Қаранг: С. Н. Иванов, Юқорида кўрсатилган мақола, 141-бет.

нинг бўлиши таъсирида тасдиқ (бўлишли) маънода ҳам *экан* формасининг *-лик* аффикси билан (*эканлик* формасида) қўлланиш ҳолати юз берган деб қараш мумкин.

(*Хурсанд эмаслигини — хурсанд эканлигини*).

Бир вазифада уч форманинг (*экан, эканлик, -лик* формасининг) қўлланиши мумкинлигини ва бунинг сабабини, бизнингча, ана шундай изоҳлаш мумкин.

Энди, бир вазифани бажарувчи шу уч форма ўртасида ўзаро фарқли хусусият борми ёки йўқми деган масалага тўхтаб ўтайлик.

С. Н. Иванов *-лик* аффиксининг бу вазифада *экан* ва *эканлик* формасидан фарқи ҳақида гапириб, унинг (*-лик* аффиксининг) экспрессив ёки модал бўёғи очиқ, равшан сезилиб турувчи сўзлар билан қўлланишини айтади. Унинг кўрсатишича, *-лик* аффикси: 1) модал маъноли сўзлар, 2) *бор, йўқ* сўзлари, сўроқ олмошлари ёки 3) сўроқ равишлари, 4) шунингдек сўроқ бирикмалар билан қўлланади<sup>149</sup>.

Автор *-лик* аффиксининг бундай сўзлар доирасида *эканлик* формасининг эквиваленти сифатида қўлланиши экспрессив-модал маъноларга эга бўлган *эканлик* формасининг мазкур сўзлар билан қўлланишини «ортиқча» қилиб қўяди. Худди шунинг учун *-лик* аффиксига алмашилиши мумкин деб кўрсатади. Ўз фикрининг тасдиқи сифатида бошқарувчи феъл қатъий ишончни ифодалаган ҳолларда ҳам *-лик* аффикси қўллана олишини, бундай маъно (қатъий ишонч) эса *экан(лик)* формасининг хусусиятига мос келмаслигини айтади<sup>150</sup>.

Ана шу фикрларига асосланиб, С. Н. Иванов, *экан(лик)* ва *-лик* ўртасида вазифа жиҳатдан чегараланиш тенденцияси бораётганлиги, бу тенденция *эканлик* формасини модал форма, *-лик* аффиксини эса нейтрал форма сифатида ажратаётганлигини, *экан* формасининг «четлатилган» формага айланганлигини айтади<sup>151</sup>. Лекин ҳозирги ўзбек тили фактлари ҳақиқий ҳолатнинг бошқачароқ эканини кўрсатади.

Биринчидан, *-лик* аффикси бу вазифада С. Н. Иванов кўрсатиб ўтган хусусиятларга эга бўлган сўзлар билангина эмас, балки бундай хусусиятларга эга бўлмаган ва кесим вазифасида келиши мумкин бўлган деярли ҳар қандай сўзлар билан қўллана олади:

*Яна касалхонага бориши кераклигини йўлаб ҳаракатидаги сустлик йўқолди* (С. Анорбоев, «Оқсой»). Унинг Муродовалигини қайқдан билибман, сўраган гапига

<sup>149</sup> Уша мақола, 143—144-бетлар.

<sup>150</sup> Уша мақола, 144—145-бетлар.

<sup>151</sup> Уша мақола, 145-бет.

ҳам димоғимда жавоб қилиб келавердим (И. Раҳим, «Их-лос»).

Иккинчидан, С. Н. Иванов кўрсатган модал маъноли сўзлар, шунингдек, бор, йўқ сўзлари ва сўроқ олмошлари билан фақат -лик аффикси эмас, балки экан ва эканлик формалари ҳам қўлланаверади:

*Кирган кишига энг аввал уй эгаларининг диди баланд эканлиги, тоза, пок ҳаёт кечиришилиги кўзга чалинар эди (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). Улар топилган ҳаво ранг ер қатламининг олмосга қанчалик бой эканини аниқлашди («Гунча»). Бу Тўладаги севинч тошқини эканини билгани учун, Самад хафа бўлмади (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»). Ош ейилиб бўлгач, Асқар ака меҳмони бор эканини айтиб, узр сўраб чиқиб кетди (Н. Фозилов, «Оқим»). Бу ҳаёт томчиларининг сахийлигидан сув ичиб қолган шумғиялар ҳам бор эканлигини биламан (Саид Аҳмад, «Баҳор сувлари»). У Саидғозининг гапираётган гаплари бари тўғри, қитдай хатоси йўқ эканини билади (С. Анорбоев, «Оқсой»). Тўсатдан айтилган сўз Дарёевни сескантириб юборди, ҳатто уят нима эканлигини билмайдиган юзуда ҳам қизиллик пайдо бўлди (Б. Кербобоев, «Небитдоғ»). ..ўзимнинг ким эканимни айтишга ҳам улгурмай жангга кириб кетдим чамамда (А. Мухтор, «Давр менинг тақдиримда»).*

Учинчидан, экан ва эканлик гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантирувчи восита сифатида қўлланганда ҳам экан формаси боғлама вазифасида қўлланганда ифодаланадиган модал маънолар доим сақланади деб бўлмайди:

*Тоға ҳамма ёқни айланиб, ишдан анча мамнун эканлигини айтди (Саид Аҳмад, «Уфқ»). Қийим ва лаҳжасидан афғон эканлигини билгани турган рубоқ жавоб берди. (С. Айний, «Дохунда»). Қоронғида оппоқ деворга суяниб турган оқ халатли одамнинг афти ангори кўринмаса ҳам, Шербек унинг Нигора эканини сезиб қолди (С. Анорбоев, «Оқсой»). Икромжон айвонга чиқаётганида бир оёғи ёғоч эканини кўрди (Саид Аҳмад, «Уфқ»).*

Бу мисолларда экан ва эканлик формаларига хос бирор экспрессив-модал маъно ҳақида гапириш қийин. Шу сабабли булардаги экан ва эканлик формаси ўрнида -лик аффиксини қўллаш мумкин.

Умуман, агар эканлик ва экан формалари, -лик аффиксидан фарқли ҳолда, экспрессив-модал маънога эга формалар бўлганида, улар ана шундай маъно ифодалаш талаби бўлган ҳоллардагина қўлланади эди. Ваҳоланки, ҳеч қандай экс-

прессив-модал маъно ифодаланмайдиган ҳолларда ҳам гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш талаби билан *эканлик* ва *экан* формаларидан бири қўлланаверади.

Бундан ташқари, агар *эканлик* ва *экан* формаси экспрессив-модал маънога эга бўлган тақдирда ҳам бу нарса уларнинг экспрессив-модал маънога эга бўлган сўзларга бириктириши учун монe бўла олмайдн. Чунки сўзлардаги экспрессив-модал маъно билан *эканлик* ва *экан* формасидаги шу маъно бир хил эмас. Шунга кўра, *эканлик* ва *экан* формасининг қўлланишидаги чегараланишни уларнинг бирор маъно хусусиятидан келиб чиқиб исботлаш мумкин эмас. Бу формалар кесим вазифасида келиши мумкин бўлган сўзларнинг деярли ҳаммаси билан бирикаверади.

Тўртинчидан, асосий феъл орқали қатъий ишонч, аниқлик ифодаланган ҳолларда ҳам фақат *-лик* аффикси эмас, балки *эканлик* ёки *экан* формаси ҳам қўлланаверади:

Унинг лабидаги табассуми ўз бахтидан жуда м а м н у н эканлигига далолат бериб турар эди (С. Анорбоев, «Оқсой»). Камоловнинг чинакам ёзувчи эканига тан берар, китобининг давомини, бошқа ўқувчилар каби, орзиқиб кутарди (Саид Аҳмад, «Илҳом париси»). Ахир, Оқсойдаги чорвадорлар қишлоғида врачнинг жойи яйловда — чўпонлар орасида бўлиши лозим экани ҳаммага аён-ку (С. Анорбоев, «Оқсой»). Додхоҳ гап қандай ва қайси от устида эканини, у от ўзини ҳокимнинг исканжаларидан қутқариб, қолган қора дулдул эканини яхши билар эди (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»).

Бешинчидан, *эканлик* формасининг модал маънога эга вариантга, *-лик* аффиксининг нейтрал вариантга айланаётганлигини ва *экан* формасининг «четлатилаётганини» ҳам ҳозирги ўзбек тили фактлари тасдиқламайди. Фактларнинг кўрсатишича, булардан *экан* ва *-лик* формаси ҳозирги ўзбек тилида жуда кенг қўлланади, *эканлик* формаси эса нисбатан оз учрайди. Масалан, бу вазифада Ойбекнинг «Олтин водийдан шабадалар» романида: *экаң* — 24 та, *эканлик* — йўқ; «Қуёш қораймас» романида: *экан* — 16 та, *эканлик* — 3 та; А. Қаҳҳорнинг танланган асарлар, I томида: *экан* — 26, *эканлик* — йўқ; А. Мухторнинг «Опа-сингиллар» романида: *экан* — 108, *эканлик* — 21; П. Турсуннинг «Ўқитувчи» романида: *экан* — 59, *эканлик* — 4 та қўлланган.

Ана шу беш пунктда келтирилган фактларнинг ўзиёқ *экан* формаси четлашиб боряпти, *эканлик* формаси модал формага айланяпти деб қараш мумкин эмаслигини кўрсатади.



Лекин бундан «бир вазифани бажарувчи экан, эканлик, -лик воситалари ўзаро ҳеч қандай фарқли хусусиятга эга эмас» деган хулоса чиқмайди. Агар ҳеч қандай фарқли хусусият бўлмаганида, бир вазифа учун тилда улардан бирининг бўлиши кифоя эди. Ҳозирда бир вазифа учун учала форманинг аралаш қўлланишининг ўзиёқ улар ўртасида қандайдир фарқли хусусият борлигидан далолат беради.

Оғзаки нутқда бу вазифада *экан, эканлик* ва *-лик* воситаларидан энг кўп қўлланиувчиси *-лик* аффиксидир: Шундай бўлиши ҳам табиий. Чунки оғзаки нутқда ҳамма вақт соддаликка интилиш бўлади. *Экан, эканлик, -лик* воситалари ичида энг соддаси эса *-лик* аффиксидир.

Оғзаки нутқда кўриб ўтилган вазифада деярли ҳамма вақт *-лик* аффиксининг ўзини қўллайтириш имкони бўлади. Ёзма нутқда эса бирмунча бошқачароқ ҳолни кўрамайз.

Ўзбек тилида *-лик* аффикси кўп маъно ва вазифага эга. Ёзма нутқда унинг ана шу маъно ёки вазифаларидан қайси бирида қўлланганлиги ҳамма вақт аниқ бўлавермайди. Масалан, *Унинг афзаллигини биламан* гапида *-лик* аффиксининг қандай маънода қўллангани маълум эмас. Бу форма орқали «унинг афзал томонини...» ёки «унинг афзал эканини...» деган маъно ифодаланиши мумкин. Ана шундай ҳолларда ёзувда *-лик* аффиксини эмас, балки *экан* ёки *эканлик* формасини қўллаш орқали маъно конкрет ифодаланади. Оғзаки нутқда эса гап нима ҳақда бораётганлиги конкрет шароитдан, ситуациядан маълум бўлиб туради. Шу сабабли *-лик* аффиксининг ўзини қўллаш имконияти кўпроқ бўлади.

Бундан ташқари, маълум фонетик шароитларда *-лик* аффиксини қўллаш талаффузда маълум даражада ғализлик туғдиради. Ана шундай ҳолларда ҳам *-лик* аффикси эмас, балки *экан* ёки *эканлик* формасини қўллашга тўғри келади. Масалан, *ким сўзи* билан оғзаки нутқда ҳам, ёзма нутқда ҳам *экан* ёки *эканлик* формасини эмас, балки ҳамма вақт *-лик* аффиксини қўллайтириш мумкин. Чунки ўзбек тилида *кимлик* деган сўз йўқ. Шу сабабли бу формада *-лик* аффиксининг қандай вазифада қўлланганлиги ҳамма вақт аниқ сезилиб туради. Бироқ *ким* сўзи *-лар* аффикси билан келганда, унинг кетидан *-лик* аффиксини қўллаш билан талаффузда ноқулайлик сезилади. Шу сабабли ёзма нутқда *кимлар* формасидан кейин *-лик* аффикси эмас, балки *экан* ёки *эканлик* формаси қўлланади: *кимлар эканини, ёки кимлар эканлигини* (Бироқ *кимларлигини* формаси учрамади.)<sup>152</sup>

<sup>152</sup> П. Турсуннинг «Ўқитувчи» романида учраган 4 та *эканлик* формасининг учтаси охири *-лар* билан тугаган сўзлардан кейин қўлланган.

Куйидаги мисолларда ҳам худди шу икки сабаб таъсиринда *-лик* аффикси эмас, балки *экан* тўлиқсиз феъли қўлланган:

*Хамма ерда араблар хор, араблар қул эканни и ўз кўзим билан кўрдим* (Мирмуҳсин, «Маширий ҳаёти»). *Унинг номини, қаерлик эканини билолмаганига ачинди* (Мирмуҳсин, «Мона»).

Демак, ана шу айтилган икки ҳолатнинг ўзиёқ бир вазифани бажарувчи восита *-лик* аффикси билан бирга *экан* ва *эканлик* формасининг ҳам сақланишини тақозо этади.

Бундан ташқари, *экан*, *эканлик* формалари аффикс бўлмаганидан (сўзлик кўриниши сақланиб турганидан) буларда, *-лик* аффиксидан фарқли ҳолда, маънони таъкидлаш имкони мавжуд. Бу нарса *экан* формасига нисбатан ҳам *эканлик* формасида кучлироқ. (Чунки у тузилиш жиҳатдан *экан* формасига нисбатан ҳам мураккаброқ). Шу сабабли маъно алоҳида таъкидланадиган ҳолларда *-лик* аффикси эмас, балки *экан* ёки *эканлик* формаси қўлланади. Оддий сўзлашувдагига нисбатан расмий нутқларда *экан* ёки *эканлик* формасининг кўп қўлланиш сабаби ҳам ана шунда.

Лекин ҳозирги ўзбек тилида *экан* ёки *эканлик* формаси фақат маъно алоҳида таъкидланадиган ўринларда қўлланади демоқчи эмасмиз. Гап шундаки, *экан* ва *эканлик* формасида маънони таъкидлаш имконияти бор. Булар маъно таъкидланмайдиган ҳолларда ҳам қўлланаверади. Айнан бир гап доирасида *экан*; *эканлик* ва *-лик* воситаларининг аралаш қўлланавериши мумкинлиги ҳам бунга далил бўла олади:

*Тандирдан янги узилган оби нонларнинг ёқимли ҳидларини сочиб; нонларининг иссиқлигини, қаймоқли эканлигини, айтиб нонвойлар шипиллаб ўтадилар.* (М. Исмоилий, «Фарғона тонг отгунча»). *Унинг гапларидан Охунбобоев ҳозир Фарғонада эканини, бир-икки кундан кейин Езёвон масаласида катта йиғин бўлиши кераклигини аңглади* (Саид Аҳмад, «Уфқ»).

Ўзбек тилида *экан*, *эканлик* ва *-лик* формаларининг кўриб ўтилган вазифада қўлланивчи воситага айланиш йўли, уларнинг қўлланишдаги хусусиятлари ана шулардан иборат.

Энди, *экан*, *эканлик*, *-лик* воситасида гапнинг бирор бўлагига айлантирилган конструкцияларда айрим формаларнинг қўлланиш хусусиятларига тўхтаб ўтамиз.

Бундай конструкциялар, юқорида кўриб ўтганимиздек, отларга хос формаларни қабул қилади. Буларнинг кўплик ва келишик аффиксларини қабул қилишида умумий ҳолат-

дан ташқари бўлган алоҳида хусусиятлар йўқ. Қизиқ ҳодиса уларнинг эгалик аффиксига муносабатида кўринади.

Маълумки, отлар ҳамма вақт сон нуқтаи назаридан бирлик ёки кўпликда бўлади, шунингдек, доим бирор келишик формасида келади. Уларнинг ҳамма вақт бирор эгалик формасида бўлиши шарт эмас. Масалан, *ёмғир* тинди гапида *ёмғир* сўзи бирлик ва бош келишик формасида. Лекин эгалик формасига эга эмас. *Экан, эканлик* формаси, шунингдек, *-лик* аффикси ёрдамида бирор гап гапнинг бўлагига айлантрилганда, бу формалардан сўнг ҳамма вақт эгалик аффикси ҳам қўшилади:

*Бугун биринчи имтиҳондаёқ ким ва нималигим ўзимга маълум бўлди* (Саид Аҳмад, «Севгингга содиқман»). *Майли, бораверинг. Сизнинг йўқлигингизни билдирмасмиз* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Кечир, кечир, азизим. Чинакам қўғирчоқ эканлигимни энди билдим.* (Саид Аҳмад, «Севгингга содиқман»). *Йўлчи чакки одамларни топмади, Ерматнинг ҳақсиз эканига ишончи кундан-кун ортди* (Ойбек, «Қутлуғ қон»). *Офицер сизнинг ким ва қаерлик эканингизга кўп қизиқди* (А. Қаҳҳор, «Олтин юлдуз»).

Демак, *экан, эканлик* ёки *-лик* билан қўлланган сўз ҳамма вақт эгалик формасида бўлар экан, ўз-ўзидан, у билан грамматик алоқадаги сўз қаратқич формасида келади. Бу сўз эса аслида (гап бирикмага айлангунга қадар) эга ҳукмида бўлган сўздир: *у дўст экан — унинг дўст эканлигини билман.*

Кўринадикки, гап ҳукмидаги конструкцияда эга-кесим муносабатидаги конструкция гапнинг бирор бўлагига айлантрилгач, қаратқич — қаралмиш бирикмага ўтади. Бу ҳодиса гап ҳукмидаги конструкцияда кесим вазифасида келган сўзнинг конструкция гапнинг бирор бўлаги ҳолига келгач, эгалик формасида, эга вазифасидаги сўзнинг эса, қаратқич формасида бўлиши маълум сабаб билан юз беришини кўрсатади.

Гапда эга ҳамма вақт бирор шахсни (биринчи, иккинчи ёки учинчи шахсни) кўрсатади. Кесим эса унга мос ҳолдаги шахс қўшимчаси билан шаклланади: *Мен кўрганман. Сен кўргансан.* Шу шахс-сон формаси билан (шу грамматик алоқа билан) гап ҳукмидаги конструкцияни гап бўлаги вазифасида қўллаш мумкин бўлмаганидек, бу гап қандай йўл билан гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўлланганда ҳам унинг компонентлари (эга ва кесим вазифасида бўлган сўзлар) ўртасидаги алоқа (боғланиш) йўқолмайди. Эга ва кесим муносабатида эса, юқорида кўрганимиздек, шахс-сон мослиги (шахс-сон муносабати) бўлган. Демак, гап ҳукмидаги конст-

рукция бирикма тарзда қўлланганда ҳам икки сўз ўртасидаги шахс-сон муносабати йўқолмайди. Шу сабабли гап ҳукмидаги конструкция гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўлланганда, кесимдаги шахс-сон қўшимчалари (-ман, сан; -миз, -сиз) ўрнида эгалик қўшимчалари (-им, -инг, -и; -имиз, -ингиз, -(лар)и) қўлланади. Бирлик: *мен ўқиган эканман, сен ўқиган экансан, у ўқиган экан* — менинг ўқиган эканлигим, сенинг ўқиган эканлигинг, унинг ўқиган эканлиги; кўплик: *биз ўқиган эканмиз, сиз ўқиган экансиз, улар ўқиган эканлар* — бизнинг ўқиган эканлигимиз, сизнинг ўқиган эканлигингиз, уларнинг ўқиган эканлик(лар)и.

Мустақил гап *экан, эканлик, -лик* воситасида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантирилганда, бу формаларни қабул қилган сўзларнинг донм эгалик формасида бўлишини, бизнингча, ана шундай изохлаш мумкин.

Мустақил гап *экан, эканлик* ва *-лик* воситасида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантирилганда, эга вазифасида келган сўз қаратқич формасига ўтмаслиги, балки ўз формасини сақлаган ҳолда яна эга вазифасида келиши мумкин. Бу ҳодиса гапнинг бирор бўлагига айланувчи конструкция билан кейин ҳосил бўлган гапнинг эгаси бир шахснинг ўзи бўлган ҳолларда (иккаласида ҳам бажарувчи бир шахснинг ўзи бўлган ҳолларда) рўй беради:

*Болалар уни ҳам завқланаётибди деб ййлашди шекилли, синфда эканликларини унутиб чуғурлай бошлацган эди..*, (М. Исмоилий, «Бизнинг роман»).

Лекин бундай ҳолларда *эканлик, экан* формаси ёки *-лик* аффикси билан қўлланган сўз эга вазифасидаги сўз билан грамматик алоқада бўлмайди, балки қаратқич формасидаги «ўз» сўзи билан грамматик алоқага киришади. Бу сўз гап ичида қўлланиши ҳам, қўлланмаслиги ҳам мумкин:

*У район миқёсида кимлар яхши нотик экани ва ўзининг ўша яхши нотиклардан кам эмаслигини ҳам биларди.* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *Нонушта пайтида Жўраҳон ҳақида китоб ёзма оқчилигимни айтдим* (Саид Аҳмад, «Тўлқинлар»).

Демак, гапнинг бирор бўлагига айлантирилган конструкция билан янги ҳосил бўлган гапнинг эгаси айнан бир шахс бўлган ҳолларда *эканлик, экан* формаси ёки *-лик* аффикси билан қўлланган сўз билан грамматик алоқадаги сўз сифатида ўз сўзи қўшилади. Лекин бажарувчи айнан бир шахснинг ўзи эканлиги аниқ билиниб турганлигидан, кўпинча, гап таркибида ўз сўзи қўлланмайди. Ҳатто, шундай ҳоллар ҳам бўладики, гап ичида *эканлик, экан* формаси ёки *-лик* аффик-

си билан қўлланган сўз билан грамматик алоқада бўлмаган ўз сўзи қўлланади. Бундай ҳолларда *эканлик*, *экан* формаси ёки *-лик* аффикси билан қўлланган сўзга грамматик алоқадаги ўз сўзини қўллаш услубда жуда ғализлик келтириб чиқаради:

*Бозор ўз рамасини вақтинча ўртоқларига топшириб, қўйларни қидирмоқчи эканини сўзлади* (С. Айний, «Дохунда»).

Бу мисолда «қўйларни» сўздан олдин қидирмоқчи эканини сўзи билан грамматик алоқадаги ўзининг сўзини қўллаш мумкин. Лекин гап услуб жиҳатдан ғализ чиқади.

Хуллас, мустақил гап *экан*, *эканлик* формаси ёки *-лик* аффикси ёрдамида гапнинг бирор бўлаги вазифасида келувчи конструкцияга айлантирилганда, шу форма ёки аффикс билан қўлланган сўз ҳамма вақт эгалик формасида қўлланиб, у қаратқич формасидаги сўз билан грамматик алоқада бўлади.

Юқорида айтиб ўтилганлардан қизиқ бир ҳодисани сезиш мумкин. Биринчидан, маълум бир фикр ифодалаш учун гап тузиш ва, иккинчидан, бу гапни *-лик* аффикси ёки *экан*, *эканлик* формаси ёрдамида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш.

Мустақил гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги тарзида қўллашни шунчаки оддий ҳодиса деб тушуниш мумкин эмас. Бу ҳодиса умуман гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш бўлмай, балки ҳамма вақт фикр олишиш, фикр ифодалаш процессида юз беради. Демак, у гап доирасида юз беради. Гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллаш билан қўшма гап содда гапга айланади:

*Йўловчи бу сўзларнинг қайси бирида ҳақиқат бор-у, қайси бирида йўқ, билолмасди* (Н. Фозилов, «Оқим»).

Бу мисол икки содда гапдан ташкил топган қўшма гап. Биринчи гап — *Бу сўзларнинг қайси бирида ҳақиқат бор-у, қайси бирида йўқ*. Бу гапда эга — *ҳақиқат*, кесим — *бор, йўқ*. Иккинчи гап — *Йўловчи билолмасди*. Эга — *йўловчи*, кесим — *билолмасди*.

Бу қўшма гапдаги *бор* ва *йўқ* сўзларидан кейин ёки *йўқ* сўзининг ўзидан кейин *эканини* (*эканлигини*, *-лигини*) формасини қўллаш билан биринчи гап гапнинг тўлдирувчи бўлагига, умуман қўшма гап эса содда гапга айланади: *Йўловчи бу сўзларнинг қайси бирида ҳақиқат бор-у, қайси бирида йўқлигини (йўқ эканлигини, йўқ эканини) билолмасди*.

Лекин бу келтирилган мисолдан юқоридаги ҳодиса шунчаки содда гапни гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллаш

ва шу йўл билан қўшма гапни содда гапга айлантириш экан, деб тушунмаслик керак. Кўриб ўтилган воситалар ёрдамида гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллаш ўзбек тили тараққиётида янги ва муҳим ҳодиса ҳисобланади. Бу ҳодиса фикр тўлалигини сақлаган ҳолда уни ихчам-формада ифодалашнинг усулларидан бири сифатида юзага келган.

Қўшма гапнинг сўзларини ўзгартмаган ҳолда экан (*эканлик, -лик*) ёрдамида уни содда гапга айлантириб қўллаш ҳолати ва шундай қилиш мумкинлиги жуда ҳам кам учрайди. Тил учун бундай ҳодисанинг қиймати ҳам йўқ. Чунки бундай ҳолда фикр ифодасида ҳеч қандай соддалик юз бермайди. Лекин бу ҳодиса гапнинг бирор вазифасида қўлланадиган конструкция сўроқ формасидаги гаплардан бўлган ҳоллардагина учрайди:

*Шаҳардан келган комсомоллар нечта экан, билмай-сизми? (Ғайратий, «Унутилмас кунлар»). — Шаҳардан келган комсомолларнинг нечта эканини билмадингизми?*

Гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллаш ва шу йўл билан қўшма гапни содда гап тарзида қўллаш бир неча сўз ёки жумлани қисқартиш ёки бошқа йўл билан ифодада ихчамлик (қулайлик) туғдириш талаби билан бўлади.

Бундан ҳам аҳамиятлиси шундаки, кўриб ўтилган ҳодисада фақат гап ҳукмида бўлган конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида ва қўшма гапни содда гап шаклида қўллаш билан чекланилмайди. *Экан, эканлик, -лик* воситасида гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллаш йўли билан бир неча гап орқали ифодаланадиган фикр бир гап орқали ифодаланади. *Экан, эканлик* формаси ва *-лик* аффикси асосан худди шу мақсад учун қўлланади. Қуйидаги уч кичик жумладаги фикрни *эканлик, экан* формасини қўлламай ифодалаб кўрилса, кўриб ўтилган ҳодисанинг қанчалик муҳим аҳамиятга эга экани яққол сезилади:

*Матбуот китобнинг адабий ҳаётда йирик бир воқеа эканлигини тан олди (Саид Аҳмад, «Илҳом париси»). Кейин Шербекка қараб қўйиб, унинг бу гапдан бутунлай беҳабар эканлигини пайқади (С. Анорбоев, «Оқсой»). Отасининг аччиқ ҳикоясини эшитган Полвон билан Бежжон ўз пешоналарининг шўр эканига ачиндилар (Ж. Шарипов «Хоразм»).*

Шуни ҳам айтиш керакки, *экан (эканлик, -лик)* воситасида мустақил гапни гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллаш дарак гап ва сўроқ формасидаги гаплар доирасидагина юз бериши мумкин. Чунки кўриб ўтилган йўл билан гапни би-

рикмага айлантириш аслида кесими отлар (умуман феъл бўлмаган сўзлар) ва феълнинг от формаларидан бўлган содда гаплар доирасида юз берган. Ана шу хусусият ҳозир ҳам сақланган. Бундан ташқари, *экан*, (*эканлик*, *-лик*) воситаси билан гап ҳукмидаги конструкция гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўлланганда, ундаги гапга хос хусусият йўқолади. Шу жиҳатдан қараганда ҳам дарак ва сўроқ гапдан бошқа гап турини кўрсатилган воситалар ёрдамида гапнинг бирор бўлаги вазифасида қўллаш (шу ҳолатга айлантириш) учун ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди. Чунки, масалан, буйруқ гап тузишдан мақсад тингловчини бирор нарсага қисташ, буюриш мазмунини ифодалашдир. Шу мақсад билан тузиладиган гапни бирикмага айлантириб, буйруқ маъносини йўқотиш учун ҳеч қандай эҳтиёж бўлмайди (буйруқ, қисташ, ундаш талаби бўлмайдиган бўлса, буйруқ гап тузилмайди-қўяди).

Савол туғилиши мумкин: буйруқ гапни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш учун асос ҳам, эҳтиёж ҳам йўқ экан, сўроқ формасидаги гапни шундай конструкцияга айлантириш мумкинлиги қандай изоҳланади?

Ҳақиқатда ҳам, буйруқ гап буюриш, ундаш каби маънони ифодалаш учун тузилганидек, сўроқ гаплар ҳам (соф сўроқ гаплар)<sup>153</sup> номаълум бўлган бирор нарсани билиш мақсадидаги сўроқни ифодалаш учун қўлланади. Шу сабабли сўроқ гапни бирикмага айлантиришга ҳам эҳтиёж бўлмайди. Чунки бундай қилинганда, сўроқ йўқолади. Гап эса сўроқ ифодалаш учун тузилган бўлади.

Бироқ *экан* (*эканлик*, *-лик*) воситасида ҳеч вақт жавоб талаб қиладиган гаплар гап бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантирилмайди, балки сўроқ формасида бўлса-да, сўроқ мазмуни деярли йўқолган гапларгина бирикмага айлантирилади:

*Уртоқ правление аъзолари,.. раис ака масаланинг қанчалик муҳим эканлигини яхшилаб тушунтириб бердилар.* (С. Анорбоев, «Оқсой»). *У пахтачилик агротехникасида бир-бирига зид келаётган бу икки усулнинг қайси бири яшашга ҳақли эканини аниқлаб беришни талаб қилган эди* (И. Раҳим, «Ихлос»). *Кимнинг қанақалиги билиниб қолган ўша пайтларда урушга чап бериб бормай қолган эркак зоти кўзларига бало бўлиб кўринарди* (Саид Аҳмад, «Тўлқинлар»).

<sup>153</sup> Жавоб талаб қиладиган сўроқни ифодаловчи гаплар назарда тутилади. Қаранг: А. Ф. Ғуломов, М. А. Асқарова, Ҳозирги замон ўзбек тили, Синтаксис, Тошкент, 1961, 47-бет.

Бу гаплар орқали ифодаланган фикрни *эканлик, экан-лик* воситаларини қўлламай ифодалаб кўрилса, гап таркибида сўроқ олмошлари қўлланишидан қатъий назар, сўроқ йўқ даражада эканлиги ва жавоб ҳам талаб қилмаслигини сезиш мумкин.

Риторик сўроқ гаплар ҳам жавоб талаб қилмайди. Лекин уларда сўроқ йўли билан тасдиқ мазмуни берилади. Демак, сўроқ бўлади. Бундан ташқари, риторик сўроқ гаплар фикр-ни эмоционал, кучли, ифодали, таъбирли қилиб ифодалаш талаби билан қўлланади. Шу сабабли бу типдаги гапларни ҳам гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириб бўлмайди.

Сўроқ олмошлари ёрдамида тузилган гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш мумкинлигини кўрдик. Сўроқ гаплар, сўроқ олмошларидан ташқари, *-ми, -чи, -а (-я)* элементлари воситасида ҳам тузилади.

Ўзбек тили фактларининг кўрсатишича, *-чи, -а (-я)* элементлари воситасида ҳосил бўлган сўроқ гапларни *экан (эканлик, -лик)* ёрдамида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш мумкин эмас. Бунинг сабаби ҳам *-чи, -а (-я)* элементлари билан ҳосил қилинган гапларда деярли ҳамма вақт сўроқ ифодаланиши билан изоҳланади.

*-ми* элементи билан ҳосил қилинган сўроқ гапларда, агар гап фақат тасдиқ ёки инкор формасида бўлса, деярли ҳамма вақт сўроқ ифодаланади: *Келдими? Чиройлими? Келмадими? Чиройли эмасми?*

*-ми* элементини қабул қилган сўз тасдиқ ва инкор (бўлишли ва бўлишсиз) формада ёки антоним ҳолда қўлланганда, сўроқ ифодаланмаслиги ҳам мумкин: *Билмайман, келганми, келмаганми (Келганми, келмаганми билмайман). Билмайман, каттами ёки кичикми:*

*Ҳури ҳам истабми, истамайми жувозхонага тез тез кириб турадиган... бўлиб қолди* (Н. Фозилов, «Оқим»).

Ана шундай формадаги гапларни *экан (эканлик, -лик)* ёрдамида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш мумкин:

*Бектемир пулемётнинг тариллаган оҳангига сезгир қулоқ соларкан, отувчисининг эским, устами, нўноқми эканини дарров пайқарди* (Ойбек, «Қуёш қораймас»). *...уларнинг ёшми, кексами эканликлари маълум эмас эди* (С. Айний, «Дохунда»). *Нисимнинг ҳақлими-ҳақсиз экани устида ҳозирча гап юритмасак ҳам бўлади* (Е. Хаимов, М. Раҳмон, «Ҳаёт-мамот»).

Дарак гап, шунингдек, сўроқ формасидаги гапларнинг кесими турли формадаги (ўтган замон, ҳозирги замон фор-



малари ва ҳ.) феъллардан бўлиши мумкин. (Бунга мисоллар келтириб ўтирмасак ҳам бўлади.) Лекин буларнинг ҳар қандай турини, ўз формасини ўзгартмаган ҳолда *эканлик*, *экан ёки -лик* воситасида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш мумкин бўлавермайди. Фақат кесими *-ган*, *-моқчи*, *-(у)ш* формасидаги гапларнигина *эканлик*, *экан*, *-лик* воситасида, кесимнинг формасини ўзгартмаган ҳолда, гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш мумкин.

Кесими ўтган замон формасида бўлган ҳар қандай гапни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда *-ган* аффикси билан ясалган формадан фойдаланилади: *У кеча келди — Унинг кеча келган эканини (эканлигини, -лигини) биламан. У кеча келибди — Унинг кеча келган эканлигини (эканини, -лигини) биламан.* Бу ҳодиса ҳам *экан* формасининг асида отларга ва феълнинг ҳам от формаларига бирикканлигидан келиб чиқади.

Ҳозирги замон формасидаги гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда *-ёт+ган* формасидан фойдаланилади: *Москвадан келаяпти — Москвадан келаятган эканини (эканлигини, -лигини) биламан.*

Ҳозирги замон маъноси *ётибди*, *турибди*, *юрибди*, *ўтирибди* кўмакчи феъллари орқали ифодаланган бўлса, *-ган* формасидан фойдаланилади: *Ишлаб турибди — Ишлаб турган эканини (эканлигини, -лигини) биламан.*

Кесими ҳозирги-келаси замон, келаси замон феъл формасидаги гапни бирикмага айлантиришда *экан*, *эканлик*, *-лик* воситалари деярли қўлланмайди. Бунда феълнинг *-(у)ш* (*-маслик*) аффикси билан ясалувчи ҳаракат номи формасидан фойдаланилади: *Заводда ишлайди — Заводда ишлашини биламан. Эртага ишлайди — Эртага ишлашини биламан (Заводда ишламайди — Заводда ишламаслигини биламан):*

*Унга доктор Маҳфуз жуда интизомли киши экани, вақтида келмаганларни ёқтирмаслигини айтди* (Мирмуҳсин, «Нил устида ой»).

Лекин бу ҳодисани кесими *-(у)ш* аффикси билан ясалган ҳаракат номи формасидаги феълдан бўлган гапни *экан* (*эканлик*, *-лик*) воситасида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш билан аралаштирмаслик керак. Қуйидаги икки мисолни қиёсланг:

*Чиройли қиз ёки жувонларнинг қаерда туришини ва ота-онасининг кимлигини улар орқали билиб олиб, дарҳол ўша томонга физиллаб кетишарди* (Ж. Шарипов, «Хоразм»). *Татьяна тонг отиши билан биринчи галда қиладиган иши ра-*

исдан қўшимча арава талаб қилиш эканини ўйлади (И. Раҳим, «Ихлос»).

Бу икки мисолдаги гапнинг тўлдирувчи бўлагига айлан тирилган конструкция яна гап ҳолига келтириладиган бўлса биринчи гапдаги *туришини* феъл формаси *туради* формасиг: ўтади. Иккинчи гапда эса *экан* формаси тушириб қолдирила ди, лекин *қилиш* феъли ўз формасида қолади.

Кесими ҳозирги-келаси замон ёки келаси замон формаси даги гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструк цияга айлантиришда *-(и)ш* аффиксли ҳаракат номи форма сининг *-лик* аффикси билан қўлланиш ҳоллари учрайди. Ле кин бундаги *-лик* аффикси биз юқорида кўрган вазифадаги *-лик* аффикси эмас:

...қилинган меҳнат зое кетишлигини ҳам қистириб бу масалада ферма мудури Сади ваққоснинг эътиборсиз масъулиятсиз қараётганини «қаттиқ» танқид қилди (Н. Фози лов, «Оқим»).

Келтирилган мисолда *кетишлигини* формасидаги *-лик* аф фикси мустақил гапни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантирувчи восита эмас. Бунинг далили сифатида шуларни айтиш мумкинки, биринчидан, *кетишли гини* формасидаги *-лик* аффикси тушириб қолдирилса ҳам ҳеч қандай ўзгариш бўлмайди. Иккинчидан, бу мисолда *ке тишлигини* формасига нисбатан *кетишини* формасини қўллаш нормал ҳолат эканлиги аниқ сезилиб турибди. Учинчидан бундаги *-лик* аффикси юқоридаги вазифани бажарувчи воси та бўлмаганлигидан унинг ўрнида *экан* ёки *эканлик* форма сини қўллаб бўлмайди.

Кўринадики, дарак гап ва сўроқ формасидаги гапнинг кесими ўтган замон, ҳозирги замон, келаси замон феълинини барча формаларидан бўлиши мумкин эса-да, лекин шу фор мадаги гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги кон струкцияга айлантиришда асосан уч формадангина фойдалани лади: кесим ўтган замон феълларидан бўлса, *-ган* формаси дан; ҳозирги замон феълларидан бўлса, *ётган* формасидан; ҳозирги-келаси ёки келаси замон феълларидан бўлса, *-(и)ш* формасидан фойдаланилади.

Кесими шахсли феъллардан бўлган гапларни гапнинг би рор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда уч замон доирасида фақат учта феъл формасидан фойдаланиш икки асосий сабабга кўра бўлади.

Биринчидан, шахсли феъл формалари ҳеч вақт сифатдош формалари каби от вазифасида қўлланмайди ва отларга хос қўшимчаларни қабул қила олмайди. *Экан* формаси ҳам боғ лама вазифасида феълнинг от формаларига бириккан. Шу-

нингдек, *-лик* аффикси ҳам ҳеч вақт шахсли феъл формаларига бирика олмайди. Шу сабабли кесими шахсли феълдан (*ишлади, шилабди, ишляпти* каби формадаги феълдан) бўлган гапларнинг охирида *экан* (*эканлик, -лик*) формасини қўллаб бўлмайди. Натижада кесими кўрсатилган формадаги феъллардан бўлган гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш учун феълнинг от формасидан (ўтган замон учун *ишлаган*, ҳозирги замон учун *ишляётган* формасидан) фойдаланиш керак бўлади.

Иккинчидан, мустақил гапни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда уч замон доирасида фақат учта формадан фойдаланиш талаб учун етарли ҳолат ҳисобланади. Чунки бирор гап гапнинг қандайдир бўлаги вазифасида келувчи конструкцияга айлантирилар экан, унда гапга хос модал маънолар бўлмайди (Модал маъно ифодалаш талаб бўлса, гап бирикмага айлантирилмайди). Модал маъно бўлмаганидан кейин шундай маъноларни ифодаловчи формалар ҳам талаб этилмайди. Бунда гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида келувчи конструкцияга айлантириш учун имкон берадиган форма бўлса, шунинг ўзи етарли: Юқоридаги уч форма (*-ган, -ётган, -(и)ш* аффикслари билан ясалган формаси) замон жиҳатдан фарқни кўрсатади.

Савол туғилиши мумкин: Гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда ўтган замон учун *-ган*, ҳозирги замон учун *-ёт+ган* аффикслари билан ясалган сифатдош формасидан фойдаланилгани ҳолда, нима учун кесими ҳозирги *-келаси* замон ёки *келаси* замон формасидаги гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда ҳозирги-келаси замон сифатдошининг *-диган* формасидан ёки *-(а)р* формасидан фойдаланилмайди?

Ҳозирги ўзбек тилида сифатдошнинг *-ган, -ёт+ган* аффикслари билан ясалган формаси атрибутив вазифада ҳам, субстантив вазифада ҳам қўлланаверади.

Сифатдошнинг *-(а)р* аффикси билан ясалган ҳозирги-келаси замон формаси ҳам тарихан шундай хусусиятга эга бўлган:

*...ўл турур учун қобил ер эди... («Бобирнома»). Тонгласи Савод сувидан кўчуб, кенгашга кирар бекларни чорлаб, кенгашиб, сўз мунга қарор топдиким... («Бобирнома»).*

Лекин ҳозирги ўзбек тилида *-(а)р* аффикси ҳозирги-келаси замон сифатдоши яшаш хусусиятини деярли йўқотган. У, асосан, ҳозирги-келаси замон гумон феъли яшаш учун қўлланади. Шу сабабли кесими *-(а)р* аффикси билан ясалган феъл

формасидан бўлган гапни худди шу формада экан (*эканлик*, -лик) ёрдамида гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантириш ҳодисаси учрамайди.

Сифатдошнинг умумий замон ва келаси замон маъносини ифодаловчи формаси (ҳозирги-келаси замон сифатдоши) ҳозирги ўзбек тилида *-диган* аффикси орқали ясалади.

Кесими ҳозирги-келаси замон формасида (*келади*, *ишлайди* формасида) бўлган гапларни гапнинг бирор бўлаги вазифасидаги конструкцияга айлантиришда сифатдошнинг *-диган* аффикси билан ясалган формасидан фойдаланиш фактик жиҳатдан мумкин:

*Яхши ишлайди — Яхши ишлайдиган эканини биламан. Яхши ёзади — Яхши ёзадиган эканини биламан.*

Лекин, биринчидан, сифатдошнинг *-диган* аффикси билан ясалган формаси кесим вазифасида қўлланганда ҳозирги-келаси замон формасидагидан бошқачароқ маъно ифодаланади. Қиёсланг: *Бир-икки кундан кейин келади — Бир-икки кундан кейин келадиган*. Иккинчидан, *-диган* аффикси билан ясалган формада белги билдириш хусусияти (атрибутивлик белгиси) кучли. Бу форма *экан* (*эканлик*, -лик) билан қўлланганда ҳам унинг шу хусусияти сезилиб туради ва аниқланмиш вазифасидаги сўз тушиб қолгандай бўлади. Масалан, *Унинг яхши ишлайдиган эканини биламан* гапида *ишлайдиган* сўзидан кейин бирор сўз (от) бордек сезилиб туради (*Унинг яхши ишлайдиган одам эканини биламан*).

Демак, *-диган* аффикси билан ясалувчи формада белги ифодалаш хусусияти кучли. У, асосан, атрибутив вазифани бажарувчи форма ҳисобланади<sup>154</sup>. Бу формада тарихан *-(а)р* аффикси билан ясалувчи сифатдошга хос бўлган вазифанинг биттасигина (атрибутив вазифасигина) мавжуд.

Ана шу айтилган хусусиятлар кесими ҳозирги-келаси замон ва келаси замон формасида бўлган гапларни гапнинг бирор бўлаги бўлиб келувчи конструкцияга айлантиришда *-диган* аффикси билан ясалган сифатдош формасини қўллайверишга тўққинлик қилади.

Тарихан *-(а)р* аффикси билан ясалувчи ҳозирги-келаси замон сифатдошнинг вазифаларидан бирини, яъни субстантив вазифасини ҳозирги ўзбек тилида феълнинг *-(и)ш* (*-маслик*) аффикси билан ясалган ҳаракат номи формаси бажаради. Масалан, «Бобирнома»дан юқорида келтирилган мисолда

<sup>154</sup> *-диган* аффикси билан ясалган форманинг бу хусусиятини С. Н. Иванов жуда тўғри белгиллаган. Қаранг: С. Н. Иванов, Очерки по синтаксису узбекского языка (Форма на *-ган* и её производные), Изд-во ЛГУ, 1959, стр. 107.

биринчи гапдаги *ўлтурур* формаси вазифасида ҳозирги ўзбек тилида *ўтириш* формаси қўлланади. Иккинчи мисолдаги *кирар* формаси вазифасида *кирадиган* формаси қўлланади<sup>155</sup>.

Ҳозирги ўзбек тилида *-(и)ш* аффикси билан ясалган ҳаракат номи формаси маълум ўринларда *-диган* аффикси билан ясалган сифатдош формаси вазифасида ҳам қўллана олади: *учрашиш пункти — учрашадиган пункт; қазиш асбоби — қазийдиган асбоб*.

*-(и)ш* аффикси билан ясалган ҳаракат номи формаси бирор стилистик ёки модал маънога эга эмас.

Ҳозирги-келаси замон сифатдошининг субстантив вазифада қўллана олиши, *-диган* аффикси орқали ясалувчи сифатдош билан маълум умумийликка эгаллиги, бирор стилистик ёки модал маънога эга эмаслиги натижасида кесими ҳозирги-келаси замон ёки келаси замон формасидаги гапларни гапнинг бирор бўлаги бўлиб келувчи конструкцияга айлантиришда *-(и)ш (-маслик)* аффикси билан ясалган ҳаракат номи формасини қўллаш имкони туғилади. Бу форма ҳаракат номи (от форма) бўлганлигидан уни *эканлик, экан, -лик* воситасисиз ҳам қўллаш мумкин.

Демак, бунда *-(и)ш* аффикси фақат *-диган* аффиксининг вазифасида қўлланувчигина бўлмай, балки *эканлик, экан, -лик* воситаларининг ҳам вазифасини бажарувчи бўлиб қолади. Замон маъноси контекстдан ёки бошқа сўзларнинг қатнашуви билан реаллашади: *Заводда ишлайди — Заводда ишлашини биламан. Эртага келади — Эртага келишини биламан*.

Ҳозирги ўзбек тилида *экан* тўлиқсиз феълнинг асосий вазифаларидан бири бу вазифада унинг *эканлик, -лик* воситаларидан фарқли хусусияти шундан иборат.

Хуллас, мустақил гап ҳукмидаги конструкцияни гапнинг бирор бўлаги вазифасида келувчи конструкцияга айлантириш фикрни ихчам формада ифодалашнинг бир усули сифатида юзага келган. Бу ҳодиса дарак гап ва сўроқ формасидаги гаплар доирасидагина рўй бериши мумкин.

## ЭМИШ

Тўлиқсиз феълнинг бу формаси ҳам аслида *эр-ўза*гига сифатдош ясовчи *-миш* аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган. Ҳозирги вақтда *-миш* аффикси кўпгина туркий тилларда сифатдош ясовчи сифатида қўлланмаганидек, *эмиш*

<sup>155</sup> *-(а)р, -диган, -(и)ш* аффикслари билан ясалувчи феъл формаларининг бу хусусияти ҳам С. Н. Ивановнинг юқорида кўрсатилган асариди (108-бет) тўғри кўрсатилган.

формаси ҳам айрим туркий тилларда қўлланмайди. Бу тўлиқсиз феъл *имиш*, *ймиш*, *миш* каби вариантларда ҳам қўлланади. Бундай қўлланиш, айниқса, оғзаки нутқда кўп учрайди.

*Эмиш* тўлиқсиз феълнинг маъно ва вазифа доираси *эди*, *экан* тўлиқсиз феълнинг маъно ва вазифа доирасига нисбатан анча чегараланган. Бу форма ҳеч вақт муносабат ифодалаш учун, шунингдек, пайт ифодалаб, пайт эргаш. гапнинг кесими вазифасида қўлланмайди. Ҳатто, ўз маъносида ҳам ҳамма вақт қўлланавериш имкониятига эга эмас. (Бу ҳақда бир оз кейинроқ гапираимиз).

*Эди* тўлиқсиз феъли замон маъносига эга. *Экан* формаси, гарчи ўтган замон ифодаловчи форма бўлмаса ҳам, унда ўтган замон формасига хос хусусиятлар бутунлай йўқолган эмас. (Бу ҳақда ўз ўрнида гапирилди.) *Эмиш* формасида ўтган замон феъли ва ўтган замон сифатдошига хос хусусият бутунлай йўқолган.

*Эмиш* тўлиқсиз феъли отлар, шунингдек, феълнинг барча формалари билан қўллана олади. Лекин унинг қандай сўзларга ва феълнинг қандай формаларига қачон бирика олиш ёки бирика олмаслиги қандай маънода қўлланишига боғлиқ. Шу сабабли, аввало, *эмиш* тўлиқсиз феълнинг ифодалайдиган маъноси ҳақида гапириб, сўнгра шу маънода қандай феъл формаларига бирика олиши ва бу маънода қўлланишдаги хусусиятларига тўхтаймиз<sup>156</sup>.

I. Эшитиб билганлик маъносини билдиради. Унинг бу маъносига мос равишда гап ичида «эшитишимча», «айтишимча» каби маънодаги сўз ёки сўзлар бирикмаси қўлланиши мумкин:

*Кечқурун идорада мажлис бор: Жамики аъзоларнинг бо-риши ма ж б у р и й м и ш* (Саид Аҳмад, «Уфқ»). *Аравани бер а р м и ш с и з. Ботиров буюрди* (Ҳ. Назир. «Сўнмас чақмоқлар»). *Эшитишимча, Тошкентдан, Бухородан, Қўқондан ва бошқа жойлардан бир қанча йигит-қизлар Москвага ўқишга кетган эмиш* (Ҳ. Нуъмон, А. Шораҳмедов, «Ота»).

*Эмиш* тўлиқсиз феъди бу маънода ўтган замон феълнинг *-ган*, *-бди* формаларига, ҳозирги ва ҳозирги-келаси замон сифатдошларига, *-р* аффикси билан ясалувчи формага, *-моқчи* формасига ва ҳаракат номи формасига бирикади. Бу формаларнинг ҳаммаси ҳам эшитилганлик маъносига қўшимча бош-

<sup>156</sup> *Эмиш* тўлиқсиз феъли отлар билан қўлланганда ҳам, феъллари билан бирикканда ҳам бир хил маъно ифодалайди. Шунга кўра, отларга ва феълларга бириккан ҳолатини алоҳида-алоҳида олиб ўтирмаймиз. Айтилган гаплар отлар ва феълларга бириккан ҳолати учун умумий бўлади, келтириладиган мисоллар ҳам от ва феъллардан аралаш бўлаверади.

қа маъно ифодаламайди: *келаятган эмиш, келган эмиш, келар эмиш, келмоқчи эмиш.*

Ўтган замон феъллари доирасида *эмиш* тўлиқсиз феълнинг -ган аффикси билан ясалувчи формага бирикиши асосий ва нормал ҳолат ҳисобланади. Нутқ моментигача бўлган (ўтган замонга оид) ва ўзгадан эшитилган ҳар қандай ҳаракатни -ган *эмиш* формаси орқали ифодалаш мумкин ва ҳақиқатда ҳам бу маъно, асосан, шу форма орқали ифодаланади.

*Эмиш* тўлиқсиз феълнинг -бди формаси билан бирикиши жуда кам учрайди:

*Раис ҳам рози бўлибдилар эмиш* (Н. Сафаров, «Ҳаёт мактаби»). *Мен станокни юргизиб юборишга кечикибман эмиш* (Е. Хаимов, М. Раҳмон, «Ҳаёт-мамот»).

Лекин кам даражада бўлса -да, -бди *эмиш* формасининг қўлланиши қизиқроқ ҳодиса. Чунки -бди формасининг ўзи эшитиб билганлик маъносини ифодалай олади. Ҳатто эшитиб билинган нарса-ҳодисаларни ифодаловчи гаплардан бирининг кесими *эмиш* формасида, бошқасиники эса -бди формасида бўлаверади:

*Адамнинг ўртоғи кеча Москвадан келибди, дегин. Ҳали кечқурун Лена ҳолам билан келишар эмиш, дегин* (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»). *Станциядан телефон қилишди. Эшелон келибди. Юкларни эртадан қолдирмай ташиб олмасак, штрафга кирар эмиш* (Саид Аҳмад).

*Эмиш* тўлиқсиз феълнинг -бди формаси билан ҳам бирикиши (қўлланиши) бизнингча, икки нарсанинг сабабида (таъсирида) бўлиши керак. Биринчидан, -бди формаси доим эшитиб билганлик маъносини ифодалайвермайди. Бу форманинг асосий вазифаси ҳаракатни ўзи кузатмаганлик, ундан кейин воқиф бўлганлик маъносини ифодалашдир. Кейин билиш эса эшитиш ёки бошқа йўл билан бўлиши мумкин. Шу сабабли контекстан ташқарида -бди формасининг эшитиб билганлик ёки бошқа йўл билан билганлик маъносида қўлланганлиги аниқ бўлмайди. Масала, *келибди* деганда келганликни ўзгадан эшитган ёки келган шахсни ўзи кўриб билган бўлиши мумкин. *Эмиш* формаси бор бўлган ҳолларда эса эшитиб билганлик маъноси ҳамма вақт аниқ ифодаланади. Ана шу нарса -бди формаси билан *эмиш* тўлиқсиз феълнинг қўлланишига маълум даражада имкон беради. Лекин эшитиб ёки бошқа йўл билан билганлик контекст ёки умумий ҳолатдан аниқ бўлиб туриши сабабли эшитиб билганлик маъносида ҳам, асосан, -бди формасининг ўзи (*эмиш* тўлиқсиз феълсиз) қўлланаверади.

Иккинчидан, *эмиш* формаси ўзгадан эшитган гапни айнан ўз формасида бериш учун ҳам қўлланади. Бундай гапларнинг кесими билдирган ҳаракат ўзгадан эшитилган ҳаракат бўли-

ши ва бу маъно -бди формаси орқали ифодаланиши мумкин. Демак, бунда *эмиш* формасини қўлловчи шахс бу гапни ўзгадан эшитиб, уни айнан ўз формасида беради. Бу гапни айтган киши ҳам ҳаракатнинг бажарилишини ўзгадан эшитган бўлади. Масалан, *келибди эмиш* деганда сўзловчи шу ҳаракатнинг бажарилишини кимдандир эшитган кишидан эшитган бўлади. (Унга айтган одамнинг ҳам кимдандир эшитганлиги ифодаланади).

Ана шу икки ҳолат *эмиш* тўлиқсиз феълнинг -бди формаси билан ҳам қўлланишига имкон беради.

Ҳозирги замона оид ҳаракатни эшитиб билганлик маъноси билан ифодалашда қўлланувчи асосий форма -*ёган эмиш* формасидир.

Ҳозирги-келаси замон феъли билдирадиган ҳаракатлар эшитиб билган ҳаракат сифатида -*р эмиш* формаси орқали ифодаланади:

*Кексалар тунлари Зуҳра юлдузига термилиб, унинг нурларидан йўқолган болалик йилларини қидирар эмишлар. Тонгининг тароватли шамоли бир нафасгина гўдаклик йилларини қайтарар эмиш (Саид Аҳмад, «Қадрдон далалар»). Бир йил, ниҳоятти бир йил ишлаб берар эмишман (А. Қаҳҳор, «Синчалак»).*

Тўлиқсиз феълнинг *эди, экан* формалари ҳамма вақт ўзи бирикиб келган сўз билан бирга (унинг кетида) қўлланади. *Эмиш* тўлиқсиз феъли эса феъл билан бирга ҳам, шунингдек, гап бошида ҳам қўлланади. Гап бошида қўлланганда, «айтишларича», «айтишларига қараганда» деган маънони билдиради. (Яъни шу сўзлар ўрнида қўлланади.) Бу ҳодиса, асосан, бирор ҳодиса-воқеанинг ҳикоясида учрайди. Ҳикоя ичида қатнашган гапларнинг кесими, одатда, эшитилганлик (-бди) формасида бўлади:

*Эмиш, қайсидир бир амирнинг замонида шу қишлоқ деҳқонлари Оқсойдан сув чиқариш учун тоғ бағрини ёриб ариқ ковлаётганларида, бир девонаи дарвиш келиб қолибди. У: «Эй барака топкурлар, мени ҳам ер-сувларингга шерик қилсанглар», деб илтимос қилибди... Йигитлар: Йўлингдан қолма!» — дейишибди, жаҳллари чиқиб. Девонаи дарвиш дуоибад қилиб, юзига фотиҳа тортибди-ю, жўнаб қолибди... (С. Анорбоев, «Оқсой»).*

*Эмиш* тўлиқсиз феъли эшитиб билганлик маъносини билдирар экан, ўз-ўзидан, бу форма қўлланган гап орқали ифодаланган фикр сўзловчининг ўз фикри бўлмайдиган ва бу фикрни билдирувчи гап ҳам унинг ўз гапи эмас. Сўзловчи *эмиш* тўлиқсиз феълни қўллаш билан кимдир томонидан айтилган (ўзгадан эшитган) фикрни ўша одам томонидан айтилган гап орқали беради. Ўзга томонидан айтилган гап эшитган шахс



орқали баён қилинган вақтда гап кесимининг формаси ўзгармаслиги, яъни *эмиш* тўлиқсиз феълнинг қўшилишидан бошқа формал ўзгариш бўлмаслиги мумкин: *эки* феъл кесимнинг формаси ҳам ўзгариши мумкин: *кеча келган — кеча келган эмиш, эртага келади — эртага келар эмиш*. Феъл формасининг қачон ўзгариши *эки* ўзгармаслиги *эмиш* тўлиқсиз феъл ва мустақил феълнинг хусусиятидан келиб чиқади.

*Эмиш* тўлиқсиз феъли аслида боғлама вазифасини бажарганлиги учун шахсли феъл формасига эмас, балки феълнинг от формаларига бириккан. Шу сабабли гап кесими сифатдош *эки* аслида от форма феъллардан бўлганда, *эмиш* тўлиқсиз феъли уларга бевосита бирикаверади, яъни мустақил феъл формаси ўзгармайди: *келган — келган эмиш, келмоқчи, — келмоқчи эмиш* каби. Агар кесим шахсли феъллардан бўлса, бундай гапнинг ўзгачан эшитилган гап эканини ифодалашда шахсли феъл формаси сифатдош формаси билан алмаштирилади. Бундай ҳолларда шахсли феъл қайси замон формасида бўлса, шу замонни ифодаловчи сифатдош формаси билан алмаштирилади: *кеча келди — кеча келган эмиш, ҳозир келяпти — ҳозир келаётган эмиш, эртага келади — эртага келар эмиш*. Демак, бундай ҳолларда феъл кесим формасининг ўзгариши *эмиш* тўлиқсиз феълнинг хусусияти таъсирида бўлади.

Буйруқ-истак майли формасидаги феъл билдирган ҳаракатнинг бажарилиши мантиқан келгусига оид бўлади. Кесими буйруқ-истак майли формасидаги гап билдирган фикр ўзганинг фикри эканини (бу гап ўзганинг гапи эканини) ифодалашда буйруқ-истак формаси *-р эмиш* формаси билан алмаштирилади. Бунда ҳаракат бажарилишининг келгусига оидлиги *-р* формаси орқали, эшитиб билганлик маъноси эса *эмиш* формаси орқали ифодаланади.

Кесими буйруқ-истак майли формасидаги гап ўзганинг гапи (эшитилган гап) тарзида ифодаланганда, иккинчи шахс буйруқ-истак формаси биринчи шахс, учинчи шахс буйруқ-истак формаси иккинчи шахс эшитиб билганлик формаси орқали ифодаланади: *эртага келинг — эртага келар эмишман, эртага келсин-эртага келар эмишсан*.

*Тайинлаб идорага чиқиб кетдилар, кўчларни тайёрлаб турармишимиз* (Сайд Аҳмад, «Уфқ»). *Обкомдан айтишибди, биринчи секретарнинг ўзига телефон қилармишимиз* (Сайд Аҳмад, «Уфқ»).

Бу икки гап эшитилган тарзда эмас, балки сўзловчининг ўз гапи тарзида бериладиган бўлса, биринчи мисолдаги *тайёрлаб турармишимиз* формаси *тайёрлаб туринглар*, иккинчи мисолдаги *телефон қилармишимиз* формаси *телефон қилсин* тарзида ифодаланади. Бунинг сабаби шундаки, буйруқ-истак

майлининг иккинчи шахсида ҳаракатни бажарувчи бевосита тингловчи (эшитувчи)нинг ўзи бўлади. Эшитганликни баён этишда эса у биринчи шахс, яъни сўзловчи бўлади. Шунингдек, буйруқ, илтимос ҳам ўзгага иккинчи шахс орқали айтилади. Демак, тингловчи бу гапни ўзгага етказишда (айтаётганда) у (ўзга) тингловчи (иккинчи шахс) ҳолатида бўлади.

Кўринадики, *-р эмишман, -р эмишсан* формаси икки хил маънода қўлланади: 1) Аниқлик майли формасидаги феъл билдирган ҳаракатни эшитилганлик маъноси билан ифода-лайди; 2) Буйруқ-истак тарзидаги ҳаракатни эшитганлик маъноси билан ифодалайди. Бунда *-р эмишсан* формаси ифодалайдиган маъно иккинчи ёки учинчи шахс буйруқ-истак формаси билан *деди* феъли орқали ифодаланадиган маънога тенг бўлади: *Эртага келар эмишман — эртага кел, деди; эртага келар эмишсан — эртага келсин, деди.*

*Эмиш* тўлиқсиз феъли эшитиб билганлик маъносида шарт майли формасидаги феъл билан қўлланмайди. Бунинг сабаби шарт майли формасидаги феълнинг содда гап кесими бўлиб келганда истак ифодалашидир. Истакнинг ўзгача эшитилганлиги маъноси *демак* феъли ёрдамида ифодаланади: *Эртага бир кинога борсак — Эртага бир кинога борсак, деди.*

*Эмиш* тўлиқсиз феъли билан шаклланган кесим биринчи ва иккинчи шахсга нисбатан учинчи шахс формасида кўп қўлланади. Бунинг сабаби биринчи шахсда ҳаракат бажарувчиси сўзловчининг ўзи бўлишидир. Чунки сўзловчи ўзи бажарадиган (бажарган, бажараётган) ҳаракатини ўзи билмай, уни ўзгача эшитиб билиши ҳодисаси объектив ҳолда кам бўладиган ҳодиса. Биринчи шахс формаси ўз ҳаракатини ўзи билмай, ўзгача эшитган, лекин бунга ўзи ишонмаган, таажжубланган каби ҳолларда қўлланади:

*Гапирсам тўнини тескари кийиб оладиган бўлди. Нуқул жанжал қилармишман. Ҳамма пулни модага сарф қилармишман* (Б. Раҳмонов, «Юрак сирлари»).

Бажарувчи иккинчи шахс (тингловчи) бўлган ҳолларда бу ҳаракатни сўзловчи ўзгалардан эшитган бўлса, кўпинча, бунинг тўғри ёки тўғри эмаслигини тингловчидан сўрайди. Шу йўл билан эшитилганлик ҳам ифодаланади. Масалан, суҳбатдошининг заводда ишлашини кимдандир эшитган бўлса, *заводда ишлар эмишсиз* деб ўтирмайди. Чунки сўзловчи айтса-айтмаса, тингловчи ўз ҳаракатини ўзи билади. Шунинг учун сўзловчи бу ҳаракатнинг аниқ ёки аниқ эмаслигини (тўғри ёки нотўғрилигини) билиш учун мурожаат қилиши, шу ҳақда савол билан мурожаат қилиши мумкин. Бинобарин, бу ўринда *заводда ишлар эмишсиз* дейилмайди, балки *заводда ишлар эмишсизми?* дейилади.

Эмиш тўлиқсиз феъли билан шаклланган феълнинг иккинчи шахсда қўлланиши одатда тингловчи шу ҳаракатни тан олмаётган ёки сўзловчи томонидан норозилик, ранжиш каби маънолар ифодаланган ҳолларда учрайди.

— *Бормаяман.*

— *Йўқ, бораётган эмишсан.*

*Эшитишимга қараганда, сизлар ишга бир оз совуққонлик билан қараётган эмишсиз (Ибохон, «Улуғ кун»):*

Эмиш тўлиқсиз феъли тушда кўрилган нарса-ҳодисаларнинг баёнида (ҳикоясида) ҳам қўлланади.

*Мен тушимда осмонга, арши аълога чиқибман, олло билан суҳбатлашиб ўтирган эмишман («Латифалар»). Каттақон йиртқич қуш Қудратни кўтариб кетаётган эмиш. Қуш борган сари баландлашар, ер эса кўзига коптокдек бўлиб кўринар эмиш. Қудрат уйғониб кетди (Ж. Абдуллахонов, «Йўл»).*

Демак, бундай ҳолларда туш хабар берувчи, билдирувчи (айтувчи) бўлади ва сўзловчи нарса-ҳодиса, ҳаракатни тушидан билган (эшитган) тарзда ифодалайди.

Эмиш формаси қўлланганда ифодаланган нарса-ҳодисалар аниқ тарзда бўлмаслиги (кимлардир айтган нарса-ҳодисалар бўлиши) таъсирида «аниқ бўлмаган нарса-ҳодиса, фақат оғизда (гап ҳолида) мавжуд бўлган нарса-ҳодиса» маъносини ифодаловчи *миш-миш* сўзи келиб чиққан:

*Бир неча йилдан кейин унинг қўнғирот элида овулма-овул девога бўлиб юргани ҳақида «м и ш-м и ш» тарқалди (А. Мухтор, «Қорақалпоқ қиссаси»).*

Эшитиб билганлик маъносида экан тўлиқсиз феълнинг ҳам қўлланиши ва маълум ҳолларда *эмиш* формаси ўрнида *экан* ёки, аксинча, *экан*, формаси ўрнида *эмиш формасини* қўллаш мумкинлигини кўриб ўтган эдик. Лекин бу маънода *экан* ва *эмиш* формалари бир-бирига тенг ҳолда эмас. Шу сабабли буларнинг бири ўрнида иккинчисини қўллаш ҳамма вақт ҳам мумкин бўлавермайди.

*Экан* формасида эшитиб билганлик маъноси алоҳида таъкидланмайди. Бу маъно бирор бошқа восита ёки умумий ҳолатнинг таъсирида аниқ ифодаланиб туради. *Эмиш* формасида эса эшитганлик маъноси ҳамма вақт таъкидланади. Бу форма контекстдан ташқарида ҳам эшитиб билганлик маъносини ифодалайверади. Қиёсланг: *уйда экан — уйда эмиш, яхши экан — яхши эмиш, рози экан — рози эмиш, билар экан — билар эмиш.*

Нарса-ҳодиса, ҳаракат ўтган замонга оид бўлган ҳолларда, яъни ўтмишга оид (ҳозир йўқ) факт сифатида келганида, эшитиб билганлик маъносида *экан* формаси қўлланади, лекин *эмиш* формаси қўлланмайди:

*Мана, сизда нарса бор экан, сотибсиз, бизда бир парча ердан бошқа қўлга илнарли ҳеч нарса йўқ эди (Ойбек, «Қутлуғ қон»), Афанди муфти экан, бир косиб ундан фатво сўраб келибди («Латифалар»). Фотиҳа қилмаганда, албатта сизга берар экан, кўп афсус чекди (А. Қодирий, «Меҳробдан чаён»).*

Биринчи мисолда нарсанинг борлиги, иккинчи мисолда Афандининг муфтилигини сўзловчи, албатта, ўзгачан эшитиб билган. Лекин бундан қатъий назар, улардаги эшитиб билганлик маъносини ифодалаш учун *эмиш* тўлиқсиз феълини қўллаб бўлмайди. Чунки буларда (учинчи мисолда ҳам), биринчидан, эшитилганлик маъноси алоҳида таъкидланмайди. Иккинчидан, нарсанинг борлиги, Афандининг муфтилиги ва бериш мумкинлиги ўтган замонга оид (ҳозир йўқ) факт.

*Экан* тўлиқсиз феъли пайт эргаш гапнинг кесими таркибида ҳам эшитиб билганлик маъносида қўлланаверади, *Эмиш* формаси эса ҳеч вақт пайт эргаш гап кесими таркибида қўлланмайди.

*Эмиш* формасида баён қилинаётган нарса-ҳодисанинг аниқ эмаслиги, у фақат эшитилган (оғиздаги), гап экани ифодаланганини кўрсатди. Демак, бунда нарса-ҳодисанинг ҳақиқат экани маълум даражада эътироф этилмайди. *Экан* формаси эшитилганлик маъносида қўлланганда, нарса-ҳодисанинг ҳақиқатлиги инкор этилмайди. Шунинг учун у мақоллар таркибида ҳам қўлланаверади ва бундай ҳолларда *экан* тўлиқсиз феъли ўрнида *эмиш* тўлиқсиз феълини қўллаб бўлмайди:

*Балли, мулла Қўчқор. Кўп савоб иш қилибсиз. Битта майизни қирқ киши бўлиб ейишган экан (С. Анорбоев, «Оқсой»).*

Бу мисолдаги *экан* формаси ўрнида *эмиш* формаси қўллansa, ҳодисанинг аниқ экани эътироф этилмайди, балки шундай гапни кимдандир эшитганлик ифодаланади.

*Эмиш* формасида «аниқ эмаслик» ҳолатининг кучлироқ бўлишини қуйидаги ҳодисада аниқ кўриш мумкин. Масалан, сўзловчи бир қизнинг исми Иқбол эканини шу қизнинг ўзидан сўраб (эшитиб) билган бўлса, буни бировга айтишда *экан* формасини қўллайверади: *Исми Иқбол экан* (ўзи айтди, ўзидан сўраб билиб олдим). Агар қизнинг исми Иқбол эканини бошқа бировдан эшитган бўлса, кўпроқ *эмиш* формасини қўллашга тўғри келади: *Исми Иқбол эмиш* (ҳамқишлоғи айтди).

Кўринадик, *эмиш* формаси эшитганлик маъносини ифодаловчи махсус форма бўлса-да, лекин шу маънода ҳам ҳамма вақт қўлланавериш имкониятига эга эмас. Жуда кўп ҳолларда бу маънода *экан* формаси қўлланаверади. Лекин *экан* формаси ҳам эшитиб билганлик маъносида ҳамма вақт қўллана-

вермайди, туғрироғи, ҳамма вақт қўлланавериш имкониятига эга эмас.

*Экан* тўлиқсиз феъли ўтган замон ифодаловчи форма бўлмаса ҳам, лекин унда ўтган замон формасига хос хусусият маълум даражада сақланиши айtilди. Бу хусусият *экан* формаси эшитиб билганлик маъносида қўлланганда ҳам сақланади. Шунга кўра, нарса-ҳодиса, ҳаракат мавжуд факт сифатида ифодаланган ҳолларда эшитиб билганлик маъносида *эмиш* формаси қўлланади, лекин *экан* формаси қўллана олмайди. Қуйидаги мисолларда ҳам, худди шу сабабга кўра, *эмиш* формаси ўрнида *экан* формасини қўллаб бўлмайди:

(Тушида) Низомжон марҳум онаси ва акасининг юзларини шундсққина кўрди. Узгармаган, аммо, негадир икковининг ҳам бўйи жуда узун бўлиб кетганмиш (Саид Аҳмад, «Уфқ»). Бир кун намозга одамлар йиғилганда мачитнинг имоми таҳорат олаётиб ҳовузга йиқилиб тушибди. Одамлар: «Қўлингизни беринг», дейишса ҳам фарқ бўлаётган имом қўлини бермас эмиш. Ҳовуз бўйига Афанди келиб, одамларни нари-бери сурибди... («Латифалар»).

Иккинчи мисолдаги латифа орқали баён қилинаётган ҳодиса ўтмишга оид, албатта. Лекин имомнинг «қўлини бермаслиги» кейинги ҳодисаларга нисбатан мавжуд факт ҳолатида. Шу сабабли бу ўринда *экан* формаси эмас, балки *эмиш* формаси қўлланган.

Демак, нарса-ҳодиса ўтмишга оид (йўқ) факт сифатида бўлганда, эшитиб билганлик маъносида *эмиш* формаси қўллана олмаганидек, нарса-ҳодиса мавжуд факт сифатида бўлганда эшитиб билганликни ифодалаш учун *экан* формасини қўллаб бўлмайди.

*Эмиш* тўлиқсиз феълнинг биринчи маънода қўлланишдаги хусусиятлари шулардан иборат. Энди унинг қандай қилиб шу маънони ифодаловчи формага айланганлиги масаласига тўхтайлик.

-миш аффиксининг тарихан ҳозирги ўзбек тилидаги -ган аффиксига хос маънога эга бўлганлиги ва айрим туркий тилларда ҳозир ҳам шундай маънога эгаллиги маълум. *Эмиш* формаси ҳам тарихан *экан* формасига хос маънода қўлланган, яъни у фақат эшитиб билганлик маъносининг ўзини эмас, балки умуман кейин билганлик маъносини билдирган. Кейин билганлик эса эшитиш ёки бошқа йўл билан юз берган. Булардан қайси бири билан қўлланиши контекст ёки бошқа сўзлар воситасида реаллашади. Навоийдан келтирилган қуйидаги икки мисолнинг ўзиёқ бунинг аниқ далили бўлади:

Эшиттим, телба ит куйида қатлайлари эмиш  
онинг,

*Ким ул куй итларидин эрди бу девога ҳам бир куй.*

Англадимким, саъб эмиш бемор фурқат  
ранжи, лек

*Шарбати захру ғизоси қон эканни билмадим.*

Демак, *эмиш* формаси ҳам, аслида, *экан* формаси каби, умуман кейин билганлик маъносида қўлланган.<sup>157</sup> Унинг фақат эшитиб билганлик маъносида қўлланиши эса, бизнингча, дифференциация қонуни таъсирида юз берган. Чунки бу икки форманинг бир хил маъно ва вазифада қўлланишда давом этавериши қонуний жиҳатдан мумкин эмас. Ана шу қонун таъсирида *эмиш* формаси, *экан* формасидан фарқли ҳолда, фақат эшитиш йўли билан билганлик маъносини ифодалаш учун махсуслана борган ва охири шундай хусусиятли формага айланган.<sup>158</sup>

*Экан* ва *эмиш* формаларининг эшитиб билганлик маъносида ҳар бирининг қўлланишидаги ўзига хос хусусиятлари ҳам бу икки форма ўртасидаги дифференциациянинг натижаси деб қаралиши керак.

*Экан* ва *эмиш* формалари ўртасида маъно жиҳатдан дифференциация юз берганда, *экан* формаси эмас, балки *эмиш* формасининг фақат эшитиш йўли билан билганлик маъносини ифодаловчи формага айланиши ҳам қонуний. Чунки *-миш* аффикси билан ясалувчи форма (*олмиш*, *бормиш*) каби ҳозирги замон ўзбек тили учун характерли эмас. *-ган* (*-кан*) аффикси билан ясалувчи форма эса ҳозирги ўзбек тили учун жуда умумий характерга эга. Шунга кўра, *эмиш* формасига хос маънони ифодалай оладиган *экан* формаси бор экан, кейинги тараққиёт *эмиш* формасининг шу маънони ифодаловчи форма сифатида истеъмождан чиқишини ёки қандайдир маъно учун махсусланишини (фарқли хусусият касб этишини) талаб этади.

---

<sup>157</sup> Кейин билганлик маъносининг қандай келиб чиққанлиги ҳақида *экан* формаси баҳсида гапирилган эди. Уларни худди *эмиш* формасига нисбатан ҳам айтиш мумкин бўлганлиги учун бу ўринда яна такрорлаб ўтирмаймиз.

<sup>158</sup> *Эмиш* формасининг *миш* кўринишида ҳам қўлланиши ва доим эшитиб билганлик маъносида ишлатилиши таъсирида ёзувда *-миш* аффиксини ҳам шу маънода қўллаш ҳоллари учраб туради.

Бир ёзувчи овга бормиш,  
Кўл бўйига қармоқ солмиш.  
Оқшомгача узмай кўзин,  
Бир балиқча тутиб олмиш («Муштум»).

Лекин *-миш* аффикси ҳозирги ўзбек адабий тилида эшитилганлик маъносини билдирувчи феъл формасини ясовчи эмас.

*Эмиш* формасида аёна шу ҳодисанинг кейингиси юз берган. Агар экан формаси эшитиб билганлик маъносида ҳамма вақт ҳар қандай ҳолларда қўллана олганида, балки *эмиш* формаси истеъмождан бутунлай чиқиб кетган бўлар эди. Лекин, кўриб ўтганимиздек, экан формаси эшитиб билганлик маъноси ни ифодаловчи махсус форма эмас ва бу маънода ҳамма вақт қўлланавериш имкониятига ҳам эга эмас. Бу нарса эшитиб билганлик маъноси ни ифодаловчи махсус форма сифатида *эмиш* формасининг ўзбек тилида яшашини тақозо этади.

2. Эътироз, норозилик, ёқтирмаслик, ранжиш («гапини қаранг», «шу ҳам гап бўлди-ку») каби маъноларни билдиради. Бунда икки хил ҳолатни кўриш мумкин.

а) Ўзганинг гапига қўшилмаслик, норозилик, ранжиш ифодаланади. Бундай ҳолларда ўзганинг гапи айнан ўз ҳолида ёки унинг бирор қисми *эмиш* тўлиқсиз феъли билан қўлланади. Шунингдек, гапининг кесими айнан ўз формасида ёки айрим ўзгариш билан қўлланиши мумкин. *Эмиш* тўлиқсиз феъли бу маънода ҳар қандай сўз ва феълнинг ҳар қандай формаси билан қўллана олади. Чунки сўзловчи ўзгачан қандай сўз эшитган бўлса, унинг айнан ўзини, айнан формасида *эмиш* тўлиқсиз феъли билан такрорлайверади:

*Раҳим масҳарали қараш қилиб ва ўзининг биринчи пионерлар постидаги «навбатчилиги»ни пеш қила кетди. Бу, Мехрига ёқмади.*

— Навбатчилик *эмиш*, қоровуллик деб қўя қол! (Ҳ. Назир, «Сўнмас чақмоқлар») Қ а й т э м и ш -а, эркак бўлсанг йўл бошла! (Ойбек, «Қутлуғ қон») Масҳара қилганим йўқ, опагон. Тўғриси айтдим.

— Ҳа, тўғриси айт ар *эмиш* л а р -а . . . (Ж. Абдуллахонов, «Янги одамлар»). *Тепангизга чиқиб кетяпти, индамайсиз! Иш билан келган *эмиш*! Нима иш билан келибди?* (А. Қаҳҳор «Синчалак».)

б) *Эмиш* тўлиқсиз феъли қўшилиб келган сўз (умуман гап) ўзгачан эшитилган бўлмайдими, балки сўзловчининг бирор нарса-ҳодисадан норозилиги, ранжиши ифодаланади. Нимадан норози экани эса гапининг умумий мазмунидан билиниб туради:

*Зардоб ютиб иш лагин, *эмиш*-у, ҳосилингни ўртага тўкиб, оғзингни очиб қолавер *эмиш* (Ҳ. Шамс, «Душман»). Бу қандоғ адолатсизлик, энг чиройли, энг ақлли қиз сиздек ичи қора . . . фикри лойқа йигитни севар *эмиш*-у, сиз уни ҳақорат қилар *эмиш* сиз?! (Ҳ. Фулов, «Сенга интиламан») Сени қара-я! Унинг қўли ўша куниеқ тўзалиб кетган. Яна «в р а ч» *эмиш* -а . . . (О. Ёқубов, «Тенгдошлар»). Оббо айёр кал-эй. бу Маҳкам билан бирга ҳўкизларни ўғ и р-*

ласин эмиш-у, ман яна Жайноқ акасининг гуноҳидан  
ўтармишман! (Н. Сафаров, «Уйғониш»).

Эмиш формаси эшитиб билганлик маъносини билдирган-  
да, сўроқ юкламаси (-ми) ҳамма вақт эмиш тўлиқсиз феълидан  
кейин қўшилади. Эътироз, ранжиш каби маъноларда қўллан-  
ганда эса -ми юкламаси асосий сўзга қўшилаверади. Қиёс-  
ланг: — Келган эмишми? — Келганми эмиш!

Эмиш формаси бу маънода қўлланганда, норозилик, эъти-  
роз, ранжиш алоҳида таъкид билан ифодаланади. Шунинг  
учун ҳам бундай ҳолларда, кўпинча, таъкид ифодаловчи -у,  
-а каби юкламалар ҳам қўлланади. (Келтирилган мисоллар-  
га қarang.)

Эмиш тўлиқсиз феълининг бу маъноси биринчи маъноси  
(эшитиб билганлик маъноси) асосида келиб чиққан. Буни  
келтирилган мисоллардан ҳам сезиш мумкин.



## УМУМИЙ ХУЛОСАЛАР

1. Ҳозирги ўзбек тилида (шунингдек, бошқа туркий тилларда ҳам) э- феъли лексик маъносини йўқотган ва ундан ҳосил бўлган айрим формаларигина қўлланади.

2. Э- феъли лексик мустақиллигининг йўқолиши, унинг грамматикализацияга учраши, туркий тиллар тараққиётида (жумладан, ўзбек тили тараққиётида) муҳим ҳодиса. Бунинг натижасида мазкур феълдан ясалган *эди, экан, эмиш* формалари турли-туман грамматик маъноларни ифодаловчи воситаларга айланган.

3. *Эди, экан, эмиш* формалари маъно ва вазифаси жиҳатидан бошқа туркий тиллардагига нисбатан ўзбек тилида анча ривожланган.

4. Тўлиқсиз феъл формалари, ўз семантик ва грамматик хусусиятларига кўра, грамматиканинг морфология баҳсида ҳам, синтаксис баҳсида ҳам ўрганилади. Чунки улар айрим сўз бўлиши билан бирга синтактик жиҳатдан жуда хилма-хилликка эгадир.

5. *Эди, экан, эмиш* формаларининг биринчи маъноси э- феъли билан *-ди, -кан (-ган), -миш* аффиксларига ҳос маъно хусусият таъсирида (асосида) келиб чиққан. Бошқа маъноларининг келиб чиқишида эса биринчи маъноси асосий ролни ўйнаган. Бундан ташқари, тўлиқсиз феъл формаларининг айрим маъноси дифференциация қонуни таъсирида, шунингдек, бошқа туркий тилларнинг таъсирида юзага келган.

6. Тўлиқсиз феъл формаларининг от кесимлар таркибида ифодалайдиган маънолари феълларга бирикканда ҳам, асосан, сақланади. Лекин у бирикадиган феъл формасининг таъсирида яна бошқа маъно ва хусусиятлар келиб чиқиши мумкин.

7. Тўлиқсиз феъл формаларининг қандай феъл формаларига бирика олиш ёки бирика олмаслиги уларнинг қандай

маънода қўлланиши, шу маънонинг аслида қандай феъл формаси доирасида келиб чиққанлигига боғлиқ.

8. *Эмиш* формасига нисбатан *эди* формасининг, *эди* формасига нисбатан *экан* формасининг кўп маънога эгаллиги улар таркибидаги *-ди*, *-кан*, *-миш* формантларига хос хусусият билан изоҳланади.

9. Тўлиқсиз феъл формаларининг, шунингдек, улар ёрдамида ясалган айрим феъл формаларининг маъно ва вазифа жиҳатдан тараққиёти ҳозирги вақтда ҳам давом этяпти.

10. *Эди* тўлиқсиз феъли замон маъносига (ўтган замон маъносига) эга. Лекин ўтган замон маъносини ифодалаш унинг ҳозирги ўзбек тилидаги вазифаларидан биригина, холос.

*Эди* тўлиқсиз феъли ўтган замон ифодаловчи элемент сифатида отлар билан қўлланганда, нарса-ҳодиса, белги кабиларнинг ўтмишдаги статик ҳолатини билдиради.

11. *Экан* тўлиқсиз феъли замон маъносини ифодаловчи форма эмас. Лекин унда ўтган замон формасига хос хусусият бутунлай йўқолган ҳам эмас. Унинг айрим вазифалари ва ўзига хос хусусиятлари худди ўтган замон формасига хос хусусият таъсирида келиб чиққан.

12. *Эмиш* формасида ўтган замон формасига хос хусусият бутунлай йўқолган ва у фақат модал маъно ифодаловчи формага айланган.

## БИБЛИОГРАФИЯ

### I

Энгельс Ф. Анти-Дюринг, М., 1950.

Ленин В. И. Сочинения, т. 29, изд. IV, М., 1950.

### II

Виноградов В. В. О формах слова, ИАН СССР, ОЛЯ, III, вып. 1, 1944.

Виноградов В. В. Русский язык, М., 1947.

Современный русский язык, Морфология, М., 1952.

### III

Азэрбајжан дилинин грамматикасы (коллектив), I, морфолокија, Бақы, 1960.

Баскаков Н. А. Каракалпакский язык, II, Фонетика и морфология, ч. 1, М., 1952.

Баскаков Н. А. Система спряжения или изменения слов по лицам в языках тюркской группы, Сб. «Исследования по сравнительной грамматике тюркских языков», II, Морфология, М., 1956.

Баскаков Н. А. Введение в изучение тюркских языков, М., 1962.

Баскаков Н. А. Составные глаголы в каракалпакском языке, Сб. «Вопросы изучения языков народов Средней Азии и Казахстана . . .», Ташкент, 1952, стр. 79—92.

Батманов И. А. Категория времени сказуемого в турецких языках, «Научные труды», УзНИИКС, т. 1, вып. 2, Ташкент, 1934.

Батманов И. А. Грамматика киргизского языка, вып. III, Фрунзе, 1940.

Батманов И. А. Язык енисейских памятников древнетюркской письменности, Фрунзе, 1959.

Богородицкий В. А. Введение в татарское языкознание в связи с другими тюркскими языками, изд. 2, Казань, 1953.

Вопросы развития литературных языков народов СССР в советскую эпоху (Материалы всесоюзной конференции), Алма-Ата, 1964.

Гордлевский В. А. Грамматика турецкого языка, М., 1928.

Грамматика алтайского языка (составлена членами Алтайской миссии), Казань, 1869.

Дийканов К., Кудайбергенов С. Кыргыз тилинин морфологияси, Фрунзе, 1957.

- Дмитриев Н. К. Грамматика башкирского языка, М.—Л., 1948.
- Дмитриев Н. К. Строй тюркских языков, М., 1962.
- Исхаков Ф. Г., Пальмбах А. А. Грамматика тувинского языка, Фонетика и морфология, М., 1961.
- Казем-бек А. К. Общая грамматика турецко-татарского языка, Казань, 1838.
- Кононов А. Н. Грамматика современного турецкого литературного языка, М.—Л., 1956.
- Мелиоранский П. М. Краткая грамматика казак-киргизского языка, ч. 1, СПб., 1894.
- Мусаев К. М. Грамматика караимского языка, Фонетика и морфология, М., 1964.
- Муталлибов С. XI аср ёзма ёдгорликларида феъл категорияси, Тошкент, 1955.
- Малов С. Е. Памятники древнетюркской письменности, М.—Л., 1951.
- Маманов И. Е. Вспомогательные глаголы в современном казахском языке, Алма-Ата, 1949.
- Наджиб Э. Н. Современный уйгурский язык, М., 1960.
- Насилов В. М. Грамматика уйгурского языка, М., 1940.
- Насилов В. М. Язык орхоно-енисейских памятников, М., 1960.
- Покровская Л. А. Грамматика гагаузского языка, Фонетика и морфология, М., 1964.
- Рамstedt Г. И. Введение в алтайское языкознание, Морфология, М., 1957.
- Севортян Э. В. Грамматические и семантические признаки аналитических конструкций в отличие от свободных словосочетаний в тюркских языках, Сб. «Аналитические конструкции в языках различных типов», М.—Л., 1965.
- Современный казахский язык, Фонетика и морфология, Алма-Ата, 1962.
- Татар теле грамматикасы, Фонетика һәм морфология, Казань, 1964.
- Щербак А. М. Грамматический очерк языка тюркских текстов X—XIII вв. из восточного Туркестана, М.—Л., 1961.
- Юдахин К. К. Киргизско-русский словарь, М., 1965.
- Юлдашев А. А. Система словообразования и спряжения глагола в башкирском языке, М., 1958.
- Юлдашев А. А. Аналитические формы глагола в тюркских языках, М., 1965.
- Һазирқи заман уйғур тили, Алмута, 1966.
- Brockelmann С. Osttürkische Grammatik der islamischen Litteratursprachen Mittelasiens, Leiden, 1954.
- Gaben A. von. Alttürkische Grammatik, Leipzig, 1950.

#### IV

- Абдурахмонов Ф. Қўшма гап синтаксиси асослари, Тошкент, 1958.
- Азизов А. А. Сопоставительная грамматика русского и узбекского языков, Морфология, Ташкент, 1959.
- Асқарова М. А. Ҳозирги ўзбек тилида эргашинш формалари ва эргаш гаплар, Тошкент, 1966.
- Боровков А. К. Очерки истории узбекского языка, II, Сб. «Советское востоковедение», VI, М.—Л., 1949.
- Боровков А. К. Краткий очерк грамматики узбекского языка, В. кн. «Узбекско-русский словарь», М., 1959.
- Боровков А. К. Лексика среднеазиатского тefsира XII—XIII вв., М., 1963.
- Боровков А. К. ва б. Ўзбек тили дарслиги, I қисм, Фонетика ва морфология, Тошкент, 1958.

- Боровков А. К. ва б. Ўзбек тили дарслиги, II қисм, Синтаксис, Тошкент, 1957.**
- Будзинский Н. С.** Краткая грамматика сартовского языка, Ташкент, 1910.
- Гулямов А. Г.** Проблемы исторического словообразования узбекского языка, I, Аффиксация, ч. I (рукопись докт. дисс.), 1955.
- Иванов С. Н.** Модальная связка экан и форма эканлик в узбекском языке, «Ученые записки ЛГУ», 256, серия востоковедческих наук, вып. 7, 1958.
- Коклянова А. А.** Категория времени в современном узбекском языке, М., 1963.
- Кононов А. Н.** Грамматика узбекского языка, Ташкент, 1948.
- Кононов А. Н.** Грамматика современного узбекского литературного языка, М.—Л., 1960.
- Маъруфов А.** Ҳозирги замон ўзбек тилида пайт эргаши гаплар, канд. дисс., Тошкент, 1949.
- Мирзасев М., Усмонов С., Расулов И.** Ўзбек тили, Тошкент, 1962.
- Наливкин В.** Руководство к практическому изучению сартовского языка, изд. 2, Ташкент, 1911.
- Поливанов Е. Д.** Узбекская диалектология и узбекский литературный язык, Ташкент, 1933.
- Поливанов Е. Д.** Введение в изучение узбекского языка, вып. I, Ташкент, 1935.
- Поливанов Е. Д.** Краткая грамматика узбекского языка, ч. I, Ташкент — Москва, 1926.
- Решетов В. В.** Основы фонетики и грамматики узбекского языка, Ташкент, 1961.
- Сулаймонов А. Х., Ҳожиев А. Ҳ., Жўраева Ж. М.** Феъл замонлари, Тошкент, 1962.
- Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш.** Ҳозирги ўзбек адабий тили, Тошкент, 1965.
- Фозилов Э.** Узбек тилининг тарихий морфологияси, Тошкент, 1965.
- Шоабдурахмонов Ш.** Узбек адабий тили ва ўзбек халқ шевалари, Тошкент, 1962.
- Щербак А. М.** Грамматика староузбекского языка, М.—Л., 1962.
- Эгамбердиев Б.** Ҳозирги замон ўзбек тилида «эмоқ» феъли, «Қарши Давлат педагогика институти илмий асарлари», 17-китоб, Қарши-Тошкент, 1965.
- Ўзбек диалектологиясидан материаллар, I**, проф. В. В. Решетов таҳрири остида, Тошкент, 1957.
- Ўзбек диалектологиясидан материаллар, II**, проф. В. В. Решетов таҳрири остида, Тошкент, 1961.
- Фуломов А. Ғ., Асқарова М. А.** Ҳозирги замон ўзбек тили, Синтаксис, Тошкент, 1961.
- Фуломов А. Ғ.** Феъл, Тошкент, 1954.
- Ҳозирги замон ўзбек тили (коллектив),** Тошкент, 1957.
- Ҳозирги ўзбек адабий тили (коллектив), I**, Фонетика, лексикология, морфология, Тошкент, 1966.
- Ҳозирги замон ўзбек адабий тили (коллектив), II**, Синтаксис, Тошкент, 1966.

## М У Н Д А Р И Ж А

Сўз боши . . . . .	3
Кириш . . . . .	5
Термин ҳақида . . . . .	5
Масаланинг ўрганилиши . . . . .	8
Тўлиқсиз феъл формаларининг маъно ва вазифалари . . . . .	11
Эди . . . . .	15
Экан . . . . .	166
Эмиш . . . . .	245
Умумий хулосалар . . . . .	257
Библиография . . . . .	259

*На узбекском языке*

**А. ХОДЖИЕВ**

## **НЕДОСТАТОЧНЫЙ ГЛАГОЛ**

Издательство «Фан» УзССР  
Ташкент — 1970

Муҳаррир Р. Қўчқортоева  
Техмуҳаррир В. М. Тарахович  
Корректор Н. Раҳимова

Р 06486. Теришга берилди 26/III-70 й. Босишга рухсат этилди 8/V-70 й.  
Формати 60×90<sup>1/16</sup> — 8,25 қоғоз л. — 16,5 босма л. Ҳисоб нашриёт л. 15,8.  
Нашриёт № 2334. Тиражи 1000 Баҳоси 1 с. 39 т.

ЎзССР „Фан“ нашриётининг босмахонаси, Тошкент, Черданцев кўчаси, 21.  
Заказ 77. Нашриёт адреси: Тошкент, Гоголь кўчаси, 70.